

7-9

Шарқ ЮЛДУЗИ



УЗБЕКИСТОН
СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

ТОШКЕНТ - 1946



ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

Шарж юлдузи

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА
САН'АТ ЖУРНАЛИ

№ 7—8

ИЮЛЬ—АВГУСТ

„ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТОН“ ва „ПРАВДА ВОСТОКА“
НАШРИЁТИ
Тошкент — 1946





„ЗВЕЗДА“ ВА „ЛЕНИНГРАД“ ЖУРНАЛЛАРИ ЖАҚИДА ЎРТОҚ ЖДАНОВ ДОКЛАДИ*

Ўртоқлар!

Марказий Комитетнинг қароридан ма’лум ва равшанки, „Звездада“ журналиниң энг ёмон қўпол хатоси ўз саҳифаларида Зошченко блан Ахматованинг адабий „ижодига“ ўрин бериб қўйганидир. Зошченконинг „Маймуннинг саргузашти“ деган асаридан намуналар кўрсатиб ўтиришимга ҳожат ҳам йўқ деб ўйлайман. Ҳаммаларингиз у асарни ўқиган бўлсаларингиз ва мендан кўра яхшироқ билсаларингиз керак. Бу „асарнинг“ мазмуни шуки, Зошченко бунда совет кишиларини бекорчи, дангаса, бемаза, нодон ва калтафаҳм одамлар деб кўрсатади. Совет кишиларининг меҳнати, уларнинг файрати ва фидокорона ишлаши, уларнинг юксак ижтимоий ва ма’навий фазилатлари Зошченкони мутлақо қизиқтирилмайди. Бу мавзу’ унинг асарларида ҳечқачон кўринган эмас. Зошченко ўзи таб’и паст, тубан одам бўлганидан турмушнинг ярамас икр-чикрларини кавлаб ўтиришни ўзига доимий мавзу’ қилиб олган. Турмушнинг икр-чикрларини бундай кавлаб ўтириши тасодифий эмас. Бу отат таб’и паст, ма’навиёти тубан ёзучиларнинг ҳаммасида бор. Зошченко ҳам шу хил ёзучиларнинг биридир. Горький ўз вақтида бу ҳақда жуда кўп гапирган эди. Горький совет ёзучиларининг 1934 йилда бўлган қурултойида „ёзучи“ деб ҳам бўлмагая бундай кишиларни ошхона-ю гўлаҳхонанинг дудидан бошқа нарсани кўзи кўрмаган кишилар деган эди.

„Маймуннинг саргузашти“ Зошченконинг одатдаги bemaza асарларидан бошқа бир нарса эмас. Бу „асар“нинг танқидга дуcho бўлиб қолганинг боиси шуки, Зошченконинг адабий „ижоди“даги барча салбий томонлар бу асарда ҳаммадан аниқ ва равшан кўринади. Ма’лумки, Зошченко эвакуациядан Ленинградга қайтиб келганидан бери бирқанча нарсалар ёэди, унинг ёзган бу асарларининг бор-йўқ „фазилати“ шуки, Зошченко совет кишиларининг ҳаётидаги бирорта ижобий воқиани, бирорта ижобий типни кўрсатмайди. „Маймуннинг саргузашти“дагидек бошқа „асарларида“ ҳам bemaza ва bem'aни ҳазил ва бекорчи кулги баҳонаси блан, совет турмушини, совет тартибларини, совет кишиларини масжара қилиш Зошченкога одат бўлиб қолган.

* Ленинград шаҳар партия активи ва Ленинград ёзучиларининг йигилишларида ўртоқ Жданов қылган нықми докладиниң бирлашгирлиб қисқартирилган стеноограммаси.

Агар „Маймуннинг саргузашти“ ҳикоясини диққат блан ўқиб чиқсангиз ва ўйлаб кўрсангиз, Зошченко маймунни бизнинг ижтимоий тартибларимиз ҳақида ҳукм чиқазадиган олий судья қилиб қўйганини ва маймунни совет кишиларига гўё аҳлоқ ўргатуви қилиб қўйганини кўрасиз. Маймунни одамларнинг сифатларини яхши ва ёмонга ажратишга ҳақли бўлган ақл ва дониш әгаси қилиб кўрсатади. Зошченко маймун тилидан ўзи гапириб, озод юргандан кўра ҳайвонот боғида ётган яхши, соёт одамлари орасида қисилиб юргандан кўра қапасда яйраб ётган яхши деган советга қарши қўланса ифлос гапларни айтиб олмоқ учун совет кишиларининг турмушини атайн шундай bemaza ва bem'a ни қилиб, масхара ю тасқара қилиб кўрсатади.

Ma'naviy va siёsий разолатнинг бундан ҳам ошгани бўладими? Бундай разолат ва бундай қабоҷатиа ленинградлилар қандай чидаб ўз журнallарининг саҳифаларида бу bemazagarчиликка қандай ўрин бердилар?

„Звезда“ журнали бу хил „асарларни“ совет кишиларига тақдим қилган бўлса, демак „Звезда“ журналига раҳбарлик қилути ленинградлиларнинг хуш'ёрликлари жуда жойида бўлса керак! „Звезда“ журналида совет тартиботларига бундай ҳайвоний душманлик заҳарини сочучи асарларни бостирган кишиларнинг хуш'ёрликлари қандай экан? Бу хил „асарларни“ фақаг адабиёт лойқалари яратмасалар, бошқа ҳечким яратмайди, бу хил асарларга фақат ғафлат босган кўрлар ва сиёсатни тушунмаган кишиларгина йўл берадилар.

Зошченконинг бу ҳикояси Ленинград тамоша саҳналарида ўқилиб чиқди, дейдилар. Бундай ҳолнинг бўлмоги учун Ленинградда мафкура ишларига раҳбарликнинг нақадар сусайиб кетган бўлмоги керак.

Бутун тушунчаги ва бутун ма'navиёти бузуқ бўлган Зошченко Ленинграддаги китта журналга кириб олиб, bemalol ишини қиласериди. Ҳолбуки „Звезда“ журнали ёшларимизни тарбия қиласидиган журналдир. Броқ Зошченко сингари разолатга қараб кетган ва советга қарши бўлган ёзучини ўз паноҳига олган журнал редакцияси бундай катта вазифани улдалай оладими? „Звезда“ журналининг редакцияси Зошченконинг ким эканини билмасмиди?

Ахир яқиндагина, 1944 йилнинг бошида, совет ҳалқи немис босчичиларга қарши жон-жаҳди блан урушиб турган вақтда Зошченконинг ёзган „Тонг отарда“ („Перез восходом солнца“) деган жирканч асари „Большевик“ жуналида ниҳоятда қаттиқ танқид қилингани эди-ку! Зошченко бу повестидаги ўзининг разил ва тубин қора кўнглиниң астар аврасини оғдариб кўрсатади, кўрсатгана ҳам бундан ўзи лаззатланиб, мана кўрдингиими менинг расволигимни, дегандек бўлиб завқ блан кўрсатади.

Зошченко „Тонг отарда“ деган повестидаги одамларни, жумладан ўзини ҳам, шарм-ҳаёсиз, ори йўқ, номуси йўқ ҳайвонларга ўхшатиб шундай ифлос „ахлоқни“ тарғиб қиласидиким бундан хуњуроқ нарса адабиётимизда сра топилмас. Ҳалқимиз тарихда

мисли кўрилмаган даҳшатли урушда жон олиб, жон берадиган бир вақтда, совет давлатининг ҳаёт-мамоти қил устига турган ва совет халқи немисларни енгмоқ учун жон-жиҳди блан урушиб ҳисобсиз қурбонлар бериб турган бир вақтда, Зошченко совет ўқучиларига ана шундай „тухфалар“ қилган эди. Совет халқи жон бериб, жон олаётган бир вақтда Зошченко урушдан йироқ Олмаота шаҳрига бориб олиб, совет халқининг немис босқинилар блан қилаёғган урушига зигирдак ҳам ёрдам бермади. Шунинг учун совет адабиётiga ёт бўлган, қабиҳ ҳажв йўлига кириб разолатга қараб кетган Зошченко „Большевик“ журналида шарманда қилинганлиги жуда ўринли эди. Зошченко у вақтда жамоатчиликнинг фикри а сра этибор қилмай, назар писандга олмади. Лекин орадан икки йил ўтар-ўтмас, „Большевик“ журналида ёзилган тақризининг сиёхи қуарар-қуrimas, Зошченко дабд баю совлат блан Ленинградга кириб келди, кириб келгач Ленинград журналларининг саҳифалари устида бемалол жавлон уриб юра берди. Унинг „асарларини“ ёлғиз „Звезда“ эмас, „Ленинград“ журнали ҳам бажони-дил босаберди. Театрлар ҳам унга ўз саҳналарини жон деб бериб қўйдилар. Бу ҳам кифоя қилмай, ёзучилар союзининг Ленинград бўлимида унинг раҳбарлик даражасига чиқишига ва Ленинграднинг адабиётга доир ишларида фаол роль ўйнашига имкон бериб қўйдилар. Ленинград адабиёт богоининг гулзорларини Зошченкога поймол қилдириб қўйишига нима ҳаққингиз бор? Ленинграднинг партия активлари, Ленинграднинг ёзучилар ташкилоти нега бундай расвогарчиликларга йўл бериб қўйдилар?

Зошченко фақат энди бундай расво ҳолга тушиб унинг ижтимоий-сиёсий ва адабий қиёфасининг тамомила чириган ва ириганилиги эндигина ошкор бўлгани йўқ. Унинг ҳозирги „асарлари“ ҳеч бир тасодиф эмас. Унинг бу „асарлари“ боши 1920 йилларга тақалган адабий „меросининг“ фақат давомидир.

Зошченко ўғмишда ким эди? Зошченко „Серапион муридлари“ деган ёзучилар жамиятининг ташкилотчиларидан биридир. Бу жамият тузилган вақтда Зошченконинг сиёсий ва ижтимоий қиёфаси қандай эди? Буни билмоқ учун „адабий мактублар“ (Литературные записки) журналининг 1922 йилда чиқсан З-сонига муоржаат қиласиз: мазкур жамиятни тузган кишилар журналнинг бу номерида ўз „маслакларини“ баён қилган эдилар. Бунда бирнечча бошқа „кароматлар“ қаторида жамиятнинг „имон калимаси“ ҳам айтилган эди. Зошченко „ўз ҳаққимда ва яна ба'зи нарсалар тўғрисида“ деган кичкина мақоласида ҳечкимдан шарм-ҳаё қилмай ва ҳеч нарсанинг андишасига бормай, сиёсий ва адабий „қарашларини“ бутун халойиқ олдида бешармлик блан оппа-очиқ айтади. Унинг бу сўзларига қулоқ солинг:

— „Срасини айтганда ёзучи бўлмоқ анча қийин иш, мафкура деган нарса бор... Энди замонда ёзучидан мафкура талаб қилинади.. Ростини айтсан, шуниси менга ёқинқирамагандай бўлади...“

„Партияларнинг ҳеч қайсиси менга хуш келмагаётдан кейин, менда „аниқ мафкура“ нима қылсын дейсиз“.

„Партиялик кишилар кўзи блан қараганда мен маслаксиз одамман. Майли, Лекин меним ўзим коммунист ҳам эмасман, ёсер ҳам, монархист ҳам эмасман, анчайин русман, руслигим устига сиёсий маслаксизман дейман...“

„Азбаройи худо ростини айтсан, масалан, биттаси Гучков бўлса қаердан билай бунинг қайси партияда эканин. Большевик эмаслигини биламан, лекин эсерми, кадетми бунисидан хабарим йўқ, бунисини билмоққа ҳавсалам ҳам йўқ“ ана шунга ўхшаган гаплар кетаберади.

Ўртоқлар бу хил „мафкурага“ нима дейсизлар? Зошченконинг бу „имон калимасини“ ёзганига 25 йил бўлди, шу вақтдан бери Зошченко ўзгардими? Малум эмас. Зошченко 25 йил мобайнида ҳечнарсадан ибрат олмабдири, ўзгариш у ёқда турсин, аксинча, ҳануз эски одатини ташламай, ҳали ҳам ҳечбир уялмай ўша эски маслаксизлигини, поимуссизлигини давом этдириб, аввал қандай гушна-шарми ҳаёсиз „ёзучи“ бўлса ҳали ҳам шу ҳолда қолмоқда. Демак совет тартиботи Зошченкога аввал қандай ёқмаган бўлса, ҳали ҳам шундай ёқмайди; совет адабиётига у аввал қандай ёт ва қарши бўлса, ҳали ҳам шундай ёт ва қаршидир. Бу ҳолларга қарамай Ленинградда Зошченко адабиёт отаси деган даражага минай деб қолган бўлса, уни Ленинград адабиётининг баланд тоғига кўтариб мақтасалар Зошченкога йўлни катта очиб бериб унинг ша'нига мадхиялар ўқучи кишиларнинг нечоғлиқ бебурд бўлиб кетганликларига, нечоғлиқ бемазалашиб, пастлашиб, бефарқ бўлиб кетганликларига ажабланамиз халос!

„Серапион муридлари“нинг апти-башараларини кўрсатадиган яна бир мисол айтай, юқорида айтилган „адабиёт мактублари“ журналининг 1922 йилдаги З-сонида серапион муридларидан бири бўлган Лев Лунц ҳам совет адабиётига ёт ва зарарли бўлган ва „Серапион муридлари“ деган гурӯҳ томонидан майдонга ташланган оқимга мафкуравий далил кўрсатмоқчи бўлиб бу сўзларни ёзади:

„Биз инқилоб кунларида, сиёсатда олғоқ-далғоқ бошланган кунларда йигилдик. Бизга ўнгу сўлдан „бизга қўшилмаганлар бизга душмандир!“ дедилар. Серапион муридлари ким тарафдорисиз, коммунистлар томонимисиз ёки уларга қаршимисиз, инқилоб тарафдоримисиз ёки унга қаршимисиз?“

„Биз Серапион муридлари кимга тарафдоримиз? Бизлар бошини олиб, чўл-биёбонларга чиқиб кетган серапион тарафдоримиз...“

„Жамоатчилик кўп замонлардан бери рус адабиётини идора қилиб, унга кўп жабрлар қилди.. Биз адабиётлан манфаат чиқазишини хоҳламаймиз. Биз ташвиқот-тарғибот учун ёзмаймиз. Дун'ёда ҳаёт қандай бор бўлса сан'ат ҳам шундай ўзича бор нарсадир, ҳаёт ўзи қандай бемақсад бўлса, ҳаёт ўзи қандай бема'ни бўлса сан'ат ҳам шундай бе-

мақсад ва бема'нодир, сан'атнинг яшашига боис шуки, яшамоги табиийдир".

„Серапион муридлари" сан'атни мақсад ва ғоядан маҳрум қилиб, уни бема'ни қилиб, сан'ат учун бўлган бир нарса қилиб, унга ана шундай бема'ни бир вазифа юклаб қўядилар. Ичидан чириган разолатга, бемаза ва бема'ниликка, сиёсатдан ҳоли бўлишга чақириш деб шуни айтади.

Бувдан қандай хулоса чиқармоқ керак? Совет тартиботлари Зошченкога ёқмаса, энди унинг дидига ёқадиган қилиб унга мувофиқлаштириш керакми? Бирорларнинг дидига қараб турмушилизни ўзгартайликми. Турмушимизни ва тузилишимизни Зошченконинг дидига қараб ўзгартайликми? Йўқ, биз эмас, у ўзгартсан, агар бунга кўнмаса совет адабиётидан даф' бўлсин. Чириган бемаза ва бема'но, бемақсад ва бемаслак асарларга совет адабиётида ўрин йўқ. (Қаттиқ қарсаклар).

Марказий Комитет „Звезда" ва „Ленинград" журналлари ҳақида қарор чиқазганда ана шуларни назарда тути.

Энди Анна Ахматованинг адабий „ижоди" масаласига кўчаман. Унинг асарлари сўнгги вақтларда Ленингрэд жуналларида такрор такрор босиладиган бўлиб қолди. Мережковский, Вячеслав Иванов, Михаил Кузьмин, Андрей Белий, Зинаида Гиппиус, Федор Сологуб, Зиновьев-Аннибал ва бошقا шулар каби ёзуичиларнинг асарларини, я'ни бизнинг илфор жамоатчилигимиз ва илфор адабиётимиз ҳамиша жаҳолатга судравчи, сиёсат ва сан'атда орқага қайтиб айниган адабиёт намояндалари деб ҳисоблаб келган кишиларнинг асарларини ҳозирги вақтда яна бостиromoқчи бўлган одамнинг ҳаракати қандай ғайри табиий бўлиб, бизга кандай таажжуб кўринса, Ахматованинг асарларини бостиromoқ ҳам шундай ғайри табиий ва таажжубдир.

Горький бир вақтда 1907 йил блан 1917 йил ўртасида ўткан ўн йиллик тарих рус зиёлиларининг энг бемаза ва энг шарманда бир даври деган номга лойиқдир, деган эди. Бу вақтда 1905 йил инқилобидан кейин зиёлиларнинг кўпин инқилобдан юз ўгириб жаҳолатга судровчи диндорлик батқоfiga ботиб кетди, ҳархил бема'ни ва бемаза ишқибозликдан иборат бўлган фаҳш асарлар ёзишга уриниб кетди, адабиётда маслаксизлик ва мақсадсизликни ўзига шиор қилиб олди. Ўзининг айнига лигини: „сажда қилган бутларимни мен ҳам ташладим ўтга, ўтга ташлаган бутларимга қилдим яна сажда" деган тамтароқли гаплар ниқоби остига яширди. Ропшиннинг „Конъбледний" („Оқ от") деган айниб орқага қайтишдан иборат бўлган асари ҳамда Виннеченконинг асарлари ва буларга ўхшаш инқилобдан юз ўгириб аксилинқилоб томонига ўтиб кеткан, рус зиёлиларининг энг яхшилари жон фидо қилган юксак мақсад ва омолларнинг қадри-қийматини тушириб оёқ остида поймол қилмоқчи бўлган ёзучиларнинг ҳамма бемаза асарлари нақ шу ўн йил ичидан майдонга чиқсан эди. Халқдан юз ўгирган ва „сан'ат сан'ат учун" деган да'вони кўтариб чиқсан, адабиётда маслаксизликка унданган, ўзларининг

ма'навий ва мафкуравий разолатга қараб кетганликларини яширмоқ учун бема'ни дабдабали чиройлик сўзлар кетига тушиб кетган символистлар, имажинистлар, декадентлар ва бошқа тубанлашиб инқизозга қараб кетаётган ҳархил гуруҳлар рӯёбга чиқдилар. Буларнинг ҳаммасини бирлаштирган парса кўтарилиб келаётган пролетариат революциясидан жуда қаттиқ қўрқиши эди. Бунинг исботи учун шуни эсингизга солмоқ кифоя қиласдиким, орқага судравчи ўтакетган тескаричи бир оқим бўлган бояги адабий оқимларининг энг катта „мафкурачиси“ Мережковский эди ва бу одам кўтарилиб келаётган пролетариат революциясини „буш кўтариб келаётган аблах“ деган номлан атаган ва октябрь революциясини ваҳшиёна бир ғазаблан қарши олган эди.

Анна Ахматова маслаксиз ва тескаричи бир оқим бўлган бу адабий лойиқалар намояндаларидан биридир. Бу одам бир вақтларда символистлар ичдан чиққан акмеистлар деган ёзучилар гуруҳига мансуб бўлиб, совет адабиётига ҳеч шак-шубҳасиз тамомила ёт бўлган бемаза ва бема'ни, фаҳш ва пуч аристократлар поэзиясини шиор қилиб чиққанлардан биридир. Акмеистлар сан'атда ўтакетган индивидуалистик йўлига кирган бир гуруҳ эдилар. Улар „сан'ат сан'ат учун“, „нафосат нафосат учун“ деган маслакни кўтариб чиққан эдилар, халқлан блан, унинг талаб ве эҳтиёжлари, халқнинг фойда ва зиёни блан, ижтимоий ҳаёт блан уларнинг сра ишлари йўқ эди.

Бу оқимнинг ижтимоий илдизини суриштирсан, аристократия блан буржуазиянинг куни битиб қолган бир вақтда, ҳоким синфларнинг шоир ва идеологлари уларни безовта қилган ва уларга күнгиллари блан овора бўлиб қолган бир вақтда пайдо бўлган эски дворян буржуалар тарафини олган бир оқим эди. Символистлар, декадентлар, ҳамда бушқа инқизозга юзланган эски дворян-буржуа мафкураси каби, акмеистлар ҳам умидсизлик, тушкунлик маслагини кўтариб чиққан ва охиратга ишонган одамлар эдилар.

Ахматованинг ёзган ҳамма асарлари нуқул ўз шахсий ҳиссиётларига оид асарлардир. Унинг ше'ллари ниҳоят даражада суюқ, доираси тор, ма'носи саёз, унинг ше'ллари чиллахона блан ишратхона орасида саргардор бўлиб тентираб дарду алам ичидан қолган ожиз ва нотавон кишининг ше'ридир. Унинг ше'лларининг асосий мавзу'и шуки, унинг ше'лларида қайгува алам, ўлим, дин ва ожизлик шаҳвоний мұҳаббат блан аралашиб кетади. Ожизлик ва нотавонлик ҳиссиёті заволга қараб кетган, куни битган гуруҳлар учун табиий бўлган бир ҳиссиётдир; ожизликда ўлиб кетаётган Ахматовага бутун дун'ё қопқоронғу зулматдек кўринади' диний ҳиссиётлар шаҳвоний ҳислар блан қўшилишиб кетади. Абадий йўқлик қаҳрига тушиб кетган эски дворян маданиятиянинг, „эски вақтдаги Екатерина замонасининг яхши даврлари“

дан қолган мэданият парчаларидан бири бўлган Ахматованинг бутун ма'navиёти ана шундайдир. Тарки дун'ё қилган номозхон хотинми, ёки ҳуфяки бузуқ хотин, аммо тўғриси бир ёқдан номозхонлик қилиб ҳуфякилигини ҳам қўймаган, ҳам тақвогар, ҳам бузуқ хотиндир.

„Фаришталар сайр этган жаннат ҳақи,
Каромати ҳақ бўлган бутлар ҳақи,
Биз ўртаниб кул бўлган тунлар ҳақи,
Садоғанг эрур ман сени“.

(Ахматова „Anno Domini“)

Ахматова ва унинг тор шахсий дэирасидан чиқмаган пуч ҳиссиётлари ва диний ва шаҳвоний-ишқий сезгилардан ғарига бормаган ҳиссиётлари ана шудир.

Ахматованинг ше'лари халқтан жуда йироқ. Унинг ше'лари Русиядаги бирнечча минггина бўлган, ўлимга маҳкум бўлган ва шунинг учун „эски яхши замонларни“ қўмсаб нолишдан бошқа иши қолмаган эски дворянлар ше'ридир. Екатерина замонидан қолган чорбоғлар, юз яшар дараҳтлэр ўсиб ётган хиёбонлар, сув оқиб ётган фонтанлар, ҳайкал ва тоқу-равоқлар, ойнавонлик гулхоналар, ошиқ-машуқлар суҳбатлашадиган айвончалар, дарвозалар тепасига қўндирилган жуфтан қушларнинг эскиб кетган суратлари. Дворянлар замонаси ҳаги Петербург; Царское село, Павловскдаги вокзал, ва эски дворянлар замони мэданиятининг буният каби кўҳна „табаррук“ нарсалари, ҳаммаси абадий йўқликка қараб кетди! Халққа ёт бўлган бу кўҳна мэданиятнинг қандайдир бир тасодиф орқасида бизнинг замонамизгача сақлануб қолган бу сарқитларига ўзлари блан, ўз ички ҳиссиётлари блан ўралашиб, ҳаёлат ичида кун ўтказмоқдэн бошқа илож қолмади. Ахматова „бору-йўқ бўлди талаф, соврилдию сотилди“ дейди.

Акмеистлар гуруҳининг му'tабар кишиларидан бўлган Осил Мондельштам бу гуруҳининг ижтимоий ва сиёсий вазифасида максад ва омоллари ҳақида революциядан озгина аввал қуйидаги сўзларни ёзган эди: „Акмеистлар ҳарбир махлуққа бзартиб турмушга муҳаббат қўймоқ бозида мзишатпарастликни авжига чиқазган ўрта аср маслігига қўшиладилар“... „Ўрта аср ҳарбир инсоннинг кўрсатган хизматларидан қат'тий назар ҳар кишининг қадар қимматини билар, ҳаркимга бир фазилат борлигига иқорор эди“... „Европа нозик нафис мэданиятнинг кўп йўлларига кириб чиқди, у вақтларда ҳаммадан ҳоли ва холис, доруламон яшамоқ катта бир мардлик саналур эди. Аристократлар орасида озод бўлган ва ҳаммани бир-бирига дўст қилган ва лекин руҳи э'тиборила улуг революциянинг „бараварлик, қардошлиқ“, шиорига бу қадар бегона бўлган сирдош дўстлик одатларини түғдирган нарса шудир“... „Ўрта асрнинг қимматини баланд биламиз, чунки у вақтла ҳар нарсанинг ҳадди ва ми'ёри бор эди“... „Андиша ва мулоҳаза, тақвогарлик ва дун'ёнинг ўзини бир мизон билган баланд ҳимматлик бор эди, булар бизни у асрга яқин қиласа,

ҳамда 1200 йилга яқин замонларда роман заминида пайдо бўлган асарлардан ўзимизга куч ва қувват олмоқча ҳаракат туғдири".

Мандельштамнинг бу сўзларида акмеистларнинг тилак ва орзулари айтилган. Айш-ишратга майли кучли бўлган бу аристократлар завқи учун ёзган бу гуруҳнинг мақсад ва омоли шуки, „ўрта асрга қайтайлик“ дейдилар. Энди Зошченко бўлса уларга лаббай деб,— маймунликка қайтайлик, дейди. Хонаси келганда шуни ҳам айтиб қўймоқ керакки, акмеистлар блан „Серапион муридларининг“ сажаралари бирдир, буларнинг иккени ҳам аристократлар завқи учун ёзган, тушкунлик, линдорлик адабиёт намояндаларининг оталаридан бири бўлган Гофман авлодирилар.

Нега бугун Ахматованинг ше'рларини халқ орасига ёймоқ лозим бўлиб қолибди? Биз совет кишиларига унинг нима керати бор? Бизга ниҳоятда ёт бўлган бу тушкунлик адабий оқимларга адабиётимиз минбарини бериб қўймоқ нега керак бўлди?

Символистлар блан акмеистлар ҳам мансуб бўлган реакцион адабий оқимлар рус адабиётининг улуғ инқилобий демократик ан'аналарига қарши, рус адабиётининг илғор намояндаларига қарши бир эмас, бирнече мартаба бош кўтариб чиққанини рус адабиёти тарихидан яхши биламиз. Бу реакцион оқимлар адабиётни пуч қилиб, унинг юксак ғоявий ва ижтимоий аҳамиятини йўқ қилишга, адабиётни маслаксизлик, расвогарлик ботқогига ботдирмоқчи бўлиб кўп ҳаракатлар қилган эдилар. У вақтларда „модага“ кирган бу оқимларнинг ҳаммаси қайси синфларнинг мафкурасини кўтариб чиққан бўлсалар, шу синфлар блан Адам дар'ёсига фарқ бўлиб кетдилар. Символист, акмеист, „сариқ кўйлаклар“ („желтые кофты“), „ғишин соллотлар“ („бубновые валеты“), „ничеевки“ деган ҳархил гуруҳлардан бизнинг жона-жон рус, совет адабиётимизда бугун нима асар қолди? Гарчи уларнинг инқилобий демократик рус адабиётинининг улуғ намояндалари бўлган Белинский, Добролюбов, Чернишевский, Герцен, Салтыков-Шедрин каби улуғ зотларга қарши ҳаракатлари жуда катта дабдаба блан бошлаган эди, лекин уларнинг бу ҳаракати қандай дабдаба блан бошланган бўлса, шундай шармисорлик блан тамом бўлди.

Акмеистлар „турмушни асло тузатиб ўлтирмаслик ва уни танқид қилиш блан овора бўлмаслик керак“ деган шиорни майдонга ташладилар. Нега улар турмушни тузатишга қарши эдилар? Чунки, эски дворян-буржуза турмуши уларга ёқар эди, инқилобий халқ бўлса уларнинг майшатини бузиб безовта қилмоқ ҳаракатида эди. 1917 йил октябррида њоким синфлар блан бирга уларнинг мафкурачилари ҳам, мадҳиячилари ҳам тарих ахлатхонасига ташландилар.

Энди социалистик революциянинг 29 йилига келганда кўланкалар дун'ёсига ўтиб кетган ба'зибир „антик нарсалар“ майдонга чиқиб, бизнинг ёшларимиизга қандай яшамоқдан сабоқ бермоқчи бўлибдирилар. Булар Ленинград журналининг эшигини Ахматовага

кatta очиб бериб, чирик ше'рларининг ярамас та'сири блан ёшларимизнинг фикрини заҳарлашга унга йўлни катта очиб берибтилар.

„Ленинград“ журналиниң бир сонида Ахматованинг 1909 йилдан то 1944 йилгача ёзган асарларининг рўйхатига ўхшаган бир варса босилди. Бу рўйхат ичидаги бирқанча бемаза асарлар блан бирга, Улуғ Ватан уруши вақтида Ахматова эвакуацияда юрган кунларда ёэилган бир ше'р ҳам бор. Бу ше'рда у ўзининг бир қора мушук блан бирга ғарибликда ёлғиз қолганини сўзлайди. Қора мушук унга гўё асрлар кўзида қараб турармиш. Бу мавзу' янги эмас. Ахматова 1909 йилда ҳам қора мушук тўғрисида ёзган эди. Совет адабиётига тамомила ёт бўлган бу хил ожизлик ва ғариблик кайфияти Ахматованинг тарихда ўтган бутун „ижодий“ йўлини бир-бирига боғлаб туради.

Бу хил ше'рларнинг халқимиз ва давлатимиз манфаати блан нима алоқаси бор? Мутлақо ҳечқандай алоқаси йўқ. Ахматованинг ижоди аллақаҷон ўтиб кетган узоқ замонлар ижодидир. Унинг асарлари ҳозирги вақтдаги совет турмушига тамомила ёт ва шунинг учун бизнинг журналларимиз саҳифасида уларга ўрин бўлиши асло мумкин эмас. Бизнинг адабиётимиз китоб бозорининг завқини қаноатлантироқ учун бу бозор дидига ёқадиган асарлар тайёрлаб чиқазути хусусий иш эмас. Совет кишиларининг хислат ва фазилатларига, уларнинг ахлоқ ва одоб тўғрисидаги фикр ва тушунчаларига тамомила ёт бўлган қарап ва тушунчаларга адабиётимиздан ўрин беришга биз мажбур эмасмиз. Ахматованинг асарлари бизнинг ёшларимизга бирон ибрат бероладими? Заардан бошқа ҳеччима беролмайди. Унинг асарлари умидсизлик, бадбинлик, руҳсизлик уруғини сочади, халос. Унинг асарлари ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларидан, кенг ижтимоий ҳаёт ва жамият ишларидан қочиб, кичик ва тор ички ҳиссиятлар дун'ёсига ўралишиб қолиш орзусини туғдиради, халос. Бас шундай экан, ёшлар тарбиясини унинг қўлига топшириб қўйиб бўладими?! Ҳолбуки Ахматованинг асарларини дамбадам ҳали „Звезда“ ҳали „Ленинград“ журналида бажонудил босиб турдилар, бундан ташқари ҳатто алоҳида китоб қилиб ҳам чиқаздилар. Бу иш ниҳоятда катта қўпол сиёсий хато бўлди.

Шу сабабларга кўра, Ленинград журналларида умидсизлик руҳида бемақсад ва бегоя асарлар ёзиш йўлига кириб кетган бошқа ёзучиларнинг асарлари ҳам босиладиган бўлиб қолганлиги тасодифий бир ҳол эмас. Бу ўринда мен Садоғьев ва Комиссароваларнинг асарларини назарда тутаман. Садоғьев блан Комиссарова ба'зи ше'рларида Ахматовага ўхшаб ёзадиган бўлиб қолдилар, Ахматованинг кўнглига жуда ёқалиган умидсизлик, ҳасратмандлик, ғариблик кайфиятларни ёйиш йўлига кирдилар.

Бу хил кайфиятлар ёки бу хил кайфиятларни ёшлар орасига ёйиш ёшларимизга зарарли та'сирдан бошқа фойда бермайди, ёшларнинг фикрини заҳарлаш, бемақсад ва бегоялик, умидсизлик, ҳасратмандлик ва сиёсатдан ҳоли бўлиш каби ярамас руҳий ҳоллар туғдиради халос. Буни айтсан-айтсан, аниқ турган гап,

Агар биз ёштаримизни бу жил бадбиплик руҳида, ўз ишимиизга ишонмаслик руҳида тарбиятасак, бунинг оқибати нима бўларди? Бунинг оқибати шу бўлардики, биз улуғ Ватан урушида енгаол-мас эдик. Совет давлати ва партиямиз совет адабиёти ёрдами блан ёшларимизни ғайраг ва шижоатли, руҳи тетик ва соғлом қилиб тарбиялзганлиги учун, уларни ўз ишимиизга қатиқ ишонч руҳида тарбия қўлганлиги учун биз социалист қуриш соҳасидаги катта қийинчиликларни енгид, немислар блан японларни мағлуб қилдик.

Булардан қандай хулосалар чиқармоқ керак бўлади? Булардан чиқариладиган хулоса шуки, ўз саҳифаларида мазмунни соғлом, ўқиганларнинг руҳини кўтариадиган, мақсад ва ғояси чукур яхши асарлар қаторида мақсадсиз, ғоясиз, мазмунан пуч, орқага сурровчи ярамас асарлар ҳам бостиргац „Звезда“ журнали ўзи-нинг маҳкам тутган аниқ бир йўли булмаган ҳамда душмона-таримизнинг ёшларими фикрини бузмоқ йўлидаги ҳаракатларига ёрдамлашган ёмон бир журнал бўлиб қолди. Ҳолбуки бизнинг барча журнallаримиз бундай мақсадсиз вэ ғоясизлик ҳамда сиёсатдан ҳоли бўлаш ва бема'нолик орқасида эмас, балки ҳа-миша одамларни ғайрат ва шижоатга чеқириб руҳларини кўтара-диган инқалобий бир йўл тутганлиги орқасида кучли бўлиб келган. Мақсадсизлик ва ғоясизлик тарғиботи „Звезда“ журналида катта ҳукуққа молик бўлиб қолган экан. Бу ҳам етмай, Зошченко Ленинград ёзучилар ташкилоти орасида шундай бакуч бўлиб кетиппайдирки, ҳатто унинг фикрига қўшилмаганларга дағдага қилиб, битта-яримта ҳикоямда сени бўплайман деб пўписа блан қўрқи-тиш даражасига борибдир. Хуллас, у адабиёт майдонининг ҳо-кими бўлиб қолибдир. Бирнече кишилар унинг атрофига тўпла-ниб олиб, унинг шуҳратини оширишга хуб ҳаракат қилибдилар.

Бундай қиллоққа қандай асослари бор эди? деб сўраймиз. Нима сабабдан бундай ғайри табиий реакцион ишга йўл қўй-дингиз?

Ленинграддаги адабий журнallардаги кишилар гарбнинг ҳозирги замондаги ҳашаки буржуа адабиётига жуда кўнгил қўйиб кетганликлари тасодиғий бир ҳол эмас. Бизнинг ба'зibir адабларимиз ўзларига буржуа мешчан ёзучиларга устоз бўладиган кишилар деб қарамай, балки ўзларини уларга шогирд қитиб қўйдилар, хушомадгўйлик қилиш ва четэллаодаги bemaza мешчан адабиётга сажда қилиш йўлига кириб кета боиладилар. Биз совет ватанпарварларига, буржуазия тузумининг барчасидан ва ҳарқандайдан юз мартаба ортиқ юксак ва афзал бўлган совет тузумини вужудга келтирган биздек кишиларга бундай хушомадгўйлик, бундай хўрлик муносиб ишми? Бутун дун'ёда энг инқалобий бўлган ва бутун дун'ёда ҳаммадан олдинда бораётган совет адабиётига гарбнинг бефазилат, доираси тор, суюқ ва бемаза буржуа адабиётига бундай кўнгил қўйиб, унинг олдида тиз чўкмогимиз ша'нимизга муносиб ишми?

Ёзучиларимизнинг ҳозирги замон совет тематикасидан йироқ-да туришлари, бир томондан тарихий мавзу'ларда асар ёзишга

ошиқча қизиқиб кетиб, иккинчи томондан нуқул ўйин-кулги ва тамошадан бошқа аҳамияти бўлмаган, мазмуни пуч енгилтак асарлар блан кўпроқ шуғулланишга уринишлари ҳам уларнинг ишларида катта камчиликлардандир. Ба'зи ёзучилар ҳозирги замон совет темасида катта асарлар ёзишдан орқада қолганликларига важ кўрсатиб, энди халққа фақат завқ берадиган, мазмуни чуқур бўлмаган енгилтак асарлар ҳам бериш вақти келди, энди асарнинг ғоясига унча э'тибор қиммасак ҳам бўлади, дейдилар. Бу фикр бизнинг халқимизни, унинг талаб ва завқий даражасини жуда хато тушунишдир. Халқимиз ёзучилардан Улуғ Ватан урушида совет халқининг олган катта тажриба ва ибратларини хулоса қилиб, ма'но ва мазмунини чақиб берадиган асарлар яратишини кутади, юртимиздан душманни қувлагандан кейин мамлакатимизнинг халқ хўжалигини тиклаш ва ўстириш йўлида халқимизнинг фидокорлик блан ишлаб жонбозлиқ қилаётганини тасвир қилиб, бу ишларнинг бутун ма'но ва мағзини чақиб берсинлар деб кутади.

Энди „Ленинград“ журнали тўғрисида бирмунча сўз айтай. Ахматова сингари Зошченко ҳам „Ленинград“ журналида „Звезда“ журналидагидан ҳам „маҳкамроқ“ ўрнашиб олипти. Зошченко блан Ахматова бу журналларнинг иккавида ҳам жуда фаол адиллар бўлиб қолиптилар. Шу тариқа „Ленинград“ журнали Зошченкодек разил ёзучига ва Ахматовадек хилватхона ва маишатхоналар шоирасига ўз саҳифаларидан ўрин бериб қўйганлиги учун жавобгардир.

Аммо „Ленинград“ журналининг бундан бошқа хатолари ҳам бор.

Чунончи Хазин деган бир одам томонидан „Евгений Онегин“га тақлид қилиб ёзилган „Онегиннинг қайтиши“ деган асарни олайлик. Бу асар Ленинград тамошахоналарининг саҳналарида кўп ўқилар эмиш. Ленинградлилар Хазин каби кишиларнинг саҳнага чиқиб Ленинградни масхара ва мазақ қилишига нега йўл бериб қўйганларини асло тушунолмайдан. Алабий „тақлид“ дейилган бу „асарнинг“ бутун мазмуни, ҳозирги Ленинградга келиб қолган Онегиннинг саргузаштларини ҳажв қилиб, кулиб ёзишдангина иборат бўлмай, унинг ма'носи бутунлай бошқадир. Хазин ёзган ҳажвноманинг ма'носи шуки, бу асарда Хазин ҳозирги Ленинградни Пушкин замонидаги Петербург блан солиширмоқчи ва бизнинг замонимиз Онегин замонидан ёмон деб да'во қилмоқчи бўлади. Бу „ҳажвнома“нинг ба'зи сатрларига диққат қилинг. Ҳозирги Ленинграднинг ҳечқайери бу ёзучига ёқмайди. Ёзучи совет кишиларини, Ленинградни масхара қилиб кулади, бўхтон қиласди. Онегин замони қандай яхши замон эди, олтин замон эди демоқчи бўлади. Энди бўлса у замонлар йўқ, уй-жой шубаси, нон карточка, пропуска деган нарсалар чиқди. Қизлар ҳам Онегинни шайдо қилган нозик ниҳол қиълар эмас, эндиги қизлар кўча ҳаракатини идора қиласдилар, бинолар ремонтида ишлайдилар ҳоказо ва ҳоказо, демоқчи бўлади. Ижозатингиз бўлса бу „ҳажвномадан“ фақат бир жойни ўқиб берайнин.

Чиқди бечора Евгений трамвайга,
Қилиб ҳурмат одобу—тавози'га,
Ма'рифатсиз эди унинг асири
Йұқ эди трамвайдан хабари.
Қисмати бұлиб паноқ унға,
Бир оғеңін босдилар гүрге
Корнига уриб бирор инқит
Деди ағрайма э „Меров!“
Едига тушиб замоннинг расми
Дуэль блан ечмоқ бўлди жанжални,
Киссасига солиб қўлини
Топмади анда қўлқопини,
Илибдир аллақачон кисовур
Ағдарма қилиб унинг чунтагини,
На қылсин энди шўрлик Онегин
Кетаберди чиқазмай дамини.

Ленинград шаҳри аввал қандай эдию, энди қандай, маданият-
сиз, одамлари дағал ва қўпол ёмон бўлиб қолганмиш. Қобилгина
одам бўлган бечора Онегин Ленинградни шу ҳолда кўрипти.
Таб'ан паст бўлган Хазин Ленинграддин ва ленинградлиларни
ана шундай қилиб кўрсатипти.

Фақат бўхтон ва маломатдан иборат бўлган бу ҳажвноманинг
ичи таши ва бутун мазмуни ириган ва чиригандир.

„Ленинград“ журналининг редакцияси Ленинградга ва унинг
яҳши одамлари ша'нига бундай туҳмат ва бундай бўхтон қилган
ярамас асарни қандай қилиб кўрмай қолганларига ҳайронман!
Хазинга ўҳшаган кишиларни Ленинград журналларига яқин кел-
тириб бўладими, ахир?!

Энди Некрасов тўғрисида назир қилиб ёзилган яна
бир асарни олайлик. Бу асар шундай ёзилганки, Некрасовдек
улуғ шоир ва жамоат ходимининг ҳаққига тўғридан-тўғри ҳақо-
ратдир. Бу ҳақорат ҳарқандай ўқимишли кишини ғазабга келтири-
са керак. Аммо „Ленинград“ журналининг редакцияси бу ирган-
чик бўтқани ўз саҳифаларида жон деб босиб чиқазипти.

„Ленинград“ журналида бундан бошқа тағин нималар бор?
Ўтган асрнинг охирларига оид бўлган кўҳна, бемаза латифалар
тўпламидан олинган бўлса керак, ҳархил бема'ни, тутуриқсиз,
суюқ, кўп чайналган чет эл латифалари бор. „Ленинград“ жур-
нали саҳифаларини тўлдирмоқ учун бошқа нарса топаолмадими?
Ажабо, босай деса тузукроқ нарса топилмаптими? Ҳеч бўлмаса
Ленинград шаҳрини тиклаш мавзуини олинг. Шаҳарда улуғ иш-
лар қилинмоқда, шаҳар қамалда қолган вақтда бўлган яраларини
тузатмоқда, ленинградлилар урушдан кейин шаҳарни тиклаш
йўлида завқ-шавқ блан, ғайрат ва ҳиммат блан ишламоқдалар.
„Ленинград“ журналида бу ҳақда ҳеч нарса ёзилдими? Ленин-
градлиларнинг меҳнат майдонида кўрсатаётган қаҳрамонликларини
тасвир этган асарларни журнал саҳифасида кўриш уларга муяс-
сар бўладими, йўқми?

Совет хотин-қизлари тұғрисидаги мавзу'ни олиб қаранг. Үмуман ҳозирги замон совет хотин-қизлари тұғрисида, уруп йилларидағи катта қийинчиликларга чидаш бериб келган, ҳозир хұжаликни тиклаш соҳасидаги оғир вазифаларни ҳал қилишда фидокорона мәжнэт килаёттан барча хотин қизлар, шу жумладан Ленинград қаҳрамон қизлари ва хотинлари тұғрисида чина-кам ҳақиқий асарлар бериш ўрнига, совет китобхонларига хотин-қизларнинг вазифалари ва хизмати тұғрисида Ахматова сингари беңаәлік блан айттын бема'ни фикрларни тарғиб қилиш мүмкінми, ахир?

Езучилар союзининг Ленинград бўлимида аҳвол шу даражага бориб еткан эканки, ҳозирги вақтда икки адабий — бадий журнални тўлдирмоқ учун яхши асарлар етишмас экан. Шунинг учун ҳам Партия Марказий Комитети „Ленинград“ журналини ёпишга, яхши адабий кучларнинг ҳаммасини „Звезда“, журнали атрофига тўплашга қарор берди. Бу, албатта, Ленинградда бошқа журнал чиқмайди деган гап эмас; ишлар яхшиланиб кетганда иккичи ёки ҳатто учинчи журналнинг ҳам чиқа бошлаши турган гап. Яхши, юксак бадий асарлар кўпайса бу масала ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетаберади. Ахир бундай асарлар кўпайса, ва уларни босиб чиқариш учун битта журнал кифоя қўлмай қолса, иккичи ва учинчи журналларни ҳам чиқариш мумкин. Гап Ленинградли езучиларнинг ғоявий ва бадий жиҳатдан асарлар ёзиб бермешларида қолган.

ВКП(б) Марказий Комитетининг „Звезда“ ва „Ленинград“ журналларининг иши ҳақида чиқарган карорида очиб ташланган ва кўрсатилган қўпол хато ва нуқсонлар шулардир.

Бу хато ва камчиликларнинг илдизи қаерда?

Бу хато ва камчиликларнинг илдизи шундаки, юқорида номлари кўрсатилган журналларнинг мухаррирлари, совет адабиёти соҳасида ишловчилар, шунингдек Ленинграддаги мафкуравий фронтимизнинг раҳбарлари ленинизмнинг адабиёт тұғрисидаги ба'зи асосий қоидаларини унутиб қўйганлар. Кўп ёзучилар ва мас'ул мухаррирлар ёки Езучилар союзиде мұхим вазифаларда ишловчилар: сиёсат — ҳукumatнинг иши, Марказий Комитетнинг иши деб ўйлайдилар. Адабиётчиларга келсак, сиёсат блан шуғулланиш уларнинг иши эмас эмиш. Бирон киши яхши, бадий, гўзал асар ёса, бу асарда ўшларимизни йўлдан оздиручи, улар фикрини заҳарловчи чирик жойлари бўлса ҳам, босиб чиқарабериш керак экан. Биз ўртоқларимиздан адабиёт, раҳбарларидан ҳам, ёзучилардан ҳам, ўз ишларида сиёсатга амал қилишларини талаб этамиз, чунки, совет тузуми сиёсатсиз яшайолмайди, биз ўртоқларимиздан ўшларни бепарвонлик ва ғоясизлик руҳида эмас, балки соғлом инқилобий руҳда тарбиялашларини талаб қиласиз.

Ленинизм XIX асрда ўтган инқилобчи рус демократларнинг барча ан'аналарини ўз ичига олиб, ўзида гавдалантыргани ма'lум. Бизнинг совет маданиятимиз ўтмишдаги маданий меросга танқид кўзи блан қараб, унинг яхши томонларини олиб, ёмон то-

монларини чиқазиб ташлаб, шу йўл блан вужудга келди, ривожланди ва яшнаб гуллади. Бизнинг партиямиз буюк рус инқилобчи демократ ёзучи ва танқидчи булган Белинский, Добролюбов, Чернишевский, Салтыков-Шедрин, Плехановларнинг адабиётдаги аҳамияти ғоят буюк эканлигини Ленин ва Сталиннинг тиллари блан э'тироф қилди. Инқилобчи демократ рус ёзучиларининг Белинскийдан бошлаб барча энг яхши вакиллари „соф сан'ат“, „сан'ат сан'ат учун“, деган нарсани ҳеч э'тироф қилмадилар ва сан'ат халқ учун деган нарсани, сан'атнинг юксак ғоявийлигини ва ижтимоий аҳамияти борлигини доим айтиб келдилар. Сан'ат ўзини халқ тақдиридан ажратиб ташлаши мумкин эмас. Белинскийнинг машҳур „Гогольга мактуб“ини эсга олинг. Буюк танқидчи бу мактубда Гогольни халқ ишига хиёнат қилиб подшо томонига ўтишга урингани учун, қаттиқ қоралаб, койиган эди. Ленин бу мактубни цензура кўрмаган демократик матбуотнинг энг яхши асарларидан бири деб айтган эди, бу мактуб ҳозирга ча ҳам буюк адабий қийматини йўқотгани йўқ.

Добролюбовнинг адабиёт тўғрисидаги ёзган мақолаларини эсга олинг. Добролюбов ўз мақолаларида адабиётнинг ижтимоий аҳамиятини жуда кучли қилиб кўрсатиб берган. Бизнинг инқилобчи демократ ёзучиларимизнинг барча ёзган асарларида чор тузумига қарши қўттиқ нафрат бор, халқнинг ҳақиқий манфаатлари учун, унинг ма'рифати учун, унинг чор усул идорасидан қутулиши учун мардонавор курашмоққа ундалан оташин сўзларга тўлгандир. Рус адабиётининг буюк намояндлари адабиёт ва сан'атни халқнинг энг яхши тилаклари йўлида кураш олиб боручи жанговар сан'ат бўлиши лозим деб билдилар. Барча утопист социалистлар ичida илмий социализмга ҳаммадан яқинроқ турган Чернишевскийнинг асағлари, Ленин та'бирича „синфий кураш руҳи блан сугорилган“, шу Чернишевский сан'атнинг вазифаси турмушни билишдан ташқари, одамларни ҳарбир ижтимоий воқиага тўғри баҳо бера олишга ўргатишдан ҳам иборатдир, деб та'лим берди. Унинг энг яқин дўсти ва сафдоши Добролюбов турмуш адабиёт чизигидан бормайди, балки турмуш қайтариқа борса, адабиёт шунга мувофиқ равишда ўзгаради“ деб қайта-қайта айтди ва адабиётда реализм йўлига ва халққа яқинликка уннади, сан'атнинг асоси турмуш, деди, турмуш ижод манбайдир, сан'ат ижтимоий фикрни ма'lум йўлга солиб, ижтимоий турмушда актив роль ўйнайди, деб билди. Добролюбовнинг фикрича, адабиёт жамиятга хизмат қилиши керак, халққа замонанинг энг муҳим масалаларини тушунтириб бериши керак, ўз даврининг ғоялари блан бир даражада бўлиши керак.

Белинский, Чернишевский, Добролюбовларнинг буюк ан'аналарини давом этдиручи марксистик адабий танқидчилик ҳамма вақт жамиятга хизмат қилган реалистик сан'ат йўлида курашиб келди. Плеханов адабиёт ва сан'ат тўғрисидаги ғайри-ilmий идеалистик тушунчаларнинг хатолигини кўрсатиш учун жуда кўп ишлади, адабиётни халққа хизмат қилуачи қудратли воситадан

бири деб билган буюк рус инқилюбчи — демократларнинг асосий фикрларини ҳимоя қилиш учун кўп меҳнат қилди.

Илғор ижтимоий фикрнинг адабиётга ва сан'атга муносабатини биринчи марта ниҳоятда аниқ та'риф қилиб берган В. И. Ленин бўлди. Мен сизларга Лениннинг 1905 йилда ёзган „Партия ташкилоти ва партиявий адабиёт“ деган мақоласини эслатиб ўтаман. Бу мақолада Ленин адабиёт партиясиз бўлиши мумкин эмаслигини, адабиёт умум пролетар ишининг муҳим таркибий қисми бўлиши кераклигиги жуда қат'ий қилиб айтган. Лениннинг бу мақоласида бизнинг совет адабиётимизнинг ривожланиши учун керак бўлган барча асослар аниқлаб берилган. Ленин айтганки:

„Адабиёт партиявий бўлиши керак. Социалистик пролетариат, буржуа урф-одатига қарши, фойдатама' буржуа савдогарлар матбуотига қарши, адабиётда шұхратпарастлик ва фардиятчилик, кибр-ҳаюга мағрур бўлиб кетишга, манфаатпарастликка қарши адабиёт партиявийдир, деган принципни олға суриши, бу принципни кенгайтириши ва уни мумкин қадар тўла ҳам бутун шаклда амалга ошириши керак“.

„Партиявий адабиётнинг бу принципи нимадан иборат? У шундан иборатки, социалистик пролетариат қўлида адабиёт иши айрим шахс вә тўдаларнинг бойиши учун қурол бўлмаслигидан ташқари, умуман адабиёт иши умум пролетар ишидан айрим хусусий иш булмаслиги керак. Битсин партиясиз ёзучилар! Битсин ўзини инсонлардан хорижда билган ёзучилар! Адабиёт иши умум пролетар ишининг бир қисми бўлиши керак...“

Яна шу моқолада бундай дейилган:

„Бир жамиятда яшаб туриб, шу жамиятдан четда бўлиш мумкин эмас. Буржуа ёзучиси, рассоми, артистининг озодлиги пулдорга, пулга, хўжасига қарамликдан, ниқобланган (ёки мунофиқона ниқобланадиган) қарамликдан бошқа нарса эмас“.

Ленинизм бизнинг адабиётимиз сиёsatдан ҳоли бўлиши мумкин эмас, у „сан'ат учун“ деган тарзда бўлиши керак эмас, балки ижтимоий ҳаётда умумий илғор роль ўйнаши керак деган фикрларга асосланади. Лениннинг партиявий адабиёт тўғрисидаги принципи — В. И. Лениннинг адабиёт ҳақидаги фанга қўшган бу жуда муҳим та'лимоти, мана шундан келп чиқади.

Бинобарин совет адабиётининг энг яхши ан'анаси XIX аср рус адабиётининг энг яхши ан'аналарининг, буюк инқилюбчи — демократларимиз бўлмиш Белинский, Добролюбов, Чернишевский, Салтиков-Шедрин яратган, Плеханов давом этдирган ҳамда Ленин ва Сталин илмий асосда ишлаб чиқкан ва асослаган ан'аналарнинг давомидир.

Некрасов ўз поэзиясини „ўч ва алам илҳоми“ деб атади. Чернишевский ва Добролюбов ёзучиликни ҳалққа муқаддас хизмат қилиш деб билдилар. Русия демократ зиёлиларининг энг яхшилари мана шу слийжаноб юксак ғоялар учун чор зулмидан ҳалок бўлдилар, бадарга ва сурғун қилиндилар. **Бундай шонли**

ан'аналарни қандай қилиб унутиш мумкин? Қандай қилиб уларни э'тиборга олмаслик мумкин. Ахматова ва Зошченколарнинг „сан'ат сан'ат учун“ деган тескаричилек шиорини кўтаришларида, ғоясизлик ниқобига яшириниб совет халқига ёт бўлган ғояларни кўтариб чиқишларида қандай қилиб йўл қўйиш мумкин?!

Адабиётимизнинг жамиятни тарбиялаб ўзгартишда буюк аҳамияти борлигини ленинизм э'тироф қиласди. Бизнинг совет адабиётимиз ўзининг мана шу катта тарбиявий ролини пасайтиришга йўл қўйса — бу орқага қараб кетиш, „тош аспи“га қараб қайтиш бўлар эди.

Ўртоқ Сталин ёзучиларимизни киши руҳининг инженерлари деб айтади. Бу та'рифнинг чуқур ма'носи бор. Бу та'риф совет ёзучиларининг одамларни тарбиялаш учун, совет ёшларини тарбиялаш учун, адабиёт ишида бракка йўл қўймаслик учун жавобгар эканликларини кўрсатади.

Марказий Комитетнинг адабиёт масаласи юзасидан бундай қат'ий тадбирлар кўриши ба'зи кишиларга ғалати туюлади. Бизда бунга одатланмаганлар. Агар ишлабчиқариша бракка йўл қўйилса, ёки кенг исте'мол моллари ишлабчиқариш программаси бажарилмаса ёки ёғоч тайёрлаш плани бажарилмай қолса, бунинг учун ҳайфсан э'лон қилиш керак дейдилар (залдагилар буни ма'қуллаб куладилар), агар кишиларнинг руҳини тарбиялаш ишида бракка йўл қўйилса, агар ёшларни тарбиялаш ишида бракка йўл қўйлса, майли дейдилар. Ҳолбуки бу ҳол ишлабчиқариш программасини бажармаслик ёки ишлабчиқариш топшириғини бузудан кўра ёмонроқ эмасми? Марказий Комитетнинг бу қарорни чиқазишидан мақсади мафкура соҳасини ишимизнинг бошқа барча соҳалари блан бараварлаштиришdir.

Сўнгги вақтда мафкура соҳасида катта нуқсон ва камчиликлар борлиги ма'лум бўлди. Бу ерда „Звезда“ ва „Ленинград“ журналларида юз берган ҳол ҳақида сўзлаб ўлтирумасдан, сизларга сан'атимизнинг қолоқлигини, театр драма репертуаримиз паст сифатли асалар блан тўлганлигини ёслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Марказий Комитет бу ишга аралашишга ва ишни қат'ий суратда тузатишга мажбур бўлди. Унинг халқ олдидағи ўз мажбуриятини, ёшларни тарбиялаш масаласидаги мажбуриятни унтиб қўйган кишиларга қарши бериладиган зарбани юмшатишга ҳаққи йўқ эди. Агар биз активимизнинг диққатини мафкура масалаларига қаратишни ва бу соҳада тартиб ўрнатишни, ишни аниқ йўлга солиб юборишни истасак, мафкура соҳасидаги хато ва нуқсонларни совет кишиларига, большевикларга хос кат'ият блан танқид қилишимиз керак. Шундагина биз ишни тузатаоламиз.

Ба'зи адабиётчилар бундай мулоҳаза қиласдилар: уруш вақтида халқ адабиётга чанқаб қолган, китоб кам чиқарилди, китобхон ҳарқандай чирик молни ҳам ҳазм қилиб юбораберади, деб ўйлайдилар. Аммо, аслда бундай эмас, биз бефарқ ёзучилар, муҳаррирлар ва наширлар бизга қандаقا адабиёт берсалар, майли деяолмаймиз. Совет халқи совет ёзучиларидан буюк қурулиш планларини бажаришга, мамлакатимиз халқ хўжалигини тиклаш ва янада

ривожлантириш планларини бажаришга ёрдам берадиган чинакам ғоявий қурол, ма'навий озиқ кутади. Совет халқи адабиётчилар олдига юксак талаблар құяды, унинг ғоявий ва маданий талабларини қондириши истайди. Уруш вақтида шароит бўлмади, биз бу муҳим талабларни қондираолмадик. Халқ булаётган воқиалар устида ўйлаб булар мағзини чақмоқ, тушунмоқ истайди. Халқнинг ғоявий ва маданий савияси юксалди. Бизда босилиб чиқаётган адабиёт ва сан'ат асарларининг сифати кўпинча халқни қониқтирумайди. Адабиёт соҳасидаги, мафкура соҳасидаги ба'зи ходимлар буни тушунмайдилар ва тушунишни истамайдилар.

Халқимизнинг диди ошиб, талаби жуда кучайди. Халқ кўтарилиган даражага кўтарилишни истамаган ёки кўтарилаолмайдиган кишилар кейинда қолиб кетади. Адабиёт халқ талаб қилган ҳаражада бориш блангина қолмай, балки халқнинг дидини ошириши, унинг талабларини яна юксалтириши, уни янги ғоялар блан бойитиши, халқни олга бошлаб бориши керак. Халқ блан бирга ҳадам ташлаб боралмаган, халқнинг ошган талабларини қондираолмаган, совет маданийни тараққиётининг вазифалари талаб қилган даражага чиқалмаган кишилар албатта қатордан чиқиб қолади.

„Звезда“ ва „Ленинград“ журнallари раҳбар ҳодимларининг ғоявий камчиликларидан яна иккинчи бир катта хато ҳам келиб чиқади. Бу хато шундан иборатки, ба'зи раҳбар ҳодимларимиз ёзучилар блан қиладиган муносабатларida совет кишилариши сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва ёзучиларнинг сиёсий йўллари фойдасини кўзламай, хусусий манфаат, ошна-оғайнигарчилик андишасини қилдилар. Ғоявий жиҳатдан заарли, адабий жиҳатдан паст турадиган асарларнинг кўпи ёзучиларни хафа қилишини истамаганлик натижасида босиб чиқарилган, дейдилар. Бундай ходимлар нуқтани назаридан, бирорни хафа қилмаслик учун, халқ манбаатларидан, давлат манбаатларидан кечиш мумкин экан. Бу мутлақо нотуғри ва сиёсий жиҳатдан хато бир йўлдир. Бу— миллионни қора чақага сотиш блан баравардир.

Партия Марказий Комитети ўз қарорида, адабиётда принципиал муносабатларни ошна-оғайнигарчилик муносабатларига қурбон қилишини жуда ҳам зарарли эканлигини ўқдириб ўтди. Ба'зи ёзучиларимиз ўртасидаги принципсиз ошна-оғайнигарчилик муносабатлари кўп ёмон ҳолларга сабаб бўлди, кўп адабий асарларимизнинг ғоявий даражасининг пасайишига сабаб бўлди, совет адабиётига ёт бўлган кишиларга адабиётимиз эшигини очиб берди, Ленинград мафкура майдонининг раҳбарлари томонидан, Ленинграддаги журнallаримизнинг раҳбарлари томонидан танқид қилинмаганлиги ҳамда иш юзасидан бўладиган муносабатлarda халқ зарари бўлса ҳам ошна-оғайнигарчилик ри'оясини қилиш жуда катта зарар келтириди.

Ўртоқ Сталин бизга та'лим бериб айтадики, агар биз кадрларимиз сақлаб қолмоқчи бўлсак, уларни ўргатмоқ ва тарбияламоқ бўлсак бирор одамни ранжитиб қўйишдан қўрқмаслигимиз, иш юзасидан бўладиган очиқ, дадил ва бегараз танқиддан қўрқ-

маслигимиз керак. Танқид бұлмаса ҳарқандай ташкилот, жумладан адабиёт ҳам пұпанак боғлаб кетади. Танқид бұлмаса касалнинг ҳарқандай ҳам ташқари чиқмай ичда қолиб кетади, касал ичга уриб кетгандан кейин тузатиш қийин бұлади. Бизнинг одамларимизнинг ўсиб камол топиб боришиларига фақат дадиллик блан очиқ ва бегарал қилингандын танқид ёрдам беради, одамларимизни ўз ишларидағи камчиликларни йүқатиб, илгарилаб боришига ҳаракат қылдиради. Танқид йўқ жойда таназзул, чириш бошланади, илгарилашга ҳаракат бўлмайди.

Ўртоқ Сталин, бизнинг тараққиётимиз учун лозим бўлган энг муҳим шарт шуки, совет кишиларининг ҳарбири ҳаркунги қилган ишининг хулосасини чиқарсин, ўз ишларини ўйлаб, андиша қилиб кўрсинг, ўз ишларини ҳечбир кўрқмасдан дадиллик блан текшириб кўрсинг, ишидаги камчилик ва хатоларни мардлик блан ўзи танқид қиласин, ўз ишида қандай қилиб яхши натижаларга эришмоқ тўғрисида яхши ўйласин ва ўзининг савиясанни оширмоқ учун доим тинмасдан ишласин, деб тақрор-такрор айтиб келди. Бу гаплар бошқа ходимларимизга қанчалик дахлдор бўлса, ёзучиларимизга ҳам шунчалик дахлдордир. Ишини танқид қилишдан кўрқан киши, халқ ҳурматига лойиқ бўлмаган жирканц қўрқоқдир. (Қаитиқ қарсақлар).

Ўз ишини яхши танқид қилмаслик, ёзучилар блан иш юзасидан бўладиган алоқаларда ошна-оғойнigarчилик риоясини қилиш Совет Ёзучилари Ссюзининг бошқармасида ҳам жуда расм бўлиб қолган. „Звезда“ еа „Ленинград“ журналларида топилган ёмон аҳволларнинг туғилишига Ёзучилар Союзининг Бошқармаси, жумладан унинг гаиси ўртоқ Тихонов ҳам айблидир, айблари шуки, улар Зошченко, Ахматова ва бошқа булар сингари кишиларнинг зарарли бўлган бундай кишиларнинг совет адабиётига ёмон та'сирларига йўл қўймаслик, унинг олдини тўсиш ўрнига, улар, аксинча, совет адабиётига ёт бўлган ҳаракат ва фикрларнинг журналларимиз доирасига кирмоги учун йўлни катта очиб қўйганлар.

Ленинграддаги журналларнинг хато ва камчиликларига бу журналларни бошқаришдаги мас'улиятсизлик ҳам анча сабаб бўлди; Ленинград журналларининг редакциясида аҳеол шундай бўлиб қолибдирки, бошдан-оёқ бутун журналга ва унинг бўлимларига ким жавобгар эканлиги ма'lум эмас, андаккина тартиб ва интизом ҳам йўқ. Бу камчиликни тузатмоқ керак. Шунинг учун ҳам Марказий Комитет чиқазиб „Звезда“ журналига бош муҳаррир тайинлади, тайинланган бу бош муҳаррир журналнинг тутган йўлига ва унда босиладиган асарларнинг ғоявий ва бадий жиҳатдан юксак бўлмоғига жовобгардир.

Ҳарбир ишда бетартиблик ва бесаранжомликка асло йўл қўйиб бўлмаганидек, журналларда ҳам тартибсизлик ва бебошлика йўл қўйиб бўлмайди. Журналнинг тутған йўлига ва унда босилган асарларга жовобгар бўладиган аниқ одам керак.

Адабиётда ва мағкура майдонида Ленинграднинг яхши ан'аналари бор, сиз бу яхши ан'аналарнинг яна ўз жойига қўймоғингизга

керак. Ҳамиша фикр вә ғоялар маданият маркази бўлиб қолган Ленинград журнallарининг маслаксизлик, пучлик паноҳи бўлиб қолганига, ғоясизликка паноҳ бўлиб қолганига афсусланамиз. Мафкура вә маданият соҳасида илгор бўлган Ленинградди эски даражасига қайтарайлар. Ленинград ленинчи большевик ташкилотларининг ўчоги ва бешиги бўлганини унитмаслик керак. Ленин блан Сталин большевиклар партиясининг асосини, большевиклик маслаги ва большевик мадзиятининг асосини шу шаҳарда кўрганлар.

Ленинграднинг бу шонли ан'аларини яна тикламоқ ва ривож олдирмоқ Ленинград ёзучилари ва Ленинград партия активлари устига юкланган ва уларнинг иззат ва ҳурматларига оид бўлган вазифадир. Ленинграддаги мафкура майдони тепасида турган кишиларимизнинг вазифаси, аввалан ёзучиларимизнинг вазифаси шуки, улар ғоясизлик, маслаксизлик ва пучлик каби ярамасликларни Ленинград адабиётидан йўқотмоқлари керак. Илгор совет адабиёти байроғини баланд кўтармоқлари, ўзларининг ғоявий жиҳатдан ўсишлари, ёзган асарларини бадиий жиҳатдан юксалтиришлари учун ҳечбир фурсатни қўлдан бермай ҳаракат қилмоқлари, ҳозирги замон тематикасидан кейинда қолмасликка, ҳалқ талабидан орқада қолмасликка тиришмоқлари керак; ўзишларидаги камчиликлар танқидини мумкин қадар кучайтироқлари, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, дўст-бродарлик андишаси блан қилинган танқид эмас, балки дадиллик блан қилинган бетараз ва ғояси юксак большевикласига қилинган танқидни кучайтироқлари керак.

Ўртоқлар, Ленинград шаҳри партия комитети, хусусан унинг ташвиқот ва тарғибот бўлими ва тарғибот ишлари секретари бўлган ҳамда мафкура ишлари тепасида турган, журнallарининг бундай ёмон ҳалга тушиб қолишига энг биринчи жавобгар бўлган ўртоқ Широков қандай катта хато қилганларни энди сизларга аниқ бўлгандир. Ленинград шаҳар партия комитети июнь ойининг охирида „Звезда“ журналининг таҳрир ҳайати тўғрисида қарор чиқазганда, бу қарорида Зошченконы ҳам таҳрир ҳай'агига киргизиб ниҳоятда катта сиёсий хато қилти. Партия шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Капустин блан шаҳар комитетининг тарғибот ишлари секретари ўртоқ Широковнинг бундай қарорни чиқаздиргандарига сабаб фўқат уларнинг сиёсий кўрлик қилганликларидир. Такрор айтаманки, бу хатоларни мумкин қадар тезроқ ва илдамроқ тузагмоқ керак, тики партиямизнинг ма'навий ҳаётида Ленинград шаҳрининг ўйнаган эски ролини яна ўз жойига қўйяйлик.

Ленинградни ҳамда партиямизнинг илгор қисмидан бири бўлган Ленинград партия ташкилотини ҳаммамиз яхши кўрамиз. Ленинградни ўз ярамас мақсади йўлида истифода қилмоқчи бўлган ва адабиётимизга суқулиб кириб олган ҳархил муттаҳамларга Ленинградда жой бўлмасин. Зошченко, Ахматова ва бошқа булар сингари кишилар совет Ленинградининг қадри-қийматига етаолмайдилар. Улар Ленинградда ўзга бир сиёсий ва

ижтимоий тартибларни ва башқа хил мафкураларни күргилари келади. Эски Петербург ва бу эски Петербургнинг мужассам тимсоли бўлган Отга мингани мис ҳайкал улар кўз унгидан сира кетмайди. Биз бўлсанк совет Ленинградига, совет маданиятининг маркази бўлган Ленинградга меҳр қўйганимиз. Ленинградда чиққан улуғ инқилобчи-демократлар бизнинг шонли аждодимиздирлар, бизларнинг сажарамиз шу инқилобчи демократларга бориб тақалади. Ҳозирги Ленинграднинг шонли ан'аналари бу улуғ инқилобчи демократлардан қолган ан'аналарнинг ўсиши ва давомидир, бу ан'аналарни биз ҳечнарсага бермаймиз. Ленинград активлари, аланглаб, ҳадиксираб қўрқиб-писиб ўтирасдан мардлик ва дадиллик блан ўз хатоларини мулаҳаза қилиб чиқсалар, ишларини тезроқ тузатиб яхшилаб оладилар ва мафкуравий ишларимизни яна юргазиб, ривожлантириб юборадилар. Совет мафкурасини яратишда, совет жамиятчилик тушунчасини яратишда Ленинград большевиклари бу вазифанинг илфорлари ва бошлиқлари қаторида ўз ўринларини яна эгалласинлар. (Қаттиқ кареаклар).

Нима бўлдики, Ленинград шаҳар партия комитети мафкура майдонида бундай ҳолга йўл бериб қўйди? Ленинград шаҳар партия комитети шаҳарни тиклаш ва унинг саноат корхоналарини юкори кўтариш соҳасидаги амалий ишлар блан овара бўлиб, мағкура ва тарбия ишларининг аҳамиятини унутиб қўйган бўлса керак, лекин бу ишларни унутиши унга жуда қийматта тушди. Мафкура соҳасидаги ишларни унутиш мумкин эмас! Бизнинг одамларимиздаги ма'навий бойликнинг аҳамияти моддий бойлик аҳамиятидан кам эмас. Эртаги куннинг ғамини емасдан гафлатда ётмоқ моддий ҳаётда асло мумкин бўлмаганидек, мафкура ишларида ҳам бундай гафлат сра ярамайди. Бизнинг совет кишиларимиз ҳозир шу даражада ўсдиларки, ма'навий озиқ қандай бўлса ҳам „ҳазм қилабермайдиган“ бўлиб қолдилар. Ўз ишларини ўзгартиб, ҳалқнинг ўсган ва юксалган талабларини қаноатлантирадиган даражага чиқмаган маданият ва сан'ат ходимлари-- ҳалқ олдида ўз обруйларини даррав йўқотиб қўядилар.

Ўртоқлар, бизнинг совет адабиётимиз фақат ҳалқ манфаатини, ватан манфаатини кўзлайди ва дарвоқи' шундай бўлмоғи ҳам керак. Адабиёт ҳалқнинг жони ва тани бўлган бир ишдир, шунинг учун ҳам бизнинг бу соҳадаги ҳарбир муваффақиятимизни, майдонга чиққан ҳарбир қимматли асарни ҳалқ ўз ғалабаси деб билади. Шу сабабдан ҳарбир яхши асарни жанг майдонидаги ғалабага, ёки ҳўжалик ишидаги катта ғалабага ўхшатса бўлади. Аксинча, совет адабиётида юз берган ҳарбир муваффақиятсизликни кўрганда ҳалқ ҳам, партия ва давлат ҳам хафа бўлиб, афсус ейди, аттанг дейди. Ҳалқ манфаатининг ғамини еган, ҳалқ адабиётига ғамхўрлик қилган ва Ленинград ёзучиларининг бу ҳолга тушиб қолганларини кўриб ташвиш тортаётган Марказий Комитет бу ҳақда қарор чиқарганда, шуларни назарда тутиб қарор чиқарди.

Агар ба'зигар ғоясиз, маслаксиз кишилар совет адабиётининг

Ленинграддаги ходимларини улар таянган асосдан маҳрум қилмоқчи бўлсалар, улар ишининг мафкуравий томобига ражна урмоқчи бўлсалар Ленинград ёзучиларининг ижодларини пуч қилиб, бу ижодниң турмушни ўзгаришдаги аҳамиятини йўқотмоқчи бўлсалар, Марказий Комитет Ленинград ёзучиларини куч ва қувватларига ишонади. Ленинград ёзучиларини Ленинграддаги журнallарни пучлик ва маслаксизлик, сиёсатдан йироқлик йўлига солмоқчи бўлганларнинг барча ҳаракатларига қат'ий зарба бераладилар деб ишонади. Сизлар мафкура майдонининг энг олдинги сафида турасиз, сизнинг устингизда катта ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган вазифалар бор, бу ҳол ҳарбир ҳақиқий совет ёзучисидан ҳалқ олдида, давлат ва партия олдида жавобгар эканини яхшироқ тушуниб олишни, устига юкландган вазифанинг нечоғлик муҳимлигини онглашни талаб қиласди.

Бизнинг ўз мамлакатимиз ичидаги бўлсин, ҳалқаро ишларда бўлсип топган муваффақиятларимиз буржуазия дунёсига ёқмайди. Иккинчи жаҳон уруши натижасида социализмнинг мавқи'и мустаҳкамланди. Социализм масаласи Европанинг кўп мамлакатларида рўзномадаги масалалардан бўлиб қолди. Империалистларнинг барча хилига бу нарса ёқмайди, улар социализмдан, бизнинг бутун илфор инсониятга ибрат бўлган социалистик мамлакатимиздан қўрқадилар. Империалистлар уларнинг мафкура майдонидаги малайлари ёзучи ва газетчи хизматкорлари, сиёсатчилари нима қилиб бўлса ҳам бизнинг мамлакатмизни ёмонлашгага, нотўри тасвир қилишга, социализм ҳақига бўхтон қилишга тиришадилар. Бас, аҳвол бундай бўлгач совет адабиётининг вазифаси шуки, бу ифлос тұхмат ва бўхтонларга қарши чиқиб адабиётимизга, социализмга ҳужум қилаётганларга зарба бериш блан бирга, дадил ва мардонавор ҳаракат қилиб, фасод боғлаб ириб-чириб катаётган буржуазия маданиятининг бутун маразларини очиб ташламоқ ва унинг устига ҳужум қилмок керак.

Фарбий Европа блан Америкада ҳозирги вақтда модага кирган буржуа ёзучилари, кино режиссерлари, театр рижессерлари ўз асарларининг суратини қандай чиройлик қилиб кўрсатсалар ҳам бари-бир буржуазия маданиятини инқироздан сақлаб қолиш қўлларидан келмайди, чунки буржуа маданиятининг ма'навий асоси чирикдир, чунки бу маданият капиталистларнинг хусусий мулкини сақлаш, жамият тепасига чиқиб олиб, фақат ва шукул ўз фойдасини қўзладиган бир қисм бойлар манфаатини сақлаш хизматини ўтайди. Буржуазия ёзучиларининг ҳаммаси, кино ва театр рижессерларининг барчаси жамиятнинг олдинда бораётган илфор табақаларининг дикқат ва э'тиборини сиёсий ва ижтимоий курашнинг пишган масалаларидан бошқа томонларга чалғитиб, мараз босган, фаҳшбозлик блан тўлган, фаҳш ва хотинбозликни ҳамда ҳархил лўттибоз, муттаҳам ва фрибгар ифлосларнинг қилган ишларини мақташдан иборат бўлган маслаксиз, тоғисиз пуч адабиёт ва пуч сан'ат йўлига тортадилар.

Илфор совет адабиётининг намояндаси бўлган бизларга, биз совет ватанпарварларига, бундай паст буржуазия маданияти ол-

дила бўйин эгмоқ, ёки ўзимизни унга шогирд қилиб қўймоқ бизнинг ша'нимизга ярашадиган ишми? Бизнинг ҳарқандай буржуазия демократиясидан юксак бўлган тузумимизни буржуазия маданиятидан бирнечча марта таба баланд даражали бўлган маданиятимизни акс этдиручи адабиётимиз бошқаларни янги мафкура, янги аҳлоқ ва одобга ўргатишга албатта ҳақлидир. Бизнинг ҳалқимиздек ҳалқ, бизнинг мамлакатимиздек мамлакат қаерда бор? Союз ҳалқининг Улуғ Ватан урушида, сўнгра тинчлик шароитида хўжалик ва маданиятни тиклаш ва ривожлантириш йўлига кириб, ҳаркун ва ҳардоим меҳнат бобила кўрсатаётган улуғ фазилатлари кимда ва қаерда бор? Ўтган ҳар кун ҳалқимизни тобора юксалтироқда. Бизлар бугун кечагидек эмасмиз, эртага бугуни гидан ҳам бошқа бўламиз. Бизлар 1917 йилдан аввалги руслар эмасмиз, Рус эли ҳам аввалгидек эмас, бизнинг бугун фе'л-аговоримиз ҳам энди бошқача. Мамлакатимизни томир-томиридан ўзгартган катта янгиликлар блан бирга, бизнинг ўзимиз ҳам ўзгардик, ўсдик.

Совет кишиласининг бу янги хислат ва фазилатлорини кўрсатмоқ, ҳалқимизни ёлғиз шу кунги ҳолиді кўрсатмай, балки унинг келажаги, эртаги кундэ бўладиги ҳолига ҳам назар ташламоқ, унинг илгарига босиб бораётган йўлани м'ш'ал блан ётиб, унга ёрдом бермоқ ҳарбир виждонли совет ёзучисининг вазифасидир. Ёзучи турмушдн кейинда судралиб қолмайди, ёзучи ҳалқ олдиди, унинг тараққий йўлни кўрсатиб бормоғи керак. Ёзучи социалистик реализм методини маҳкам ўшлаб, турмушимизнинг диққат блан астойдил яхши текшириб ви тараққиётимизнинг б. тун м.'но ва м'измуни б. тамом онглаб тушуниб олишга тиришиб, бу равишда ҳалқни тарбиялши ва унга ма'навий қурол бериши керак. Бизнинг вазифимиз совет одамининг б. рча яхши туйғу ви яхши сифатларини саралаб олиш, совет одамининг истиқболини унга очиқ кўрсатиш блан барга уларнинг қандай ёмон сифатлардин йироқ бўлмоқлари кераклигини кўсишишимиз, ўтгари кечаги куннинг эскиликларини совет кишилорининг илгари қадам босишларига тўсқинлик қиласидиган эскиликларга қарш турниб уларни қаттиқт нқид қиласимиз керак. Совет ёзучилорининг вазифаси ёшларни соғлом ва тетик тарбиялашда, уларни ўз кучка вватларига ишонган ва қий илникларн срез қўрқмайдиган кишилар қилиб тарбиялашда ҳалққа, партия ва совет ҳукуматига ёрдам бермоқдир.

Буржуазия сиёсатчилари ва ёзучилари совет тузуми ва совет маданиятининг муваффақиятлари тўғрисидаги ҳақиқат гапларни ўз ҳалқларидан ҳарқанча яширсалар ҳам, Совет Иттифоқи ҳақидаги тўғри ва ҳақ гапларни чет элларга ёймаслик учун орага темир пардалар солсалар ҳам, совет маданиятининг ривожи ва ўсишини ҳарқанча камситмоқчи бўлсалар ҳам, уларнинг бу хил ҳаракатлари беҳудага кетади. Маданиятимизнинг кучини, унинг фазилатларини жуда яхши биламиз. Бу ерда бизнинг маданий иш блан четэлларга борган вакилларимизнинг физкультура паради ва бошқа бунинг каби ишларимиз

нинг чет элларда ниҳоятда катта мувоффақият қозонганини айтаб ўтсак шунинг ўзи ҳам кифоя. Ажнабий мамлакатларнинг ҳарбир иши олдида бўйин эгмоқ, ёки улардан ўзимизни фақат мудофаа қилиш йўлини тутмоқ бизга лойиқ ишми?

Феодализм замони, сўнгра буржуазия жуда тараққий қилган даврларида ўз замоналарини мақтаган, бу замонанинг маҳкам ва пойдор бўлмоғига хизмат қилган санат ва адабиёт яратган бўлса, энди инсониятнинг тараққиёт ва маданият тарихида бўлиб ўтган барча камчиликларни ўз ичига олган бизнинг янги замонимиз, социалистик турмушимиз, дун'ёда энг юксак адабиёт яратишга, эски замонларнинг энг юксак асарларини орқада қолдидаридаган қимматли асарлар яратишга қобилдир.

Ўртоқлар, Марказий Комитетнинг талаби ва ҳоҳиши нима? Марказий Комитетнинг тилаги шуки, мафкуравий ишларимизни юксак дарёзага кўтариш лозим ва зарурлигини Ленинграддаги активларимиз ва ёзучиларимиз яхши тушунсинлар. Совет ёш бўғинлари олдида социалистик Совет давлатини мустаҳкамлаш, унинг кучига куч, қувватига қувват қўшиш, турмушимизни яна яхшилаш маданиятимизни мисилсиз даражада яна гуллатиш учун совет жамияти ичидаги барча куч ва қувватлардан тўла фойдаланмоқ вазифаси туради. Бу улуғ вазифани бажармоқ учун, ёш бўғинларимиз руҳан сөғлом, ўз йўлида собит қадам, қийинликлардан қўрқмай, тап тортмай улар қаршисига дадил чиқиб, бу қийинликларни енгаоладиган жасур кишилар қилиб етиштирмоқлари, шу руҳда тарбияламоқлари керак. Бизнинг одамларимиз илмлик, маслак ва ғояси юксак, музаний ва ма'навий дарожаси юқори, дид ва завқи баланд кишилар бўлмоқлари керак. Бу мақсадга етмоқ учун адабиётимиз, журналтаримиз, замон вазифаларидан бир четда турмай, ёшларни совет тузумига садоқат ва фидокорлик руҳида, халқ манбаатига жон фидо қилемоқ руҳида тарбиялаш учун партияга ва халққа ёрдам бермоқлари лозим.

Совет ёзучилари, умуман мафкура соҳасидаги ишлар блан банд бўлган барча ходимларимиз ҳозирда кураш майдонининг энг биринчи сағида турадилар, чунки мафкура масаласи тинчлик вақтида рўзномадан тушмай, балки аксинча, бу вазифалар, аввало адабиёт вазифалари, яна кучаяди. Халқимиз, давлатимиз ва партияимиз адабиётнинг замонимиздан йироқлашишини эмас, балки адабиётнинг совет турмуши ичига, унинг ҳамма томонларига жасорат блан кириб боришини истайдилар. Адабиётнинг қимматини, хатқининг сиёсий ва ма'навий бирлигини мустаҳкамлашда, халқни бирлэштириш ва тадбиялашда унинг катта роль ўйнашини большевиклар яхши билдило ва бунинг қадрига етадилар. Партия Марказий Комитети ма'навий маданиятимизнинг баракат топиб, ошибтошишини истайди, чунки социализмнинг улуғ вазифаларидан бири маданият хазинасини бойитиш дез билади.

Совет ад биётнинг Ленинграддаги отряди м'навий ві сиёсий жиҳатдан сөғлом ўз хатоларини тез фурсатда тузатиб,

совет адабиети қаторида ўзига лойиқ ві муносиб ўрин әгаллашы-
га Партия Марказий Комитети қаттық ишонади.

Ленинград ёзучиларининг ишларидаги камчиликлар барта-
раф қилиниб, Ленинград партия ташкилотининг мафкура соҳаси-
даги ишларини партия, халқ ва давлат манфаати учун қандай баланд
даражага кўтариш лозим бўлса, яқин фурсатда шундай даражага
чиқиб кучайишига Марказий Комитет қаттық ишонади. (Қат-
тиқ қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЁЗУЧИЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Тошкент шаҳар ёзучиларининг уч кун давом этган йиғилиши тазом бўлди.

Ўзбекистон совет ёзучилар Союзининг раиси ўртоқ Ойбек ВКП(б) Марказий Комитетининг „Звезда“ ва „Ленинград“ журнallари тўғрисида ва шунингдек „Драма театрларининг репертуарлари ва уларни яхшилаш чаралари тўғрисида“ чиқарган қарорлари хақида доклад қилди.

Ўртоқ Ойбек ўзбек шоирлари ва ёзучиларининг бир қатор асарларида йўл қўйилган хатоларни кўрсатиб ўтди. Бундай хатоликлар ҳозирги мавзу'ларда асар ёзмаслик, ўтмишни идеаллаштириш, совет одамини юзаки тасвирлашдан келиб чиқсан. Республикамиз ҳаётида колхоз деҳқонларининг пахтачиликни юксалтириш учун кураши, Ўзбекистонда электиrlаштириш ва ирригация қурилиши каби муҳим мавзу'ларда ўзбек адабиётида яхши асарлар йўқ.

Музокараларда сўзга чиқсан ёзучилар ВКП(б) Марказий Комитетининг „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақида" чиқарган қарорини қизғин ма'қулладилар. Бу қарор совет адабиётининг ривожланиши учун программа чизиб берган ҳужжатdir. Йиғилишда шоирлардан Собир Абдулла, Уйғун, Ҳамид Фулом ва бошқа ўртоқларнинг асарлари, драматурглардан Иzzат Султон, Яшин ва бошқаларнинг пьесалари танқид қилинди. Бир қатор ёзучиларнинг ижодияти ҳозирги ҳаётдан ажралган, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига ёрдам бермайди. Кўп асарларда ўзбек ҳалқининг тарихи, ўтмишда ўтган машҳур кишилари тўғри кўрсатиб берилмайди.

Сўзга чиқсан Туроб Тўла, С. Сомова, А. Қаҳҳор, М. Шевердин, М. Шайхзода, Р. Қориев, Туйғун, Е. Алиев, ЎзК(б)П Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Р. Фуломов, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг пропаганда бўйича секретари М. Ваҳобов ва бошқалар ёзучиларнинг ижодларидаги барча хатолар тўғрисида гапирдилар.

Професор Са'дий янгилиш ва принципсиз нутқ сўзлади. У, бир қатор ўзбек шоирлари ва ёзучиларининг асарлари тўғрисида гапириб, ғоясиз ҳамда бадиий жиҳатдан паст туручи асарларни большевистик танқид қилолмади.

Драматург Иzzат Султанов нутқ сўзлаб, ўзбек адабиёти ҳозир турғун бир ҳолда, деб асоссиз равишда да 'во қилди.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ У. Юсупов йиғилишда катта нутқ сўзлади. У, айрим ёзучиларнинг ижодий фаoliyatlariда йўл қўйилган йирик хатоларни кўр-

сатиб берди ва Ўзбекистонда адабиётнинг бундан кейинги ривожланиши учун имкон тудирадиган бир қатор вазифаларни ўртага қўйди.

Тошкент шаҳар ёзучиларининг йиғалиши қарор қабул қилди. Биз бу қарорни қўйида келтирамиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЁЗУЧИЛАРИ ЙИҒИЛИШИННИНГ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳар ёзучиларининг умумشاҳар йиғилиши ВКП(б) Марказий Комитетининг 1946 йил 14 августді „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақида“ чиқарган қарорини ва 1946 йил 26 августда „Драматик театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида“ чиқарган қарорини эшитиб ва муҳокама қилиб, бу қарорни Ўзбекистон ёзучиларининг барча фаолияти учун жанговар программа деб ҳисоблайди.

ВКП(б) Марказий Комитети ўзининг бу муҳим ҳужжатлари блан, Зошченко, Ахматова ва уларга ўхшаш совет ёзучиси бўлмаган кишилардаги совет адабиётига ёт бўлган ҳолларни ва фикрларни фош қиласи ҳамда совет адабиёти ва драматургиясининг бундан кейинги ривожланиши учун ягона тўғри йўл курсатиб беради.

Буюк Октябрь социалистик революцияси вужудга келтирган ўзбек совет адабиёти халқ оммасини совет ватанипарварлиги руҳида, коммунизм руҳида тарбиялаш ишида ёрдам берди.

Тошкент шаҳар ёзучиларининг йиғилиши ўзбек адабиётида йирик мувваффақиятлар блан бирқаторда, ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорларида кўрсатилган хатолар ва нуқсонлар ҳам борлигини кўрсатиб ўгади. Сўнгти вақтда республикамизнинг кўп ёзучилари ўз бадиий ижодлари блан совет тузуими ҳаётининг асоси бўлган совет давлати сиёсатини актив пропаганда қилишдан иборат асосий вазифаларини унута бошладилар.

Айрим ёзучилар ўзларининг гоявий-сиёсий савияларини ошириш устида ишламаётирлар, социалистик реализм усулини эгаллашга интилмаётирлар. Ҳозирги замон воқи'лигидан, ўзбек халқининг ҳаёти ва курашидан узоқлашиб бормоқдалар.

Ўзбек халқининг Улуг' Ватан урушидаги фидокорона иштироки, унинг пахтачиликни кўтариш учун, йирик саноат корхочаларини қуриш учун фидокорона кураши ўзбек совет адабиётида ҳали кўрсатиб берилгани йўқ. Шу блан бир вақтда совет воқи'лигини масхаралайдиган, совет кишиларига туҳмат қиласидиган айрим ярамас асарлар ҳам пайдо бўлди. Адабиётга бизга ёт булган мафкурани, тушкун кайфиятларни, бадбинликни олиб кириш тенденциялари ҳам бўлди. Маслаксизлик, гоясизлик, халқ ҳаётидан ажralиб қолиш Хуршид, Охундий, Гайратий каби ёзучиларни чиркин обивательлик ботқогига ва ижоднинг боши берк кўчасига олиб кирди. Бизнинг орамиздэ кейинги 10—15 йил давомида бирорта ҳам асар яратмаган Исмоилов, Аббосов каби ёзучилар бор.

Худди шундай турмушдан узоқ, бадий жиҳатдан паст савияда туручи асарлар ба'зи кўзга кўринган шоирларимизнинг ижодида ҳам катта ўрин эгаллади. Собир Абдулла каби шоирларнинг мазмунисиз асарлари ўрта аср сарой поэзиясига тақлид қилишнинг намунасиdir.

Адабиётда эски услуб ва шаклларга берилиб кетиш кўп ёш шоирларнинг асарларидан кўриниб туради. Чунончи, шоир Сайд Назарнинг асарларида бу ҳолни кўриш мумкин. Шоирлардан Туроб Тўла, Ҳамид Гулом ва бошқаларнинг асарларида ҳам худди шундай тенденциялар бор. Уларнинг асарларида ишқий-эротик оҳанглар характерлиди. Бу шоирлар куйлаган муҳаббат совет кишисининг ма'навий бойлигини акс эгдирмайди, унинг характеридаги янги юксак фазилатлар ва хислатларни кўрсатиб бермайди.

Шоир Ўйгуннинг кўп ше'ларида ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан четланиш, тушкунлик ва қуруқ сан'атбозлик кайфиятлари кўриниб туради. Ўйгуннинг ғоясиз, ҳиссий-лирик ше'лари бирқатор ёш шоирларнинг ижодига салбий та'сир кўрсатмоқда.

Узбекистон совет адабиётининг энг қолоқ жанрларидан бири прозадир. Бизнинг проза ёзучиларимиз совет воқи'лигини, Сталин замонасининг одамларини, филокорона меҳнат ва қаҳрамонликни ёрқин бадий формада тасвирлаб берадиган йирик асарлар яратганлари йўқ. Проза асарлари, одатда, паст ғоявий ва бадий савияда бўлади. Матбуотда босилиб чиқаётган ҳикоялар, новеллалар ва очеркларда совет воқи'лиги одатда жуда юзаки қилиб ва соддалаштириб кўрсатилади. Абдулла Қаҳҳор, Ойдин, Сайд Аҳмад, Ўткур Рашид ва бошқаларнинг айрим асарлари бунга мисол бўлаолади.

ВКП(б) Марказий Комитетининг „Драматик театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида“ чиқорган қарори: „Кўп драматурглар ҳозирги куннинг асосий масалаларидан четда турадилар, ҳалқнинг ҳаёти ва талаблағини билмайдилар, совет кишисининг энг яхши фазилатлари ва хислатларини тасвирлаб беролмайдилар“, деб жуда тўғри кўрсатиб берди. Ўзбекистон театрларида ва айниқса, ўзбек театрларида ҳозирги замон мавзу'ида ёзилган совет репертуари жуда оз ўринни эгаллади. Тарихий репертуар устун туради. Тарихий мавзу'ларда ёзилган кўп драма асарларда тарихий давр ҳам, ўрта аср тарихида ўтган айрим машҳур шахслар ҳам идеаллаштириб кўрсатилади. И. Султанов ва Ўйгуннинг „Навоий“ пьесаси, Туйғуннинг „Баҳодир“ пьесаси, Герус ва Козловскийнинг „Улуғбек“ асари феодаль ўтмишни заарали идеаллаштириш блан тўлиб-тошган шундай асарлардир, шоир Шайхзоданинг тарихий мавзу'да ёзилган „Жалолидин“ драмасида ҳам ўтмишни заарали идеаллаштириш элементлари бор.

Ёзучи Хуршид томонидан (Алишер Навоийнинг достони асосида) ёзилган „Фарҳод ва Ширин“ операсининг либреттоси буюк ўзбек шоирининг асари ғоясини бузиб беради. Бу либретто буржуя миллатчилик мафкураси блан сугорилган.

„Бурон“ операсининг драматург Яшин томонидан ёзилган либреттоси Ўзбекистонда 1916 йилда бўлиб ўтган майлий озодлик қўзғолони воқиасини нотўғри тасвир этади, ўзбек халқининг илгор қисми ва унинг интеллигенциясининг бу қўзғолонга бўлган муносабатини сийқалаштириб кўрсатади, чор Россияси халқларининг самодержавиега қарши инқилобий курашида ўзбек халқи ўйнаган рольни қўпол равишда бузиб тасвирлайди.

Ҳозирги замон мавзу'ида ёзилган кўпчилик пьесалар юзакиличик, примитивлик блан ажralиб туради. Тамошабиннинг ўсган талабларига жавоб бермайди. Бу пьесаларнинг саҳнадан тез тушиб кетиши одат бўлиб қолган. Уйғуннинг „Қалтис ҳазил“ деган комедияси шундай драма асарлардан биридир. Бу комедияда колхознинг турмуши қингир кўзгида кўрсатилган, совет кишилари эса, қўпол, нодон ва маданиятсиз қилиб тасвирланган.

Драматург И. Султановнинг „Бургутнинг парвози“ пьесасида ҳам жиддий мафкуравий хатолар бор. Бу пьесада босмачликнинг ижтимоий илдизлари ва унинг тор-мор қилиниш сабаблари нотўғри талқин этилади.

Бизнинг адабиётимизда адабий танқидчилик жуда паст савиядада туради. Адабий танқидчилигимиз адабиётимизда юз бераётган ғоявий-сиёсий хатоларни ва камчиликларни очиб бермайди, адабий танқидчилигимиз совет адабиётининг ғоявий-бадиий юксалиши манфаатлари асосида эмас, балки ошна-оғайнигарчиклик, шахсий манфаатлар асосида иш кўради.

Бизнинг адабиётимизда йўл қўйилган хатолар ва камчиликлар шундан келиб чиққанки, Ўзбекистон совет ёзучилар союзи республика адабий ҳаётининг ташкилий маркази бўла олмади ва адабиётда ҳамда ёзучилар муҳитида юз берган соғлом бўлмаган ҳолларга қарши етарли қат'ият блан курашмади.

Ташкент шаҳар ёзучиларининг йигилиши ёзучилардан Хуршид, Охундий, Файратий совет ёзучиси қиёфасини йўқотганлар, совет ёзучилар союзининг а'зоси деган номга иснод келтирмоқдалар, шунинг учун ҳам улар бизнинг сафларимизда туришга муносиб эмаслар, деб ҳисоблади.

Ўзбекистон ёзучилари ишида йўл қўйилган хатолар ва камчиликларни ўз вақтида очиб ташлаш ва тузатишга, ёзучи кадрларни тарбиялашга ёрдам берадиган ўткир, принципли, большевистик танқидчилик бизда йўқ. Ёзучиларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва бадиий сан'аткорлигини юксалтириш юзасидан мутлақо иш олиб борилмаётir. Бизнинг ба'зи ёзучиларимиз бамайлихотирликка ва совет ёзучисига муносиб бўлмаган хотиржамликка берилганлар. Айрим ёзучилар халқ олдидағи мас'улиятларини ҳис этмай қўйдилар, ўз юриш-туришлари блан совет ёзучиси деган юксак номга иснод келтирмоқдалар.

Ўзбекистон совет ёзучилар союзининг президиуми ёш ёзучи кадрларни, айниқса республикамизнинг область ва районларидаги ёш ёзучи кадрларни тарбиялаш ҳам ўстириш масалалари блэн қониқарсиз шуғулланди.

Ёзучилар йиғилиши „Звезда Востока“ ва айниқса, „Шарқ Юлдүзи“ номли адабий журналларда йўл қўйилган хатоларнинг танқидини мутлақо тўғри деб топади. Бу журналлар босилаётган асарларнинг бадиий ҳамда ғоявий сифатларига етарлик талабчанлик кўрсатмай, уларга либералларча муносабатда бўлмоқдалар.

ВКП(б) Марказий Комитети ўз қарорлари блан: дун'ёда энг илфор адабиёт бўлган совет адабиётининг кучи унинг халқ манфаатларидан, давлат манфаатларидан бошқа манфаатлари бўлмаган адабиёт эканлигидадир, деб кўрсатиб берди. Совет адабиётининг вазифаси ёшларни тўғри тарбиялашда, уларнинг талаблари га жавоб беришда, ёш авлодни тетик, ўз ишига ишонадиган, тўсиқлардан қўрқмайдиган ва ҳарқандай тўсиқларни енгишга тайёр турадиган қилиб тарбиялашда давлатга ёрдам беришдан иборатдир.

Тошкент шаҳар ёзучиларининг йиғилиши, партиянинг мана шу кўрсатмаларига кўра, ўзбек адабиёти республикамиз хўжалик, сиёсий ва маданий ривожланиши соҳасидаги ўсиб бораётган вазифалардан анча орқада қолиб келётганини рўй-рост э'тироф қиласди. Ўзбекистон ёзучилари ўзларини ўзбек халқи олдида катта қарздор деб биладилар.

ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорлари биздан Ўзбекистон ёзучилар ташкилотининг ишини, мазкур қарорларда кўрсатилган хато ва камчиликларни йўқотиш асосида қайта қуришни, совет ёзучилари союзининг янги, жанговар асосларда иш олиб боришини талаб қиласди. Бизнинг энг мухим ва асосий вазифамиз мана шундан иборатдир.

Йиғилиш совет ёзучилари союзининг президиуми ўзининг области бўлимларига раҳбарлик қилиш, янги адабий кадрлар тарбиялаш, республика обласъларида совет ёзучилари союзининг янги бўлимларини тузиш юзасидан олиб бориладиган ишни ҳар тарафлама кучайтириши керак, деб билади.

Йиғилиш, рус ва жаҳон классик адабиётининг энг яхши намуналарини, айниқса совет адабиёти асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ишини кучайтириш керак, деб топади. Бу нарса, кенг ўзбек китобхонларини жаҳон адабиётининг асарлари блан таниширишгагина хизмат қилиб қолмай, блаки ўзбек ёзучиларининг сан'аткорлиги ва маданиятини ошириш учун ҳам восита бўлади. Шу блан бир вақтда, йиғилиш, узбек адабиётининг энг яхши намуналарини рус тилига таржима қилиш юзасидан ҳам олиб бориладиган ишни кучайтиришни зарур деб топади.

Ёзучиларнинг умумий йиғилиши ёзучиларнинг ўзбек ташкилоти ишини қат'ий равишда қайта қуришни, совет халқига ва совет адабиётiga ёт бўлган ахлоқ ва тенденцияларни йўқотишни, ғоясизлик, тутуриқсизлик, маслаксизликка қарши, бизга ёт бўлган „сан'ат сан'ат учун“ деган позицияларга ўта бошлашга қарши омоисиз кураш очишни зарур деб топади. Йиғилиш, ёзучилар союзининг ҳарбир а'зосидан, биринчи галда, Союзнинг президиумидан ва „Шарқ Юлдузи“ ҳам „Звезда Востока“ журналларининг редакцияларидан ёзучиларнинг ижодий ишида ғоявий

савияни күтаришнинг энг муҳим шарти бўлган принципиал большевистик таңқидчиликни кенгайтиришни талаб қилади. Ёзучилар союзининг президиуми ёзучиларнинг кенг меҳнаткашлар оммаси блан алоқасини бундан кейин мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўриши керак.

Йигилиш, республика ёзучиларидан ўзларининг барча кучларини ғалабамизнинг улуғворлигини, совет қурилишининг кўтарикилигини, совет кишиларининг янги Сталинча бешийиллик планни бажариш ва ошириб бажариш ишидаги қаҳрамонлигини акс этдириб берути ғоявий ва юксак бадиий асарлар яратиш ишига беришни талаб этади.

Ёзучиларимизнинг асарида большевиклар партияси тарбияланган, Ватан уруши оловида чиниққан, барча кучини Ленин-Сталиннинг буюк ишига бераётган совет кишисининг образи ҳаққоний равишда акс этдирилиши керак.

Ўзбекистон ёзучилари, ўзбек халқини буюк рус халқи блан биргаликда Ўзб кистонда совет ҳокимиятини яратиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борган курашини ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг буюк ғалабаларини СССР халқлари дўстлигини, Ўзбекистон ишлабчариш кучларининг, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятичининг мислсиз яшнашини ўзида акс этдирадиган юксак ғоявий, тўла қонли бадиий асарлар яратиш устида ишлашлари керак.

Ёзучилар йигилиши, бундай мас'улиятли вазифани бажариш марксча-ленинча наазарияни чуқур ўрганмай туриб, партия ҳам совет давлатининг сиёсатини ғавшан тушинмай туриб, мумкин ёмаслигини уқдириб ўтади ҳамда союз а'золарига ўзларининг ғоявий-назарий савияларини тинмай ошириш, ҳаётдаги энг муҳим воқиаларнинг сиёсий ма'носини чуқур ўрганиш вазифасини юклайди.

Йигилиш, Бутун Иттифоқ коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитетини ва шахсан ўртоқ Сталинни яқдиллик блан ишонтириб айтадики, Ўзбекистон ёзучилари қисқа муддат ичida ўз ишларидаги катта камчиликларни йўқота оладилар ва Ўзбекистон партия ташкилотининг раҳбарлиги остида, ўзларининг барча кучларини буюк Сталин давримизга муносиб асарлар яратишга бағишлайдилар.

М. ВОҲОБОВ

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг пропаганда бўйича секретари

ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИНИНГ БОЛЬШЕВИСТИК ФОЯВИЙЛИГИ УЧУН

Совет ёзучисининг роли улуғ ва ма'суллиятлидир. Ўртоқ Сталин ёзучиларимизни киши руҳининг инженерлари деди. Коммунизмнинг улуғ фояларини кенг омма ўртасига тарғиб этиш совет ёзучиларининг жанговар вазифаси. Совет ёзучилари узларининг бадиий асарлари блан коммунистик жамиятни қуришимизга, мана шу жамиятнинг актив қуручиларини, социалистик ватанимизнинг садоқатли ватанпарварларини тарбия қилишимизга ҳартарафлама ёрдам бермоқлари керак.

„Сан'ат сан'ат учун“ деган ўтакетган реакцион назария совет адабиётига батамом ётди, чунки совет адабиёти халқ манфаатлари учун хизмат қилучи қудратли қурол бўлиб келди ва келажакда ҳам мана шундай қурол бўлажак. Большевистик фоявийлик совет адабиётиning асосидир.

ВКП(б) Марказий Комитетининг „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари тўғрисида чиқарган қарорининг сиёсий аҳамияти айниқса шундаки, бунда ВКП(б) Марказий Комитети совет ёзучиларига уларнинг халқ олдида зўр жавобгар эканликларини эслатиб ўтади ва „халқ манфаатларидан, давлат манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқ ва бўлиши мумкин бўлмаган“ адабиётимизнинг келажак тараққиёти учун асосий чизиқни белгилаб берди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг қарори ёзучиларимизга ягона тўғри йўлни кўрсатиб берди, фақат мана шу йўлдан бориш блангина ўзбек адабиёти тараққий қилиши мумкин. Бу эса халқни Ленин—Сталиннинг улуғ фоялари руҳида тарбия қилиш ишида астайдил бел боғлаб халқقا хизмат қилишдек олийжаноб йўлдир. Партия ҳамма ёзучилардан, шу жумладан ўзбекистон ёзучиларидан ҳам, узларининг ҳамма ижодий фаолиятларида қат'ян бурилиш ясашларини талаб қиласди.

Ўзбекистон ёзучилари ўз ижодларида ҳозирги замон темаларига, сталинча янги бешйиллик темаларига тамон тубдан бурулиш қилмоқлари керак. „Ёзчининг воқи'ликтан кейинда судралиб қолиши мумкин эмас,— дейди ўртоқ Жданов,— ёзучи халқнинг олдинги қаторида бориши, халқقا тараққиёт йўлини кўрсатиб бериши керак“.

Бу сўзлар бизнинг ёзучиларимизга ҳам бутунлай тааллуқлидир.

Бахта қарши иқорор бўлишимиз керакки, бизнинг ўзбек ёзучиларимиз ҳам турмушдан анча орқада қолмоқдалар, ўзбек халқи ҳаётининг ҳал қилучи асосий мас'алалари шу кунгача бадиий адабиётилизда кўрсатилган эмас. Мана шучдай улуғ масалаларни, шубҳасиз талантли ва танилган ёзучиларимиздан, Фафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шайхъода, Яшин, Миртемир ва бошқалар ҳам ўз ижодларида етарли даражада акс этдирилдилар. Ўзбек совет адабиётида пахта учун кураш тўғрисида, бутун ўзбек халқини ажойиб меҳнат қаҳрамонликларига отлантирган Катта Фарғона каналининг қурилиши тўғрисида, ўзбек халқининг фахри бўлмиш Фарҳод ГЭС тўғрисида, уруш кунлари халқининг ўз қўли блан бунёдга келган Оҳангарон кўмир конлари тўғрисида, Андижон нефть конлари тўғрисида, ниҳоят; зўр ирригацион иншоотлар, гидростанциялар, саноат гигантлари, янги социалистик шаҳарлар барпо этган одамлар тўғрисида — ҳақиқий меҳнат қаҳрамонлари тўғрисида — биронта адабий-бадиий асар йўқлиги ҳаммага ма'лум.

Шунингдек, ўзбек совет адабиётида, республика колхозлари тўғрисида, Шолоховнинг „Очилган қўруқ“ деган романига ҳеч бўлмас яқинроқ келадиган биронта тузукроқ асар ҳам йўқ. Шу кунгача ўзбек жангчисининг Улуғ Ватан урушидаги қаҳрамонона иштирокини кўрсатадиган биронта каттароқ асар яратилмади.

Шоирлармиэнинг ҳозирги Ўзбекистонга боғишлаб ёзган анчагина ше'рлари бор. Броқ, мана шу асарларда совет социалистик Ўзбекистони ўзининг мураккаб ҳаёти блан чинакам ҳартарафлама акс этдирилган деб бўладими? Афсуски бундай деб бўлмайди. Бизнинг қарийб ҳамма шоирлармиз ўз ше'рларида Ўзбекистонни жанатга, боғи эрамга ўҳшатадилар, Ўзбекистон бой, фаровон, обод, деб қайта-қайта такрорлайдилар. Броқ, кўп шоирларимиз ўз ше'рларида усти ялтироқ сўзларга бурканган қуруқ ва'зонликдан нарига ўтолмайдилар, биз бу ше'рларда ҳозирги, ҳақиқий Ўзбекистонни, унинг ўттуз йиллик совет ҳокимиияти даврида әришган барча бойликлари — Ўзбекистоннинг бой колхозлари ва совхозлари, унинг ажойиб одамлари, унинг зўр янги қурилишлари, унинг ҳашаматли индустрималь корхоналари, қисқаси мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартган барча нарсаларни, ўтмишнинг мустамлака қуллигидан социализмга томон тарихда мисли кўрилмаган сакраш қилган ҳақиқий Ўзбекистонни кўрмаймиз. Қисқа қилиб айтганда, шоирларимиз Ўзбекистонни „умуман“ маҳташ блангина чегараланиб турмуш воқи'лигининг чуқур ўрганишга уриимайдилар, мана шунинг учун ҳам улар ўзбек халқининг қайноқ ҳаётини, унинг фидокорона меҳнатини, унинг социалистик қурилиш соҳаларида эришкан ажойиб муваффақиятларини ёрқин образларда кўрсатиб беришга қодир эмаслар. Табиий, бундай шоирларнинг ше'рлари, рангбаранг, форма жиҳатидан гўзал бўлишига қарамай, кўпинча мазмунсиз, юзаки, киши ишонмайдиган бўладилар.

Юқорида, Ўзбекистоннинг машҳур ёзучиларининг турмушдан

Орқада қолганликлари тўғрисида гапирган бўлсак, Уйғун, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чустий ва қисмэн Миртемир ҳақида кескинроқ натижалар чиқариб сўзлашга тўғри келади.

Шэир Уйғун сўнгги йилларда кўпгина асарлар ёэди, уни кам ёздинг деб айблаб бўлмайди. Броқ, Уйғуннинг кўпгина асарлари, унинг фақат ҳозирги турмушимиздангина четда эканлигини эмас, умуман ҳизиқий ҳаётдан четда эканни ислотладилар. Уйғун халқ манфатлари блан бирга яшамайди. У, ўз атрофида бўлаётган улуғ ва ажойиб воқиаларга бепарзо. У, ўз шахсий кечирмаларининг тор, сиқиқ оламида ивирсиб юришни афзал кўради.

Уйғун ўз ижодий йўлининг дастлабки кунларидаёқ лирик шоир сифатида қадам ташлайди. Умуман лирикага қарши чиқиш кулгили бўлур эди. Лекин бадбинлик ва тушкимлик руҳи блан суғорилган лирика бизга керак эмас. Бундай лирика совет одамининг фикри, сезгиси ва кайфиятини акс этиш ўёқда турсун, ёш авлодларни тарбиялашкан зарар етказади. Ёш авлодларни тарбиялаш масаласи бизнинг биринчи галдаги вазифаларимиздандир. Ёзучи ўз асарлари блан инжиқ, „йиглоқи“ ҳисли, асаблари заиф, муҳаббат шайдоларини эмас, ҳарқандай қийинчиликларни енгишга тайёр бўлган жангчиларни, коммунизм учун мардонавор ва сабоат блан курашадиган жангчиларни табриялаши керак.

1944 йилда Уйғун ўзининг танланган асарларини нашр қилди. Мана шу тўпламда Уйғун биринчи ше'рини ўқучига боғищлайди.

У шундай деб ёзади:

Ше'рим агар бўлса бир лола,
Сиз парвариш қилучи офтоб
Юрагимни айлаб пиёла,
Сизга тутдим ишқимдан шароб.

Ўқучига муҳаббат хумидан чиқсан „май“ тақдим этилади. Ҳақиқатан ҳам, бирнеча ше'рларини мустасно қилганда, бутун тўплам гул, булбул, ишқ, шубҳа, ҳижрон, рашкка бағишлиланган ше'рлардан иборатdir. Броқ, Уйғун куйлаган муҳаббат „Муҳаббат ўлимдан кучли“ бўлган муҳаббат эмас. Уйғун ше'рларидағи муҳаббат одамларни кўтаринки руҳ блан зўр қаҳрамонликларга, олижаноб ишларга илҳомлантиrolмайди. Уйғуннинг Ватан урушининг қаҳрамондан ва шонли йилларида, бутун совет халқининг фашизм устидан ғалаба қозониш учун зўр ташаббус ва зўр ғайрат блан фидокорона жанг ва меҳнат қилаётган йилларда ёзилган кўпгина ше'рлари соғлом бўлмаган эротик ҳислар, доимий шубҳалар, физиологик рашклар блан тулиб тошкан. Бу ше'рлarda аёл фронтга кетган эрини рашк қиласи, улардзи я'ни эрларидан оз хат ёзасиз, нега тезроқ уйга қайтмайсиз, деб шикоит қиласи. Кўряпсизки, шоир чинакам, ҳақиқий ҳаяёғдан жуда ҳам четда қолиб кетган: ҳаммамиз биламизки, Улуг Ватан уруши йиллари ўзбек аёллари Қизил Армия сағиғга кетган оғанини, ота-бала ва өрларининг ўринларида: колхозларда, корхона ва муассасаларда фидокорона ишлаб меҳнатда ажойиб қаҳрамонликлар кўр-

сатдилар. Броқ, шоир Ўйғун буларнинг ҳеч қайсисини пайқамади, күрмади. Ў, ўз поэзиясида фақат ўзининг шахсий ҳаётини күзлайдиган, арзимас кечирмалари, ноз-фироқлари блангина яшайдиган обиватель аёлнинг образини яратди.

Бу әхир ўзбек совет аёлига бўхтон эмасми? Бундай асарларни бизнинг чинакам, ҳақиқий турмушимиз блан қандай алоқаси бор?

Ўйғун уруш йилларида ёзган ше'ларида уруш ҳақида йўл-йўлакай ёзган я'ни куннинг муҳим воқиалари ҳақида гапирган бўлса, урушдан сўнг ёзган нарсаларининг асосий темаси мавҳум табиат манзараларидан шавқланиш ва муҳаббатни куйлашдан иборат бўлиб қолди. Шоир ўзининг „Гул жинниси“ деган ше'рида гул ишқида ақилдан озганини ва ҳаётда унинг учун гулдан ва муҳаббатдан бошқа ҳеч нарса йўқлигини тасвирлайди. „Ма'шука-нинг ҳаёли“ деган ше'рида эса Ўйғун очиқдан-очиқ қабиҳликга боради. Ўйғуннинг урушдан кейинги ёзган ше'ларининг кўпчилиги ғоя из ва қуруқ мазмунсиз ше'лардан иборат. Шуни айтиш керакки, бундай асарлар ўқучини руҳи тушкинликка, ҳаётдан четланишга, турмушнинг зарур масалаларидан қочишга ҳамда ўзининг соғлом бўлмаган шахсий кечирмалари дун'ёсига яширишишга олиб келади.

Ўйғун поэзиясининг зарарлари бу блан чегараланмайди. Бутун бало шундаки, Ўйғуннинг ғоясиз вә тутуриқсиз лирикаси ўсиб келаётган ёш шоирлар орасида ўзига эргашувчи ва тақлид қилучиларни ҳам топган.

Ўйғунга тақлид қилучилар қаторига биз ёш шоирлардан Зулфия, Шукрулла, Ра'но Узоқова, Сайд Назар ва бошқа ўртоқларни киритишимиш керак. Буларнинг ҳам кўп ше'лари совет воқи'лигига тамоман ёт бўлган ғоясизлик ва мазмунсизлик руҳи блан суфорилган „лирика“ дан иборатdir. Совет ёзучиси деган номни юқори кўтириш ва халқни коммунизм ғояси блан куроллантириш ўрнига, шоир кўпинча ўз иқтидорини фақат бема'ни, мазмунсиз ше'ларга сарф қиласидигина эмас, балки совет адабиётининг умумий ишига зарар етказади ҳам.

Сўнгти вақтларда ғоясиз, ма'носиз лирика Миртемир ижодида ҳам анчагина ўрин олади. Шу блан бирга Миртемир ўз асарлари устида қунт блан ишламайди. Мисол учун унинг „Ўч“ деган тўпламини олайлик. Тўплам „Севги“ деган ше'р блан очилади. Шоир бу ше'р блан қанақа севги тўғрисида гапирмоқчи? Миртемир ўз ше'рининг биринчи қисмida ватан ишқи уни севган ёридан жудо қилаётганидан зорланади. Иккинчи қисмida бўлса ватанга бўлган севги уни турли-туман хавф-хатарлардан доимо омон сақлайди. Умуман айтганда бу ше'рга мутлақо тушиниб бўлмайди.

„Ўч“ деган ше'рида шоир фашистлар адресига дўқ уради ва ҳақорат қиласиди, ўч олишга чақиради. Буларнинг ҳаммасига ишониб бўлмайди ва ўқучида фашизмга нисбатан қонуний ғазаб ҳиссими қўзгатолмайди, чунки шоир бутун дун'ё халқларининг ҳаққоний ғазабини қўзғаган фашист аблаларининг даҳшатли ёвузиликларининг чин ма'носини очиб берадилмайди. Бу шундан келиб чиққанки, шоир воқианинг туб ма'носини тушинмайди,

яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам, бепарволик блан" четдан туриб кузатади.

Миртемирнинг ше'рларида улуғ Ватан уруши XX асрда – танклар, самолётлар, узоққа отар түплар асрида бўлаётгани кўринмайди. Унинг қаҳрамонлари фақат биргина шамшир блан қуролланган ва афсонавий учар тулпорларда от солиб юрадилар. Булар ўз қуролларини мукаммал эгаллаган бизнинг қаҳрамон совет жангчиларимиз эмас, булар автор томонидан ўрта аср поэзиясидан юлиб техника тараққий топган даврга механик равишда олиб келинган афсонавий Олпомишлардир.

Бундай нуқсонларнинг анчагинаси шоирлардан Чустий ва Ҳабибийларга ҳам тааллуқлидир, негаки бу шоирлар ўз ижодларида ўрта аср поэзиясининг ўзига хос ҳарбий атрибутлардан фойдаланиш блан чегараланиб қолмай, ҳатто уларнинг образ, истеора, ухшатишлиарини ҳам ҳозирги замон воқи'ликларига муваффақиятсиз ишлатиш блан шуғулланадилар. Бу нарса шундан келиб чиқадики, Чустий блан Ҳабибий ўзларининг назарий билими ва сиёсий савияси паст бўлгани учун тўлақонли, бадиий жиҳатдан пишиқ адабий асарлар яратишга қурблари етмайди. Бутун бало шундаки, бу шоирлар ўзлари устида қунт блан ишлашни истамайдилар ва мана шунинг учун ҳам ҳар жиҳатдан саводсиз бўлиб қолятилар. Собир Абдуллага ўхшаган ба'зи шоирлар ҳозирги совет воқи'лигидан-совет ҳаётидан орқада қолиб кетган ва у ўз ижоди блан феодаль ўтмишнинг кишилар онгидаги солқитларига қарши кураш ўёқда турсин, аксинча, ўз асарларининг мазмуни ҳамда формаси блан ўтмишни тарғиб қилар экан, уни ўз ўқучиларига жозибали формаларга, я'ни усти ялтироқ формаларга буркаб тақдим этмоқда. Ўрта аср сарой поэзиясига қул бўлиб колган бундай шоирларнинг асарларининг мазмуни ўша сарой поэзиясига тақлиддан бошқа гап эмас. Феодализмни мадҳ қилучи шоирлардан бири ва бизнинг замонамида, совет замонасида, ўрта аср поэзиясининг жарчиси бўлиб қолган миллатчилик руҳи блан сугорилган „шоир“ Хуршиддир.

Ўзбекистон прозачилари ҳам ҳозирги замон ҳаётидан орқада қолятилар. Проза бобида бизнинг ўзбек совет адабиётимизнинг бойлиги Ойбекнинг „Кутлуқ қон“ ва „Навоий“ деган романлари ҳамда Абдулла Қаҳҳорнинг „Сароб“ номли романни блан бирнече майда ҳикоялар тўпламидан иборатdir. Броқ, шу кунгача, биз проза соҳасида, буқунги ўзбек халқининг ижодий ҳаётини акф этадиган тўла қонли ва бадиий жиҳатдан мукаммал бўлган биронта асарга эга эмасмиз. Тўғри, сўнгги кунларда ҳозирги замон темасида ёзилган бирқанча ҳикоя ва очерклар пайдо бўяди, аммо булар бадиий жиҳатдан бизни қониқтираолмаганидек, проза соҳасидаги камчиликларимизни ҳам тўлдираолмайди.

Кўп проза асарларининг сифати пас, сюжетлари яхши ишланмаган ва кўпинча бу асарларда тасвир этилган воқиалар ҳақиқатдан анча олисда туради. Тарихий темаларда ёзилган Осимов ҳикояларини, шунингдек Ма'руф Ҳаким ҳикояларини ва дангдор пахтакор Замира Муталова тўғрисида афсонавий тарэда ёзилган

Шукур Са'дулланинг ҳикоясини мана шундай асарлар қаторига киритса бўлади.

Ўзбекистонда яшовчи рус ёзучиларимизнинг — шоирларининг ҳам, прозачиларининг ҳам — кўғина асарлари мана шундай камчиликлардан ҳоли эмас. Бу асарлардан бирқанчалари, форма ва мазмун жиҳатидан бўш бўлишига қарамай, „Звезда Костока“ журналида босилиб чиқди, бу редакциянинг ёш-бошловчи ёзучиларининг асарларига танқидий куз блан ҳамда жиддий талаб блан қарамэганини кўрсатади. Бу ҳол ёш ёзучиларнинг ўсишига мутлақо ёрдам бермайди.

„Халқимизнинг диди ва талаби жуда ошди. Ана шу савияга кўтарилишни истамаган ёки бунга қодир бўлмаган кишилар кейинда қолиб кетади“. Ўртоқ Ждановнинг бу сўзлари бизнинг шоирларимизга ҳам, прозачиларимизга ҳам, драматургларимизга ҳам бир хилда тааллуқлидир. Агар биз Ўзбекистон театрларининг репертуарларига кўз ташласак, тарихий темада ёзилган пьесаларнинг кўплигини кўрамиз. Шуни айтиш кифояки, Ҳамза номли академик драм театрининг репертуаридаги ўн тўрт пьесадан Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаёти темасида ёзилган биргина пьеса бор. Республиканинг бошқа театрлари ҳам шундан қиёс. Ўзбек драматурглари ҳам ёзучиларимиз оғриган касалга мубтало — улар, драматурглар, ҳозирги замон ҳаёти блан кам қизиқадилар, уни билмайдилар. Ўзларининг ўзоқни кўролмаслиги орқасида республиканинг ишлаб чиқариш кучини кўтариш йўлида халқимизнинг қаҳрамонона олиб бораётган курашини кўрмайдилар. Мана бу ҳол драматургларни, кўпинча ўзлари ҳам яхши ўрганмаган узоқ ўтмишдан сюжет ва драматик материал қидиришга мажбур қиласди. Бу ерда етарлик билим ҳамда ма'lумот ва айниқса ўсталик йўқлиги уларнинг жиддий хато ва камчиликларга олиб келади. Умуман айтганда, тарихий темаларда ёзилган драматик асаларнинг энг жиддий камчиликлари узоқ ўтмишнинг идеаллаштиришdir. Бу идеаллаштириш шундан иборатки, тарихий шахсларни замонбоп қилинади. XIV — XV асрлар қаҳрамонларига хос бўлмаган, аксинча замонамизнинг илфор кишиларига хос бўлган, хислатлар берилади. Бундай камчилик ва хатолар айrim тарихий шахслар трактовка қилинган пьесаларда, Иzzат Султон ва Ўйғуннинг „Навоий“сида, Шайхзоданинг „Жалолиддин“ пьесасида кўзга равшан ташланади.

„Навоий“ пьесасида феодаль даври идеаллаштирилади. Пьесанинг авторлари Ҳусайн Бойқаро давлатини кўкларга кўтарадилар. Пьесанинг мазмунига қарасак, биз ўша даврда фзи, сан'ат, адабиётнинг ниҳоятда тараққий топганини, саноат, қишлоқ хўஜалиги ҳамда савдо-сотиқни юксак даражага кўтарилганини кўрамиз. Мамлакатда йўллар қурилади, каналлар қазилади, кўприклар, мактаблар, ҳашаматли бинолар солинади. Шаҳар аҳолисининг қариб ҳаммаси саводли ва улар сан'ат ва адабиётнинг яхши биладиган ва унинг муҳиблари қилиб кўрсатилади. Мана шу ажойиб, гуллаган давлатник ташкилотчиси бўлган Навоийнинг ўзи эса саҳнада туриб шу ишларнинг ҳаммасини халқ учунъ

халқынг турмушини яхшилаш учун килингипти, — дейди. Бу ерда сўз қанақа халқ тўғрисида боряпти? Ўта асрдаги эксплотатор синфлар, феодаллар, аристократлар, савдагорлар, корхона мастерлари, тўғрисида бораётган бўлмасин? Бунга ишониш учун унча меҳнатни ҳам ҳожати йўқ. Пъесанинг авторлари у даврни ҳаддан ортиқ рангбаранг бўёқларга бўяб юборишикан. Феодаль жамиятинг юқори табақасининг ҳаётини ва аҳволини Иzzат Султон блан Уйғун ўз пъесаларида бутун халқ ҳаёти ва аҳволи шундай эди деб тасвир қиласидар.

Пъесада синфий кураш феодаль тузимида хос бўлган доимий органик ҳодиса сифатида кўрсатилмай, аксинча ўткинчи ва фавқулодда ҳодиса қилиб берилган. Ҳиротдаги кўтарилиган қўзғолон деҳқонлар ва ҳунармандларнинг ўша даврда раҳимсиз феодаллар эксплоатацияси ва судхўрлар исказиши остида эзилганликлари натижасида эмас, айрим „адолатсиз“, очкўз беклар, хонлар ва чиновникларнинг жарималарни ҳаддан ташқари ошириб юбориши туфайли халқ норози бўлиши ватижасида кўтарилиган қўзғолон қилиб кўрсатилади. Навоий Ҳиротга келиб халқа жабрзум қилган амаллорларнинг жазолаши блан гўё яна мамлакатда асойишталик давом этади.

„Навоий“ пъесасида, авторлар, Ҳиротдаги темурийлар давлатида меҳнаткаш халқынинг баҳти ҳаёт кечириши учун ҳамма имконият бор эдио, броқ бунга давлатнинг ёмон арбоблари халақит бердилар деган нарсани исбот қилишга муваффақиятсиз уринадилар. Буларнинг ҳаммаси Иzzат Султон блан Уйғуннинг „Навоий“ пъесасида узоқ ўтмишнинг зарарли идеаллаштириш унсурлари борлигини исбот қиласидар.

„Навоий“ пъесасида ўзбек халқининг улуғ шоири, шубҳасиз ўз замонасининг илфор кишиси бўлган Алишер Навоий ўз замонасидан ва ўша давр шаронтидан айрича олинган, мана шунинг учун ҳам бизга Навоий образи XV аср охиirlари ва XVI аср бошларидаги прогрессив элементлар вакили, ма'рифатли монархия идеясининг тарафдорини эмас, ҳозирги замон совет жамоат арбобини эслатади. Ҳақиқатда эса Навоий ма'рифатли монархия тарафдори эди. Навоийга демократизм идеясини, зулм ва эксплоатацияни йўқ қилиш идеясини, феодализмдан бошқачароқ қандайдир янги бир тузим тузиш идеясини йўткаш мутлақо ортиқчадир. Навоий ма'рифатли монархия яратиш учун уринди, XV асрда, феодализм истибодди, қора реакция авж олган асрда, адолатли шоҳ тўғрисида ўйлади, орзу қилди. Биргина мана шунинг ўзи ҳам Навоийни буюк тарихий арбоб босқичига кўтаради. Аммо, пъесада буюк шоир ва мутафаккир бўлмиш Навоий дун'ёга қарашининг шакилланиш процесси кўрсатилмайди. Иzzат Султон ва Уйғуннинг та'рифича Навоий ҳаддан ташқари фавқулодла кучга тўлган сифатларга эга бўлган. Унинг онгитушинчалик ўз даврининг жамият тараққиёти блан мутлақо борланмайди. Навоий ҳақидаги бундай тушинчани янгилик эмас. Иzzат Султон блан Уйғун бундай тушинчани „тазкирачилар“ (биографлар)нинг китобларидан оладилар, бу „тазкиричилар“ Навоийни;

у, турт-беш ёшларидаёк эрон шоирларининг асаоларини билар эди, олти ёшида эса ўзи ажойиб шे'рлар ёэди ва ўзининг ақли ва идроки блан кўп олимларни ҳайратда қолдирган деб маҳташардилар. Албатта, тарихий шахсларни мана шундай трактовка қилиш марксизм нуқтани назаридан жуда ҳам олисда туради. Авторлар ҳарқандай тарихий шахс ўз даврининг самараси бўлишидай оддий ҳақиқатни унитиб қўйганлар. Қачонки адабий асаоларда гап қандайдир янги бир дун'ёга қарашнинг, янги идеянинг вужудга келиши ҳақида бораркан автор бу идеянинг чиқиши ва шакилланиш процессини бадиий формада кўрсатишга мажбур. Акс ҳолда автор идеаллаштириш ботқофига тушиб қолиши муқаррар ва ҳарқандай тарихий шахс образини бутунлай бузилиши турган гап.

„Навоий“ пъесасида воқиа икки идеянинг ўткур кураши блан тугамайди, аксинча мана шу курашнинг сўниши блан тугайди. Султон Ҳусайн Бойқаро батамом бузилади. Мамлакатни идора қилиш қобилиятини йўқотади, сиёсий арбоб сифатида батамом ҳалок бўлади, Навоий бўлса курашдан воз кечиб ўз мамлакатининг сиёсий ҳаётидан кетади. Албатта бу тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳаётининг сўнгги дамларигача ўтакетган шарқ золими ва ҳуш'ёр давлат арбоби бўлган. Навоийчи? Навоий ҳам то ҳаётининг охиригача, ўзининг сиёсий қарашлари ва э'тиқодларидан воз кечмади. Шундай қилиб, „Навоий“ пъесасида, бир томондан Навоийни идеаллаштириб хато қилинган бўлса, иккинчи томондан унга тўғри баҳо берилмай хато қилинган.

Пъесанинг айрим эпизодларида, Алишер Навоийни ўша даврнинг одамига хос бўлмаган революцион демократик чизиқлар блан бўяб кўрсатишга уриниб, умуман авторлар Навоийни принцепсиз, қарорсиз давлат арбоби қилиб тасвирлайдилар. Чет эллардан келган меҳмонлар олдида Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатини кўкка кўтаради, адабиёт, сан'ат, музиканинг тараққий этканини маҳтайди, мамлакат ободонлиги, янги каналлар, йўллар, работлар қурилиши тўғрисида гапиради. Аммо, бу ерда ҳалқ аҳволининг оғирлигидан, унинг қул каби ишлаб оз даромад олишидан оғиз очмайди. Гўё мамлакатда, ҳалқ ичиди асойишталик ва синифлар ўртасида эса доимий гармония бордек туюлади. Пъесанинг бошқа бир жойида эса Навоий ҳалқни феодаллар томонидан эзилиши ва ҳалқ ҳуқуқсизлиги тўғрисида сўзлайди.

Шайхзоданинг „Жалолиддин“ деган пъесасида, мўғулларга қарши курашда Жалолиддиннинг ролини ошириб юборилган. Бу пъесада биз ҳалқни кўрмаймиз, ма'лумки мўғулларга қарши курашнинг энг асосий кучи ҳалқ бўлган эди. Пъесада фақат хонлар, беклар ва уларнинг қўшинларидан бошқа ҳечким йўқ. Жалолиддиннинг ўзи эса ҳалқ оммасидан жуда йироқ эди. Шуни айтиш керакки, Жалолиддин аввало хон ва мўғулларга қарши уруш блан у, ўз тахти ва Хоразм хонлигининг тожи учун курашиди. Жалолиддин қўлидан кетган мана шу тахт ва салтанати учун ҳалқ оммасига суяниб туриб курашга уринди, броқ, унинг

бу ҳаракати бекорга кетди. Негаки, унинг манфаатлари ва қарашлари халқ оммасининг манфаатларига ва қарашларига мутлақо ёт ва эид эди.

„Муқанна“, „Торобий“, „Улуғбек“ деган пьесаларда ҳам тарихий шахсларни ҳамда Узбекистоннинг феодаль ўтмишини қўйпол равишда идеаллаштирилганини кўрамиз.

Яшинниyg 1916 йил миллий озодлик қўзғолони темасида ёзган „Бўрон“ операсида жиддий ғоявий хатога йўл қўйилган. Операторда қўзғолон кўтарилишининг асосий сабаби мардикор олиниши деб кўрсатилган. Бу ерда ўзбеклар мардикорликка боришни хоҳламади, қўрқди, деган та'сир қолдиради. 1616 йил қўзғолонини мана шундай кўрсатиш, шубҳасиз, нотўғри, ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатишдир.

Ўзбек интелигенциясининг қўзғолондаги иштироки ҳақида операда имо-ишора ҳам йўқ. Аксинча интелигенциянинг ҳаммаси реакция лагерида бўлиб чиқади. 1916 йил озодлик ҳаракатига бу хилда қараш блан келишиш мумкин эмас. Интелигенция қатиридаги демократик кайфият блан суғорилган айрим кишиларнинг 1916 йил қўзғолонига актив қатнашканликлари ма'lумдид.

Октябрь революциясидан илгарироқ бўлиб ўтган революцион озодлик ҳаракати йилларидағи рус халқининг раҳбарлик роли операда бўш ва ишониб бўлмайдиган қилиб кўрсатилган.

1916 йил қўзғолони подишио аскарлари томонидан раҳимсиз равишда бостирилгани ҳаммага ма'lум. Броқ, опера қўзғолончиларнинг ғалабаси блан тугайди. 1916 йил қўзғолонида ўзбек халқининг қўлга киритган асосий ютуғи, унинг революцион онгининг ўскани эканлигини автор тушинмайди. Кенг омма ўзининг чоримзага қарши олиб борган курашида маҳаллий эксплоататорлар синфининг ўзиға иттифоқчи бўлолмаслигига ва бу курашда фақат рус халқи блангина қўлма-қўл бўлиб бориши зарурлиги га ишондилар. Биз „Бўрон“ операсида қўзғолонга иштирок эткан кучларнинг ҳақиқий муносабатларини ҳамда воқианинг сиёсий аҳамиятини ҳаққоний очиб берилганини кўрмаймиз.

Иzzат Султоннинг „Бургутнинг парвози“ деган тарихий пьесаси ўзбек халқи тарихининг жуда ҳам мураккаб даврига бағишлиланган пьесадир. Автор, бу пьесада босмачликка қарши кураш йилларида ўзбек меҳнаткашларининг советлар томонига бурилганини ва босмачилик устидан ғалаба қозонишимизнинг ташкилотчиси бўлган большевистик партиянинг ролини кўрсатишига ҳаракат қиласди.

Иzzат Султоннинг бу пьесаси мана шу соҳадаги биринчи пьесадир, агар пьесанинг бирмунча жиддий хатолари бўлмагандан эди пьесанинг ёзилишини ҳар тарафлама табриклаш мумкин бўлур эди, броқ, пьесадаги бу хато ва камчиликлар туғрисида ҳеч нарса демай жим қолиш мумкин эмас.

Авторнинг фикрича деҳқонлар оммасини, босмачилар ўзларига қўшиб олган камбағал-деҳқон Жўрабой образи гавдалантириши керак эди. Жўра большевикларни кўргани кўзи йўқ, нафрат блан

қарайди. Хатто у, советлар томонида турган, ўзининг ишчи ўғли Умарни ҳам ўлдиришга тайёр. Жўранинг тушинчасича ўзбекни большевик булиши мутлақо мумкин эмас, негаки, большевиклар кофир ва исломнинг душманлари.

Большевикларга нисбатан дәхқонларда бу нафрат қаердан пайдо бўлди деган савол туғилади? Агар бу диний ташвиқотнинг натижаси бўлса, маҳаллий аҳолининг ўртасидаги синфий қарама-қаршилик уларнинг диний кайфиятларидан кучсизроқмиди?

Босмачи Жўра фақат унинг диний ҳиссини босмачилар ҳақорат қилгани учун босмачилар лагеридан қочади ва совет тузумига садоқатли одам бўлади.

Босмачлик, гражданлар уруши йилларида, Октябрь революциясидан ранжиган бой-моноплар ҳамда буржуа-миллатчилар томонидан советларга қарши кўтарилган ҳаракат эди. Тўғри, босмачиликнинг бошлиқлари гражданлар урушининг қийинчиликларидан фойдаланиб дәхқон оммасининг қолоқ қисмидан бир муначасини контрреволюция лагерига муваққат торта олди. Броқ, ўзбек дәхқонларининг қисман босмачиликда иштирок этиш факти, босмачиликнинг чинакам синфий моҳиятини қиттак бўлса ҳам ўзгартмади. Босмачилик контрреволюцион кайфият блан тўлиб-тошган бой-моноп ҳамда буржуа-миллатчиларнинг бошлиқлари томонидан уюштирилган бир ҳаракат бўлиб қолаверди. Мана шунинг учун ҳам, автор Жўранинг ҳатти-ҳаракатининг сабабини босмачиликнинг синфий моҳиятидан излаганда тузикроқ бўлур эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дәхқонларнинг олданган қисмини, я'ний босмачилик ҳаракатига кўр-кўронча оралашкан қисмини, советлар томонига ўтишига Туркистон большевикларининг ленинчалинча миллий сиёsatни тўғри амалга ошириши сабаб бўлди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон театрларининг саҳналарида пайдо бўлган кўпгина пъесалар халқ дастонлари сюжети асосида ёзилгандир. Бу хилдаги драматик асарларнинг асосий камчиликлари шундан иборатки, бу пъесаларнинг авторлари феодаль ўтмишни идеаллаштириш блан хонлар ва бекларни мақташ ва бундан ташқари хонлар саройининг дабдаба ва жилосини кўрсатишга кўпроқ уринадилар, шу блан бирга бу пъесаларда халқдан чиққан персонажларни содда, калтафаҳм қилиб кўрсатадилар. Мана шундай соддадил, анқов учун Туйғун пъесасининг бош қаҳрамони Баҳодирни мисол қилиб кўрсатса бўлади. Баҳодирни учала хон ҳам алдайди. Охирида Баҳодир, олдиндан та'кидлаб қўйилганига қарамай, Муэррабхон саройида заҳар кўшилган вино ичади ва ҳалок бўлади.

Бу хилдаги „халқ қаҳрамони“ни кўрсатиш учун, Хуршид томонидан ёзилган „Фарҳод ва Ширин“ операсидан Фарҳодни мисол қилиб олиш мумкин. Бу асарда Фарҳод образининг талқин қилиниши халқнинг Фарҳод ҳақидаги тушинчасига мутлақо тўғри келмайди. Ўзбек халқи Фарҳодни ўзининг афсонавий қаҳрамони деб ҳисоблайди. Фарҳод халқ учун мардлик, чидам, ватанга муҳаббат ва садоқатнинг чинакам символи бўлиб қолган. Ўзбек халқининг, Сирдар'ёдаги зўр гидростанциясини Фарҳод номига

қўйилиши ҳам бечиз эмас. Пъесадаги содда ва гўл Фарҳод — халқнинг афсоновий қаҳрамони бўлган Фарҳодга мутлақо ўхшамайди. Бундан ташқари Хуршид томонидан ёзилган „Фарҳод ва Ширин“ либереттосида қўпол мафкуравий хатолар ҳам бор.

Хозирги Ўзбекистонни кўрсатадиган пъесалар ҳали жуда оз. Аммо, бу оз пъесалар ҳам, мисол учун Ўйғуннинг „Қалтис ҳазил“ и, талайгина жиддий хатолардан ҳоли эмас.

„Қалтис ҳазил“ пъесаси бадиий томондан жуда бўш бўлиши блан бирга воқи'лик бузиб кўрсатилган, колхозчиларнинг нодон, маданиятсиз кишилар қилиб кўрсатиб колхозчиларимизнинг ҳаётини масҳаралаб кулгили қилиб тасвирлайди,

Моҳир Аҳмедовнинг „Асл фарзанд“, Исмоил Акрамнинг „Тақдир“, Шариф Муҳаммевнинг „Макр ва Вафо“ деган пъесалари тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, чунки булар ҳарқандай таққиддан ҳам тубан турадилар.

Болалар театрларининг репертуарлари жуда ҳам қашшоқ. Аҳмедовнинг болалар учун ёзган „Қаҳрамон“, „Садоқат“ ва Жавод Обидов блан бирга ёзган „Сирли кўза“ деган пъесаларини болаларгагина кўрсатиб бўлмайди эмас, умуман совет кишиларига кўрсатиб бўлмайди. Бу пъесаларнинг асосида диний мотивлар кучлироқ. Репертком томонидан тасдиқ этилган „Садоқат“ деган пъесада пионерлар душман устидан ғалаба қозонишимиznи худодан ёлбориб сўрайдилар.

Тамкиннинг „Фарҳоднинг ёшлиги“ деган пъесасида биринчидан Фарҳод образи қўпол равишда идеаллаштирилади, иккинчидан бу пъеса диний руҳда ёзилган.

Ўзбекистон ёзучиларининг ижодидаги бу жиддий камчиликлар ва сиёсий нуқсонлар биринчи павбатда чуқур, ўртоқлик принципиаль таққиднинг йўқлигидан келиб чиққандир. Ижодий муҳокамаларда таққид ўрнига ошина-оғайнигарчилик, юзихотирлик ва бир-бирини мақташ бир қондага кириб қолган. Кўп вақт ёзучилар бир-бирини хафа қилиб қўйишдан қўрқадилар ва шунинг учун „мен сенга индамадим, сен ҳам менга тил тегизма“ дегандай қилиб жим қолишини афзал кўрадилар. Газета ва журналларнинг саҳифаларида ҳам, шу жумладан „Шарқ Юлдиз“ ва „Звезда Востока“ журналларида ҳам таққид кўринмайди. Редакциялар Ўзбекистонда чиқадиган асарларни таққидий муҳокама қилиш учун ёнг яхши адабиётчиларни шу кунгача тортаолмадилар. Ўз асарларини юқорироқ босқичга кўтариш учун ёзучиларга ёрдам бермадилар.

„Таққид бўлмаса, — деди ўртоқ Жданов, — ҳарқандай ташкилотнинг, шу жумладан адабий ташкилотнинг ҳам пупанак босиши мумкин... Фақат дадил ва ошкора таққидгина кишиларимизнинг камолга етишига ёрдам беради, уларни олға боришга, ўз ишларидаги камчиликларни енга олишига руҳлантиради“. Ёзучилар союзнинг вазифаси шундан иборатки, кенг ва принципиаль таққид асосида ўзбек адабиётини ғоясиз, сиёсий тутуриқсиз, совет вақи'лигини бузиб кўрсатадиган асарлардан тозалаш ва адабиётдаги ёт та'сирга қарши кураш блан ҳақиқий совет ёзучиларини тар-

биялаш ва уларга зўр бадиий кучга эга бўлган ва совет одамийнинг қаҳрамонона меҳнатини ҳамда унинг энг яхши фазилат ва хислатларини ҳаққоний равишда тасвирлаб берадиган асарлар яратишга ёрдам бермоги керак.

Ўзбек халқи ўзининг ёзучиларидан бадиий ва ғоявий жиҳатдан чинакам юксак асарлар кутмоқда, бундай ма'навий озиқ Узбекистон халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришдаги буюк вазифаларни бажаришда халққа ёрдам бериши керак.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

ҚЎШЧИНОР¹

Роман

Капсанчилар қишлоғи

Сидиқжон эрталаб иоништадан кейин жўнамоқчи бўлган эди, Курбонота:

— Бирпас сабр қилсангиз, машинага тушиб кетасиз, МТСнинг машиналари станцияга қатнаб туради,— деди.

Сидиқжон умрида автомобильга тушмагани, унга тахтиравон, шоферларга эса қариб Афлотун деб қарагани учун,

— Йўғе!... — деб кулди.

— Нега?

— Энди...

— Бемалол! Ўзимизга қарашлик йигитлар, биронтасига айтамиз...

— Одамнинг боши айланмасмикин?

Курбонота энгашиб самоварнинг остига сим тиқаётган эди, қаддини ростлаб, Сидиқжонга қаради.

— Нима?

— Бош айланмасмикин? Умримда тушган эмасман.

— Тушган эмасман? Шу чоққача қайси бурчакда мөғор босиб ётган эдингиз?

Сидиқжон чолни ўзи сингари, умрида автомобильга тушмаган, деб ўйлаган ва шунинг учун ундан бундай гап чиқишини кутмаган бўлса керак, қаттиқ изза тортди; нима дейишини билмай, бошидан дўпписини олиб ўёқ-буёғига чертди, тиззасига қўйиб жиягини тортди. Бу гапни олтмишга бориб қолган бир чолдан эшиғланлиги унга ниҳоятда наша қилди. Шундан кейин автомобильга тушиб кетиш бир ҳавас, Қурбонота қўзғатган хоҳиш эмас, ўз қадрини билган ҳарбир одам боласи кундалик ҳаётдан талаб қиласиган заруратлардан бирига айланди. Шундай зўр заруратга айландики, шу куни станцияга автомобиль чиқмаган эди, пиёда кетмади, кунни Қурбонотага қарашиб ўтказди: кўмир майдалади, хумга сув тўлдириди; ҳатто, бирон таниш-билиш кўриб қолса, қайнотаси Зуннунхўжага еткизади ва Зуннунхўжа албатта „ўла“ дейди деган андешага ҳам бормай, чой ташиди, самоварнинг саҳнини супурди... Қурбонота унинг автомобо-

¹ Боши 3, 4-5, ва 6 сонларда.

бильда кетишига жазм қилганини күриб, кечқурун МТСдан эртага қачан автомобиль бұлишини билиб келди. Шу муносибат блан яна автомобиль түғрисида гап чиқиб, Сидиқжон „шу өзің қоча қайси бурчакда мөнор босиб әтгәнлигини“ на әндиги ниятини батафсил сүзлаб берди. Қурбонота бу гапларни әшитиб, унинг зойе' ўтган умрига чин күнгилдан ачинди ва қалбидә унга—бошига савдо тушган йигитга нисбатан чолларга хос мәхр, шафқат үйғонди.

— Ундоқ бўлса, ўғлим,— деди — шаҳарга борманг. Шаҳарга борганингиз блан то бирон касб-кор топиб, унга кўнгил қўйиб, шу касб-кор орқасида бутун нон топадиган бўлгунингизгача, хила гап бор. Декончиликда қўлингиз қотиб, кўзингиз пишиптими, шундан қолманг!

— Тўғри, ота, декончиликга ишқим ҳам зўр.

— Ишқингиз зўр бўлса,— деди Қурбонота мийигида кулиб—бу замонда киши нимага кўнгил қўйса, агар сизга ўхшаб ичкуяв бўлмаса, ўшандан топади, ҳеч қачан ноумид бўлмайди. Мен буни кўриб турибман. Менинг ҳам декончиликга ишқим зўр, лекин қандоқ қиласай: қўл ўлгур, мана бу хилда... „Биз хотин олдигу, сўфи саҳархез бўлди“ дегандек, кетман кишянинг иқболини баланд қиласидиган замон келганда самоварнинг жўмрагини бураб ўтирибман. Ҳали ўзингиз айтгандай, гап бир бурда нонда эмас. Бир бурда нонимни мен ҳарқачон, ҳар ерда топиб еганман... Шундақ қилинг, ўғлим, шаҳарга борманг. Капсанчилар колхозининг раиси Ўрмонжон менинг тутунган ўғлим, жуда яхши йигит. Агар хўп десангиз, мен ўшанга айтай, сизни колхозига олсни. Ҳа, айтгандай, колхознинг оти ҳозир „Капсанчилар“ эмас, „Қўшчинор“. Қўш-Чинор колхози.

Сидиқжон жуда хурсанд бўлди. Икки кунгача хаёл суруб, ўзини қўйгани жой тополмади: колхозга киради, ҳамма блан иттифоқ бўлиб, каттасини ака, кичигини ука дейди; эринмасдан, ишдан ишни фарқ қилмасдан жон-дили блан меҳнат қиласиди; бир вақти келиб уй-жой, ундан кейин яхши рўзгор қиласиди; оппоқ яктагининг этагини пир-пиратиб велосипед миниб юради; онасини етти қабат кўрпага ўтқизиб қўйиб хизматини қиласидиган хотин — сочи қопқора, узун ва ўзи оппоқ, сўлқилдоқ ўн олти яшар қиз олади...

Икки кундан кейин „Қўш-Чинор“ колхозининг раиси Ўрмонжон келди. Ўрмонжон, Қурбонота айтгандек, йигит эмас, қирқ бешларга бориб қолган ўрта бўйли, қопқора, қотма, кичкина қутичага солинган каттакан қулфга ўхшаган соқол мўйлабига оқ оралаган бир киши эди. Унинг оёғида чориқсумон бризент этик, өгнида тиззасига ямоқ тушган кулранг галифе шим, жигарранг қисқа кўйлак, белида кашта тикилган сариқ белбоғ. Жияги ёғ босиб кетган тор чустнусха дўпписи бошининг учидаги худди амонаят тургандай. Гапни, худди ёд олгандай, тез ва бир қиёмда гапиради. Унинг туруш-турмушини кўриб, Сидиқжоннинг бир оз кайфи ўзгарди. Ўрмонжон Қурбонотанинг гапига диққат блан қулоқ солганидан сўнг Сидиқжоннинг афт-бошига зеҳин солиб,

— Шундоқми? — деди, сүнгра унинг яктағини ушлаб этигининг құнжиниғи жиілаб күрди. — Бу яктак, бу этик эскирса, бошқаси борми? Бизнинг колхозга кирсаның, ҳали-бери янгисини олалмайсанда, майлими? Бизнинг колхозчилар бунаңа этик киядиган бұлғунча, көп қовун пишиғи үтады... Бизнинг колхозда иш күл, ош оз. Сен катта охирдан ем еб ўрганған экансан — чидалмайсан.

Курбонота Сидиқжонга қараб „ваҳима қилаётіби“ деган мазмунда күз қисди, бунга ҳам қаноғт құлмай.

— Ўғлим, Ўрмонжон, бола бечорани чүчитмагин-да! — деди.

— Йүқ, отажон, билгани яхши. Ўй оладиган одам уйни миңорада туриб күрмайды. Колхоз илгари бир юз үн уч хұжаликдан иборат зди, ҳозир саксон түрт хұжалик қолди. Бошқалари ҳар әкқа кетиб қолди. Ана шу!

— Бу гапинг тұғри-ку, лекин колхозинг, алхамдулилло, дуруст бўлиб келаётити: дамба қилиб тошқин балосидан қутулдиларинг, ариқ битай деб қолди. Колхоз яхши бўлиб кетишилиги шундан ма'лум-да!

— Албатта яхши бўлиб кетади. Бунга ҳамма ишонади. Ҳатто ўша қочиб кетганлар ҳам ишонар зди. Улар ишонмаганидан қочиб кетгани йўқ, оғир меҳнатга чидалмади. Одамлар колхоз яхши бўлиб кетишилиги ишонмаса дамба ишида, ариқ ишида шунақа ишлармиди? Айниқса қиши кунлари-я!

Курбонота ўша қәхратон қиши кунларини эслади. Қаттиқ соvuқ. Дар'ё томондан эсган изғириң бурунни учурив кетай дейди. Уст-боши юпин йигитлар, чоллар қулоқларини рўмол блан боғлаб олиб, кетман урушади, турпоқ кўчиришади; хотинлар замбил кўтаришади, қоп орқалашади. Буларниг ичида оёғига увада ўраб, сим блан боғлаб олган кишилар бор зди.

— Рост, ўғлим! Бирнига жонига тегмаган, суюк-суюгидан ўтиб кетмаган, жуда катта бир нарсадан умиди бўлмаган одам бу хилда меҳнат құлмайди. Яхши, йиглаб-йиглаб марза олсаны, кулиб-кулиб суғарасан.

Ўрмонжон, МТС да иши бор экан, кириб кетди. Курбонота — Сидиқжонни чучмал бир алфозда кўриб:

— Ҳа, Ўрмонжон чүчитиб қўйдими? — деди.

— Нимадан чўчийман, меҳнатдан чўчийдиган йигит эмасман.

— Борасизми?

— Борсак бораверамиз...

— Е кўнглингиз унча чопмаётитпими?

— Йўқ...нега...

— Ростины айтинг, ёқмадими?

Сидиқжонга Ўрмонжон та'риф қилған колхоз эмас, Ўрмонжоннинг ўзи ёқмаган зди. У ўйлар зди: „Мунча тўнг, мунча ҳам сўхтаси совуқ одам экан! Менинг яктағим, этигим, қанақа охирдан ем еганим блан нима иши бор? Нима учун мени сенсирайди? Ҳозир сенсираса, колхозига олганидан кейин оёғи блан кўрсатар...“

— Ростины айтинг! — деди Курбонота яна.

Сидиқжон ростины айтгани ўнғайсизланар зди.

Хила вақтдан кейин Ўрмонжон иккита от етаклаб келди ва худди Сидиқжон у блан кетгани розилик билдириб, фақат отга маҳтал бўлиб тургандай:

— Қани, қайсими минасан? — деди.

Сидиқжон ҳанг-манг бўлиб, шошганидан:

— Менга бари бир, — деганини ўзи ҳам билмай қолди.

Ўрмонжон отлардан бирининг жилавини унга тутқизиб иккинчисини ўзи минди. Сидиқжон Қурбонотага қараган эди, Қурбонота кўз қисиб „бунинг гапини иккита қилма!“ деганга ишорақилди.

Қурбонота блан хайр-хуш қилиб жўнашди.

Сидиқжон хила ергача худди тўсатдан уйқудан уйғаниб ҳали эс-ҳушини ўнглай олмаган кишидек гаранг бир аҳволда борди, кейин ўзига келиб, юраги фаш бўлди: қаёққа, нима учун, кимнинг кетидан бораётити? Бунинг оқибати нима бўлади? Болалигида онасининг қаноти остидан биринчи мартаба чиқиб, аравасоз уста кетидан худди мана шундай итоат блан әргашиб кетгани кўз олдига келди. Ўшавда ҳам худди мана шу хилда қаёққа, нима учун ва кимнинг кетидан әргашиб кетаётганилигини, бунинг оқибати нима бўлишини билмаган эди. Лекин ҳарқалай, аравасоз „менга ўғил бўласан“ деб меҳрибончилик кўрсатган, „той олиб бераман, ўзинг боқиб, ўзинг миниб юрасан“ деб кўнглига чироқ ёқкан эди. Бу одам-чи?

Сидиқжон „майли энди, бораверай, эртага секин жўнайман-кетаман-да“ деб ўзига тасалли берди.

Ўрмонжон йўл бўйи гапирмади, фақат бир жойга келганда қорақарақ ва шўр босган ердан илон изи бўлиб ўтиб, тўқайта кириб кетган турпоқ тепани қамчининг сопи блан кўрсатиб:

— Ариқ! — деди.

Илгари ариқ тўғрисида гап бўлганда Сидиқжон уни бирор тегирмон сув элтадиган ариқ деб ўйлаган эди, турпоқни кўриб:

— Эҳе, — деди — каттакан анҳор-ку!

Иргай, туронғу, ёвойи жийда, тол, дўлана сингари бута ва дарахтлардан иборат тўқайни оралаб анча юрилгач, ҳеч кутилмаган ерда Ўрмонжон:

— Келдик, — деб отдан тушди ва, ҳайрон бўлиб турган Сидиқжонга қараб кулимсиради — келдик!

— Қаерга келдик?

— Қишлоққа. Колхозга.

— Қишлоққа? Қишлоққа ўхшамайди-ку?

— Ҳа, ўхшамайди. Ўзимиз ўхшатамиз-да. Ота-бобонг битта кўпrik ҳам сололмаган экан, сен бутун бошлиқ бир қишлоқ соласан.

Сидиқжон отдан тушаётib, мени калака қилаётir деган ўйда, Ўрмонжонга кўз қирини ташлади. Ўрмонжоннинг юзида на калака ифодаси бор эди на ҳазил. Бу нарса Сидиқжонга жуда ёқиб кетди.

Отии боғлаб каттагина бир майдонга чиқишиди. Майдоннинг ўртасидан арава йўли ўтган, йўлнинг у юзидаги бир жуфт катта

чинор остида хулди ташландиқ темир йўл бекатининг харобасига ўхшаган кичгина гиштин иморат турар эди. Унинг ўпирлиб тушган жойлари синик пишиқ фишт, гувалак блан тикланган; олдинга томон нишаб томига йиртиқ-ямоқ толь парчалари ёпилиб, устига тош, фишт бостирилиб қўйган; одатдагидан хила баланд дерезасининг икки кўзида ойнак бор, қолганларига қофоз ёпиширилган, тахта қоқилган. Унинг гараж эшигига ўхшаган каттакан эшиги олдида лой-парсиллоқ ўйнаб ўтирган олти-етти ёшлардаги бола юигранича келиб Ўрмонжонга осилди. Ўрмонжон шимининг чўнтағидан тўртта бодиринг чиқариб, болага берди-да:

— Бор, аянгга айт! — деди.

Бола, аясига нима дейишини ўзи билса керак, физиллаганича уйга кириб кетди.

Ўрмонжон Сидикжонни шу уйгинг орқасига бошлаб ўтди. Унинг орқаси ҳам бир замонлар шунинг сингари уй бўлса керак, лекин бузулгандан кейин олиб ташлаб, айвон қилингти. Айвонда бир арқон крават, узун стол, тўртта курси турар, деворлари а турли жадваллар, суратлар ёпиширилган эди. Бу ердан пастдаги қамишзор, унинг кетида боҳайбат дар'ё кўриниб турар эди.

— Қани, ўтири, — деди Ўрмонжон, — бу менинг уйим. Колхознинг идораси ҳам шу.

— Бу ер илгари нима бўлган экан?

— Илгари ўодокачка бўлган экан. Босмачилик даврида бузилиб кетган.

— Ҳа, князънинг ўодокачасими? Курбонота тапириб берган эдилар. Бечора капсанчилар, дейман, ер ўзларига қарашли бўлганда, шу ариқни ўша вақтда чиқаришса ҳам бўлар экан.

Ўрмонжон жилмайиб қўйди.

— Гап ерда эмас, гап ерда бўлса, ер ислоҳотидан кейин нега чиқаришмапти? Бунақа катта ишни катта хўжалик қилаолади халос. Колхоз қиласди. Бир боқ поя аравага ўқ бўладими? Битта қайрағоч бўлади.

Бир пасдан кейин 25 ёшлигдати, тўладан келган, бақуват ҳусндоргина бир хотин чиқиб, Сидикжон блан кўришди ю, қайтиб бир лаган тут блан ион олиб чиқди. Ўрмонжон тутни унинг қулидан олаётиб:

— Қаердан топдинг? — деди.

— Тиллабобо олиб келган эдилар. Соат тўртда келгин деган экансиз, эрталабдан бери, соат тўрт бўлгани йўқми, деб уч мартаба келдилар.

Ўрмонжон кулиб, Сидикжонга изоҳ берди:

— Ўша князънинг итбоқари бўлган чол. Князъпинг ўнсаккизта ити бор экан... Чолниң ҳечкими йўқ, дар'ё кўпригига ўлтириб, фолбинлик қиласди. Ўзига ўхшаган ҳечкими йўқ бир кампирга уйлантириб қўйганмиз. Кампир колхоз яслисида ишлайди. Чолни ем-хашакга қоровул қилиб қўйганмиз. Чол кампир тез-тез уришиб туришади. Уриш бўлди дегунча чол менинг олдимга арзга келади...

Ўрмонжон ҳали сўзини тамом қилмаган эдикى, бўсоғада новча, калта пахталик тўн, кир оқ дўппи, жуда сийрак оппоқ соқолли бир чол намоён бўлди.

— Ассалому алайкўм... Ие, миҳмонинг бормиди? Кейинроқ келайми?

Унинг қулоғи оғирроқ бўлса керак, Ўрмонжоч имо блан чақириб, жой кўрсатди.

— Йўқ, ўғлим кейинроқ келақолай. Бафуржа гаплашадиган гап.

Ўрмонжон ҳовучини оғзига қўйиб қичқириди:

— Хўп, гапни кейин гаплашамиз, ўтириб чой ичингъ Чол келиб, эҳтиёт блан курсига ўлтирди.

— Қачан келсам бўлади? Бафуржа гаплашадиган гап.

— Гапираверинг, бу йигит ўзимизники.

— А? Қачан келай? Соат 5—да келайми?

— Ҳозир гапиринг.

Чол чой ичган пияласининг лабини елкасига артиб, негадир Сидиқжонга узатди.

— Бафуржа гаплашадиган гап эди-да. Ё соат олтида келайми? Еттида келсам бўладими?

Сидиқжон кулгисини яшириш учун қошларини силади. Ўрмонжон кулмас, чол қанчалик жон куйдириб гапирса, шунчалик з'тибор блан қулоқ солар ва бу сохта эмас эди.

— Тағин нима бўлди, отахон?

— Ҳозир айтмайман. Йўқ!.. Унни фатир адо қилади, эрни хотин. Кўкрагим зардобга тўлган бўлса керакки, ҳар замон нафасим қисади. Ёмон, ниҳоятда ёмон хотин. Узи, сув олиб келинг, деди. Дар'ёдан сув олиб келаётган эдим, йўлда Улуғбуви учраб қолди. „Келинг ота, сувингизни элтиб берай“ деди. Нима дейман, йўлининг га кетавер, дасёр керакмас, дейман-ми? Улуғбуви сувни эшиккача олиб келди. Бўлган гап шу. Шунга кўтарди жанжални-кўтарди жанжални! Соқолимни юлди. Мана! Жуда қонга ташна қилиб юборди. Бир кўнглим калласига болта блан тушур, биратўла қутилиб қўяқол, дедию, тагин андеша қилдим: колхозга иснод келмасив, Қўшчинорда шундағ иш булипти, дегилик бўлмасин, дедим. Колхозни риоя қилдим.

Ўрмонжон ўйлаб туриб:

— Улуғбувига фол-мол очиб берганингиз йўқми? — деди.

Чол жуда тутақишиб кетди, бирнечча марта ўрнидан туриб ўтирди.

— Ие! Ҳали сендан ҳам шу гап чиқдими?! Сендан ҳам шу гап чиқадиган бўлса, ўзимни дар'ёга ташлаб қўяқолай.

Ўрмонжон бу гапни, кампирнинг гумони шундоқмикин, деган мазмунда айтганини чолга тушунтириб, уни босгунича, она сути оғзига келди. Сидиқжон унинг нақадар жон куйдирганини кўриб, ичида „мунча ҳам юраги кенг, мунча ҳам кишининг кўнгли учун кўксини ўртайдиган одам экан“ деб қўйди.

Чол бироз босилганидан кейин:

— Энди бўлмайди, ўғлим,— деди, — энди сира ҳам бўлмайди! Бошқа хотин олиб бер. Бу фар блан мени ораочиқ қалиб қўй.

Ўрмонжон худди унинг оғзидан шу сўз чиқишини кутиб турғандай:

— Ким фар? — деди.

Чол у гапни қайтиб айтамади. Сидиқжон юзини беркитиб, қотиб-қотиб кулди. Ўрмонжон, сўз ҳақиқатан шундай йўлга кириши мумкин бўлган ёш хотин тўғрисида кетаётгандай, астойидил сўзлар эди.

— Илгари гармиди ё сизнинг қўлингизга келгандан кейин фар бўлдими? Агар илгари шундай бўлса, нега олдингиз? Қўлингизга келгандан кейин шундай бўлган бўлса, айб ўзингизда: эплалмапсиз?

Чол нима дейишини билмай, бироз тарафдудланиб қолгач, илжайди. Аранг ўзини тутиб турган Сидиқжон барада кулиб юборди. Ўрмонжон кулмас эди.

— Мен бу гапнингизни холамга айтаман... Бўйнига қўйиб берасиз!

Чол, бу гапларига қарамасдан кампиридан хила чўчиса керак, шошиб қолди.

— Оғзимдан чиқиб кетди, ўғлим, оғзимдан чиқиб кетди.

— Йўқ, бари бир айтаман! Бўйнига қўйиб берасиз.

Чол, кўзлари жавдираб, гоҳ Сидиқжонга қарап эди, гоҳ Ўрмонжонга.

— Энди, ўғлим, ўзинг биласан ..

— Айтмайми?

— Ўзи жуда ҳалол хотин, лекин ба'зан шунаقا ғашлик қиласди. Бориб-бориб дуруслаб бўлиб кетади.

— Хўп, бўлмаса ростини айтинг. Нимага уриштиларинг?

— Ўша гап. Ниҳояти Улуғбуви блан икки оғиз гаплашиб қолдим. Улуғбуви шаҳарга неварасининг олдига борган экан. Невараси нўғайдан хотин олган. Улуғбуви шундан гапириб, „келиним бегана йигит блан қорнини қорнига ишқаб ўйин тушади, идиштовоқни совун блан ювади“ деб хафа бўлди. Мен ниҳояти „бошида тергайдиган эри бор экан, ишинг бўлмасин; иззатинг блан бориб иззатинг блан келавер“ дедим. Шундан бўлак гап гапирган бўлсан... мана, нон турипти! Шунга кампир мени жуда-жуда беҳурмат қилиди, фолбин, деди. Ҳамасига ҳам чидадиму, ўғлим, шу гапига сира чидалмадим. Мен итбоқарлик ҳам қилган мэн, вақти келганда бировнинг молига ҳам кўз олайтирганман, фолбинлик ҳам қилганман. Қилганим йўқ, демайман. Фолбинлик қилганимни билиб текканми? — билиб теккан! Энди нега та'на қиласди?

Чол, кўзига ёш келиб, ерга қаради.

— Қўйинг, хафа бўлманг, ота,— деди Ўрмонжон,—холам сизни билмасдан хафа қилибтилар. У кишининг ҳам оғизларидан чиқиб кетгандир-да, жаҳл устида... Сиз ҳам хотин-холоч блан камроқ гаплашинг. Хотин-холоч атрофингизда кўп айланишади. Холам хафа бўлганларича бор... Бир томондан қизғанадилар.

Чолга бу гап жуда хуш келди, „қизғанса, қизғангудайман“ деган ма'нода қоматини ростлаб, мўйлабини силади ва кетгани қўзғолди. Ўрмонжон уни кўчагача кузатиб келди.

— Энди, Сидиқжон — деди, — сен дам олгин! Мана кроват, чүзил. Менинг қиласын ишим, борадиган ерим күп. Сен бугун-чалик мәхмон...

Сидиқжон даррав ўрнидан турди.

— Бирга борамиз.

— Қаекқа?

— Айланиб келарман.

— Бизнинг қишлоқда айланадиган, тамоша қиласын жой йўқ. Чўзил, дам ол. Мен блан юришингдан фойда йўқ. Мени ишдан кўясан.

Ўрмонжон бу гапни астайдил айтар эди. Сидиқжон ҳайрон бўлиб, ўйлаб қолди: „Нега мени ёш, шундай чиройлик хотининг олдига ёлғиз тошлаб кетаётитти? Бу — мени ўзига яқин тутганими? Назарига илмаганимий!“

Ўрмонжон шошиб чиқиб кетди.

Сидиқжон нима қилишни билмай, бориб арқон кроватга чўзилди. У ўйлаб-ўйлаб, бу муаммонинг тагига еталмас эди: „Нега бундоқ қилди? Наинки ёир кўрган одамини ўзига шунчалик яқин туваолса! Ё мени назарига илмаганими? Бир лақма чолни ўзига тенг кўриб, шунча гаплашган, кўнглини овлаган киши-я? Уичалик эмасдир... Ё хотини бирордан қизғанмайдиган пуч эркаклар тойифасиданмикни!“

Сидиқжон не-не хаёлларга бориб, юраги гуп-гуп урди, эти увишиб қўллари музлаб кетди.

Шу чоқ оёқ шарпаси эшитилди. Сидиқжон дарҳол кўзини юмиб, ўзини уйқуга солди. Унинг фикрича, агар шу гумони тўғри бўлса, хотин ҳозир бир баҳона блан кириб, жўрттага бирор нарсани тушириб юбориши ва чўчиб кўзини очган Сидиқжонга қараб жилмайиши керак эди.

Кимдир кирди ва йўрғалаганича стол ёнига борди. Сидиқжон, ҳарбири бир умирай туюлган бир неча минутдан кейин, секин кўзини очиб қаради. Стол ёнида кичкинга бир эчки соқолини сил-киллатиб, ниманидир, ковшаб турар эди. Шу он хотин югуриб кирди, унинг шохидан ушлаб етаклади; эчки кўп қайсарлик қила бергаш эди, бошига бир муштладию, дас кўтарганича, оғининг учидаги юриб, чиқиб кетди. Сидиқжон ҳамон умид узмай ўйлар эди: „Мени маст уйқида гумон қилди. Уйғотгани кўнгли бўлмади. Ўйгоқ бўлсам, албатта бир нима дер эди. Нима дер эди экан?“

Сидиқжон ташқарига чиқди. Хотин эшикдан йигирма қадамча карида ўтин ёрар эди, уни кўриб:

— Ие, дарров турдингизми? — деди.

— Ўрмонжон акам қачан келадилар?

— Эҳа... У кишини қўяберасиз, ишлари чиқиб қолса, бизга индамай тўғон бошига ҳам кетаберадилар... Зерикиб қолдингизми?

Сидиқжон келиб тешани унинг қўлидан олди. Хотин ўринидан турди, ечилиб кетган икки ўрим сочини бои ига ўради.

— Бизнинг жойлар шунаقا, одам зерикиб қолади. Тўқай, қамиш, дар'ё... Лекин ўтинга серобмиз. Мана шу тўқай ҳаммаси ўтин.

Сидиқжоннинг назарида хотин бу гапни уни ўзига қаратиш учун айтгандаи бўлди. Сидиқжон қараганда хотин дарҳақиқат жуда ширин табассум қилиб турар эди.

— Эгаси йўқин, ҳеч ким индамайдими? — деди Сидиқжон, лекин бу совонни жаво ё олиш учун эмас, унинг кўзларига тикилгани бир баҳона бўлсин учун берди.

— Бари бир бузилади, ариқ бигкандан кейин бу ерлар экинзор бўлади, — деди хотин ва бурилиб уйга кириб кетди.

Сидиқжон унинг кўзларида куткан ифодасини кўрмади, лекин, шундоқ бўлса ҳам, илинжидан юз кечмас, назари та хотин догоулилик қилаётганга ўхшар эди. Ўтинни наридан-бери ёрдию, эшик ёнига борди. Хотин уй супурмоқда эди.

— Ўтинни қаерга қўяй? — деди Сидиқжон остоноада туриб.

Хотин қаддини ростлаб, унгз қаради.

— Ҳозир ўзим оламан. Сизни ҳам озора қилдим...

— Шу бўладими, ё бундан майдарақ қилайми? Кўринг...

— Ёрган бўлсангиз бўлипти-да.

— Бир кўринг.

Сидиқжоннинг нияти — бўсоғада туриб, унга дурустроқ йўл бермаслик, агар кулиб, қийшэнглаб, қимтиниб ўгадиган бўлса, биқинигами, қўймичигами, чертишлиқ, ҳозирча фақат чертишлиқ эди. Броқ хотин шундай оқ кўнгиллик, шундай бемалоллик блан келдики. Сидиқжон беихтиёр қимтиниб унга бироз йўл берди. Хотин бўсоғада келишкан бир begana йигит эмас, хотин киши тургандай бамайли хотир утди. Шундоқ булса ҳам Сидиқжоннинг боши ғовлаб, кўзи тиниб кетди. У беихтиёр қўлини хиёл кўтариб, хотиннинг тирсагига астагина чергди, лекин билалмай қолди — чергкани енгидан ўтдими, йўқми. Хотин ўтинни уч-тўрт қадам беридан кўриб.

— Яхши, оғирроқ ёнади, — деди, қайтиб уйга кирди.

Сидиқжон бу сафар четланиб, унга катта йўл берди. Хотиннинг юзида ҳечқандай ўзгариш йўқ эди. Сидиқжон буни кўриб, ицида „хайрият, пайқамапти“ деди, елкасидан оғир юк тушкандай енгил тортиди.

У нима қилишини, хотинга нима дейишини билмас, энди нима деса, ортиқча бўладиган-дай эди. Қайтиб айвонга кирди, кроватга чўзилди. У энди буткул совигъи, шундай совиган эдики, хотиннинг тирсагига чертгани қандай жур'ат қилганлигига ҳайрон бўлди: „Худоё тавба, бу хом-хаёл менинг бошимга қаёқдан келди? Хотин менга кулиб қарамаган, кўз сузмаган бўлса... Башарти кўзсузганда ҳам наинки мендан шу иш лозим бўлса! Наинки бирорнинг ноини еб, дастурхонига оёқ артсам! Бу одам менга нима ёмонлиқ қилди? Бу кўнглида кири йўқ, ўзини гўрга тиқиб бўлса ҳам ўзгани тўрга чиқаришга тайёр турган бу одам мени наинки шу умидда олиб келган бўлса! Сидиқжон бу тўғрида ўйлаган сайин кўнгли ғаш бўлар эди: „Хотин чERTGANIMINI PAЙҚАДИМИКИН, ЙЎҚМИКИН? Кўл текизишмни кутмаган бўлса, пэйқамайди. Кутгаң бўлса-чи? Кутганлиги турган гап, остоноада туриб олиб, йўл

бермаганимдан кейин кутмайдими? Кутган, чертганимни пайқаган! Эрига айтса, нима бўлади?».

Сидиқжонни ғам босди. У бу ерга аввало Қурбонотанинг, ундан қолаверса Ўрмонжоннинг сўзини иккита қилмаслик учун ноилож келганини, йўлга чиққанида „бораверай, эртага секин жўвайман кетаман-да“ деганини негадир мутлақо унитган эди.

Хотин чироғ кўтариб кирди. Сидиқжон қоронғу тушганини энди билди. У ўриндан туриб, хотиннинг авзоига разм солди; авзоидан ҳечнарсани пайқамаганидан сўнг, гапидан пайқаб бўлармикин, деган ўйда:

— Ўрмонжон акам ҳали ҳам келмадиларми? — деди.

Хотин чироғни курсига қўйиб, столга дастирхон солар экан, кулимсираб:

— Сизни хўп қийнадилар-а? У киши шунаقا.. — деди

Хотиннинг кулимсирашига ва бу гапига хархил ма'но берса бўлар эди, шунинг учун Сидиқжон ҳечнарса деялмади.

Сидиқжон қўл ювгани ташқарига чиқди; қайтиб келганида стол устида уч коса угра ош турар, бунинг бирини Ўрмонжоннинг ўғли ичакда эди. Хаял ўтмай хотин ҳам келиб, стол ёнига ўтириди ва Сидиқжонни овқатга таклиф қилди. Сидиқжон буни кўриб, ичида „ёмон кўз блан қараганимни пайқаган бўлса, олдимга бир коса оши дўқ этиб қўйиб кетар эди“ деб хурсанд бўлди; лекин иккинчи томондан „ўзини шунчалик яқин олган бир хотинга наинки шу кўз блан қарадим“ деб зил кетди.

Овқатдан кейин хотин дастирхонни йигишитирар экан, кулиб:

— Энди, иним, — деди — бизни айб қилмайсиз. Менинг ҳам бир жойга бориб келадиган ишим бор. Озгина қорт тутганимиз, шунга ойдинда барг кесадиган эдик. Ой кўтарилиб қолди. Ўрмонжон акангиз келсалар, овқатлари ўчоқ бошида. Бу укангиз ҳозир ухлайди.

— Бемалол, bemalol! — деди Сидиқжон. — Ҳеч ташвиш тортманг. Биз бу киши блан... отинг нима эди ҳали?

— Ҳайитбой, — деди бола.

— Ҳа, Ҳайитбой блан ётамиз.

Хотин боласига ўрин солиб берди ва Сидиқжонга яна бир марта узур айтиб, чиқиб кетди.

Ҳайитбой ўринда бирпас ўйнаб ётдию, кейин уйқига кетди. Сидиқжон, чироғни пастлатиб, ечинмасдан кроватга чўзилди.

(Давоми келаси сонда).

ҲАМИД ОЛИМЖОН

РОССИЯ

Россия, Россия, азamat ўлка!
Эй, осмон сингари бепоён ватан!
Тўлдирган чогда ҳам жаҳонни нурга
Куёш қучаолмас сени даф'атан.

Шамолдан тез учган поездлар ҳам то
Шимолга етгунча кетади ҳолдан.
Қишида ҳам жанубга еталмас ҳатто,
Баҳорда йўл олган сайёҳ шимолдан.

Қаноти толиқмас лочивларинг ҳам,
Неча бор қўнарлар сенда учганда;
Гўёки бир ёниб яна ўчган шам
Севи қучолмайди яшин кўчганда.

Узун дар'ёлар ҳам камар бўлолмас,
Қўшилиб чулганса сенинг белингга.
Дун'ёда ҳечбир халқ тўғри келолмас,
Менинг билишимча, сенинг элингга.

Бало офтларни енгиб ўрганган
Муҳаббатинг улуғ, юрагинг кенгдир,
Сен қардош элларга энг монанд ватан:
Унда уруғлар ҳам халқларга тенгдир.

Невский ухлаган буюк бешикда
Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас.
Пушкин дайло бўлган ҳарбир эшикда,
Навоий шарафи яшар муқаддас.

Кўрганда бўлганман чуқур сукутда
Ленин яшаб турган пичан ўтовни;
Пўлат қиличингни кўрганман ўтда,
Сталин Москвадан қувганда ёвни.

Қаҳратон қишингда, баланд осмонда
Учиб бораётган қуш ҳам музлайди;
Жасур ўғилларинг қор ва бўронда
Жаҳон тақдирига нажот излайди.

Сенинг күз илгамас майдонларингда
Жаҳаннам құрқажак жангларни күрдим,
Бир карра ёв үтган ўрмонарингда
Күмирдан ҳам қаро тонгларни күрдим.

Мехринг қаршисида муздир офтоб,
Лекин офтобингда қорлар эрийди,
Муқаддас қаҳринингга бералмасдан тоб,
Тупроғинг остида немис чирийди.

Оғир қурол блан солған овозинг
Ларзага келтирап арзу-самони,
Сен дар'ё бүйіда олиб борган жанг
Тамом ўзгартырап оби-ҳавони.

Йигитлар сен учун жангга кирганды,
Ботирлар осмонда берганида жон,
Күзидан қон оққан ёвни күрганды,
Сенинг енгишингга келтирдим имон.

Россия, Россия, менинг ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, әмасман меҳмон.
Сенинг тупроғингда улғайди таним,
Хозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

6. III. 1943 я

ШАЙХЗОДА

ЯНГИ ШЕ'РЛАР

(„Эллар“ ше'рлар сериясидан)

Жамбул

Жамбул бир денгиздир, қучоғи чексиздир,
Жамбулсиз дүмбира, гүёки ұксиздир.
Жамбул бир денгиздир, тұлқунлар—ұландир,
Сувларнинг оҳангы ул оқин blandир.
Жамбул бир денгиздир, инжудир ҳар сүзи,
Унинг қирғоқлари Ватанинг худ ўзи.
Бу денгиз қўйнида кўрилган ороллар —
Ижоднинг тубидан қўзғалган хаёллар.
Бу сувлар устида сузгучи ҳар қайиқ —
Жирлардан завқ олган миннатдор халойиқ.
Жамбулнинг ма'носи — денгизча кўп чуқур,
Сувида акс этар қуёшдан инган нур.
А, Жамбул шоирлар жирови, оқсоқол,
Тилларга бол бердинг, элларга ҳам мақол,
Букун сағанангга тўпландик ҳаммамиз,
Гүё бир кўрфазда тўхтади кемамиз.
Эллардан китоблар келтирган элчилар,
Гуллардан жавоблар келтирган йўлчилар —
Ёш — ўсмур, оқинлар, ё кекса бахшилир,
Овози яхшилар, ше'рингга соқчилар
Ота деб тиз чўкди қабрингда бош эгиб.
Қабрингда бош эгиб, тошингга гул тикиб.
Эшидик шу чоқда қабрингдан бир товуш:
„Мен ўлган эмасман, кетганим — қисқа туш,
Тирикмен сиз блан, тирикмен ўғуллар,
Умримнинг муҳлати денгизга баробар!“
Бу товуш рост эди, ўлмайди Жамбуллар.

Қозогистон, Жамбул овуди;
9/VII—1946 й.

КЕЛГУСИ ҚОРА ҚАЛПОҒИСТОНГА

Саҳролар, саҳролар... яна саҳролар...
Қуршабди бу юртни бамисли чамбар.
Саҳролар, саҳролар, аммо булар ҳам
Азиэдир мисоли саҳарги шабнам.
Бу құмлар ичида ҳар тош, ҳар кесак
Боболар қадридан беради дарак.
Бу құмлар құйнуда гуллайди боғлар.
Аму соҳилида порлар чироқлар,
Чаманга әйланур қадим құмлоқлар,
Бүлур шаҳарларга макон үтлоқлар,
Ариқлар шиддирар күчаларингда,
Құшиқлар жаранглар кечаларингда.
Ү кунга саломлар, у кун тез бұлсин,
Үлканг не'матларга, нозларга тұлсин!
Үлканг құшиқларга, созларга тұлсин,
У куннинг тез бұлсин, муборак бұлсин!

Нұқс.
11/ VI — 1946 ө.

бошлангач унга келишкек мақка солиб турган әди. Кейинроқ күриш май қолди.

Фотиҳқожи парча тұлғасынан қайиғи булып оқиб кетаётган бир пишиб, күмак топаолмаган киши ҳолига от этган бўлса, бирарта фарзандини кўриш, умримни ала бўлса ҳам зиёрат қилиш ниятида әди. Демак Фотиҳқожи кўкка чиқди.

Фотиҳқожи Кодирқулницида қўниб, эртага қайтиб кетиша деди. У Кодирқулницига келар экан хаёлидан кечар әди. Йиқаки шундай пахта битибдими, хитой деворини қунағадиган кусакчилиши аниқ. Пирэшоннинг зурр ё куриб, мозор бузга зарнини урмабдими, фўзанинг шохларини шоққўйиб, пахтасини турган қилишлари турган га!

Фотиҳқожи Кодирқулницида қўргонига етганида шом қоронғаси чуккан, яқиндаги колхоз шубидан колхозчи қиз-йигитларни аларала қўйган ашуласи турлар мөхнат блан обод бўлган келалани ларзага келтиради.

Кодирқул энди эшигини игараб бир оёғини остананинг нағи томонига қўйган ҳам әди, бирор уни чақириб қолди.

— Жамоада бўлдингизми? сўради у киши.

— Йўқ, меҳмон блан овчи булааб қолдим, хўш нима га? деди Кодирқул.

— Эртага қўшни қишлоғи экширишга борар экан.

— Ҳозир қаёққа кетаётган менинг қиз-йигитларни Кодирқул.

Чақирган киши етишади Фотиҳқожи ва Кодирқул билан кўришиб деди:

— Пастдаги ерда озғи талаб гўза бор әди, шуни суғориб қўяй.

Бегона киши жўнаб кечаси ҳам дам олмай, ишга қиб кетаётган кишидан тўли тўлмаган Фотиҳқожи ясама табасум блан Кодирқулдан сўради.

— Колхозчиларнинг ўли қачон ишлар бўшайди, кечаси тамишта чиқадиган бўлса?

— Кафтига юн чиқанди, — деди Фотиҳқожи, — уриб Кодирқу ва сўнгра жиддий тус олиб сўзида д

Уларни ҳеч ким

яшайин, ҳозир

хизмати, ташкини деб

Шу куни пайт Фотиҳқожи, Кодирқулниң деб

ишиги ҳам улоқ солмай, кетмакчи шаҳарга

дирқула тиҳжожининг тоби қочгани машинасига солиб юбор.

Хонга тагач шаҳардан қишлоғига ўтиб кеи тган бир кишини Фотиҳқожининг қандайдир номларидан ишади вафот этганини айтди.

А. Бабожон
АМУ БҮЙИДА

Чаманзорлар сени саломлар,
Қирлар кутар зар қучоқ очиб,
Пахтазорлар қаҳ қаҳа бошлар
Борганингда тўлғаниб, тошиб.

Булууга тенг Памир қўйнидан.
Зумрад юзли Оролга қадар,
Ер юзини безатан инсон
Сени мақтаб куйлар ҳар қачон.

Мақтовларга лойиқсан, аммо,
Ба'зан ортиқ шошиб кетасан.
Мақтовларга учганингданми,
Ўз ҳаддингдан ошиб кетасан.

Арслон каби қилиб галаён,
Парчалайсан баланд қиргоқни.
Аямайсан бермайсан омон,
Тапталайсан боғни, ўтлоқни.

Жондек азиз, латиф гулбоғлар
Тўлқининг остида бўлур хор.
Сени мақтаб куйлаганларга
Билатуриб берасан озор.

Эл кўксига оёқ қўймсқлиқ,
Бунча беадаблик, айт, недан!
Боболардан ўқидим жавоб,
Бу қилмишинг тентаклигингдан.

Гоҳ ўзингни олиб қочасан,
Чуқурларда оқасан бир пас.
Яна ростлаб қадлинг шер каби
Шошқин-шошқин оласан нафас.

Чорласада Садвар¹ қизлари,
Сенсиз еялмасдан ошини.
Доя хотин ялинса ҳамки,
Оёғингдан олмай бошини.

Орол томон шошиб-ошиқиб
Илдам-илдам ташлайсан қадам.
Кенг даланинг тилла қўйнига
Топаолмай боққали бир дам.

Тўхта бир пас, улуғвор дар'ё.
Қулоқ бергин айлай ҳикоя.
Зериктириди тинимсиэлигинг.
Бевафолик етар, кифоя!

Ҳар кузнинг ҳам бир баҳори
бор.
Қишининг ёзи борлиги аниқ.
Севги чаман бўлган ўлкамда
Вафосизлик бўлалмас тансиқ.

Кўрмак учун тиниқ қалбингда
Ошиқларнинг ёруғ жамолин.
Сени севги билмас бағрингда
Кўкартгаймиз вафо гулзорин.

Тўлқинингдан чаманзор боғлар
Тезлигингдан яратамиз нур.
Мехри қониб ичгай Бухоро
Кашқадар'ё қўйни гул бўлур.

Роҳатгоҳинг бўлур шу дамда,
Кизил қумнинг иссиқ қучоғи
Иулларингга тўшар, атир гул
Улуғ элнинг лолазор боғи.

¹ Сувсиз қолган қишлоқлар.

ЖАМБУЛ ЎЛАНЛАРИ СТАЛИН, КҮЙИМ СЕН УЧУН!

Сталин, туғищганим, севиклитим,
Меҳрингдан шу'ла сочди менинг күйим.
Яшартди юзга кирган юрагимни,
Дўмбирам, олтин күйим, билагимни.
Сен блан дастурхонда бир чой ичиб,
Кўқдаги отган тонгни бирга кўрдим.
Сен блан бирга ўйлаб, бирга күйлаб,
Илҳоминг, зовқинг блан созим чертдим.
Сен блан бирга севиб қучоқлайман,
Ватаним йигитларин-ӯғилларин.
Күйимнинг жаранглаган уни бўлдинг,
Шу блан тўлқинлатдим ўлан күйин
Кўнглимнинг қувончисан, тонг шафаги,
Куч-қувватим ҳам, обруйим, күйим донгфи.

* * *

Қимматли олтин юлдуз сенсан ерга,
Номингга аталган шу күйим тингла.
Ҳалқим блан бир тан, бир жон бўлиб, күйлаб —
Йулни олдим мен югурик бирга-бирга.
Кеккайган бойларни сўз блан урдим,
Ўчмас бўлиб қўнган сўнг ўлан қўлга.
Зорландим бурин мен ҳам Қўрқитдайин,
Ҳасан қайқи шекилли тушиб зорга.
Ў кезда умр, худди кўчган карвон,
Етаолмасди кутган умид олтин тонгга.
Меҳр қўйган ёш бўтадай ёшлиқ ҷофим,
Эмаолмай она сутин ботдим қонга.

* * *

Келди дўст-қариндошлар бу кун элга,
Жамбулнинг ўлан тўла овулига.
Йигналиб ўзбек, бошқирд, украинлар,
Грузин, қорақалпоқ ва рус-ҳамма.
Ўз элим ўзбек, бари-туғищганим,
Сиз учун янграп тун, кун куй-ўланим.

Мангиликдир, Сталин, юлдузлигинг,
Умри күрдинг аниқ юз йил олдин.
Денгиздай фикринг теран, ўткир күзинг,
Яшнатди сенинг шу'ланг ерининг юзин.
Юксалди меҳринг блан менинг халқим,
Мақсад туғи юлдузи-коммунизм.
Яйратган юрагимни Ленин менинг,
Халқим блан севаман мен Ленинни,
Мана бугун юрагимнинг қоқ устига
Сталин ўз қўлила тақди уни¹.
Орденни тақсан менга халқнинг тўйи,
Мен эмас олган буни халқнинг куйи.
Мен блан, халқим блан қанотланиб,
Шодланиб чечак очди дала гули.
Ўрмалаб қора қуртдай заҳар сочиб,
Теграмиз қуршаб турар ҳали душман.
Улуғ майдон кураши олдиндадир,
Қирамиз ёвни бўлса ичдан, тишдан.
Куй учун, олдиндаги умр учун,
Илҳом бердинг юрагимга, улуғ йўлдош,
Муқаддас ватан учун-шу ер учун,
Бахтимиз осмонида сенсан қуёш.

1938 й.

¹ Ленин орденли.

ЧИН ЙОРАКДАН

Даламга сол бир назар,
Қалин гилам, тукидай.
Тоғларим гүзәл, яшнар
Келинларнинг сепидай.
Диңхоримга кўзинг сол,
Үйнар оқиб шалола.
Боқ, қишлоғим бамисол
Қирда очилган лола
Тингла қўшиқ, куйларим,
Қаҳрамонлик дангфидай.
Тепаликда ўтирибман,—
Чиқдим кўришга атай,
Колхозимнинг молини,
Чертиб дўумбира торини:
Туяларим ўнгимда
Ёйилиб, ўтлаб кишинайди.
Йилқиларим сўлимда
Яйраб-ўйнаб кишинайди.
Қўй-қўзилар саноқсиз,
Ўтлаб ёйилган ҳареққа.
Сигирларим изма-из,
Саланглайди йўл олиб,
Елинидан сут томиб,
Соғдиришга қишлоққа.

* * *

Шунча довлатни берган,
Ҳисобсиз мол ёйдирган,

Каналдан сув ичдириб,
Далаларни қондирган;
Шопириб сут соғдириб,
Кўл тўлиб мой едиран;
Бўтаси бўзлаб эгиздан,
Қўйи қўзилаб саккиздан,
Ернинг эгаси сен!— деб,
Халқимга даврон сурдирган,
Бу Сталин доҳимиз,
Куёшимиз, ойимиз,
Авжга чиқиб ўланим,
Дўумбирамни бурадим.
Колхозчиларни йигнаб,
Чин юракдан куйладим,
Бир завқ блан, эринмай,
Оқининг сўзни уладим,
Халқ тинглади зерикмай,
Кучимни шунда синадим.
Сталинни сўзласам,
Минг бир кеча куйласам,
Қизиқиб тинглар, бўшашмас,
Яна, яна, яна — деб,
Сўровини тўхтатмас.

1936 йил.

Қозоқчадан М. БОБОЕВ
таржимаси.

ЯНА ҚҮНДИ БАХТ ҚУШИ

Жамбул дүмбірангни ол,
Майтепа сен қулоқ сол!
Тұқсон учға кирдинг сен,
Күп сирларни билдинг сен,
Розингни сүйлаб бергил,
Үтмишни куйлаб бергил.

* * *

Майли ўланни бошлай,
Күнглимини очиб ташлай,
Чингизхондан айтаймы,
Е орқага қайтаймы?
Уни қилсам ҳикоя,
Зулми күп бениҳоя.
Найза эди таёғи,
Қутсиз эди оёғи,
Одамдан ясаб кабоб —
Юртларни этди хароб.

* * *

Эй Майтепа, Майтепа,
Аламларга бой тепа,
Эй Майтепа, хон тепа,
Юрак бағри қон тепа.
Нега тилсиз турасан,
Балки хаёл сурасан.
Күнгил бериб кулдирған,
Ҳам күксини тилдирған,
Сен эмасми айта қол,
Е мен айттай, қулоқ сол!
Сүйласам үтмишингни,
Эсласам ёз-қишишингни,
Севингидек нимант бор,
Үзинг каби ётар зор.
Нарғингда алам күп,
Берёғингда мунг, ғам күп,
Бой сафосин үзинг айт,
Қул жафосин үзинг айт!
Халқинг аталғанди қул

Хонга қарамди буткул,
Император беомон
Эзарди ноҳақ, ёмон!
Бадбахт эди қозилар
Шоҳ малаги — тозилар.
Кулфатларни сүйлаб бер
Тортинмасдан куйлаб бер.

* * *

Кўкка ётсин деб. бошинг,
Қайғиручи йўлдошинг
Бормиди эткин баён?
Сенга эдими аён?
Мени ботир оқин деб,
Эл кўнглига яқин деб,
Билучилар борми, айт?
Ўланимга зорми, айт?
Ўтар экан мунгли кун,
Тонг отаркан битиб тун,
Елдек ўтиб кетди ғам,
Шодликка бўлдик ҳамдам:
Сталиннинг замони
Фариблар меҳрибони,
Кулиб боқди, эл хурсанд,
Толи'и бўлди баланд.
Бахт гули очилганда,
Олтин нур сочилганда,
Кекса Жамбул ёш бўлди,
Ёшларга у бош бўлди.
Ер тагидан чиқди у,
Қўзига тўлди ёғду.
Кумушдан нақш байланган
Гуллар блан айланган
Зинатланган уйи бор,
Куйлай деса куйи бор.
Умрига қўшди умр,
Қалбига тўлди ғуурур,
Хира бўлмас кун берди,
Созига тўлқин берди.

Йўрга отга мингизган,
Устимга тўн кийгизган,
Фаним бўйин эгдирган,
Бошим кўкка тегдирган,
Етказиб тилагимга,
Куч бериб билагимга,
Мени қилган ҳур инсон,
Мана шу улуғ замон.

* * *

Майтепанинг фақири
Бахтин топди охири.
Дилда қолмади армон,
Саҳро бўлди гулистан.
Гуёки шунда булбул
Бўлиб сайдари Жамбул.
Нақадар мен бахтиёр,
Сталиндек доҳим бор,
Элга меҳр қўйдирган,
Иzzат қилиб сайдирган,
Ботир ҳалқим онэм бор,
Меҳрибон кошонам бэр.
Мен севикли ўғлони,
Қайта туғилган жони.

* * *

Бу элда меҳнат ҳалол,
Қуми олтин, суви бол.
Колхозда ҳосили мўл,
Гул бўлди кечаги чўл,
Большевиклар устози,

Тинч ўтар қишу-ёзи,
Жамбул юзга тўлганда,
Орзуси бут бўлганда,
Олий Советга уни
Сайлаши ӯша куни.
Фаровондир турмуши,
Яна қўнди баҳт қуши —
Кекса Жамбул бошига,
Ёш қўшилди ёшига.

* * *

Сталинни куйлайман,
Эл бахтини ўйлайман,
Онам учун, юрт учун,
Жамбул бағишлар кучин
Колхоз, совхоз қурган эл,
Ўз ахтида турган эл,
Менга илҳом баҳш этар,
Ўлан кўп йилга ўтар.
Тўқсон уч йил шу тупроқ,
Шу дала — қир, шу ўтлоқ,
Менга бўлди кенг маскан,
Фидо унга жону-тан!
Унга бўлсин ўланим,
Бахтга тўлсин ўланим,
Денгиз бўлиб тошайин,
Яна кўп йил яшайин,
Сталин замонида,
Саодат маконида,
Ўлгунимча куйлайман,
Эл бахтини ўйлайман.

1944 йил.

РАМЗ. БНГИИ таржимаси.

МАРУФ ҲАКИМ

О Т А

(Ҳикоя)

У, қандайдир бир идорада ишлар, ҳар кун әрталаб соат саккизда уйидан чиқар ва трамвайга тushiб идорасига келар эди. Унинг ҳаёти сўнгги кунларда неча йиллардан буён шу кепатада ўтаётгани менга номалум. Лекин унинг ким эканини ва, бир вақтлар, нима учун шаҳардан шаҳарга қочиб юрганини билар эдим. Унинг неча бор уйланганини ҳам биламан; броқ ҳозирги пайтда хотини борми, йўқми, бу менга қоронғу. Мен аниқ биламанки: у, илгариги хотинларининг ҳаммаси блан ҳисоб-китобини тугатган.

Сўнгги икки ойдан бери, у трамвайга чиқаркан, унинг кўзлари ёшгина бир қизга тушар ва шаҳарнинг ўртасига келгунча, то қиз трамвайдан тushiб кетгунча ундан кўзини узмас эди. Бу кундалик табиий учрашув бора-бора унинг кўнглида оташин бир ҳирсни уйғотди ва у, қизни ҳали кимлигини билмай туриб, севиб қолди. Мана шундан кейин, қиз ҳақида анча малумот йиғди: қизни шаҳарнинг катта магазинларидан бирида ишлашини ва ҳали турмуш қилмаганини ҳам аниқлади. Қиз ҳам ҳар кун әрталаб трамвайга чиқаркан: трамвайдага учраган таниш-билишлари блан ниҳоятда уялинқираб салом-алик қилгач то трамвайдан тushiб кетгунча „чурқ“ этмас эди. Бу ўртабўйли, қорачадан келган, юзлари ширмон қулчадай кулиб турган қиз ўйчан кўзларини бир нуқтага тикиб, алла нарсаларни хаёл қилиб борар эди. Қизнинг мана шу ўйчан ҳолатиFaффорнинг юрагини чимчилар ва унинг ҳавасига ўт қўяр эди. Faффор ўзича турли-туман планлар тузар ва ҳар кун қиз блан танишмоқни ўзига жазм қилас, броқ унинг барча ҳаракатлари қизнинг юзида барқ уриб турган беларвонлик тошига урилиб парчаланиб кетар эди.

Бир кун шундай бўлди: Faффор трамвай деразасидан бошини чиқариб қараб келар эди, шу вақт унинг кўзи трамвай тўхтайдиган жойнинг рўпарасидаги тор кўчадан чопиб чиқиб келаётган қизга тушди. Қиз трамвайдан кеч қолмаслик учун тез-тез чопиб келар эди. Кейин қиз хонсираб вагонга кирди, кондуктордан билет олгач, вагондагиларни бир қур кўздан кечирди-да, Faффорнинг рўпарасидаги бўш жойга ниҳоят назокат блан борди ва кўйлагини оҳистагина кўтариб қўйиб ўтириди.

Faффор шу он қизни ўзига жуда-жуда ёққанлигини сезди.

Бутун йўл бўйи Faффор қиздан кўз узмади. Броқ унинг бу қарашини сезган қиз лоладек қизарап ва ўз нигоҳини бошқа томонларга чалғитар, ёт кўзларга кўзи тўқнашиб қолишидан қўрқар эди. Faффор эса буни фаҳмлар ва атайлаб, ундан кўзини узмай, зўр бериб тикилар эди. Лекин бу кураш узоқ давом этмади.

Бир кун, трамвайдаги одам кўп, тиқин эди, ҳар кунги одат бўйича, худди ўша соатнинг ўзида қиз вагонга кирди. Қиз тиқинда анча безовта бўлиб гоҳ уёққа, гоҳ буёққа ташланди. Қандай бўлдию, сурила-сурила, Faффорнинг олдига бориб қолди. Шу он Faффор ўрнидан сапчиб турди ва:

— Ўтириңг! — деб қизга жойини таклиф қилди.

Қиз қизарип кетди:

— Раҳмат, ҳозир тўшаман.

Faффор қизнинг юзига тикилар-кан ниҳоятда мулойим ва ниҳоятда ширин бир овоз блан деди:

— Ҳали анча борку. Мен сизни қаерга тушишингизни биламан.

Қиз бешбаттар қизарди.

Faффор қизнинг ҳоли-жонига қўймай ўз ўрнига ўтқизди.

Шу-шу бўлдию булар бора-бора қалинлашиб кетишли. Булар энди ҳар кун бир вақтда учрашар, Faффор ҳар кун қизга бир илож қилиб пассажирлардан жой ўғирлаб келар, броқ буни эплалмаган кезларида ўз ўрнини бўшатиб берар эди. Булар ҳар кун камидаги ярим соат жуда қуюқ ва ширин суҳбат қилишиб келишар, мана шу ярим соатлик вақт Faффор қўнглида не-не умидларни турдирава унинг учун битмас-туғанмас баҳтлар ҳадя қиласар эди. Қиз — Санобар хайрлашиб тушиб кетгач Faффор бутун қолган кунини Санобарнинг хаёли блан ўтказар, уни согинар, куннинг тезроқ тугашини ва эртанинг эса эртароқ келишини тоқатсизлик блан кутар эди.

Бир кун Faффор қизни театрга таклиф қилди. Санобар, бир лаҳзага ниманидир хаёлидан кечирган бўлди-да, кейин нағис лабларини билинг билинмас тўлқинлатиб:

— Кайси театрга? — деб сўради.

— Истасангиз „Муқимиға“.

— Букун нима қўйилар экан?

— „Тоҳир ва Зухра“.

— Бизга олислик қиласмикин?

— Қўрқманг трамвай бўлади.

Шундан кейин улар трамвай тўхтайдиган жойда учрашишга ва да қилишиб ажралишди: Санобар магазинга, Faффор идорасига кетди.

Кечкириб, ботаётган қуёшнинг қизғич нури дарахтларнинг қил учларида ҳорғин-ҳорғин йилтиллаётган бир пайтда Faффор трамвайдан тушди. Faффор шу он трамвай тўхтайдиган жойнинг нариги четида турган Санобарни кўрди ва унга қараб борди.

Санобар деди:

— Мени соатим алдади, илгари экан. Кеч қолдим, кутиб қолдингиз деб, нақ бир бўлдим...

— Қани бўлинг, трамвай кетиб қолмасин,— деди, шошиб Faффор Санобарнинг қўлидан ушлади.

Сўзи кесилиб бирдан жим булиб қолган Санобар ерга тикилганича американ туфлисининг учи блан оппоқ бир тошни ўйнаркан:

— Кечирасиз мени, Faффор ака, мен боралмайман,— деди.

— Нега? — деди Faффор шошиб.

— Ўйга холамлар келиб қолишиди, уларни ташлаб кетиб бўлмайди...

Faффор мийигида кулди ва Санобарнинг жаланглаб турган кўзларини ўз кўзлари блан бир лаҳзага тутаркан:

— Холангиз келган бўлса ойнгизчи? — деди.

Санобар кўнглида пайдо бўлган шубҳа ва гумонларини очиқ гапиромай ёлғон холасини пеш қилгани учун ўз виждони олдидаги ўзи уялди ва ниҳоят уялинқираган товуш блан кўнглидаги бўшроқ тугилган чигални ечишга уринди:

— Ойим бор, лекин холамлар блан кўпдан бери кўришмаган эдик... Қандай бўларкин,— янга ўзининг ёлғон сўзидан бўзарди ва лекин дадил қўшимчага қилди,— билмасам, ўзимнинг ҳам оёғим тортмай турибти.

Faффор Санобарни кўндириш учун ўлиб-тирилиб ёлғон-яшиқ гапларини ўртага ташлади:

— Ҳечқиси йўқ, кампирлар ўзлари холироқ отамлашади. Уларнинг ўзаро яширин сирлари йўқ дейсизми, масалан бизга ўхшаб...

Санобарнинг қорача, лўппи юзига илгаригидан ҳам қуюқроқ қон югурди ва ҳатто қулоқларигача қизариб кетди. Санобар Faффорнинг зўр бериб қилган қистави остида беихтиёр биттабитта қадам босиб йўлга тушди. Улар трамвай тўхтайдиган жойдан бир неча ўн қадам йироқлашгач, Санобар зўр исто'ла блан деди:

— Кечирасиз, қандай бўлар экан-а? Яна бирарта таниш-билиш, магазиндаги қизлар кўриб қолса...

Faффор бу тўмтоқ, лекин чуқур ма'ноли сўзлар қаршисида нима дейишини ҳам билмай қолди, унинг бу учрашувдан олдин кўнглига келган умид-орзусининг юзини кул босди. Faффор ўзини бу ҳолдан ниҳоят ранжиган ва дили озор еган қилиб кўрсатишга уринди. Шунинг учун ҳам у, қовоқларини осилтириб тумтайди ва анчагача оғиз очмади. Кейин Санобарнинг ўзи сўзлади. Унинг товушида майнин титроқ, юзида эса чучмал ҳаяжон ва саросима акс этиб турар эди.

— Лекин бир шартим бор бўлмаса,— деди ювошгина.

— Хўш?

— Соат ўнбирдан кечикмай қайтамиз.

— Ихтиёр сизда, қачон қайтамиз дессангиз ўзингиз биласиз.

Мана шу кундан тахминан уч ойлардан кейин Faффор Санобарга уйланди. У Санобарларнига ичкуёв булиб кирди. Бир-

галик турмушнинг дастлабки кунлари қиз ҳам, йигит ҳам ўзини бениҳоя бахтли ҳис қилди, аммо бу „бахтли“ турмуш узоқقا чўзилмади. Аста·секин Гаффорнинг миси чиқди, у ўзини ким эканини кўрсатди. У, эрталаб ишга чиқиб кетганича яrim кечада келар, Санобарнинг сўзларига дағал жавоб қилар ва одам ўрнида кўрмас әди, ҳатто минг уруш-жанжал блан уни ишдан ҳам бўшатиб олди. Шундан сўнг Санобар тез кунда ўзини олдирди, унинг ранги сарғайди, сўлди ва чўкиб қолди.

Бу орада, кунлардан бир кун, Санобар ўзини уч ойлик ҳомиладор эканини айтди. Гаффорнинг ранги-қути ўчди, лаблари титради. У Санобарга болани олдириб ташлашни маслаҳат берди. Санобар қўрқди, кўнмади. Шу-шу бўлдию Гаффор зимзиё бўлиб кетди. Орадан икки ойлар ўтга Санобар бир конвертда Гаффордан хат олди. Санобар очиб қараса конверт ичидан икки эллик хат блан талоқ қофози чиқди.

Бирнече ойлардан кейин Санобарнинг ой-куни етиб паҳлондай ўғил туғиб олди.

* * *

Йиллар ўтди.. Гаффор яна шаҳарда пайдо бўлиб қолди. Лекин энди у, урушдан илгариги Гаффор эмас әди. У энди қариган, соchlарига оқ тушган, ранги заҳил, озғин, дардчил бўлиб қолган ва тез-тез, қисқа-қисқа йўталиб ҳам қўяр әди. Гаффор қайтиб келгач уни ҳечким танимади, у ҳам ўзини таниш-билишларидан олиб қочди... Мумкин қадар ўзига холироқ жойни қидирар ва у, ҳар кун скверга келиб панароқ ерга қўйилган скамейкалардан бирида кечкача хаёл суриб ўтирап әди.

Кунлардан бир кун, кеч пайт, қуёш ботаётганда, у ўйчан ерга қараб скверда ўтирап әди. У, қўққис, ўз иродасидан беихтиёр, бошини кўтарди. У бошини кўтардию, ранги-қути ўчди. Қақраб қолган кўзлари симобдай йилтиради, бирдан а'зойи-бадани титраб-қақшаб кетди. Унинг рўпарасидан икки болани—бир қиз, бир ўғил болани етаклаб бир аёл келар әди. Бола эса онасига алланималарни ўқтирап, қизча бўлса йўлканинг чеккасига экилган гуллар устида липиллаб турган капалакдан кўз узмай келар әди. Гаффор қақраб қолган кўзларини пилпиллатаркан, шу оннинг ўзидаёқ, яна ерга тикилди. У, ёндан гурсиллаб баланд пошнали туфли ҳамда шиппиллаб иккита чувакчани ўтиб кетганини сезди. Аёл унинг ёндан ўтиб кетаётганда ниҳоят хушбўй атир ҳиди унинг димогига келиб урди. Буни Гаффор сезди. Бу „Қизил Москва“ деган атирининг ҳиди әди. Шубҳасиз бу ўша әди. Санобар „Қизил Москва“ни жон-дили блан севар әди. Гаффор оҳиста, ниҳоятда эҳтиёткорлик блан бошини ёкўтарди ва қўрқа-пуса аёл кетган томонга назар ташлади. Аёл ўзига ишонч блан кетаркан билакдек қилиб ўрилган икки ўрим сочи қадам ташлашига ҳамоҳанг силқинар әди. Унинг туфлисининг гурсиллаши, болалар чувагининг шиппиллаши Гаффор қулоғига келиб чалинди, шу он унинг юраги бениҳоя орзиқиб кетди.

Faффорнинг ўтирган еридан сапчиб тургуси, чопиб бориб ўзини танитгуси келди. Наҳотки уни — Faффорни танимай ўтиб кетди. Бола ким бўлди, наҳотки Faффорнинг ўғли. У, чиндан ҳам ўрнидан турди ва Санобар томонига бир-икки қадам босди, лекин шу оннинг ўзидаёқ негадир унинг умид риштаси ўзилди ва яна скамейкага бўшашиб ўтири. Faффор ҳамон ер остидан ўша томонга тикилиб турар эди. Шу лаҳза Санобар дам олиш учун ундан ўттиз метрлар чамаси нарироқдаги скамейкага ўтири. Буни кўрган Faффор дарҳол ўрнидан турди-да бошқа йўлкага, катта кўччанинг ул юзидаги йўлкага ўтди ва яқинроқ ердан кўриш ва Санобар эканини аниқ билиш ниятида катта қайроғочнинг панаси блан Санобар ўтирган скамейка рўпарасига бориб тўхтади. У тез-тез нафас олар, ўзини сездириб қўйишдан қўрқиб ҳарбир ўткинчидан ҳадисирав эди. Бола эса онасининг чап ёнида ўтирав, онасининг бўйнига осилиб нимагадир инжиқлиқ қилаётган синглисига қўл яниб нималарнидир гапирав эди. Санобар қизни бир ёнига ўтқизгач қўлидаги рўмолчаси блан ўзини елпиди. Бунинг ҳаммасини Faффор дарахт орқасидан, ўғри мушукдек пойлаб, кўриб турди. Санобар илгаригидан анча етилтган, унга салобатли аёллар туси кириб қолган бўлса ҳам ўша кўз ҳамон бир ерда тек турмай ўйноқлар, ўша лўппи, қипқизил юз илгаригидан ҳам яшарган, ўша тим қора сочлар энди иккита қилиб ўрилган. Ўша илгариги қадди-баст, ўша илгариги назокат, ҳаммаси, ҳаммаси такомиллашган эди.

Faффор, олисдан бўлса ҳам анчагача тикилиб турди, бирдан Faффор сесканди... Унинг кўзи болага тушди. Шу он Faффор ўз ёшлигини кўргандай бўлди. У титраб, қалтираб кетди. Унинг томоғига алла нарса юмалаб келиб тиқилди. Юраги увишиди, у дарахт панасидан то улар туриб кетгунча пойлаб турди. Кейин Faффор, беихтиёр Санобарлар орқасидан, қаерда туришини билмоқ учун пойлаб борди.

Ўша куни Faффор туни бўйи кўз юммади. Айниқса унинг хаёлини бола олиб қочар, ниманидир соғинар, юраги орзиқар, ўзидан-ўзи азобланар эди.

Эртаси куни Faффор ҳамма нарсани билди. У, Санобар турдиган жойга келди ва, ўзининг кимлигини айтмай, қўшниларидан бўтун вақиани сўради. Шунда ўша ердаги кампирлардан бири шундай деди:

— Болам, бечорани бир юзсиз алдаб олган экан, кейин, бола бўлгач, ташлаб зим-зиё бўлиб кеткан. Кейин Санобархон паҳлондай бир ўғил туғди, бола бир ёшдан ошгач, уни Маҳмудов, мана шу умрингдан барака топкур, Санобархонга уйланди. Ўзимиз ўртада турдик, Маҳмудов ҳам илгари бир уйланган эди, фарзанд кўрмагач ажралиб кетган эди. Маҳмудов фронтга кетганда, Санобархон иккιват эди, у келгунча нозандай қиз тўғиб олди. Маҳмудов, ўзингдан кўпайгур, бир болажонли, ўғлининг ўгайлигини ҳам сра билдирамайди... Ҳали ҳеч ким болага бу сенинг ўгай отанг деб айтган әмас. Фронтдан қўш-қўш орденлар ва совфа-саломлар блан қайтди. Ўзи ҳам аскарликдан яқинда

бұшади. Ҳозир яна ўша илгариги ишида, Маҳмудовга тегиб Санобарнинг ҳам бахти очилди, иккаласи бир-бирига бир меҳрибон, бир миҳрибон, кирои әр бўлса шунақа бўлса...

Faффор Маҳмудовнинг қаерда ишлашини аниқлаб ўтиրмади, лекин кампирнинг сўзидан жуда хомушланди, тер босди. У Маҳмудовни каттароқ амалда бўлса керак деб хаёл қилди ва кампир блан апил-тапил хайрлашиб чиқиб кетди.

Бу орада икки ҳафта ўтди. Бир кун Faффор атайлаб Санобарнинг боқчадан болаларни олиб қайтадиган вақтини пойлаб скверда кутиб ўтиреди. У, Санобар блан учрашишга қасд қилди. У, ўз боласини ўгай отадан қизғанар, унинг юрагини олмага тўшган қуртдай рашк ўймалар эди. Ўша куни кеч пайт Санобар, кундалик одати бўйича болаларни боқчадан олиб ўтиб қолди. Буни кўрган Faффор ўрнидан даст турди-да, дадил қадам ташлаб унинг йўлини тусди. Рӯпарасида ранги-қути ўчиб, қалтираб турган Faффорни кўрган Санобар жуда қўрқиб кетди. Faффор шошиб-пишиб:

— Санобархон? — деди.

Санобар бир лаҳзагина, нима дейишини ва нима қилишини билмай, қўрқув-ваҳима блан қотиб қолди. Рӯпарасида гўлайиб турган Faффорга тикилиб қаараркан, унинг кўзлари алла қандай даҳшат блан жаланглар эди. Унинг юзида қатра қон қолмади, хаёлида эса Faффордан ҳам даҳшатлироқ ўйлар чарх урди. „Ҳозир болани тортиб олади, шарманда қилади“ деб ўйлади бир зумгина Санобар. Мана шу хаёл, мана шу даҳшатли ўй унинг а'зойи-баданига санчиқ ва муздек титроқ булиб кирди. Бу Санобарнинг иликларини қурилди, томогини бўғди, тили қотиб, қақраб турган танглайига ёпишди. Кейин у қовжираб қолган тилини ғўлдиратиб:

— Хўш, нима дейсиз? — деди зўрға.

— Мен сиз блан бир оғиз...

Бу сўз блан Faффор болани да'во қилаётгандай туйилди Санобарга. Шу он унинг ранги-қути аввалгидан ҳам бешбаттар оқарди, лаблари титраб, кўнгли беҳузур бўлди. Гўё унинг юрагини қандайдир азамат қўл анорни эзгандай эзиб ташлади. Санобар ниҳоятда шошиб қолди, у Faффорнинг сўзини бўлди:

— Кейин, кейин гаплашамиз, уйга келинг, бизникига, кейин... деди.

Қўзлари мўлтираб, мўғайиб турган Faффор, мунгли ва ийгламсираган авоз блан:

— Эрингиз, эрингизчи... — деди.

Бу тасодифий учрашувдан ўзини йўқотган Санобар бундан тезроқ ажralишнинг пайига тушди-да гапини қисқа қилди.

— Кўрқманг, бемалол — деди ва шошиб адресини айтди. Шундан сўнг болаларнинг қўлидан маҳкам ушлаганича тез-тез юриб кетди.

Тарвузи қўлтуғидан тушган Faффор унинг орқасидан анчагина серрайиб қараб турди. Шу он, Санобар ундан ўн қадамлар чамаси узоқлашганда, унинг қулогига гўё боланинг „Бу киши

ким?“ деб сўраган товуши эшитилгандай бўлди. Бунга онаси жавоб бердими, йўқми, буниFaффор эшитмади. Унинг боши айланди, кўзи тинди, ҳатто қулоги ҳам чинқираб кетди. Шу он унинг кўкрагида пайдо бўлган тухумдай юмалоқ бир нарса юмалаб келиб унинг бўғзига тиқилди. У, қайғу-alamга тўлган кўзларини катта очиб, сўнгги марта Санобар кетаётган томонга қаради. Санобар эса худди жиннидан қочган одамдай ҳамон шошиб-пишиб борар эди.

Бу вақиадан, я’ни Санобар адрес берган кундан, икки кун ўтгач Faффор зўр қийинчилик ва оғир ички курашлардан сўнг боришга қарор қилди. У уйидан эрталаб чиқсан бўлса ҳам йўлда боришдан бир неча бор айниди. Унинг хаёлини ҳархил ўйлар тумани қоплади: боришига қарши бўлган далиллар эса унинг идрокини хиракаштира, уни бу ишдан қайтишга ундар эди. У Санобарнинг эридан ҳайиқар, ундан уялар, тўғриси ниҳоятда қўрқар эди. Броқ юрагини жизиллатиб турган бола муҳаббати эса: „Нима бўлса бўлсин, таваккал. Сени еб қўярмиди“ деб уни боришига чорлар, мана шучоқ у, ўзини бир зумгина дадил ҳис қилиб, йўлга тушар эди, аммо унинг бу ботирлиги шу оннинг ўзидаёқ саратондаги тумандек тарқаб кетар ва у, яна ўйлар эди: „Маҳмудов ким, қанақа одам... бордию Санобар ўч олиш ниятида чақирган бўлса... борсам, эри чиқса: —Хўш, кимсиз,— деса. Айтсан: мин Санобархоннинг собиқ эриман,— десам. У, юзимга эшикни „тақ“ этиб ёпса... Яхшиси бормай“.

Броқ у шу ўйлар блан қандай қилиб Санобар турадиган қўра Олдига келиб қолганини ҳам пайқамади.

У, ним қоронғу йўлакка кирганда унинг юраги ҳовлиқиб томоғига тақилди, нафас олиши қийинлашди. Ниҳоят, қўрқа-қўрқа зўрга эшик қоқди. Эшикни қоқди-ю, миллион-миллион пушаймон еди. Ҳали эшик очилмай туриб орқасига қочмоқчи эди, шу он эшик очилиб бўсағата ўрта яшар бир аёл пайдо бўлди. Faффор аёлни кўриб енгил тортди. У, „хайрият адашибман“ деб ўлади, аммо унинг бу хәёли шу ондаёқ пучга чиқди. Чунки Faффорнинг: Санобархон шу ерда турадими, — деб сўраган саволига:

— Ҳа, шу ерда,— жавобини олди. Ҳали бу жавобдан ўзини ўнглаб олганича ҳам йўқ эди, ичкаридан „ким, опа“ деб Маҳмудовнинг циқиб келиши ўлганинг устига циқиб тепган бўлди. Faффор бу Маҳмудов эканини дарҳол билди. Лекин Маҳмудов Faффорни танимади.

— Келинг, хизмат? — деди Маҳмудов.

— Мен, мен Санобар... шу ерда... — деди Faффор тутилиб. Маҳмудов энди Faффорнинг кимлигини тушинди.

— А, сизми? — деди ва қўл бериб сўрашгач, — қани буёққа, марҳамат, Санобар болаларга кетган эди.

— Йўғей, ундей бўлса... шу ерданоқ... — деди Faффор пойма-пой, илгаридан ҳам баттарроқ тутилиб.

— Қани, ичкарига, ҳозир келишиб қолади, — деди Маҳмудов. Faффор кирмасликка уринди.

— Кечирасиз, мен шу ерданоқ — деб яна түмтоқ сұзини тақорлади.

Маҳмудов уни, ҳолжонига қўймай, зўрлаб ичкарига олиб кирди.

Faффор ниҳоятда ясадоқ, шинамгина бир ўйга кирди. Ўйга кириши бланоқ унинг кўзи рўпарадаги ойналик шкафга тушди ва у, ойнада ўзининг рангу-қути ўчган, кўзлари киртайган, ияги ингичкаланиб кетган аксини кўриб ўзини танимади ва дарҳол кўзини бошқа томонларга чалғитди. Маҳмудов уни столнинг тўрисига ўтқизди, рўпарасида ўлтирган Маҳмудовнинг басавлат гавдасини зимдан Faффор кўзидан кечиракан жимгина ерга қараб ўлтирас эди. Охир Маҳмудовнинг ўзи сўз очди.

— Биз сизни кеча кутган эдик, келмадингиз... — деди.

Faффор қуви солинган бошини кўтармасданоқ жавоб қилди:

— Ҳа, — деди заиф бир товуш блан, — кеча бироз тобим қочди, келолмадим...

Шу он Маҳмудов ошхонада, уни буни тарақлатиб, ивирсиб юрган опасини чақириб дастурхон олиб келишини буюрди. Буни әшиятган Faффор Маҳмудовга ялт этиб бир қаради-ю, яна бошини қўйи солиб деди:

— Безовта бўлмасинлар, мен ҳозир...

— Қаёққа борасиз, болалар келсин, — деди Маҳмудов ва ўриндан туриб иккинчи ўйга кириб кетди.

Maҳмудов нариги ўйга кириб кетгач, бу ерга ўзини қандай қилиб кириб қолганини ва бу ердан қандай қилиб тезроқ қочиб чиқиб кетишни ўйлаб ўлтирган Faффор бироз енгил тортиб, чуқур нафас олгач, ўғри мушукдек, қўрқа-қўрқа атрофга кўз юргуртди. Унинг кўзи, деволга қоқилган, ўтдай ловуллаб турган сўзананинг ўртасига осиб қўйилган суратга тушди. Бу боланинг сурати эди. Шу он у, Maҳмудов кириб кетган ўйга қаради. Унинг кўнглидан „мени пойлаб турган бўлмасин“ деган ўй ўтди. Бир лаҳзадан кейин маҳмудов қўлида кумуш портсигар блан чиқди ва ҳали стулга ўлтирасданоқ Faффорга папирос тақлиф қилди. Улар жимгина чекишиди. Faффор бир-икки тортгач оғзини рўмолчаси блан тўсиб йўталди ва қулоқларигача қизариб кетди.

Шу чоқ кампир дастурхон солди, чой келтирди. Бир пиёлдан чой ичилгач, Faффор деди:

— Кечирасиз, безовта қилдим. Менинг бу адабсизлигимни кечиришигизни сўрай... — сўзининг охирини ютди.

Maҳмудов унга:

— Нега адабсизлик бўларкан, буни ҳеч хаёлингиэга келтирманг... Менга ҳамма нарсани Санобар айтиб берган.

Шу он Faффор бир сесканиб тушди, Maҳмудовнинг „менга Санобар ҳаммасини айтиб берган“ деган сўзи унга нина бўлиб санчилди. Faффорнинг ўнғайсиз вазиятга солиб қўйганини фаҳмлаган Maҳмудов сўзини очиқроқ йўлга бурди.— Бола ҳақида гап шу: шубҳасиз бола сизники, броқ шуни айтиш керакки, бола мени ота деб билади. Агар биз ҳозир сизни унга „отанг

шу" деб танитсақ, бу унинг ёш руҳига қаттиқ та'сир қилмасдан қолмайди. Бунинг оқибати яхши бўлмайди, мана шунинг учун сиздан илтимосимиз шу, ҳали у боқчадан келгач бир тоға ёки амаки сифатида танишсангиз...

Faффор „чурқ“ этмай ўлтиаркан томоғини бўғиб келаётган юмалоқ бир нарсани „қулт“ эткизиб ютиб юборэди. У Маҳмудовнинг сўзларига на хўп, — деди ва на этироҳ билдириди.

Шу вақт йўлакдан „қий-чув“ овози келди, кимдир уларни жимитаркан: „қўлларингизни ювинг“ деди. Бу Санобарнинг товуши эди. Санобар ичкарига кириб „келинг“ деяркан, унга қўлчўзди. Улар кўришдилар.

Шу он уйга аввало бола, унинг орқасидан қиз, ўқдай отилиб киришди-да, Маҳмудовнинг бўйнига осилишиди. Бири ўнг ва бири чап юзидан чўпиллатиб ўнишди ва шу ерда ўлтирган ёт кишига қўзлар и тушгач, бирдан жим бўлиб қолишиди. Маҳмудов болага:

— Қани, Ёдгор, амакинг блан кўриш, — деди.

Боядан бери эс-ҳушини йўқотиб ўлтирган Faффор унга қўлчўзиб турган Ёдгорни аввал пешонасидан ўпди, кейин титраб-қақшаб туриб уни даст кўтарди-да, бағрига босган ҳолда ҳўнграб юборди. Бу аҳволдан қўрқиб кетган Ёдгор ҳам йиглаб юборди. Шу он Faффор болани ерга қўйди ва йўлида учрган стулларни ағдариб, гўё жинни одамдай, ўзини эшик томон урди. Faффор, уйдан чиқиб кетар экан, орқасига қарамасданоқ:

— Кечирасиз, кечирасиз... — деди ва шошганича чиқиб кетди.

МИРМУХСИН

У Ч Ш Е ' Р

КОЛХОЗ МАЖЛИСИДА...

Президиумга сайлаш чоғида,
— Раис бўлсин! Деди бир йигит.
— Ҳосилот ҳам, деди Мирҳамдам.
Орқароқдан яна аллаким,
Овоз берди:
— Уста Фиёс ҳам!..

Пайдо бўлди заъда жонланиш,
Гуруллади қарсаклар бирдан.
Колхоз темирчиси уста Фиёс ҳеч,
Олмас эди кўзини ердан.
Юриб борди саҳнага. Гўё —
Чиқиб борди нақ осмонга чол.
Залга қараб кўзи қамашар,
Олиб қочар фикрини хаёл;

Ота қадим, тоблаб пўлатни —
Заб ясарди кетмону, ўроқ.
Ишлар эди терлаб, халлослаб,
Жўжалари тўймасди броқ...

Келмаган-ди унинг омади,
Доим бўлган у баҳтга гадо.
Ма'ракада кийган жомакор,
Дув тўкилган бор-йўғи, адог...

Бўғар эди у жирканч замон,
Оқормади косаси зинҳор.
„Ялиюш“ни ерди пойгакда,
Йигитлиги ўтган шундай хор.

Етиб келди баҳт замонига,
Сийнасига тегди эрк ели.
Одам бўлиб қад кўтарди у,
Камситмади Ватани, эли...

Қариса ҳам бир йигитча бор,
Болға урар, гурсиллар сандон.
Үт дамида чүгдек қизариб,
Пұлатларни тоблади үбдан.

Залга қараб күзи қамашар,
Олиб қочар ўйлар ҳәэлин.
Ким ҳурматлар шунча?
Чол ўйлар...
Ўйлаб топар;
— Ўртоқ Сталин!

1946-йил.

ПИЛЛАЧИ БИБИ

Күлешевга иқтиbos

Кохоз күчасидан
Станция томон —
Пиллачилар келмоқда бир түп,
Құлларида тугун ва сават.
Саватларда мевалар күп-күп...

Орқароқда келар арава,
Аравада икки чамадон.
Күм қишлоқлы пиллачи биби,
Ясанғанди ортиқ ҳаммадан...

Йұл-йұлакай қизиди суҳбат,
Кекса биби чекади носдан.
Оғида ғарч ковуш — маҳси,
Мұрсак кийган у „қоралас“дан.

Орқасида бухори чүлпи,
Бошга солмиш оқ дока рүмөл...
Далаларда оқшом салқини.
Ғұзаларла ўйнашар шомол.

Йұл четида, ғұза ичидан,
Чол сүради:
— Йұл бұлсиян янга?
Носни ташлаб чолга қаради,
Жавоб берди биби:
— Масковга.

1946-йил

ПОДА ЎТЛАР ТОҒ ЭТАГИДА

Подада ўтлар тоғ этагида,
Ма'рашади қўйлар, қўзилар...
Найин чалар чўпон янгратиб,
Қўзиларнинг кўзи сузилар.
Яша, ўтлоқларда най чалиб,
Қўзиларни ухлатган чўпон.
Фазилатли олтин даламнинг,
Шукуҳларин кўп тотган чўпон.
Мен эшиздим ўнбир хил созни,
Найга асло қиласмайман тенг.
Содда найниг мақом, оҳанги —
• Элимиздек бепоён ва кенг.

1946-йил.

ШУКРУЛЛА

ТЕРИМЧИ ЁЦЛАР ҚЎШИГИ

Пахта ийғос очилди,
Терим вақти ўтмасин,
Планни тўлдирайлик,
Фурсат қўлдан кетмасин.

Отам колхоз олдида,
Ва'дани қилган катта,
Мен унга ёрдам берсам,
Хар куни териб пахта,
Бир кўсак ҳам қолмайди,
Коростида албатта.

Пахта очилди қийғос,
Терим вакти ўтмасин.
Планни гўлдирайлик,
Фурсат қўлдан кетмасин.

Пахта обрўйимиздир,
Пахта бизнинг баҳтимиз,
Ватанга ёрдам қилиш,
Биз ёшларнинг аҳдимиз.

Унинг ҳарбир кўсаги,
Олтин блан баробар.
Биз ўқиган китоблар,
Кўлдаги шу оқ дафтар,
Бари нимадан бўлган?
Пахгадандир муқаррар.

Пахта обрўйимиздир,
Пахта бизнинг баҳтимиз.
Ватанга ёрдам қилиш,
Биз ёшларнинг аҳдимиз.

8.10. 1946 йил.

М. БОБОЕВ

КЕТМАНЧИ ҚУМРИХОН ҲАҚИДА ҚҰШИҚЛАР

(«Ашула ва құшиқлар цикли»дан)

Колхоз даласида
Созим қувнаб сайрайди.
Қумрихон қүшиғини
Айтсам күнглім яйрайди.

Қумрихон кетманини
Оларкан құлларига,
Тонг юлдуды нур сочар
Қумрихон йүлларига.

Субҳи дамнинг шамоли
Ипак пардалик сози,
Кенг далани уйғотар
Қумрихоннинг овози.

Терлар түкиб сурармиш
Ишнинг завқи-тотини.
Күшлар құшиб сайрармиш
Қумрихоннинг отини.

Қаранг, қандай чиройли
Қумрихон тортган марза.
Чаман бўлиб яшнабти
Бўлиқ; гуллаган ғўза.

Ҳалол ишлар колхозда
Мақтаганга тошмайди,
Кетман урса Қумрихон
Йигитдан қолишмайди.

Хар оғиэда бир достон,
Қумрихон шуҳратидан.
Чаман бўлган пахтаси
Унинг зўр мөхнатидан.

Қумрихон звеноси,
Қанорлаб олди пилла.
Ватаним бой бўлсин деб
Топширди кумуш, тилла.

Узумзору олмазор
Қумрихонларнинг боғи.
Кечани кундуз қилган
Қумрихонлар чароғи.

Осмондаги тўлин ой
Юзларин кўрсам дейди.
Колхознинг ҳарбир қизи
Қумрихон бўлсан дейди.

Қумрихоннинг сурати
Газетга олинипти.
Колхозчи қизнинг донғи
Оlamга ёйилипти.

Август, 1946 йил.

Сабр қилгин, сен бу ишни юракка олма;
Хоҳишим шу. Буйруғимга ихлосманд бўлгин.
Меҳрибон бўл, илтифот қил, қовоғинг солма.
Эб эмаски базм аро бадқовоқ юрсанг.

Тибалт — Жуда эбдир, уйга кирса бирон муттаҳам,
Йўқ, мен сра чидалмайман.

Капулетти — Мажбур этаман!
Жим, беадаб, жинни бола Айтдим, қиласман!
Хўжайнин ким? Сизми, менми? Йўқолинг, кетинг!
Гапни қаранг, „чидалмайман!“ эмиш, ё оллоҳ!
Меҳмонларим ўртасида жанжал қилмоқчи!
Хўрозланиб, кишиланиб бир кўрсангчи! Хўш!

Тибалт — Бу биз учун шармандалик, амаки!

Капулетти — Йўқол!
Сиз уятсиз бир безори ҳаммага малум.
Бу ҳазиллар бошингизни егуси охир.
Сиз жигимга тегаяпсиз! Бас энди, бўлди!
Шу сўзим хўб беш кетди-я; безори йўқол!¹
Жим ўтиринг! Ҳа айтганда... Чароғ бер! Уят!
Адабингни хўб берурман—шод бўлинг дўстлар!

Тибалт — Туйғуларнинг учрашуви титратар мени,
Босилсан ҳам ғазабимни сўндиrolмайман,
Мен кетаман. Киришларинг ҳозир шириндир,
Аммо какра ва заҳардай аччиғдир кети. (*Кетади*)

Ромео — (*Жульєттага*)
Шу гуноҳкор қўлим блан тегдим қўлингга,
Гуноҳимдан тавба учун менга ҳақ бергин.
Шу лабларим зиёратчи: ўз гуноҳин—
Ювмоқ учун бирон нозик бўса кифоя.

Жульєтта — Зиёратгоҳ бўлса лаблар, демак сиз ҳожи,
Лекин нега қўлингизга шунча бешафқат;
Фикримизча қилган иши гуноҳ эмасудур,
Қўлларнинг шу тегишуви биэча табаррук,
Бу ҳожининг кўп ихлосманд ўлишидай соғ.

Ромео — Ҳожиларнинг, эзгуларнинг лаблари йўқми?

Жульєтта — Бордир ҳожим, лекин фақат суралар учун.

Ромео — Ээзи хоним, қўлларимга берилган бахтни,
Лабларимга ҳам очсантиз. Йўқса шаккокман.

Жульєтта — Розиликни билдиримакка қимиirlаш шартми?

Ромео — Қимиirlамой турмок ма'қул, мен бахтни топдим.
(*Улади*)

Лабларингиз ўчиридитар лабим гуноҳин.

Жульєтта — Демак юқди лабларингиз гуноҳи менга?

Ромео — Лабларимнинг гуноҳими? Бу сўз жафодир,
Аммо ширин бир жафодир. Қайтар бўлмаса—
Мендан сенга юқкан ўша гуноҳларимни!

¹ Бу ерда ва бундан кейинги мисра'ларда Капулеттининг гаплари гоҳо жиянгига ва гоҳо меҳмонларга қаратилган.

- Жульетта—Хисоботнинг тўғрилигин ёқтираман мен.
 (Ўзи уни ўпади).
- Доя — (Жульеттага)
 Онангизнинг икки оғиз гали бор экан.
- Ромео — Онаси ким?
 Доя — Ойт ичаман, сизга эй йигит,
 Оналари бека бўлур бу хонадонга,
 Илтифоткор, кўп оқила бир бонудир у,
 Мен уларнинг қизларига доя бўларман.
 Қизлари-чи, сиз гаплашган дўндиқнинг ўзи.
 Айтиб қўяй: уни олган ҳазина топар.
- Ромео — Капулетти қизими шу? Ажойиб ҳисоб!
 Шу ҳисобда умрим кетди душманларга қарз.
- Бенволио — Қани кетдик; ҳазилими ҳам жуда боб тушди.
- Ромео — Қўрқаманки шу соатда ҳазил адо булур,
- Капулетти—Афандилар, сиз шошманлар, кетманлар ҳали,.
 Ҳозир сизга озгина бир егулик¹ бўлур,
 Вақт бўлдими? Қолмайсизлар? Кетмоқчиларми?
 Ҳўп бўлмаса, раҳмат сизга! Хайрли кечак!
 Маш'аллар тутинглар ҳой! Биз-чи ётоққа.
 Дарҳақиқат, вақт ҳам етиб борди анчага.
 Келиб қолди дам олишнинг айни фурсати!
 (Жульетта ва доядан бошқа ҳамма чиқиб кетади).
- Жульетта—(Дояга)
 Бу ёққа кел. Қани айт-чи, ким у афанди?
 Доя . — Тиберио чолнинг ўғли ҳам ворисидир.
- Жульетта—Эшиклардан чиқаётган анав йигит-чи?
- Доя — Янглишмасам, ўлашимча ёш Петручио.
- Жульетта—Ўйнамасадан, тургани-чи? Ана униси?
 Доя — Қайдам.
- Жульетта—Мутлоқ билиб олгин унинг исмини.
 У ўйланган бўлса, демак ортиқ мен учун:
 Никоҳ тўйи, ётоқ жойим—совуқ гўр бўлур.
- Доя — Унинг исми Ромеодир, Монтеккилардан,
 Сизнинг улуғ ғанимингиз унинг отаси.
- Жульетта—Севги куртак очар, ҳайҳот, ёвуз нафратдан!
 Ҳеч билмасдан кўрмак! Сўнгра кечикиб билмак!
 Бу бир баҳтсиз иштиёқнинг бошланғичидир:
 Юрагимни ўғирлабди ашадди душман!
- Доя — Бу нимаси? Бу нима гап?
- Жульетта—Базм палласи—
 Бир йигитдан эшитгандим шу байтларни.
- Доя — Сиз аштиб бўпсиз! Бўлди. Меҳмонлар кетди—
 Ухлашнинг ҳам пайти келди. Қани ётоққа. (Кетадилар):

¹ Кечки овқатдан сал кейин мевалар, ширинликлар ва шароблар берилар эди.

(1 парданинг 5-инчи сақнасигаги базм кўринишида Капулеттинг жияви Ромеоларни таниб жашжал чиққандан кейин Ромео ва шериклари Капулетти уйидан чиқиб кетадилар. Лекин Ромео ўз оиласининг душмани бўлмиш Капулеттиларнинг қизи Жульеттага қаттиқ мафтун бўлган. У кечаси блан шерикларини кўчада ташлаб Жульеттани яна бир бор узоқдан кўргали Капулеттиларнинг боқасига кириб кетади (II парда 1 сақна).

2-инчи сақна

Капулетти боғи.

(Ромео кириб келади).

Ромео

— Ҳеч ярадор бўлмаганлар ярадан кулар.
(Юқорида, деразада Жульетта кўринади).
Деразада липиллаган ўша нур нима?
У ердадир олтинранг шарқ, Жульетта—қуёш!
Эй офтоб, рашк қилучи ойни ўлдиргин,
Ой, рашидан сўлиб қолган, ўзи хастаҳол,
Чунки унинг канизаги, ундан ҳам гўзал.
Сенинг беканг кундош экан бўйсивма унга:
Ташлаб қўйгил бокира қиз яшил либосин:
Қизиқчилар фақат кияр яшил кийимни.
Оҳ маликам, оҳ соҳибам, ишқу-савдом сен!
Билсам эди ким экан у деразадаги!
Гапирди-я. Йўқ жим экан. Майли бўлмаса!
Кўзлари-ку гапирмакда—жавоб берайин!
Мен густохман. Гапирмайди ҳеч ким мен бдан.
Осмондан икки нафис юлдуз иш блан
Кета туриб у кўзлардан сўрадиларки—
Қайтгунича порласинлар, улар ўрнига.
Ёки шундай: юлдузларга олмашса кўзлар—
Қандай бўлур? Юзи хира қилур юлдузни,
Кундуз нури чароғларни ўчирганидай.
Қушлар бўлса тунни кун деб сайрап эдилар
Шундай ёрқин бўлар эди кўзлардан кўклар.
У қўлига чеккасини қўйиб турипти.
Кошки бўлсан шу маҳалда, қўлқоп ўрнида,
Чеккасига тегар эдим.

Жульетта— Вой, ўла қолай...

Ромео

— Гапга кирди. Гапиравер нуроний малак!
Бошим ўзра гўё тиниқ, ялтироқ фалак—
Сен фалакда учар меҳмон сингари гўзал,
У шунаقا, ялқов булат ичра кезади,
Ёки ҳаво тўлқунларин ёриб юзади,
Бошни чайқаб, одамизод кўзини тикиб
Мафтун бўлиб ҳайрон-ҳайрон унга боқади.
Оҳ Ромео, нега ахир сен Ромеосан?
Ўз исмингдан, хонадондан воз кеч, эй йигит!
Агар буни хоҳламасанг ишқимиз учун—
Қасамёд қил. Капулетти бўлмайман мен ҳам.

Ромео — (Ўзича)

Яна сўзи бормикан, ёберайин жавоб?

Жульетта — Ўзинг эмас, сенинг исминг ғанимдир менга.

Сен бошқасан. Сен Монтекки эмассан асло.

Одамзоднинг қули, юзи, оёғи ёки —

Бўлак қисми Монтеккидан бўлишлик шартми?

Сен ўзингга бошқа ном топ. Ном деган нима?

Гулнинг номи ўзга бўлса нима бўларди:

Ўзга номда хушбўйлиги ўзгарармиди?

Ромеонинг номи агар ўзгача бўлса —

Хеч нарса кам бўлмас эди камолотидан.

Ташла номинг, номку сенинг бир ҳиссанг эмас,

Тану жоним сенинг бўлур бутун, Ромео.

Ромео — Сўзларингни унутмагин, эй қиз!

Мени ёр де, мен қайтадан чўқиниб қўяй,

Ва бундан сўнг ҳеч қачон ҳам бўлмай Ромео.

Жульетта — Кимсан ўзинг? Тун пардаси остида, бутун —
Сирларимга ошна бўлдинг?

Ромео — Қайси ном блан —

Мен ўзимни сенга айтай — билолмай қолдим.

Менинг исмим ҳозир бўлди менга кўп жирканч:

Чунки сенга у ёқмайди азизим, жоним.

Номим бўлган васиқани йиртсан розиман.

Жульетта — Мен оғзингдан юзта сўз ҳам эшиганим йўқ —
Товушингдан таниб олдим, лекин, ўзингни.

Сен Ромео? Сен Монтекки? Шундайми, ахир?

Ромео — Йўқ, э, йўқ, йўқ; икала ном сенга ёқимсиз!

Жульетта — Бу ерга сен қандай кирдинг? Нимага кирдинг?
Бу ҳовлида девор баланд, ошмоқ ўнгайсиз;
Сен учун бу хатарликидир: бирор қариндош —
Кўриб қолса бошгинантга тушади ўлим!

Ромео — Мени севги қанотида келтириб қўйди:

Севги учун ҳаттоки тош бўлолмайди ғов,

Ҳар нарсага севги даҳл қилаолади,

Менга тўсуқ бўлолмайди қариндошларинг!

Жульетта — Кўзга тушсанг, бўлди, дарҳол қилурлар ҳалок.

Ромео — Эвоҳ, эвоҳ, йигирмата қиличбозингдан —

Менга кўпроқ у кўзларинг хатарлироқдир.

Сен меҳр ила бир қарасанг, мен учун шу бас,
Бу блан мен сақланаман ёвлар қаҳридан.

Жульетта — Кошки сени кўрмасалар!

Ромео — Шу тун бошпанам.

Аммо мени ёмон кўрса — кўрсинлар улар;

Сенинг ишқинг даргоҳидан бенасиб ҳаёт —

Ёв қаҳридан, ўлмакдан ҳам бешбаттар ёмон!

Жульетта — Ахир айт-чи, сени бунга ким олиб келди?

Ромео — Севгим мени бошлаб келди ёр эшигига,

Севги менга кенгаш берди, мен унга — кўзлар.

Мен денгизчи сайёҳ эмас, аммоқи билсан,

Агар олис денгизлардан нари бўлсанг ҳам—
Шундай қиймат мато' учун юзиб борардим.

Жульетта — Тун ниқоби ёпиб олган менинг бетимни,
Бўлмаса сен пайқар эдинг қизарганимни,
Чунки менинг сўзларимни пусиб тинглабсан.
Сўзларимдан ҳижолатман, кўп уятдаман,
Ҳозир жон деб кечар эдим айтканларимдан.
Энди ортиқ видо' дейман ясама гапга!
Қани мени севасанми? Даррав „ҳа“ дейсан;
Бу сўзингга ишонаман, онт ичсанг,
Ёлғонсираб кетмаклигинг кўпроқ эҳтимол.
Ишқий қасам тепасидан тангрилар кулар,¹
Тўғрисин айт, севасанми азиз Ромео?
Менга бу қиз унай қолди деб ўйламагин,
Бўлмаса мен, қовоқ солиб „йўқ!“ дейман, ҳозир.
Мен сени кўп яхши кўрдим, азиз Монтекки,
Мени балки енгилтак деб ўйлаб қоларсан?
Лекин, ишон, пивагини гўё бузмасдан—
Бепарводай юрганлардан мен вафодорман.
Мен ҳам балки бепарводай кўринар эдим—
Башарти сен менинг ишқу ҳавасларимни
Эшитмаган бўлсанг эди букун ногоҳон.
Қоронғу тун сирларимни очган бўлса ҳам.
Мени дарҳол тан берар деб ўйлама, кечир.

Ромео — Дараҳтларни кумушларга белаб туручи—
У муборак ойга қасам ичаманки мен...

Жульетта — Йўқ, бевафо ойга нечун қасам ичасан,
У-ку ҳар ой ўзгартмоқда ўз рухсорини,
Бизнинг севги ҳеч бўлмасин ундай бевафо.

Ромео — Оҳ, нимага қасам ичай?

Жульетта — Кераги ҳам йўқ,
Жуда керак бўлиб қолса ўз жамолингга,
Ўзлигингга, я'ни менинг худом ҳурмати
Қасам ичгин, ишонаман.

Ромео — Агар қалб, ҳавас ..

Жульетта — Йўқ онт ичма. Келишингга хурсанд бўлсам ҳам,
Тун маҳали шартномага рози эмасман:
Бу жуда тез, ногоҳон, ноҳосдан бўлғай,
Бизлар ҳали „ана яшин“ деб улгирмасдан
Сўниб кетган яшинларга ўхшайди бу шарт!
Хайрли кеч! Майли ённинг майин нафаси—
Ишқ куртагин эртага гул қилиб гуллатсин.
Хайрли кеч! Юрагимда бўлган ҳаловат
Тилайманки юрагингга тўлсин шу соат!

Ромео — Ҳечбир нима бағишламай, ҳайдәёпсан-да?

Жульетта — Қанақа ҳам совға керак тун маҳалида?

¹ Тўғриси— „Юпитер кулар“— чунки у ўз ма'шуқаларини тез-тез олмошли-
риб туради эмиш.

Ромео — Мен онтимнинг баробари онт ич, сўрайман!

Жульетта — Сўранувдан илгариёқ онт ичган эдим,
Яна қайта тақорор қиласай севги онтимни.

Ромео — У қасамни нимага сен қайтармоқчисан?

Жульетта — Сахий бўлиб, янги совға бермоқчиман-да,
Аммо ҳамма хоҳлаганим ихтиёримда!

Денгизлардай бепоёндир менда саҳоват.

Денгизлардай менда чуқур севги-муҳаббат,

Канча сахий қўяр бўлсан мұҳаббатимни

Шунча чексиз бепоён бил саховатимни.

(Эшик орқасидан доя чақиради).

Уйдан товуш келаяпти. Хайр севганим!

Ҳозир! Менга вафодор бўл аэз Монтекки.

Жиндак тўхта, ҳозир тағин қайтиб чиқаман.

(Кетади).

Ромео — Оҳ муборак, шафқатли тун! Кўп қўрқаманки—
Кўрганларим ўнг эмасу бошдан оёқ туш,
Чунки шунча ширин нарса ўнгда бўлмайди.
(Яна юқорида Жульетта кўринади).

Жульетта — Икки оғиз гап: ундан сўнг, хайр Ромео
Ҳалол бўлса сенинг ишқинг, ҳамда хоҳлассанг—
Менга бир кун уйланмакни—ертага саҳар
Мен томондан келадиган элчига айтгин:
Қачон, қайди сен никоҳни ўқитмоқчисан,
Ундан сўнгра, оёғингга поёндоz бўлай—
Эгамсан, деб борай сен-ла дун'ё чекига.

Доя — (Эшик орқасидан)
Хоним!

Жульетта — Ҳозир!—Аммо ишқинг ҳалол бўлмаса—
Ялиナман...

Доя — (Эшик орқасидан)
Хоним! Хоним!

Жульетта — Ҳозир, ҳозир кирай деялман!
Ялинаман, мени қўйгин ўз фамим блан.
Эрта блан юбораман!

Ромео — Саодатимга...

Жульетта — Сенга юз юз саломларим! (Кетади).

Ромео — Тонгни кутиш интизори юз марта мушкил!
Кўп шод бўлур китобидан шогирд ажралса,
Аммо ёрдан ажралмоқлик дўзахадир расо,
(Секининга дарвозага боради).

Жульетта — (Яна юқорида пайдо бўлиб қолади)

Оҳ Ромео, лочинларни ундан олгали—

Лочинбозлар менга нега овоз бермади!

Канизакнинг бўғуқ товуши шунча ожиздир,

Бўлмаса мен горлардаги Эхо санамни—

Акси-садо санамини титратар эдим,

Хирилларди ҳаволарнинг янграши ҳам,

Шу исмни тақорласам: Ромео!, Ромео!

- Ромео** — Менинг жоним чақирмоқда. Ошиқлар товуши—
Тун қўйнида кумуш каби ширин жаранглар,
Еки нозик музиканинг унлари янгли!
- Жульетта**— Ромео!
- Ромео** — Севгилим!
- Жульетта**— Эрта киши юборайин, соат нечада?
- Ромео** — Тўққизларда.
- Жульетта**— Эрта—узун йигирма йилча!
Сени нега чақиравдим эсимдан чиқди.
- Ромео** — Кутиб турай, балки тағин эслаб қоларсан!
- Жульетта**— Бунда туриб қоларсан, деб эсламасман ҳам.
Фақат бирга бўлсак яхши—эсимдаги шу!
- Ромео** — Кутиб турай токи сен ҳам худди мен каби—
Унугтайсан бору-йўқни, хонумонларни.
- Жульетта**— Ана саҳар. Истайманки ортиқ жўнасанг—
Оёғига ип илинган бир қуш сингари;
Шўх қизчалар шундай қушни гоҳо учира—
Лекин худди занжирланган банди сингари—
Сўнгра, дарҳол яна ипни тортиб оларлар,
Гўё гўзал қуш эркига қиз рашк қилгудай.
- Ромео** — Истар эдим сенинг қушинг бўлмоқни мен ҳам!
- Жульетта**— Ҳа азизим. Силаб-сипаб бўғардим сени.
Биласанми хайрлашув кўп ширин ўйин!
Эртагача хайрлашиб турсам хурсандман.
Хайр энди.
- Ромео** — Мен бу кечага уйқу, ором тилайман сенга!
Истар эдим тушинг бўлай, ороминг бўлай!
Менга мадад керак бўлса, халоват учун—
Шу дам сўфи кулбасига тўғри бораман.
(Кепладилар)

З-нчи Саҳна

Сўфи Лаврентийнинг кўлбаси.

(Сўфи Лаврентий сават кўтариб келади).

- Лаврентий**— Кўп хўмрайган шу кечага кундуз қарайди,
Нур-шу'лалар товланишар, ҳайдар сояни,
Кир зулматлар худди бир масти сингари ҳозир
Четлаб қочар офтобнинг ўтли йўлидан.
(Ромео кириб келади)
- Ромео** — Салом сенга, э отахон!
- Лаврентий**— Ҳақ мададкоринг!
Эрта чоғи шу меҳрибон салом кимники?
Ётогингдан шундай барвақт тургансан ўғлим,
Бирон нарса авзойингни бузган шекилли,
Ухламоққа сра қўймас чолларни қайғу,
Кексаликнинг ғуссасини алдамас уйқу;
Аммо қайдা ёнбошлиса беғам новжувон,

Олтин тушлар ҳоким бўлар у ерда шу он,
Сенинг бевақт келишингнинг ма'носи шуким,
Юрагингга оғир ташвиш бўлмишdir ҳоким.
Ё бўлмаса, мен фолимда қилдимми хато,
Демак бу тун сен мижжа ҳам қоқмабсан ҳатто.

Ромео — Йўқ, шу тунда роҳатланиб яхши дам олдим.

Лаврентий — Тавба қилдим. Розалина бланми бирга?

Ромео — Розалина блан, мен-ми? Йўқ, менинг пиrim,
Ўзини ҳам, исмини ҳам буткул унудим.

Лаврентий — Хўш, бўлмаса қайда эдинг? Ухламай, бедор?

Ромео — Сен сўрама; ўзим ҳозир бўлайин иқрор.

Ёвлар блан ҳамбазм эдим кеча баробар,

Ёв ногаҳон юрагимга ўхталди ханжар.

Аммо мендан олган эди ўзи ҳам яра,

Икки душман фарзандига, ота, бир чора!

Ота, нафрат қилмоқлиққа йўқ менда мажол,

Мадад, ото, ёвимга ҳам, менга ҳам дарҳол.

Лаврентий — Ўзлим менга очиқ айтгин, қанақа гуноҳ:

Сирли гуноҳ кечирмаклик мушкилдир, эвоҳ!

Ромео — Очиқ айтай: билиб қўйки; мана севгим шу

Капулетти қони оқар ёрим томрида.

У ҳам мени яхши кўрар, масаламиз ҳал:

Бирлаштирап никоҳ бизни албат беҳаял.

Қачон, қайда, қандай бўлиб унга танишдим,

Қандай қасам ичиб қўйдим, қандай унашдим,

Айтиб берай, аммо фақат сендан илтимос,

Ва'да қилгин, бугун никоҳ ўқишига, халос.

Лаврентий — Ё, пиrim-э! Бу қанақа ўзгариш бирдан?

Розалина унутилди, шунчалик тез-а?

Рост дептилар: Йигитларнинг дилида эмас,

Қўзларида ёнар экан севги ҳар нафас.

Шу йигитнинг чеккасидан сўлғун, асабий

Қанча аччиқ ёшлар оқди, ё ҳақ, ё рабби!

У ишқ учун сен шунчалик шўроб тўкканда,

Ҳаммаси ҳам вақтнинча гап! Бекор экан-да?

Ҳали офтоб қуритмаптивойдодларингни,

Эшитгулик ҳозирда ҳам фар'ёдларингни.

Мана бордир ҳозирда ҳам чеккангла бир доғ.

Илгариги кўз ёшларнинг излари шу чоғ.

Ўзганики эмас эди ўша кўз ёшлар,

Розалина учун эди тилак—хоҳлашлар.

Ўзгардингми? Иқрор бўлгин. Қани ўзлим? Хўш!...

Хотинларда гуноҳ борми, эрлар бўлса бўш?

Ромео — Мени-ку сен койишдасан севганим учун.

Лаврентий — Севги учун эмас, ўзлим, жиннилик учун.

Ромео — Деган эдинг: „ишқингни кўм!“

Лаврентий — Аммо азизим—

Янгисини гўрдан кавла демавдим, сенга.

Ромео — Сен койима! Менинг ҳозир севганим жонон,

Севгим учун севги тўлар сен шунга ион.
Бу олдинги муҳаббатга сра ўхшамас.

Лаврентий—Чунки жуда аён эди, илк дилбаринга—
Ўқимасдан ёдлаганинг ишқ китобини,
Шунинг учун ишонмас-ди сенинг гапингга,
Ўтган ишга салавот-де. Юргин қаландар,
Сенга ёрдам бермоқ керак имкон бор қадар.
Ойлалар ўртасида ғазаб—хусумат
Шу никоҳнинг туфайлидан битгай ниҳоят.

Ромео — Тез юрайлик! Куталмайман, етар интизор!

Лаврентий—Секин: кимки кўп шошилса оёғи тояр (*Кетадилар*).

(Ромео ва унинг дўстлари, Меркуцио в Бенволио кўчада ўзаро гаплашиб, ҳавзиллашиб турганларида (II парда 4-инчи саҳна) Жульєттанинг лояси Ромеонинг никоҳ ҳақидаги планини билмоқ учун келиб уни топади. Ромео, маҳфиӣ равишда унга, Жульєттанинг буқун кечқурун; никоҳ ўқитгаи сўғи Лаврентий хонақасига боришини тайинлади. Доя бу хушхабарни, забрисизлик блан уни кутаётган Жульєттага етказади (II парда, 5-инчи саҳна) ва Жульєта ибодат баҳонаси блан хонақога боради).

6-нчи саҳна

Сўғи Лаврентийнинг кулбаси:

Лаврентий ва Ромео кириб келадилар.

Лаврентий—Иншооллоҳ, ушбу никоҳ худога ма'қул,
Иншооллоҳ, дарду алам бўлмагай кети!

Ромео — Омин, ёраб! Аммо ҳозир алам ҳам келса,
Бизни асло ажратолмас хурсандчиликдан;
Ёрим блан бир нафас ҳам улуғ қувончdir.
Дуо ўқиб бирлашдиргин қўлларимиэни,
Ишқ жаллоди, ўлим келса, майли ундан сўнг!
Жульєтгани меники деб отасам, бўлди!

Лаврентий—Тулқинланган шодлик кети тўлқинли бўлур.
Шодликларнинг ғалабаси ўзига ўлим,
Ўқ-дори ва ўт бирлашган сингари бу ҳам—
Куйиб кетар бир бўсада, битта бўсад
Асал гоят ширин эса бемаза бўлур,
Иштаҳони бўғиб қўяр чучмал егулик.
Сен м'тадил севиб турсанг ишқинг мустаҳкам;
Шошилсанг ҳам, шошмасанг ҳам манзил ўшадир.
(Жульєтта кириб келади).

Келин келди. Юришлари мунча хиромон,
Оёқлари тошларга ҳам тегмабди гўё.
Ез кунининг тиниқ шаффоф ҳавоси ичра—
Учаётган ўргимчакнинг тўрига агар
Ҳозир ошиқ осилса ҳам йиқилмас эди.

Жульєтта—Салом сизга, тетикмисиз, рухоний ота!

Лаврентий—Иккимиздан сизга, раҳмат дейди Ромео.

Жульєтта—Раҳмат учун табриклайман уни ҳам қўшиб!

- Ромео** — Агар сенда хурсандчилик андозалари
 Бир тенглашса менда бўлган хурсандчиликка,
 Бу шодликни нафасларинг мадҳ этсин, дилбар,
 Сўзларингнинг таронаси тўлсин ҳавога!
 Очиб бергин баҳтли висол саодатини.
- Жульетта** — Ҳар ким сўздан қўра ишга бадавлат бўлса —
 Моҳиятга маҳтанэди, зинатга эмас.
 Ўз давлатин санаб кўриш гадойга осон.
 Менинг ишқим бепоёндир, ҳадсиз, ҳисобсиз,
 Асло писанд қилолмасман чала давлатни.
Лаврентий — Ишга тезроқ бошлайликчи! муқаддас черкав
 Бирлашдирсин ошиқ-ма'шуқ тану жонини;
 Ўшангача кўзларимни олмайман сиздан.
(кетадилар)

Парда.

III-инчи ПАРДА

1-инчи саҳна

Майдон.

Меркуцио, Бенволио, маҳрам ва хизматкорлар кириб келадилар.

- Бенволио** — Меркуцио, ялинаман бундан кетайлик:
 Ҳаво қизғин, бунда кезар Капулеттилар.
 Учраб қолсак — жанжал-низо' бўлур муқаррар
 Иссиқ чоғда қон ҳам жинни бўлиб қайнайди.
- Меркуцио** — Биласанми сен кимларга ўхшайсан: бир хил йигитлар қовоқхоналарга кириб қолганларида, қиличларини усталга уриб: „Илойим, менга керак бўлмагайсан!” дейдилару, иккинчи қадаҳдан сўнг, ҳеч ҳам зарур бўлмаган ўринда, қиличини хизматкорнинг биқинига суқиб кўядилар.
- Бенволио** — Наҳотки, мен шундай йигитларга ўхшаб қолган бўлсам?
- Меркуцио** — Бўлмасачи! Сен Италиялиларга ўхшаган қизғин йигитсан: сени сал қўзғатиб қўйсалар, қизиб кетсан, қизиб кетсангчи, ўзине қўзғалабошлисан.
- Бенволио** — Хўш, нима демоқчисан?
- Меркуцио** — Шуни демоқчиманки агар шу ерда сенга ўхшаганлардан икки киши бўлганда, кўп ўтмай ҳеч қайси бири соғ қолмас эди, чунки улар бири-бирини ўлдириб қўйган бўлар эдилар. Сени қара-я! Сен-ку бирорвинг соқолида сеникидан бир тола кам ёки ортиқ бўлса сўкишиб берасан! Ёки биронтаси ёнғоқни қарсллатса, сенинг кўзларинг ҳам ёнғоқ рангида бўлгани учун ўша блан ёқалашиб қоласан. Жанжалга баҳона учун сенинг кўзларингдан ҳам ма'қулроғи борми? Тухум ичи сариққа тўлгандай

сенинг калланг ҳам жанжалга тулган. Аммо сен шунча күп уришгансанки, сенинг калланг пуч тухумга үхшаб, бўмбушдир. Биттаси ўйталиб қўйиб, сенинг офтобда ухлаётган кўппагингни безовта қилгани учун, ўша блан уришгансан-ку! Сен хайитдан олдин, янги камзул кийгани учун, машиначига, янги этикларни эски тасмалар блан борлагани учун бошқа бир йигитга ҳужум ҳам қилгансан-ку ахир! Хўш, энди қандай қилиб мени жанжалдан тутиб қолмоқчисан?

Бенволио — Агар мен, сенга үхшаб жанжалга хуштор бўлганимда, ҳар ким ҳам менга миросхўр бўлиш ҳақини жон деб сотиб олар эди-я, менинг ўлимимни кўпи блан биру чорак соат кутарди, халос!

Миркуцио — Сенга миросхўр бўлиш-а? Ия, сен бойми?

Бенволио — Калламни бераманки, Капулеттилар келаётилар!

Меркуцио — Товонимни бераманки, бунақа гапинг учун пинағимни ҳам бузмайман! (*Тибалт ва бошқалар кириб келадилар*).

Тибалт — Ҳа, келинглар! Булар блан гаплашмоқчиман! Қани, қайсинг жавоб қиласар, бир оғиз гап бор!

Меркуцио — Нега бир оғиз гап? Бу гапни яна бирон нарсага қўшиб қўйинг. Масалан: гап ҳам, зарб ҳам бўлсин!

Тибалт — Агар, фурсат бўлса, бунга ҳам маҳоратимни кўрсатишмумкин!

Меркуцио — Сизга фурсат тегмаса ҳам бу фурсатни ўзингиз ололмайсизми?

Тибалт — Меркуцио, сен Ромеога жўр бўлиб куйлаяпсан-а!

Меркуцио — Жўр бўлиб куйлаиманми? Сен бизларни кўча-кўйларда юручи ашулачиларга үхшатибсан, шекилли! Аммо, бизнинг музикамиз сизларники блан ҳамоҳанг бўлолмайди. Мана менинг фижжагим-у сизни ҳозир ўйинга тушишга мажбур қиласақ! Буни қара-я! Жўр бўлиб куйлармисман!

Бенволио — Биз бу ерда аламон ҳам майдон ичиди. Керак бўлса бирон бошқа жой-макон топинг, Ё шовқинсиз давом этинг шу баҳсингизга, Ё тарқалинг. Бунда бизга ҳамма қарайди.

Меркуцио — Кўз дегани қараш учун берилган ахир, Истаганча қарасинлар. Тебранмайман ҳеч! (*Ромео кириб келади*).

Тибалт — Жим бўлинглар! Ана келди бизнинг... ҳалиги.

Меркуцио — Онт ичаман у сиз учун қулбачча эмас. Агар чиқса кетингиздан жанг майдонига Ўша маҳал ҳақингиз бор масхаралашга.

Тибалт — Эй, Ромео, менинг сенга бор муҳаббатим — Ҳанузгача фақат битта сўз топди: олчоқ!

Ромео — Тибалт, сени севишимга бир сабаб бордир,

Үша сабаб босиб қўйдя, мени шу маҳал,
Қилиғингга қарши олов олган газабни,
Мен сра ҳам олчоқ эмас. Алвидо' сенга.
Мени яхши танимайсан: кўриб турибман.

Тибалт — Сен бизларга еткизганинг ҳақоратларга
Узур бўлмас бу гап! — Тұхта, ҳой — тентак бола!

Ромио — Мен ҳеч қачон қилганмасман сени ҳақорат.
То бу ишқнинг сабабини тушинмагунча;
Сени қанча севганимни англай олмайсан,
Менинг азиз Капулеттим, сенинг фамилиянг
Ўз фамилиям чамасида менга меҳрибон.

Меркуцио — Ҳой муттаҳам, ор-номуссиз итоаткорлик!
(*Килични суғуради*).

Тилка қилар, зарба ювар шармандаликтини,
Тайёрмисан, каламушлар овчиси, Тибалт?

Тибалт — Сен мендан нима истайсан?

Меркуцио — Муҳтарам мушуклар шоҳи, мен сизнинг тўққиз
жонингиздан биттасинигина истайман. Мен унга
қасд қилмоқчиман, бундан сўнг сиз ижозат бер-
сангиз қолган саккизтасини ҳам йўйиб-йўйиб олмоқ-
чиман. Сиз шамширгизнинг сопидан ушлаб, ўз
қинидан суғуришга тобингиз борми? Шошилинг,
бўлмаса менини илгарироқ кўтарилади.

Тибалт — Хизматингизга тайёрман (*Килични суғуради*).

Ромео — Меркуцио, меҳрибоним, қилични қайтар.

Меркуцио — Энди тақсир, зарба учун навбат сизники! (*Ури-
шадилар*).

Ромео — Бенволио, ўртага туш, қуролларни ол!
Афандилар, бу уятку! Зўрлик нимага?
Меркуцио, Тибалт сиз ҳам қулоқ солингиз,
Веронада тўпалонга бек рухсати йўқ!
Тибалт тўхта! Меркуцио азизим тўхта!
(*Тибалт Меркуциони яралаб ўз ҳамкорлари
блан қочиб кетади*).

Меркуцио — Яраландим!.
Менга омин! Вабо тушсин хоналарингга!
У кетдими? Яраланмай бутун кетдими?

Бенволио — Яранг борми?

Меркуцио — Битта яра, лекин бунинг ўзи ҳам етар:
Ҳой маҳрамим! Ҳой йигитча, жаррохий чақир!
(*Маҳрам кетади*).

Ромео — Дадил бўл дўст, яранг катта бўлмаса керак.

Меркуцио — Йўқ, албатта, у қудуқка ўхшаб чуқур ҳам эмас,
черкав эшикларига ўхшаб кенг ҳам эмас. Лекин
ўша яранинг ўзи етиб ортади ҳам. Эртага мени
чақириб кўрчи, ундавинига фақат гўристон аҳлини
топасан. Бу дун'ёдан мени итариб чиқаргандарига
шубҳам йўқ. Хоналарингга вабо йўлиққир! Қа-
ранг-а! Кучук, каламуш, сичқон, мушук ҳам ки-

шини ўладиган равиша тишилаб қўйиши мумкин экан ат Махтанчоқ, мамадона, шаллақи-ю, аммо ҳисобда тўрт амалнинг ҳамма қоидаларига мувоғиқ уришади. Сиз нега ўртамизга кирдингиз? Сизнинг қўлингиз остидан у мени яралади.

Ромео — Мен ишни босди·босди қилмоқчи эдим.

Меркуцио — Бенволио, мени бирон уйга олиб кир. Дармоним йўқ! Вабо тушсин хоналарингга, Бу хусумат мени энди қилур муқаррар, Куртларга ем. Вабо тушсин хоналарингга! (Меркуцио ва Бенволио кетадилар).

Ромео — Эссиизина! Бекнинг яқин хеш-ақрабоси, Менинг яқин дўстим бунда ўлгудай мажруҳ, Тибалт менинг номимни кўп қоралаганди Ба у менга бир соатлик дўст-меҳрибонди, Меркуцио номус учун бўлди ярадор Сенинг ҳуснинг кўп юмшатди мени Жульєтта, Сенинг ҳуснинг жур'атимни эритиб қўйди. (Бенволио кириб келди).

Бенволио — Ромео, оҳ, Меркуцио ўлди! Ромео! Дун'ёмидан жуда барвақт жирканган у рух, У қўрқмас рух парвоз қилди булутлар сари.

Ромио — Оҳ қора кун! Қора кунлар негизидир бу! Бошланғичи даҳшатлиди, охири ҳам хавф!

Бенволио — Бу томонга шошқин келар девона Тибалт!

Ромео — У саломат, менинг дўстим бўлса гўрдадир, Эй ювошлиқ, энди хайр, йўқол нари кет, Ўт қарашли қаҳрим бўлсин менинг етакчим! (Тибалт кириб келди).

Тибалт, қайтиб олгин менга айтган сўзингни, Сенку менга олчоқ дединг, олчоқ ўзингсан, Меркуцио руҳи мана парвоз қилмоқда, Ул узига ҳамроҳ тилар, сени кутмоқда, Сен ёки мен, ё иккимиз, учамиз кўкка.

Тибалт — Аблаҳ бола, сен у блан тил бириктиридинг, Энди яна ўша блан бирга йўқолгин!

Ромео — Ҳал қиласи мана қилич. (Уришадилар. Тибалт йиқилади).

Бенволио — Тез қоч, Ромео!

Сен Тибалтни ўлдирибсан, ана одамлар! Қотиб турмал! Қўлга тушсанг агар мабодо Бек мутлақо ўлимингга ҳукм қилгуси! Тезроқ қочгин!

Ромео — Мен тақдирнинг масхарабози.

Бенволио — Кутяпсан сен ўзингнинг ҳалокатингни? (Ромео чиқиб кетади. Шаҳар аҳли кириб келади).

1—Фуқаро — Қайга қочди Меркуцио қотили, ажаб? Қотил Тибалт қай томонга бекинди экан?

Бенволио — У ётилти мана бунда.

1—фуқаро — Юринг жаноблар!

Бек номидан буюраман, этаман фармон!

(*Бек ўз а'ёнлари блан, Монтекки ва Капулетти ҳам ўз хотинлари блан кириб келадилар*).

Бек — Билмоқчиман: — Ким бошлади бу шум жанжални?

Бенволио — Шафқатли бек! Эшишиб ол, шу воқиани —

Бу шум дуэль тафсилотин эшишиб қўйгин:

Бу ётганни Ромеонинг ўзи ўлдирган,

Аммо бу ҳам қотилидир қариндошингнинг.

Капулетти — Оҳ акамнинг ўғли, Тибалт! Қадирдон Тибалт!
хоним

Оҳ бек! Жиян! Эрим! Эвоҳ, ёвлар гарази —

Букун хўрлаб қўйди бизнинг насабимизни!

Ғаддорларнинг қонин тўкуб одил бўл бегим!

Оҳ миҳрибон жиянгинам!

Бек — (*Бенволиога*).

Айт, ким аввал ҳусуматнинг қўйди жилавин?

Бенволио — Ромеодан ҳалок бўлган Тибалт айбор, Ромео кўп адам блан унга ялинди,

Жанжал қилсанг, қаҳрланиб қолар бек — деди.

У эҳтиром, очиқ фикр блан сўзлади.

Аммо бечиз: қизғин Тибалт сра кўнмади.

У ўхталди қиличин мард Меркуцио,

Меркуцио ҳам қизиди. Чолишди тиглар,

Бир қўлида Меркуцио зарба индирап,

Иккинчи бир қўли блан қайтариб турар —

У Тибалтнинг эпчил, моҳир зарбаларини.

Шу вақтда Ромео ҳам қичқириб деди:

„Дўстлар, етар!“ — шундан кейин товушдан ҳам тез

У даҳшатли қиличларга ташлади ўзин;

Ажратмоқчи бўлган эди — шунда орқадан

Тибалт уриб ҳалок қилди Меркуциони.

Тибалт қочди, аммо унча ўтмайин

Қайтиб келди Ромеога сари дубора.

Шундагина қарор қилди ўчни Ромео.

Яшинвори бир жанг бўлди. Ажратолмадим.

Ушбу жангда ҳалок булди шухратли Тибалт:

Бундан кейин дарҳол қочиб кетди Ромео,

Ўлай агар, ёлғон десам, — чин гапим шудир.

Капулетти — Бу монтекки уругидир, бари қариндош,

хоним Бунинг гали ёлғон яшиқ: сўзи боғараз.

Йигирмата киши эди бу қора ишда,

Биттасини ўлдирмакка улгиришдилар.

Еизга бўлган ҳақоратга қасос истаймиз:

Ҳеч яшашга ҳақи йўқдир Тибалт қотили!

Бек — Тибалт ўлди: лекин ўзи ҳам ўлдирган-ку.

Меркуцио хуни учун кимлар жавобгар?

Монтекки — Нимага ҳам жавоб берсин бизнинг Ромео?

У қилганин қонун ўзи қилар әдику:
 Конунан ҳам Тибалт ўзи ўлимга маҳкум.
 — Бу жиноят. Бадарғадир бунинг жазоси,
 Бу низо¹да мен ўзимман энди да'вогар:
 Хонумоним сиз туфайли хуноб бўлмишdir,
 Ҳаммангизга қаттиқ жазо; ишонаманки,
 Ҳаммаларинг мотамиимга мотам тўлайсиз!
 Бундан кейин бепарвоман кўз ёшларига,
 Ялинишлар алдай олмас қулоқларимни,
 Кўзларимдан тез йўқолиб кетсин Ромео,
 Акс ҳолда унинг сунгти соати етди.
 Ҳаммаларинг бўйсунинглар! Олинг жасадни!
 Котилларни афв қилмоқ ўзи жиноят! (*Кетадилар*).

2-нчи саҳна

Капулеттининг боғи.

(Жульетта кириб келади).

Жульетта— Тезроқ чопинг Феб уйига ўтли айғирлар,
 Фа-Этондай аравакаш бўлса устингда—
 Тезроқ сизни етказарди кунботор сари;
 Коронғулиқ — тув элига элтиб қўярди.¹
 Мұҳаббатга воситачи бўлган қора тун—
 Чойшабингни тезроқ ёзгин бошимиз узра—
 То билдирмай қучиб олсин Ромео мени.
 Ошиқларнинг либосини безайди ҳусни.
 Мұҳаббатнинг ўзи сўқир, тунга у хуштор,
 Эй тун, сенку парда ёпган иффатли бону,
 Келиб ўргат соф қалбларнинг ўйинин бизга.
 Чаккамизга тўлиб қолган ҳуркавич қовни—
 Қанотингда парвариш қил дадиллансан деб;
 Ва билсинки, чин мұҳаббат — камтаринликдир.
 Кела қол, тун!— Тун ичиди Ромео — кундуз!
 Сен кечанинг қонатида қордай оппоқсан,
 Қора зорнинг белидаги қорлар сингари.
 Кела қолсанг қора қош тун, қадирдоним тун,
 Келтирсангчи менга азиз Ромео — жонни!
 Ўлиб қолса майдамайда юлдузларга бўл,
 Осмон ҳам шаффофф бўлур шу юлдузлардан,
 Бутун дун'ё ошиқ бўлар туннинг ҳуснига,
 Қуёшга ҳам топинишни ҳамма тарк этар.
 Сотиб олдим мен севгининг қасрини, аммо—
 Шу қасрга ҳали ҳозир бека эмасман;

¹ Феб — Аполоннинг ўғли Фа-Этон отасининг қўёшли аравасини бир кунга сўраб олган эди. Броқ, айғирларни сўралмасдан ерни куйдиришга сал қолди. Аммо ўша кун, қўёшни ғарбга тезроқ ҳайдаб қўйган эди.

Ўзимни ҳам сотиб олган менга әга-мас!
Эй, бадбаҳт кун!
Арафанинг тунига ўхшар!
Ўшанда ҳам либосларни тезроқ кийишга
Хайят кунни соғинади норасида қиз.
Оҳ, әнагам! Хабар борми! Қанақа гап бор,
Ромеодан сўз очган тил фалакдай порлоқ!
(Доя арқон олиб киради).
Дарак борми? Айт әнагам! Ромео учун —
Сен арқонлар тополдингми?
Доя — Ҳа, ҳа арқонла...
(Арқонни ерга тошлайди).

Жульетта — Қанақа гап? Безовтага ўхшайсан доя?
Доя — Афсус, афсус! У ўлгандир, ўлгандир, ўлган!
Бизлар ҳалок бўлдик бекам, ҳаммамиз ҳалок!
Аттанг, аттанг вафот бўлди, ўлдирилди у!
Жульетта — Фалак шунча жафокорми?
Доя — Нима ишники —
Фалак қилаолмас экан, Ромео қилди!
Войдод, войдод, ким ўйлапди? Ромео,войдод!
Жульетта — Шайтонмисан, менга мунча азоб берасан?
Бу қийноқдан дўзахи ҳам инграса керак!
Ё, Ромео ўлдирганни ўзини? „Ҳа“ де!
Бундай товуш бир қарашда ўлдиратурган —
Аждарларнинг қарашидан менга хушроқдир.
Шундай эмас, сен „ҳа“ десанг, одам эмасман.
Қўзларингни юмиб қўйдинг. Қани бўлсанг-чи!
Ўлган бўлса бир „Ҳа!“ дегин, бўлмаса бир „Йўқ!“,
Битта товуш ҳал қилғуси: алам ё шодлик!
Доя — Шу қўзларим, шу қўзларим кўрди ярани —
У мард йигит синасида, тавба, э худо!
У бир сўлғун гулга ўхшар қонга бўланган,
Ачинарли, ачинарли бир қонли жасад!
Лаҳталанган қон бор эди яра устида.
Шунда менинг ҳушим кетди...
Жульетта — Ёрил э дил! Э бахтингни ютқизган бадбаҳт!
Э қўзларим, сизлар кўрманг, боринг зиндонга!
Баданимда бадбаҳт тупроқ, қайтгин тупроқка!
Бирга ётгин зил тобутга, Ромео блан!

Доя — Тибалт, Тибалт, менинг азиз ошнам Тибалт!
Оҳ меҳрибон, гўзал Тибалт, оҳ олижаноб!
Кўрди сенинг ўлимингни, кўр бўлғур кўзим!

Жульетта — Бу қанақа, икки ёқдан эсувчи шамол!
Ромеоми ўлдирган? Тибалт ҳам ўлган?
Бу севикли акажоним! У севикли эр!
Э қиёмат карнайчиси ҳаммани ўлдири!
Булар ўлса бошқаларга умр не керак?
Доя — Тибалт ўлди Ромео ҳам бадарга бўлди.
Ўлдиргани учун сургун кетди Ромео.

Жульетта — Ромеоми тўқди Тибалт қонини? Ёраб!
Доя — Шўрим қурсин! Ҳа у тўқди, балли у тўқди!
Жульетта — Юзлари — гул, дили эса илоннинг дили!
Гўзал горда яшар экан фақат аждарҳо!
Оҳ фаришта юзлик иблис; гўзлал ситамкор;
Зор — кабутар, йиртқич бўри — ювош қўзичоқ,
Кўп илоҳий бир чеҳралиқ, аммо паст маҳлук —
Қиёғангнинг акси экан ичинг-юрагинг,
Ҳалол абллаҳ, тўғри-олчоқ, эзгу-ла'нати!
Эй табиат, сен-ку шундай бадкирдор руҳни —
Жаннатдаги шунча ширин танга берибсан.
Жаҳаннамда, ўзинг айтчи, сенга нима бор?
Шунча сўлим муқовада шу разил китоб!
Шундай олий қаср ичида ёлғон, мумкинми?
Доя — Эркакларда на шараф бор, на ору-номус;
Ҳаммаси ҳам муттаҳамдир, олчоқ, бевафо!
Вой хизматкор қайга кетди? Менга оқдори,
Бўлмасачи қаритади мени аламлар!
Ромеога ла'нат бўлсин!
Жульетта — Куриб тушсин, тилинг доя! У ҳеч қачон ҳам
Ла'ват учун туғилганмас, ла'натнинг ўзи —
У манглайга қўнай деса ҳижолат қилас.
Дун'ёларнинг маликаси бўлган шарафга —
Тож кийгизиб қўядиган Ромео билсанг!
Унга шунча тил тегиздим, мен-ўзим ҳайвон!
Доя — Акангизни ўлдирганни маҳтаб турайми?
Жульетта — Бўлмаса мен ўз эримни сўқайми? — Йўқ-йўқ!
Уч соатлик хотининг ҳам сўкса, хорласа,
Исмингни ким иззат қилас, ё менинг эрим?
Акамни сен ўлдирибсан, оҳ ярамас шум!
Аммо менинг эримни ҳам ярамас акам
Ўлдириши мумкин эди! Тининг, кўз ёшлар!
Кўз ёшларки, дурду ғамга бож тўловчилар,
Хато блан тўқиласиз баҳтим устига:
Эрим тирик! Уни Тибалт ўлдирмоқчи-ди.
Тибалт ўлик! У эримни ўлдирмоқчи-ди.
Ҳамма нарса ўз жойида! Нега мен йиғлай?
Акамнинг ҳам ўлимидан бешбаттар, бир сўз —
Мени буткул ҳалок қилди. Унутсам, кошки!
Гуноҳ қандай тирнаб турса гунаҳкор дилин,
Хотирамни-эсларимни қийнади бу сўз!
„Тибалт ўлди, Ромео ҳам бадарға бўлди“.
Ҳа „Бадарға“, бу ёмон сўз: „Бадарға“, „Сургун“
Минглаб-минглаб Тибалтларни унудириарди.
Шу ўлимнинг ўзи блан иш тамом бўлса!
Аммо мотам шерик излар доим ўзига,
У хоҳларки ҳамроҳ бўлсин бўлак балолар!
Сен нега ҳам менга айтгач: „Тибалт ўлди“ деб,
Сўйламадинг отанг ёки онанг ҳам ўлган,

Менда фақат буларгами йиғлаш ҳақи бор?
Акам ўлди, майли, яна нима керак-ди:
„Ромео ҳам бадарғада“ дейишиңг нега?
Бу сүз блан отам, онам, Тибалт, Ромео
Ва мен ўзим ўликлармиз! „Ромео сургун!“
Бу күп ғаддор бир товушдир! Ҳаммамизни ҳам
Кўмиб қўйди ўша товуш бепоён, беҳад.
Тилим ожиз! Отам қайдада? Қайдадир онам?

- Доя — Фар'ёд тортиб йиғлашади жасад устида,
Хоҳлайсизми олиб борай сизни у ерга?
Жульетта — Майли улар жасад узра кўз ёши тўксин,
Фар'ёд тингач, сурилгангавой деб йиғларман:
Арқонни ол! Бу бичора мендай алданди!
Ромеонинг сурилиши менга ўлимдир!
Ётогимга сўқмоқ йўли бўлардинг арқон!
Мен ўламан бева қиздай, сечора қиздай!
Ниқоҳнинг лол ётогига юрайлик, ночор,
Қизлигимни ёrim эмас, улим олгуси!
- Доя — Хонангизга бориб туринг, юпатиш учун —
Топиб келай Ромеони хузурингизга,
Қайдалигин мен биламан. Букун кечаси —
Ёнингизда тайёр бўлур. Яна ўзгинам —
Уни излаб топмоқ учун кулбага борай.
Жильетта — Топгин тезроқ! Шу узукни унга бер дарров;
Унга айтки: „Мени кечир!“ демоқчи эдим.

ШАЙХЗОДА таржимаси,

(Давоми келаси сонда).

С. КРУКОВСКАЯ

АКА-УКА РАССОМЛАР

(*Ака-ука рассом Лутфулла ҳам Са'дулла Абдуллаевлар ижодий виставкасининг якунлаши муносабати блан*).

Шу йил июль ойида Ўзбекистон Совет Рассомлари Союзи биносида узбек ёш рассомларидан ака-ука Лутфулла ҳам Са'дулла Абдуллаевларнинг ижодига бағишиланган виставка очилган эди.

Виставканинг ўзи ва шу муносабат блан бу икки рассомнинг ижодлари ҳақида бўлган муҳокамалар, Ўзбекистон тасвирий сан'атининг тўла шаклланиб етганини ва талантли ўзбек рассомлари етишиб чиққанини яна бир марта кўрсатди.

Лутфулла Абдуллаев 1929 йилда Самарқанддаги бадиий са'ат (рассомлик) студиясига кирди. Студияга ўқишга кирганлар ичida, у вақтда, ўзбеклардан биринчи ва ягона ўқучи ҳам шунинг ўзи эди. Ҳозир Ўзбекистон Совет рассомлари сафида ўзбеклардан 22 рассом бор.

Лутфулла Абдуллаевнинг ижодий йўли шунинг учун ҳам қизиқарлики, у халқ ичидан чиққан рассомдир. Бундай рассомларни совет мамлакати зўр парвариш блан ўстироқда. Шунинг учун ҳам Лутфулланинг ижоди, — шубҳасиз замонамиз блан чамбарчаст боғлангаандир. Унга ба'зи эски рассомларга ўхшаб, ўз ижодини „қайта қуришга“ тўғри келмади. Чунки ёшлигигида ёки унинг олдида янги бир сан'ат дун'ёси порлаб турарди. Бу сан'ат, шу турмушнинг ўзидан озиқланиб ва яна шу турмушга хизмат қилути сан'ат эди. Шу сабабдан, Лутфулла турмушнинг тасвирий акси бўлган бу сан'атга—расмга қизиқди ва унинг устида қунт блан ишлади.

Лутфулла Мирзачўллик колхозчининг ўғлидир. Унинг туғилган жойи Мирзачўл, бир вақтлар ўсимлик битмайдиган, сувсиз қуруқ дашт эди. Совет ҳукумати даврида эса бу чўл кўмкук паҳтакор районга айлантирилди. Аммо унинг табиий кўринишини, олтин води ҳисобланган фарғонанинг гўзал табиати блан тенгглаштириб бўлмаса-да, унинг ҳам ўзига хос хусусияти, сан'аткор учун ажойиб манзаралари бордир. Лутфулла, кейинчалик Мирзачўлнинг кенг уфқа туташган далаларини, кўмкук бўлиб кўкариб ётган теракларини, анҳорлари бўйида ўсган қамишларини, янги чиқарилган кенг колхоз кўчаларини тасвирлаган бирнече расмлар ишлади.

Лутфулла расм солишини, қишлоқ мактабида ўқиб турган пайтида китоблардаги суратларни кўчиришдан бошлади. Лутфул-

ла тасвирий сан'атга кўчирма ишлаш орқали келди. У, қишлоғига бориб қолган рассомлар бригадасидан виписка ёзиши ўрганиб сиди. Бу соҳада у, ўз қишлоғида ва ўша атрофларда танилди. Кейинчалик доҳийларнинг портретларини ишлаб колхозчиларга тақдим қиласди.

Аввал, Лутфулла, Қозон тасвирий сан'ат билим юртига бориб ўқиш ниятида бўлсада, лекин Самарқанд рассомлар студиясига бориб киради. Бу, ўзининг ҳикоя қилишига қараганда, кейинчалик шундай бўлган:

Бир кун колхоз клубида, бир портретдан кўчирма расм ишлаб турган пайтда унинг ишига қизиқиб бир киши тамоша қилиб туради. Бу киши Самарқанд рассомлар студиясининг директори В. Е. Седов эди. Лутфулланинг сан'атга зўр ҳавосини кўрган директор, уни дарров студияга ўқишига қабул қиласди.

1929 йилда Самарқанд студияси тасвирий сан'ат (рассомлар) билим юртига айлантирилди. Бунда Лутфулланинг ўқитучилари ичida Ўз ССР да хизмат кўрсатган сан'ат арбоби П. П. Пеньков, Л. А. Бурэ, З. Ковалевская ва бошқалар бор эди.

Билим юртида ўзининг ўткир қобилияти блан ўқиш ва та'лими чуқур ўзлаштираборган Лутфулла, каникулда Москва ва Ленинградга бориб ундаги қадимги рассомлик маданиятини акс этдирган музейларда бўлди. Ундаги Репин, Суриков, Серов, Левитан каби рус бадиий рассомлик сан'атининг реалист усталари томонидан ишланган ажойиб расмлар ёш расом Лутфуллага чуқур таассурот қолдириди.

Лутфулла ижодининг иккинчи этапи — уни мустақил рассом сифатида танилгани — Ташкентда яшаб, ижод қилган давридир. У вақтда Тошкентда Ўзбекистон Совет Рассомлари Союзи ташкил қилиниб иш бошлаган эди. Лутфулла, бунда Союз томонидан ташкил қилинган виставкаларда актив иштирок қиласди ва тез фурсатда, рассомлик сан'атида реалистик мактабнинг талантли рассоми сифатида ўзини кўрсатди. Ана шу вақтдаёқ, Лутфулла турмушдаги реал воқиаларни акс әдтиручи, катта тематик расмлар яратишига интилади.

Унинг биринчи катта иши — 1939 йилги виставкада жуда кўп мақталган „Еш шоирнида меҳмондорчилар“ деган расмидир. Бу расм ўша йили Узбекистон сан'ат музейси томонидан сотиб олинади ва 1943 йилда Москвада бўлган Бутун Итифок бадиий виставкасида намойиш қилинади. Бу суратнинг гуманистик мазмуни то ҳалигача ўз та'сирини йўқотган эмас. Бу расмдаги, стол атрофида ўтиришган ўртоқларига-тенгдошлирига ўз ше'рини баланд руҳ блан ўқиб берётган ёш шоирнинг фигураси яхши ишланган. Ажойиб та'сир қолдиручи бу лавҳа, шубҳасиз, рассомнинг рус халқи томонидан яратилган буюк маданий меросларга бўлган органик (узвий) алоқасининг та'сиридир. Аммо бу расм ҳам ўзига хос оригиналлиги, жонли кўриниши, айниқса ёш шоир обраzinинг чиройли гавдалантириб берилиши блан кишида анча чуқур та'сир қолдиради. Бу расмни яратишида Лутфулла қўшни маҳаллада яшовчи бир ёш шоирнинг қиёфасини кўз олдида

тутган. Бу расмга кўз ташлар экансиз, унда, олма, узум, ва бошқа турли мевалар блан безалган стол агрофида, қуюқ зиёфатустида, ёш шоирнинг ше'рини, ҳарбири ўзича, тинглаб ўлтиришган ёшларни кўрасиз. Буларни, албатта, совет даврининг ёшлари эканини, я'ни ўзбек совет интеллигенциясининг ўсиб келаётган янги отряди эканини тасаввур қиласиз. Мазмунан социалистик, шаклан миллий маданият соҳасида порлоқ ғалабаларга эришган ўзбек ҳалқининг янги хушсақчақ турмушидаги биринчи ўзбек рассоми Лутфулла шу суратида жэнлантириб берди.

Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, бу расм, шубҳасиз, бирқатор камчиликларга ҳам эга: типлар унча индивидуаллашмаган, табиийлик ҳам унчалик баланд даражада эмас ва шакллар ҳам ўз камолатига етмаган. Лекин бу камчиликтар расмнинг асосий аҳамиятини камитадиган нуқсонлар эмасdir.

Рассом Лутфулланинг бундан кейинги ижодий ўсишига катта ёрдам берган воқиа—ўзбек ҳалқининг улуғ шоири Атишер Навоий юбилейига тайёрлик ишлари бўлди. Мэзмундор ва намуна бўладиган расмлар солиш учун янги темалар топилди. Рассомларга—Навоийнинг давлат арбоби, философ, музикант ва шоир сифтида тасвирини яратиб бериш имконияти туғдирилди. Лутфулла, Навоий ўз давридаги қурулишлар илҳомчиси—деган темада шоиринг образини яратмоқчи бўлди.

Бу Лутфуллага табиий имкониялар туғдириди. У, жаҳон маданиятининг ҳазинасига қиматли мато⁶ бўлиб кирган, Навоий давридаги Ҳирот ва Самарқанднинг чиройли архитектурасини, ўша даврнинг катта қурилишларидан бирини—мадраса қурилишини ўзига фон қилиб олади. Бу расмда Навоий, мадраса деволларининг нақшлари ҳақида архитектор блан сухбат қилиб тургани тасвирланган. Навоий ва унинг шериклари кийган кундал тўнларнинг хилма-хил ранглари ва уларнинг тўла, жонли тасвири Навоий гениси блан бажарилаётган ўша даврнинг маданий ҳаётини айнан, тўла қонли қилиб акс этдирилган.

Маданий-маиший ҳаётдан кўпроқ илҳомланган рассом Лутфулла учун юқорида айтилган расм мундарижа эътибори блан унинг ижодида, айниқса, характерлидир. Расмнинг тасвири томонига кўз ташланганда, ҳали унинг табиий манзаралар устида кўпроқ ишланиш талаб қилинади. Унинг, Новоий давлат арбоби темасида ишланган икки эскизи кичик бўлишларига қарамай, анча жозибали ишланган ва ўша даврни тўла акс этдиригандир.

Ватан уруши йилларида Лутфулла, бошқа рассомлар блан бир қаторда, ўз сан'атини Ватан ҳимоясига хизмат қилдирди. Урушнинг дастлабки кунларида ёқ, у, ҳақиқий турмушдан олган таасуроти блан „Қизил Армия сафига узатиш“ (1941) деган бир катта тематик сурат ишлади. Тамошобин кўз олдида: колхоз кўчаси, ёвуэ душманга қарши жангга чақиричи шиорлар ёзилган қизил алвонларни кўтарган ҳалқ Қизил Армия сафига сафарбар қилинган йигитлар тушган машинани ўраб олган кузатучилар, бир-бири блан қучоқлашиб хайрлашиб турган дўстлар, оила блан

иссиқ хайрлашиш, душманга қарши раҳмсиз бўлиши а чақирған кексалар гавдаланади.

Уруш йилларида, Лутфулла, қаҳрамон ҳалқимизнинг фидокорона мөҳнати блан олиб борилган қурилишлардан ҳам ажойиб суратлар ишлади. Канал қазиётганлар ичидаги мөҳнати блан ўзини кўрсатган полвон Йигитларнинг ишлаб турган, ёки дам олиш пайтини кўрсатган ва башқа ҳар хил характерли моментларни акс этдирган 80 га яқин сурат ишлади. Бу — турмушдаги жонли, ҳақиқий воқиаларни кузатиб бориш — Лутфулла ижодини ўстирди ва уруш йилларининг маҳсулоти бўлган „Тошкент каналида агитатор“, „Газета ўқиши“, „Тошкент канали қурилишида концерт“ деган расмларни ишлашга илҳом берди. Бу лавҳалар тема э́тибори блан ҳам, Лутфулла ижодида алоҳида ўрин туттган ажойиб расмлардир. Тарихий аҳамиятга эга бўлган бу ҳалқ қурилишлари — ўзбек ҳалқининг фақат қаҳрамонлигини эмас, балки шу блан бирга унинг маданият чўққиларига кўтарилигини ҳам кўрсатади.

„Фронт ҳам мамлакат ичкариси“ (1942) деган суратида, Лутфулла, ўзбек ҳалқининг содиқ фарзанди Кўчқор Турдиевнинг қаҳрамонлиги тасвир қилинади. Бу, канал қуручиларга жуда тезлик блан етиб боради. Шу ернинг ўзида, канал трассасида агитатор, рассом томонидан ишланган Кўчқор Турдиевнинг портретини кўрсатиб, ҳалқа бу қурилишларнинг аҳамиятини тушинтиради, бири кетман, бири замбил, бири қоп кўтарган ҳолда бир пас тўхтаб, агитатор сўзини тинглайдилар — қурилиш ишларидаги ғалаба — фронтдаги ғалабани та'минлашини тушинадилар.

Большевистик матбуотимизнинг кучи ва коммунистик тарбиянинг та'сири, айниқса, рассомнинг „Газет ўқиши“ деган бир кичик этюдидаги жуда раъшан берилган. Бу суратни, типларнинг мукаммаллиги блан Лутфулланинг энг яхши асарларида ҳисоблаш мумкин.

1942 йилда, Лутфулла, „Тошкент каналида концерт“ деган расмни ишлади. Бу ажойиб ишланган суратда: канал майдонида карнайчиларнинг шўх мақомига каналчилар давраси ўртасида ўйинга тушиб турган рақкосаларнинг, оққушлардай қанот қоқиб туриши тасвирланган. Лутфулла, пишиқ композицияли, оптимистик руҳда ишланган бу эскиздан фойдаланиб, Третьяковский галериясининг Совет бўлими учун катта бир полотно яратиш ниятида.

Уруш ҳам тамом бўлди. Ҳалқимизнинг севикли, ғолиб ўғилари — ўз ватанларига қайтабошладилар. Лутфулла ижодида ҳам янги саҳифалар очилабошлади. У, бу темада „Қизил Армия сафидан бўшаган йигитни кутиб олиши“ (1945) суратини ишлади.

Бунда: Қизил Армия сафидан бўшаганлар тушиб келган эшелонни хурсандчилик блан кутиб олиш, шодлиги юрагига сифмай кетган йигитлар ва буларнинг ўз қариндешлари блан иссиқ-иссиқ қулоқлашиб куришиб турғанлари, оналар, хотинлар ва дўстларнинг хурсанд чехралари. Ўртада ҳархил бўёқлар ёрдами блан равшан ва чиройли тасвир қилинган ёш ўзбек жувони, у очсариқ



Рассом Лутфулла.

Канал қурилишида агитатор газета ўқимоқда.

рангли кўйлак кийган, титраб турган қўлларида, ҳали отасини танимаган боласини кўтариб турипти... Лутфулла тамошобинлар юрагида чуқур та'сир қолдиручи бу суратнинг бўёғи устида яна бироз ишламоқчи.

Жуда муҳим ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва том ма'носи блан ҳақиқий мукаммал бир расм (шакл), катта ҳажмдаги полотно яратиш учун, рассом ҳамма нарсадан олдин, нима тўғрида ишлаши кераклигини билиш керак. Рассомнинг онигига энг олдин та'сир қилучи, юрагининг тўлқинлантиручи тема—бу бадиий фикрdir. Ана шу фикр, жонли ҳаётимиздан бирор воқиани акс этдиргани ҳолда, реаль формаларда, равшан образларда ифодаланган бўлиши шарт. Бунинг учун рассом ифода қилаолиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бу йўлда, фикрнинг туғилишидан тортиб, то бажарилишигача реаль турмушдан олинган бирор воқиа катта роль ўйнайди.

Лутфулла Абдуллаев, рассомнинг кузатучан, ўткир назари блан турмушдаги гўзалликни ва унинг моҳиятини тез пайқайди ва юрагига қаттиқ сингдириб олади. Кейин ана шу ҳарбир ходиса ва табиат манзарасидан жуда усталик блан ўз ижодида фойдаланади. У, 1945 йилда Хумсон төглари атрофида бўлиб олтин куз манзарапаридан бир серияли бирқанча кичик суратлар ишлади.

Лутфулла ўз ватани—Мирзачўлга боргандা, бир қатор манзарларнинг суратини олади. Мирзачўлнинг ўзига хос табитини акс этдирған, кенг поёнсиз даласида колхозчиларнинг овқат қилиб ўтиришгани тасвирланган расмлар ишлади. Мана шу ерда у, қизил чойхона учун „Колхоз ҳаваскорларининг концерти“ деган расм ишлаб беради. Колхозчилар чойхонага киаркан, кўплари бу суратда ўзларини кўрадилар ва колхозчидан чиқсан ва ўз халқининг маданиятли, илгор кишиларидан бўлган Лутфулланинг талантига қойил қоладилар.

Лутфулла, ўз ишининг чинакам устаси бўлиши учун, ҳали кўп нарсани билиши ва ўрганиши керак. Унга, ўз сан'атини яна камолатга етказиш йўлида, табиатни яна чуқур билиши, эски уста сан'аткорларнинг ижодини яна зеҳи қўйиб ўрганиши лозим. У, ҳақиқатан ҳам шу йўлда бормоқда. Унинг бу қизғин гайрати, қобилияти ва ижодидаги умидли интилишлари—унинг бундан кейинги порлоқ келажагидан дарак бериб турибди. Чунки у, ўзбек халқининг ҳозирги турмушидан ва тарихидан кўп фигурали, композицион катта, ўлмас асарлар яратиб беришга интилмоқда.

Лутфулланинг укаси рассом Са'дула Абдуллаев ўз ижодий ишини фақат 1937 йилдан Самарқанд рассомлик билим юртидан бошлиди. У, ижодий қиёфаси блан акасидан ажралиб туради. Са'дулла чуқур ҳис этучи, нозик бир рассом, Лутфулла эса, укасига қараганда, тематик томондан кенг ва бой тажрибага эга. Аммо Са'дуллада нафислик ва чуқурлик бор. У, портрет яратиш соҳасида, акасига қараганда кўпроқ ишлайди. Унинг гўзал ва нафис ишланган Санобар ва Ра'но исмли қизларнинг портретлари, Са'дулланинг кўпроқ Бенъков мактабига яқинироқ турганини кўрсатади.



10

Рассом Са'дулла

Дарс тайёрлаш.

У, Каганович портретини ишлаганда, доҳининг ўзига хос индувидуаллиги ва табиий ҳолатини айнан бераолган. Унинг одам натурасидан ишлаган: „Дарс тайёрлаш“ деган сурати бунда, Са'дулла, тема қилиб ўзига яқин бўлган ўзбек мактабида ўқучи болалар турмушини олган: стол атрофида тизилишиб ўтирган ўсмир болалар, ўртада ер шари (глобус), географик карта, китоблар. Иккинчи томонда деразадан тушиб турган қуёш нурининг ёш қизчанинг сариф атлас кўйлагида товланиб турганни тасвирланган.

Са'дулла, бундан бошқа, яна „Пахта жўнатиш“ ва „Фронтга совға“ деган расмлар ишлади. 1946 йил Москвада бўладиган Бутун Иттифоқ виставкасида намойиш қилиш учун қабул қилинган бу суратлар Са'дулланинг ўз ижодида эришган зўр муваффақиятини кўрсатади. Айниқса у, ўзбек ҳовлисини тасвирлаган бир суратида, қалин кўк бўёқ устидан равshan тушиб турган қуёш нурларини жуда ҳам табиий равишда кўрсатиб, ўзидағи ўткир талантни яна бир марта намойиш қилди.

Са'дулла, ўз ижодий мавқи'ида, нозик диди ва характери блан, хилма-хил бўёқларни ўз ўрнида нафис равишда ишлатабилиши блан Ўзбекистондаги ўз тенги ёш рассомлар ичида ажралиб туради.

Бу ака-ука рассомлар ижодий индувидуалликда хилма-хил бўлса ҳам, камтарлик, ўз ишига муҳабабат, ҳаётни чуқур билиш, сохталиктан қочиш ҳар иккаласининг ҳам ижодий фазилатлари дандир. Мана шу фазилатлар, уларнинг ижодий йўлининг тўғри эканини аниқлади ва уларнинг ижодига бағишланган виставкани—Ўзбекистон маданий фронтининг катта ҳодисаларидан бирига айлантириди.

ҒУЛОМ КАРИМОВ

ҲАМИД ОЛИМЖОН

Ҳаёти ва адабий фаолияти

Шоир Ҳамид Олимжон 1909-нчи йилда Жиззах шаҳрида туғилди. Унинг оиласи гўзал Зарафшон водисидаги бу кичкина шаҳарнинг оддий хонадонларидан бири эди. Бу оиласининг турмушдаги мавқи'и, ўтмуши революциядан илгариги халқ ҳаётидан ҳечнарса блан ажралмаган.

Ҳамиднинг отасини Олимқори дер эдилар. Олимқори аввалроқ ўз бахтини майда савдо ишларида синамоқчи бўлиб, бу коркасбнинг борди-келдиларига байланишиб кўрган бўлсада-да, лекин ишлари ривож олмай, тез орада „қўл келмаган“ бу касбни йиғиштиришга мажбур бўлди ва дэҳқончилик ишлари блан шуғулланишга тутинди. Олимқори ҳали бу янги касбнинг кам-кўстларини бутлаб, рўзгорини тиклаб олгани ҳам йўқ эди, Ҳамид оиласида бахтсизлик юз берди. Олимқори 7 йил оила қилиб, икки боланинг отаси бўлганидан сўнг 32 ёшида ўлиб кетди. 4 яшар Ҳамид, 6 яшар опаси Асалат етим қолди. Оила бошлигидан ажралган болаларнинг бундан кейинги тарбияси бу вақтларда ҳаёт бўлган бобоси мулла Азим ва амакилари қўлига ўтди.

Бир парча ерни ишлаб умр ўтказучи Ҳамид оиласининг аҳволи кун сайин оғирлашиб бораради.

1914 йилда биринчи жаҳон уруши бошланди. Эзилган, талангани халқ устига урушнинг бутун оғирлиқлари келиб тушди. Халқ ҳаёти яна фожиали тус олабошлади. Жаҳон уруши фронтларида оғир шикастлар еган ва борган сари путурдан кетаётган чор ҳукумати 1916 йилда фронт орқасидаги ишларга колония халқларини сафарбар қилиш тўғрисида фармон э'лон қилди. Бусиз ҳам алам ўтган ва ғазабини ичига ютиб келаётган халқимиз, чоризм истибододига қарши озодлик ҳаракати, халқ қўзғолони бошлаб юборди. Бу халқ ҳаракатининг энг кучли нуқталаридан бири Жиззах эди. Ҳамма вақт халқ қисматига шерик бўлиб келган Ҳамид оиласи 1916 йил Жиззах қўзғолони вақтида ҳам унинг бошига тушган кулфатларга ўртоқлашди. Ҳамид оиласининг бу даврдаги ҳаёти тўғрисида Ҳамид Олимжоннинг онаси Комила опа қўйидагиларни ҳикоя қиласди:

„...мардикор деган нарса оловга ёғ қўйгандай бўлди. Жиззахда ҳам халқ бирварақайига оломон бўлиб кўтарилиди. Извошда келаётган тўраларни, ҳокимларни ўлдириб юборишли. Шаҳардаги

ҳамма амалдорларни тутиб олиши, қолганлари қочиб қутилди. Орадан бир ҳафтача ўтгандан кейин гала-гала аскарлар келиб тушди, қиёмат қиргинини солди. Кейин „Ҳамма ҳалқ бозорбошига йигилсін!“ деган бүйруқ чиқди. Ман ҳам бордим. Одамлар тұпланғандан кейин аскарбошилар халққа қараб: „Отишгамисандар, ҳайдовгамисандар?“ деб сұради. Ҳалқ „ҳайдовгамиз“ деб жавоб қилди. Шундан кейин халқни бола-чақа, әркак-әл ҳаммасини ялписига шаҳардан ҳайдади. Чуввос-тұпалон бўлиб кетди. Шунда Ҳамидジョン қўлимдада, Асалат олдимда эди. „Энди қаёққа борар эканмиз?“ деб нима қилишни билмай йиглаб турган эдим, Ҳамидジョンнинг тоғаси-иним Аширмаҳмуд пайдо бўлиб қолди ва: „Эй жиянларим, бошларингга қандай кулфатлар тушди?“ деб йиглаб келиб, Ҳамидジョンни орқаларига опичиб олдилар... Одамлар блан бошлишиб, даштга чиқиб кетдик. Бизни олиб бориб, ташлаган жойлари, сувсиз, әкинсиз ер эди. „Қийли“ деб атар эдик. „Қийли“да ҳайдовда бир ҳафта турдик. Үддасидан чиққан одамлар чайла-пайла тикиб олиши. Кўп одамлар шундай очиқ ҳавода ётиб туриб юриши. Орадан 10 кунча ўтгандан кейин „Оқялов“ бўлди, деб гап тарқалди. Бизга жавоб бердилар. Болалар блан шаҳарга келдик. Ҳавлимиздан нишон йўқ эди. Шаҳардаги бутун хонадонларни, дўконларни, расталарни тўпга тутиб, ўт қўйиб юборган эдилар. Шаҳар тептекис бўлган эди. Шундан кейин далага чиқиб кетдик. Ўша ерда қишилаб, ўша ерда тириклик ўтказадиган бўлдик...“.

Бу даврда Ҳамид 7 яшар бола эди. Оч-яланғоч ҳайдалган элни, тўпга тутилган шаҳарни, вайрон бўлган хонадонларни, зулм ва даҳшатларни, зўрлик ва хўрликларни у ўз кўзи блан кўрди. Ҳалқ ҳаётининг бу даҳшатли манзаралари унинг сезучан ёш қалбida, беғубор ҳаёлида ҳеч унутилмас излар қолдирган эди. Шунинг учун у, сўнгроқ бу қора ўтмишни эслаб, ўз шे'риятида:

„Мен бир қаро тунда туғилдим,
Туғилдиму шу он бўғилдим.
Мен туғилиб кўз очган дун'ё
Хароб эди: бузғун, бенаво.
Вайронада иззилларди ел,
Менга қондош, жондош бўлган эл.
Гадо эди, қашшоқ эди, хор
Қалби тўла нафрат, алам, зор...“

(„Башар қуёши“ 1937 йил).

деб ўзига „қондош, жондош бўлган эл“нинг бир замонлар зулм-ситам остида эзилиб, „гадо, қашшоқ, хор“ бўлганини айтди. Шоир у кунларни „қора тун“ деб ҳисоблади. Бу сатрлар шоирнинг таржимай ҳоли нуқтай назаридан тўғри бўлиши блан бирга ҳалқимиз ҳаётидаги тарихий ҳақиқатлардир. Шоир куйлаган бу тарихий ҳақиқатни инкор қилиш мумкин эмас.

Ўртоқ Сталиннинг кўрсатиши бўйича у даврларда ҳалқ „икки-ёқлама зулм“ остида эзилар, мамлакат „ҳалқлар тюрмаси“га айланган эди.

пайдо бўлди. Рус қўшинлари борган сари қозоқ чўлларининг ичкарисига кириб борар эди. Саҳро телеграфи— „Узун қулоқ“ эса кетма-кет, турли-туман янгиликлар келтирад, ҳамма жойда йиғин ва маслаҳатлар бўлар эди. Ўтовларда чоллар тўпланар, бу ерга келган оқинлар эса янги воқиалардан ўланлар айтишар эди. Кичкина Жамбул ўтовнинг бир бурчагидаги тойлар орасида қисилиб ўлтирад-кан, ўткур кўзларини ўтов ичидаги кишилардан узмас эди. У, шу кепатада, онасининг уни катталар орасидан олиб чиқиб кетмакчи бўлишига ҳам қарамай, оқинларнинг ўланларини зўр диққат блан тинглар ва туни бўйи мижжа қоқмай ўлтиришга ҳам тайёр эди. Кейинчалик, у қўйлар боқиб юрганда, табиатнинг гўзаллиги уни мафтун қилди. Поёнсиз саҳро, булутсиз, сокин-мовий осмон, олисларда йилтиллаб турган гулханлар... устидан ғафиллашиб учиб ўтган қушлар галаси... Учар сайгаклар, қулонлар. Коракўйруқларнинг гўзаллиги, буларнинг ҳаммаси, ҳаммаси Жамбулнинг бола қалбига зўр та'сир этди.

Жамбул оқинларнинг асарларини ниҳоятда зўр диққат блан тинглайди. Ўз даврида машҳур қўбизчи бўлган унинг тоғаси Жамбулга катта та'сир қилди, у Жамбулни ёшлигиданоқ ўлан айтишга ва қубиз чалишга ўргатди. Шуни айтиш керакки, Жамбул қўбиз чалишга ёшлигиданоқ жуда уста бўлди. Унинг зеҳинини ўткирлиги унга сон-саноқсиз ўлан ва эртакларни ёдлаб олишига кўмак берди. Шундай қилиб, кичкина Жамбул, ҳали бола экан, ўзига ўтовнинг тўридан жой олди. Ўша вақтнинг донгдор оқинлари—Шартонбой, Дулат ва Суюнбойлар Жамбулнинг энг яхши кўрган оқинлари эди. У, шуларга ўхшашга интилди. Жамбул уларнинг ўлан, ше'р, поэмаларини ўрганди. Кейин-кейин ўзи ҳам йигитлигидәқ машҳур оқинларнинг бири бўлиб етишди. У, ўз уруғ-аймоқлари орасида куйлаш блэн қониқмади. Уни бошқа овуллар ва бошқа аймоқлар чақирди. Бир кун Жамбул йўл йўлакай Суюнбойнига кирди. Суюнбой Жамбулни жуда яхши кутиб олди, ҳатто Суюнбой Жамбулдан уникида қолишини сўради. Жамбул бу таклифни жон-дили блан қабул қилди. Мана шундан сўнг Суюнбой Жамбул блан ишлади ва уни „айтиш“га тайёрлади.

Бора-бора орзу этган кун ҳам етиб келди. 1863 йил май ойида „Қирқ-уру“ уруғида катта ош берилди. Одатда бундай ошга ҳаражатни фақат бир уруғнинг ўзигина сарф қилмай барча қариндош-уруғлардан ҳам ҳаражат йиғилади. Бундан ташқари ошга келган меҳмонлар ҳам ош эгасига ўзларининг тортиқ-тўёналарини ҳам олиб келишади. Мана шу ерда 10 тош жойга пойга бўлиши, биринчиликни олган киши учун катта совға ин'ом этилиши ҳақидаги хабар қозоқ саҳросидан анча олис ерларга дув кетди. Ош берилган кезларда поёнсиз қозоқ саҳроси зўр тантана блан қайнаб тошади. Меҳмонлар учун уч юзлаб ўтовлар тикилади. Ҳар бир ўтова ҳар кун қўй сўйилади, ҳамма томондан қимизлар ёғилиб кетади. Барча ўтовларнинг нақ ўртасига 4-5 та алоҳида ўтовлар тикилади, мана шу ўтовларда, саночларда қимизлар ачитилиб туриласди. Тонг саҳардан то қоронғи-кечагача турли-туман ўйинлар бўлиб туради. Бир ерда кураш бўлса, иккинчи бир ерда

түя уриштириш бўлади. Букун камалакдан отишга мусобақа қилинса, эртаси куни от устида туруб, осиб қўйилган тухумни милтиқ блан уриш учун мусобақа бошланади. Бундан ташқари мана шўерда савдогарлар ҳам ўз молларини ёйиб ташлайдилар.

1863 йилда, Бетпак толанинг энг гўзал ва кўркам бир бурчидা, Қарагали сойнинг бўйларида бўлган мана шундай катта бир ошга ҳаммаёқдан жуда кўп машҳур ўланчи, жирчи, куйчи-оқинлар тўпланди. Мана шу ошда айтиш бўлди, бу айтишда Жамбул биринчиликни олиб ҳаммани қойил қолдирди. Кейин Жамбул Суюнбой блан ошларга борди, Жамбул блан Суюнбой ўлан айтаркан; ўтов одамларга тўлиб-тошди. Айтишга биринчи марта қатнашаётган ёш оқинлар эса тортиниб, қўрқапуса ўлтиридалар. Айтишни кексалар бошлади. Броқ шу ерда кексаларга қулоқ солиб ўлтирганлар Жамбулга парво ҳам қилмадилар, бунинг учун Жамбул хурсанд. Охири унга ҳам навбат келди. Жамбул қўбизини қўрқа-қўрқа созларкан, атрофдан уни ма'қуллаган ҳархил овозларни эшилди ва бу эса Жамбулнинг юрагига далда бўлди ва у оташин нафаси блан куйлаб юборди. Одат бўйича, аввало у, ўзидан илгари ўтган оқинларнинг мақтовини қилди. Броқ бу эшичуиларни қониқтирилди, улар ўзаро пицирлаша бошладилар. Жамбул халқ ундан оддий ўлан кутмаятганини тушинди, лекин у, ҳамманинг сабри битаёзгандага бирданига рақибларининг қиёфасини тасвирлашга ўтди. Кейин Шортонбой, Дулат ва айниқса устози Суюнбой тўғрисида зўр этиқод, зўр муҳаббат ва зўр фахр блан куйлади. У, уни мазақ қилишга уринган ўз рақибларини та'риф қиласошлагандага ўтов ичи кулгига тўлиб тошди. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир мисра'си одамларни кулдириб ичакларини узди. Ҳамма хурсанд. Айтишларига қараганда, мана шу айтишда, Жамбулнинг рақиблари чидалмай унинг ўланини охиригача эшитмасдан аста-секин ошни ташлаб кетиб қоладилар. Бу ростми, ёлғонми, ҳарҳолда, бу айтишда Жамбул тўла ғалаба қозонди;

Оталарнинг ўлан пойгасида мен,
Енгдим кенг саҳронинг ҳамма оқинин.

Мана шундан кейин ёш Жамбулнинг довруғи кенг ёйилди. Унинг шуҳрати, куйлари-ўланлари блан бирга овулдан-овулга ўтиб юрди.

Лекин бу шуҳрат Жамбул олдига бирталай вазифалар қўйди. Жамбул бир ерда тинч турмади, овулдан-овулга ўтди, даштмадашт юриб халқ ичига кирди, халқ учун ўлан айтди.

Мана шу йилларда чор Россияси Туркистонни забт қилишни тамомлаётган ва Авлиё-ота (ҳозирги Жамбул шаҳари) ва Чимкент шаҳарларини олиб бўлган бир вақт эди. Шу пайтларда ҳамма ерда волость бошлиқлари, овул оқсоқоллари ва бийлар сайлаш учун йигинлар бўлар эди.

„Ўшандай бир замонда,
Бўлис отин ўйнатиб,
Мирзаси тўй тўйлатиб—

Нишон таққан зар чекман,
Бойлар келди чиранган,
Күнса бойнинг овулуга
Қозон қайнар биқирлаб,
Олдидаги оқ тосда
Сариф қимиз килкиллаб“.

Жамбул ҳамма ерда ҳозир бўлди, ҳамма уни ҳурмат қилди. „Бирқанча қабила бошлиqlари мени ўзлариникида қолишимни сўрашар, яхши боқиш, ҳурмат қилиш ва кўп ҳадялар беришини ва да қилишар эди, лекин мен буларнинг эвазига уларни маҳтавим керак эди. Броқ мен мунсфиқлик қилишни ва халқдан бойларга кетишни истамадим, уларнинг таклифини қат’ий рад қилиб яна ўз йўлимга кетар эдим...“ деган эди Жамбул.

Улкан оқиннинг бормаган ери қолмади! Биз уни Толос дар’ёсиning бўйларида ҳам кўрамиз, бу ерда у „Юсуф Зулайҳо“ поэмасини ўрганди. Куркуреус волостида (Қирғизистон) Манас тоғи этагида бўлган волость бошлиқлари сайловида Жамбул ўз ўланларини кўйлаб юраркан „Манас“ поэмасини ҳам ёллади.

Кейинчалик қозоқ саҳросида рус мустамлакачилари блан бирга мусулмон „ма’рифатчилари“ ҳам пайдо бўлди. Булар чор ҳокимииятининг ёрдами соясида даштма-дашт юришди. Булар ичида эшонлар, шайхлар, ноиблар ва дарвишлар ҳам бор эди. Диний ше’ларни ўқиб юрган Самарқанд мадарасаларининг муллабачалари ҳам тез-тез учраб тураган эди. Мана шу аlamон ичида Жамбул ҳам юрар эди. Саводсиз Жамбул „Минг бир кечা“ни ва Фердавсининг „Шаҳнома“сини ёллаб олган эди. Унинг ажойиб зеҳни ниҳоятда ўткур, қобилияти эса ниҳоятда кучли эди. Қанча достон, қанча ҳикоя-эртак, қанча ривоят, қанча ўлан, қанча мақол, қанча топишмоқларни ёд билганини ҳам билиш қийин! Мана шунинг учун ҳам Жамбул қозоқ халқининг оғзаки адабиёти блан чегараланиб қолмади. У, кекса шарқнинг қадимги адабиётини ҳам яхши ўрганди. Унинг ше’ларида Искандар Зулқарнайн, Афлотун, Рустамлар номининг қайта-қайта такрорланиши ҳам шундандир.

Жамбул ўз қирчанғисини миниб овулма-овул ўлан айтиб юриш блан бирга ўзи ҳам кўп нарсаларни ўрганди. 1881 йилда, Хонтаў тоғида, Еттисувда айтиш бўлади, бунга ҳам жуда кўп оқинлар келишди. Бу ерда Жамбул фақат бир оқин сифатида иштирок этмай, шарқ поэмаларини ҳам яхши биладиган ажойиб ҳикоячи сифатида ҳам иштирок этди. Қирғизлар у блан баҳслашаолмайдилар; чунки Жамбул қирғизларнинг „Манас“ достонини улардан кўра дурустроқ билар эди. Жамбул бу айтишда ҳам ғолиб келди. Шундан кейин Жамбул Қозогистон ва Қирғизистонда „оқинлар оқсоқоли“ деган ном олди.

Гўё ҳаётда осойишталик барпо бўлгандай, саҳро ҳам жим-тина мудрар, одам ҳуқуқини ҳимоя қилиш қийинлашар, чор ҳо-

кимияти эса кундан-кун мустаҳкамлзнар эди. Туркистон чор Россиясининг мустамлакасига айланди.

Жамбул XX асрнинг биринчи йилларида, илгариги қувватини ўқотди, қариди, озиб, мукчайиб қолди. Жамбул қаерда қолди сенинг ажойиб ўланларинг, куйларинг, оташин товушинг? Наҳотки энди жарангли овозинг қозоқ саҳросида янграмайди?

Қозоқлар ўз ҳимоячисига, ўз куйчисига зўр алам ва ҳасрат блан қарадилар. „Таёқ этга, сўз суюкка ўтади“ дейдилар эскилар. Бир вақтлар шуҳрати тоғлар ва даштлардан ошиб ўтиб, огулларга ёйилган Жамбулнинг жимиб кетишидан фақат бойлар, моноплар, бийлар, амалдорларгина севинар, улар ўзларининг даҳшатли душмани бўлган Жамбулнинг елкасига қоқиб заҳарханда блан мийифида кулишар эди.

Жамбул жимиб кетди.

Кутилгандан Чингиздан
Николай келди есириб.
Халқимни қонга бўяди
Она юртдан кўчириб.
Бизни қувиб эшикка
Эгаллаб олди тўримни
Тўшанганим муз бўлди
Судраб жулдур тўнимни.

1914 йил, Биринчи империалистик дун'ё уруши бошланди. Саҳрова ясавуллар, приступлар, волость бошлиқлари от қўйиб чопишар, камбағалнинг сўнгги қўйини тортиб олар эдилар. Саҳро ўнтар, инграр! Қозоқлар қайғу-алам блан ёнар эди!

Жамбул ҳам уйғонди. У, қандай қилиб халқ қайғусидан четда қолсин? Кун сайин жарима-солиқлар кўпайди. Фронт эса секунд сайин минглаб одамларни ялмаб-ютиб турар, фронтга одам; ўқ-дорига пул етишмас эди. Даромадни кўпайтиш, одамларни ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун аҳолини рўйхатга олиш керак. Подшони сақлаб қолиш учун Россиянинг ишга ярайдиган барча аҳолисини сафарбар этиш лозим! 1916 йил ҳам етиб келди. Саҳро оёққа қалқди. Қозоқлар қўзголиб қўлига таёқ олди. Бу вақт оқин учун эўр имтиҳон эди. Жамбул қаддини ростлади ва яна унинг оташин куйи-чақириғи саҳро бўйлаб янгради. Шон-шарафлар бўлсин сенга Жамбул! У халқ имтиҳонидан шараф блан ўтди. Унинг ўланлари халқ қалбига дадиллик берди, халқни ғалаба сари чорлади!

Ҳадемай 17-инчи йил февраль ва ундан кейин октябрь ҳам етиб келди. Бу хабар олис бурчакларга жуда узоқда етди. Бу хабар, қанчалик чалакам-чатти бўлмасин, лекин ўз ма'носини ўқотмади, ҳақиқат тантана қилди.

Бу хабарни ҳаммада аввал Жамбул эшитаркан, буюк рус шоири: „Шоирнинг қалби, уйқудан уйғонган бургутдек уйғонади“ деганидек чивдан ҳам Жамбулнинг қалби бургут қалби сингари

Уйғонди! У янгидан дун'ёга келди. Унинг янги ва оҳангдор ўланлари жонажон саҳро бўйлаб янги бир куч-қувват блан қанот ёйди!

Унутмайман ҳеч қачон
Октябрьнинг келганин
Халқимнинг бирдай қўзғалиб
Олға қараб юрганин.
Ленин блан Сталин
Элга баҳт келтирганин
Бир-бирига қариндош
Эллар қўлини ушлаши
Қирғиз, қозоқ, ўзбеклар
Манғул, уйғур, тунгонлар
Арман, қалмоқ, грузин,
Ва рус блан украин.
Халқ бирлашди, дўстлашди.

Кейин оқ гвардиячиларга қарши уруш авж олди. Шунда Жамбул куйлади:

Менинг юрагим, менинг қўшиғим
Дўстлар блан жангда биргадир...

Жамбул тинмай куйлар-кан, саҳрони ҳайратда қолдираш эди. Уни ўчиб, дом-дараксиз кетган оқин қайта тирилди! „Ростданми? Узинг эшитдингми?“ — деб сўрайди Чу дар'ёсининг бўйидаги қозоқ. „Қаерда кўрдинг?, Нималарни куйлаяпди?“ — деб сўрайди Еттисув аҳолиси. Лекин унинг ўланлари кун сайин кенг қанот ёйиб парвоз қилас, поёнсиз саҳрова жаранглар, олис-олис овулларга бориб етар эди.

Бўлганимда Алатовнинг қори каби мўйсафи,
Бир баҳтиёр сўз эшитдим мен: Совет.
Қувват олиб, жонланиб қозоқ халқи,
Тартиб олди бойдан молу яйловни.

Тирилган ва шодмон бўлган оқин куйлар эди:

Баланд пастни оралаб,
Ёлғиз отин савалаб,
Ўртоқ бўлдим умрга,
Омон етдим бу кунга.
Кўлдан тушмай дўмбирам,
Ўз-ўзимга бериб дам,
Юпанч солдим кўнгилга,
Кувонч олдим кўнгилга.

Омонгелдига ёрдам бериш учун келган Қизил Армия қисмларини Жамбул зўр шодлик блан кутиб олди. „Юракда шодлик

тұла, большевиклар олисдан келишди", деди у. Жамбул айниқса ўртоқ Фрунзени зүр шодлик, зүр самимият блан олқышлади. Жамбул ўртоқ Фрунзе симосида „Олтин тахтни өфдарған" ва „қанотли тулпор миниб" құлига қызил байроқ тутиб олдинда келаётган Ленин"ни ва Қызыл Армияннің ғолибона юришини табриклади.

Жамбул янги құрилишни зүр шодлик ва зүр қувонч блан кутиб олди. У, советлар ғоясина ташучи, уни омма орасига өлиб киручі бўлди. Унинг оташин, ўткир, жозибали сўзлари эса узоқ овуллар ва поёныз саҳрордаги ўтовларга яшин тезлигиде етиб борди. Халқ ўзининг бу улкан оқинини чексиз, бепоён мұхаббат блан севар ва унга ишонар эди. Агитаторларнинг оташин сўзлари та'сир қылмаган ерда, дўмбирага жўр қилиб айтилган Жамбул ўланлари халққа қаттиқ та'сир қилас, уларнинг кайфиятларини ўзгартиб юборар эди. Ахир шундай бўлгандан кейин, унга ишонмай бўладими? У халқ ичидан чиққан, у халқнинг чинакам меҳрибон ўғли-жигаргўшаси эди. У, анча ёшга кирди, у кўп нарсани кўрди! У, жуда кўп нарсани билди! У, қуёш ҳақида, ажойиб кунларимизнинг шодлиги, хурсандчиликлари тўे-рисида куйлади. Жамбулнинг гуллаб яшнаган таланти социалистик ватанимизга бағишиланди! Қайтадан тирилган улкан оқиннинг оташин ўланларида „Жер-уюк"¹ яққол акс этиб турди. Кекса Жамбулнинг умид-армонлари рўёбга чиқабошлади, унинг қайтадан тирилган ўланлари янги күч, янги қувват ва янги руҳ блан меҳнаткаш қозоқ оммасининг дардига дармон, дилига қувват бўлди. Саҳро унга ишонди, саҳро унинг ортидан борди, ва Жамбул меҳнаткаш халқ ўртасида жонли-оташин ташвиқотчи бўлди. Охир уни ўлди деб саҳро қора кийган эмасмиди? Кексалар, бундан 10 йил илгари, овози учиб-жимиб кетган Жамбулни афсус ва надомат блан эслашмасмиди? Энди бу қачон тирилди, буқадар зўр куч ва қувватни қаердан олди, ким унга ҳаёт бахш этди.

„Эгарлангиз менга от, тор бўлди ўтов
Баҳор блан яшнамоқда кенг гўзал яйлов“.

У бир ерда ўлтиrolмади! Унинг ўлан-куй блан тўлиб тошган юраги халққа интилди. Уни куйлаш керак!

„Янгидан қанот қоқди
Кенг даламда дўмбирам.
Қайта янграй бошлиди
Овулимда ўланим“.

Улуғ доҳилар Ленин-Сталиннинг образлари Жамбул поэзиясининг битмас-туғанмас илҳом булоги бўлди.

¹ „Жер-уюк" бу афсонавий жойда бой ҳам йўқ, камбағал ҳам йўқ, ҳамма тенг, ҳамма баҳтли, фаровон.

Жамбул ўз дүмбірасини созлади, оппоқ соқолли, нуроний чол, бошини сал қинқайтириб, ажинлар орасыда ялтираб турған күзларини олисларга тикди. Нафасларини ҳам олмай, жимгина қулоқ солиб үлтирган әшитучиларни бир бор күздан кечирди. Үнинг бургутнинг күзидек үткүр қараши ажин босган юзини равшан ёритди. Ҳамма жим! Жамбул нима куйларкин? У, қандай янги ўлан яратди экан? Ҳамма жим! Жамбул дүмбірасини қайта-қайта созлади! Охир ўлан кенг оқин дар ёдек оқди!

„Үчмайди ҳалқ куйи, қартаймайди,
Үчади—деб, уни ҳечким айттолмайди“.

Қайтадан тирилган, қаддини азamat бургутдек ростлаган кекса Жамбул нималарни куйлаши мумкин?

Йилдан-йил үтди оқин хаёлидай,
Жамбул куйи худди тоғнинг булоғидай.
Айтган блан тугамайди; она юртнинг
Кўкида худди ўлдуз чироғидай.

Жамбул ниҳоятда изчил оқин. 1924 йилда, Олма-Отада жирчиларнинг слёти бўлди. Бунга Жамбул ҳам келди. Бу Қозогистоннинг совет республикаси э'лон қилиниши муносабати блан чақирилган тўй эди. Албатта бундай ажойиб ҳодисадан улкан оқинни четда қолиши мумкин эмас эди. Мана шу тўйда у ажойиб ўланлар айтди. Жамбул Қизил Армия, Ленин, Сталин ҳақида, баҳт-саодатга эришган камбағал-бечоралар ҳақида куйлади.

Кейинчалик қишлоқ-хўжалигини колективлаштириш бошланди. Бу улуғ бурилиш йили улкан оқинга янги-янги темалар ва жўшқин булоқдай илҳомлар берди. „Сталиннинг маслаҳати блан мен колхозлар учун агитатор бўлиб қолдим. Мен колхозлар ҳақида юзлаб ўланлар айтдим, бу ўланларим саҳроларга кенг ёйлди, чунки мен бу ўланларни чинакам юрагимдан чиқариб айтганман“—деди Жамбул. „Эр-Назар“ колхозининг биринчи а'зоси ҳам Жамбул эди.

Янги темалар пайдо бўлди. Гадолашкан, ҳароботга юз тутган эски мустамлика ўрнида ҳаётбахш, бўстонга айланган эркин, озод, социалистик мамлакат вужудга келди. Бу тема эмасми шоир учун? Жамбул, Ленин-Сталин миллый сиёсатининг тантанасини ҳормай-толмай куйлади, у, оммабоп, фикран аниқ, мазмунан чуқур, шаклан пухта, жозибадор, оташин ўланлар яратди.

Кун сайин қозоқ саҳросига жон кирди, қозоқ ерлари тирилди, эски омоч ўрнига трактор, ўтмас ўроқ ўрнига — комбайн, туялар карвони ўрнига поездлар пайдо бўлди. Поеңсиз қозоқ саҳросининг қулогини батанг қилиб азamat трактор блан комбайнлар кеча-кундуз ишлар экан, учқур поездлар эса яшин тезлигига чўлни у бошидан бу бошига кесиб ўтар эди. Кўчманчи ҳайрон! У, эртакларда әшитган афсоналари амалда бўлаётганига

ажабланар эди. Мана ҳақиқиј, баҳтли ҳаёт! Буларнинг ҳаммаси оқиннинг ўланларидан четда қолмади. У, ҳаммасини кўрди, шоирлик ҳисси блан сезди, куйлади, ўлан айтди. Унинг социалистик түйғу блан тўлиб тошган мисра'лари буларнинг гувоҳи.

Жамбул ўланлари чуқур социалистик мазмундадир. Уларнинг ҳаммаси Ватан, баҳтли ҳаёт ҳақида. У, ўзининг ҳамма ўланларида бу баҳтли ҳаётнинг ижодчиси, ботирлар-ботири Сталин ҳақида куйлади.

1936 йил Москвада қозоқ сан'атининг декадаси бўлди. Декадага Жамбул ҳам иштироқ этди. Мана шу декададан олдин Олма-Отада алоҳида бир айтиш бўлиб ўтди. Мана шунда Жамбул ўзининг „Менинг ватаним“ деган ўланини яратди ва бу поэма аввал „Социалистик Қозогистон“ газетасида, кейин рус тилига таржима этилиб, 7-майда „Правда“ газетасида босилиб чиқди. Мана шу вақтдан бошлаб Жамбул асарлари марказий газеталарда босилиб турди ва унинг донгги иттифоқумизга кенг ёйилди. Декадага иштироқ этганлар блан бирга Жамбул Кремльда ўртоқ Сталин ёнида бўлди. Ҳукумат кекса оқинни Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотлади. Жамбул Москвада экан Ленин, Сталин, Қизил Армия ҳақида янги ўланлар яратди. „Ленин мақбарасида“ деган ўлани унинг энг яхши ўланларидандир.

1937 йилда Жамбул иккинчи марта саёҳатта чиқди. Бу гал у, Кавказга йўл тутди. Ўша йили грузин халқининг гениаль шоири Шота Руставелининг „Йўлбарс терисин ёпинган паҳлавон“ деган поэмасининг 750 йиллиги муносабати блан Тбилисида юбилей бўлди. Жамбул мана шу юбилейга зўр қувонч, зур шодлик блан борди. Жамбул Грузиядалигида Горига — Сталин ватанига борди. Жамбул Горига кетаркан; йўлда ўзининг „Сталин ватани“, „Ворошилов“, „Чапаев“ ва бошқа бир қанча янги ўланларини яратди.

1938 йил 20 майда Иттифоқумиз Жамбул ижодий фаолиятининг 75 йиллигини байрам қилди ва шу юбилей муносабати блан ҳукумат Жамбулни олий мукофот — Ленин ордени блан мукофотлади. Жамбул ўзининг юбилей кунлари Америка, Австралия, Хитой, Чехославакиянинг бирталай сан'ат ва адабиёт арбобларидан ўз номига телеграммалар олди. Ўша йили декабрь ойида Жамбул яна Москвага борди ва Иттифоқумизнинг оқсоқоли М. И. Калинин блан учрашди. 1939 йилда Жамбул Иттифоқумизнинг илғор ёзучилари блан бирга „Хурмат белгиси“ ордени блан яна мукофотланди. 1941 йилда унга Сталин мукофотининг лауреати деган юксак ном берилди.

Жамбулнинг улуғ октябрь социалистик революциясидан кейин яратган барча ўланлари ҳам жанр, ҳам мундарижаси блан революциягача айтган ўланларидан тамом фарқ этади. Социализм учун олиб борилган курашларимизнинг бевосита иштироқчиси бўлган Жамбул ўз олдида турган вазифаларни яхши онглади ва бу ҳақда тинмай куйларкан, кундан-кун унинг ижоди камолатга етди, гуллади.

Жамбул ўзининг Ленин, Сталин ва уларнинг сафдошлари ҳақида яратган ўланларида ҳалқнинг ўз доҳиларига бўлган чексиз муҳаббатини ва ҳалқнинг одам ҳақидаги омолини ифода қилди.

Ленин — бу ҳалқлар генисининг жонли ифодаси. Ленин — бу ҳалқлар озодлигининг символи. У, ўзининг „Ленин мақбарасида“ деган ўланида шундай деди:

Болалар, эвара, чевараларга
Уруғнинг улуғи мендан васият:
Ҳалқни сўнг дамгача севаолишини,
Яшашни Лениндан ўрганинг фақат.

„Сталин—букунги Лениндири“, бу сўзни Француз ёзучиси Анри Барбюс айтган эди, лекин бу сўзни Жамбул ҳам айтса бўлар эди, чунки мана шу фикр унинг Сталин ҳақидаги ўланларининг марказий чизиги бўлди. У, ўзининг „Ҳалққа қўшиқ“ деган ўланида шундай деб куйлади:

Ленин дўст деб қиммат қўйган кишига,
Ленин буродар деб севган кишига,
Хисни ва фикрни йиғабилингиз,
Кучни, иродани берабилингиз,
Бу эр Сталин деб дун'ёда номдор,
Бу эрда Лениннинг даҳоси яшар.

Сталин ҳақидаги ўйлар, Сталин образи Жамбулнинг сўнгги 10 йил мобайнида яратган барча асарларида марказий ўринни банд қилди. Жамбул совет тузумининг моҳияти, Ватан, Қизил Армия ва ҳалқнинг орзу-умидлари ҳақида куй, ўлан яратаркан Сталин образига мурожаат қилди.

У, Москвага бориб келгани ҳақида яратган ўланида дейди:

Бирлаштириди ҳалқларни доҳи Сталин,
Дўстлашти уруғлар, эллар мардона
Ҳалқларнинг бирлиги улуғ қувончdir
Она — Ватан улар учун ягона.

Биз Жамбулнинг бу асарларида эпик традиция блан чуқур лириканинг бир-бирига чамбар-част боғланганини ва оқиннинг Сталинга бўлган чексиз шахсий муҳаббатини кўрамиз. „Менинг Сталиним!“ Сталинга бўлган умумхалқ муносабати блан оқиннинг шахсий муносабати бирлашиб кетган бу сўз Жамбул поэзиясининг характерини аниқлайди.

1941 йил. Улуғ Ватан уруши бошланиб кетди. Уруш бошланганда Жамбул ўзининг ёзлик яйловида эди, Жамбул уруш бошланиб кетганини эшитгани замоноқ отига миниб, Майтепага қайтиб келди. Ватан қайнаб-тошди. Ватан энг сара-азамат ўғилларини жангга ташлади. Ҳақиқий ватанпарвар Жамбул ҳам қўлига дўмбирасини олиб жангга ташланци. Унинг қуроли—ўланлари бўл-

ди. Ү, үз ўланлари блан улуф Ватан уруши фронтларида ёвуз душманга қарши фидокорона жанг қилаётган жангчиларимизнинг руҳини кўтарди, дилига дармон берди, янги-янги қаҳрамонликларга чақирди. Жамбул, ўртоқ Стalinнинг 3 июльда радио орқали ҳалққа қилган мурожаатини эшитгач шу кечаси ўзининг „Сталин чақирган соатда“ деган ўланини яратди.

Улуф Ватан урушининг дастлабки йилларида яратган асарлари орасида ленинградлиларга ва Москва деган ўланлари мазмунан бой, фикран чуқур шер'лардир.

Жамбулнинг сентябрь ойида юборган ўлан-хатини ленинградлилар ҳечқачон унитмайдилар:

Ленин шаҳри қадимдан
Қайради ўч қиличин!
Ёвга қаттиқ ташланди
Қўрсаатди мардлик кучин
Унга ўқлар кор қилмас
Гуёки бир асл тош,
Дарвозаси мустаҳкам,
Ғанимларга эгмас бош!
Бут бўлсин деб зўр қал'a,
Йўлга чиқди ўғлонлар.
Ортиб қурол-аслаҳа,
Йўлга чиқди карвонлар.
Овул, қишлоқ ҳам шаҳар
Қўшмоқчи ўз ҳиссасин.

Унинг „Совет жангчисига“, „Совет гвардиячиларига“, қилган мурожаатлари ва Стalingрад, Воронеж ҳақида „Ўғлимнинг улимига“, „Бизнинг ёруқ байрамимиз узоқ эмас“, „Ҳалқлар дўстлиги“ ҳамда бошқа бирқанча ше'рларининг ҳаммаси буюк ватан-парварлик ва улкан қалбнинг ажойиб ёдгорлариридир.

Жамбул, жангдаги Армия қаторида хизмат қилаётган ўз болаларирига бағишилаб бирқанча ўланлар айтди. Унинг кичик ўғли Алгадай Стalingрадда жанг қилди ва улуф Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Жамбул фронтларда душманга қарши мардона жанг қилиб юрган жангчилардан хат олиб турди. Бир вақт унга бир хат келди. Унда шу сўзлар ёзилган эди: „Улкан оқин Жамбул Жабаев! Қозоқ блан рус ҳалқларининг ўғиллари Дюскей Сеитов блан унинг командири Борис Сахаров, бу ерда окопда, фашизмни батамом йўқ этиш учун тайёрлик кўрмоқда. Бизга сенинг ажойиб ўланларинг етиб келди. Ўланларинг бизга ёрдам беради“. Жамбул бу хатга жавобан баҳор ҳақида ўлан ёзиб юборди. Оқин баҳорни кутиб олар экан: „Ҳаёт кучининг манбай нимада? Бизнинг ҳаяжонларимизнинг чеки нимада? Фалабамизнинг гарави қайдада?“ деб сўрайди. Жамбулнинг бу сўроғига томирлар, дар'ёлар, осмондаги турналар: „Куёшимизда, ёмғурумизда, ўч олиш

истагимизда, дўстона мәҳнатимизда, жонажон тупроғимизнинг парчаланмаслигига—деб жавоб қиласилар.

Улуг Ватан уруши йилларида Жамбул яратган ўланлар қозоқ ва рус тилларида алоҳида нашр этилди. Бу китобда уруш эпизодлари ва улуг совет халқларининг фидокорона қаҳрамонликлари тўла ифодаланди. Халқ ватанпарварлигининг кўч-қудрати равшан тасвир этилди.

1945 йил бошларида Жамбул заифлашаборди. Броқ фашист Германияси устидан қозонган ғалабамиз, кексайиб қолган оқин илҳомини яна қанотлантириди. У, 1945 йил 9 майда яна қўлига дўм-бирасини олиб жонажон Сталин шарафига, халқларимиз томонидан қозонилган тарихий ғалабамиз шарафига ўлан айтди. Жамбул қозоқ тарихининг „жонли ифодаси“ эди. У, ёшлигига ўз халқини қоронғу жаҳолатда кўрди ва бу жаҳолатдан қутилишнинг имкони йўқдек эди. Лекин у, ўз халқининг буюк ғалаба кунларигача яшади, қозоқ халқининг фэрғон-хушчақчақ ҳаётини ўз кўзи блан кўрди ва умрининг охиригача уни зўр қувонч блан куйлади.

Э. ДИЛЬМУҲАМЕДОВ ва П. КОСИВЦЕВ.

ҲОДИ ЗАРИПОВ

1916 ЙИЛ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҚҮЗФОЛОНИНИНГ ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА АКС ЭТИШИ

Халқнинг турмushi, дун'ёга қaraши, ҳaётда юз берган муҳим воқиалар ва ҳодисалар, уларнинг, турли синф ва синфий табақаларнинг муносабатлари халқнинг озодлик учун курашлари оғзаки бадий адабиётда акс этиб келганлар. „Ойсулу“ достони эрамиздан илгари VI-асрда Эрон подшоси Кайхисровнинг Ўрта Осиёнинг муҳим қисмларини босиб олиш ҳаракатларига қарши курашни тасвир этади. „Гўр ўғли“ достонларидағи ба'зи сюжет ва эпизодлар араб босқинчиларига қарши халқимизнинг озодлик ва жанговар курашларидан дарак берадилар. „Манас“ достонларининг бирнечалари минг йил муқаддам қирғиз халқйнинг мустақиллиги учун олиб борган ялпи халқ ҳаракатларини тасвирлайдилар. 1

„Шайбониҳон“ достони, Иван Грозний ҳақидаги қушиқлор, XVI-асрда юз берган тарихий воқиалар блан боғланганлар. Степан Разин ва Емелян Пугачев ҳақидаги рус қушиқлари реаль тарихий фактлар асосидат түқилганлар. „Ботирхон зулми“, „1812 йил ҳақида“ деган қушиқлар, „Тўлғон ой“, „Кена сари“ достонлари XIX аср тарихий воқиалари блан юзатга келган бадий асарлардир.

1 Юзларча достонлар ва эртаклар потриархал-қабилачилик даврида, феодал тузумининг исканжаси остида меҳнаткаш халқнинг мусибатли жафокаш ҳaётини ҳуқуқсизликка, адолатсизликка қарши ҳаракатларини, озод ва қувноқ турмуш учун интилишларини (оғзаки бадий ижоднинг традицияларига бўйсундирилган ҳолда) ҳам келажак бахтли ҳaётга бўлган кучли умид ва ишонч блан ифода әтадилар. 1

„Хон зулми“ қўшиғи халқнинг оғир, қашшоқ ҳaётини кўрсатади. Доим меҳнат қилиб, меҳнатнинг роҳатини кўриш эвазига бошида қамчилар ўйнаганини куйлади:

Кўрмадим ҳузур-ҳаловат,
Доим ишим бўлди меҳнат.
Бошимда қамчи пота-пат,
Найлайнин, армонли кетдим.

Дун'ёда емадим барак,
Болаларим бўлди ҳалак,
Роҳат бизларга бедарак
Найлайнин, армонли кетдим.

Дун'ёда иззат кўрмадим,
Завқу-сафо ҳеч сурмадим.
Гуноҳим надур билмадим,
Найлайнин армонли кетдим.

Эзилган меҳнаткашнинг чин юрагидан чиққан бу қўшиқ, феодализм даврида зулмнинг ҳаддан ошганлигидан, эксплоататорлар меҳнаткашни эзиб, янчиб, хонавайрон қилганидан зорланади.

Кулбам, айвоним йиқилди,
Уйимга „қора“ тикилди.

„Қора“ ўзбек халқида қадим диний инонишларга кўра, кишига кулфатлар солучи, оғат етказучи, ёвуз куч ҳисобланади. Демак халқ эзучиларни мана шу ёвуз куч-қора блан тенглайди. Биз мисолга олганимиз қўшиқда эксплоататорларнинг меҳнаткашга берган азоб уқубатлари натижасида халқнинг мадори қуригани айтилади:

Эмди менинг чиқир жоним,
Оқизди қирмизи қоним.
Турмоққа йўқдир мадорим,
Найлайнин, армонли кетдим.

Фар'ёд қилмоқ вақти етди,
Қамчилар жонимдан ўтди.
Золим хон зулмни этди,
Найлайнин, армонли кетдим.

Халқ, ўз қўшиқларида, эзучиларнинг меҳнаткашлар ҳисобига яшаб келган фаразит эканликларини очиқдан-очиқ куйлайди. Хивали Хонимжон отли собиқ бир чўри Хива хони Исфандиёрга қарши айтган „Бевафо золим“ отли қўшиғида айтади:

Кутуртирди сени элларнинг пули
Бири туғманг эрди, бириси қули,
Дун'ёда йўқ экан сенингдек лўли,
Умринг йиглаб ўткай бевафо золим.

Бу золимлар меҳнаткашнинг меҳнат тери бадалига қимматбаҳо кийимлар блан безангандар, қабатма-қабат саройларда, ораста жойларда айшу-ишрат блан, майшатнарастлик блан давр сургандар.

Эгнига кийиб кўқдан доройи,
Ўтиргани ўртабешнинг саройи.
Бизнинг шоҳдир қизу-жувион гадойи,

деб, Хонимжон опа ҳақиқатни жуда тўғри кўрсатади. Бу ифлосларга кескин нафрат билдиради, уларни қаттиқ қарғайди, уларга чексиз азоблар тилайди:

Қўлинг чўлоқ ўлғай, кўзинг кўр ўлғай,
Азиз умринг охиринда хўр ўлғай,
Хазрат Али-Шоҳимардан пир ургай,
Умринг йиглаб ўткай, бевафо золим.

Ўтмушдаги қашшоқлик, хўрлик ва чексиз эзилишлар, кучли норозиликларни тугдириши ва алана олдириши табий ва қонуний эди. „Икки томондан бўлган зулм, мазлум миллатларнинг меҳнаткашлар оммасини инқилобийлаштирасдач, уларни курашга жалб этмасдан қўймайди“. (Сталин „Октябрь революцияси тўғри сида“ 1932 йил нашри, 31 бет).

Халқ норозиликлар билдирибгина қолмайди, эзучиларга қарши кураш очди. Бу курашлар халқнинг оғзаки бадий ижодидаги ўз ўрнини олди. Умуман илмий ва бадий ҳурмати катта бўлган асарлардан бири „Маткаримполвон“ достонидир. Бу асарни бирнечча асрларнинг адабий маҳсули ва жаҳон поэзиясининг жавҳарларидан саналган ўзбек эпик достонларини яхши билган ва янги достон ижод этишда ўзининг талант ва маҳоратини кўрсатган ўзбек халқ шоири муҳтарам Фозил Йўлдош ўғли яратган „Маткаримполвон“ достони биринчи жаҳон уруши йилларида Самарқанд обlastida бўлиб ўтган воқнага бағишлиланган. Маткаримполвоннинг қилмишлари, ҳаракатлари ва кечирмишларини тасвир этган бу достон, ўша замон фактларининг ойнасидир. Уста достончи Фозил шоир бу достонда ҳаётда юз берган фожиларни, меҳнаткаш халқнинг ўтакетган хўрланиши ва эзилишини, золимларга қарши курашини реаль фактлар блан беради.

Достоннинг қаҳрамони Маткарим чиндан ҳам ўтган одам, агар синфий душманлар уни ўлдирмаганда эди, у, балки букун ҳам биз блан бирга бўлар эди. Маткарим, ҳозирги Жонбой райони Бекант қишлоғидан чиқкан. У, ўзбекнинг Кўнғурот уруғига мансуб бўлган. Ўзи деҳқон бўлиб, ҳалол меҳнат блан ўсган ва ҳалол меҳнат блан кун кўрган. У, шинаванда, улфат, меҳнат кишиларига меҳрибон одам бўлган. Ўзи бўлали гавдали, жуда кучли, серғайрат одам. Халқ уни Маткаримполвон дейди. Жонбой, Булунғур районларида, Зарафшон бўйларида уни яхши танийдилар. Унинг кўрган кечирғанларини биладиган қариялар ҳозир ҳам бор. Жонбой, Булунғур районларида, Ростовцево станциясида, Сиёб бўйлари ва Самарқанд шаҳрида Маткаримнинг дўстлари кўп бўлган. Хўжанд ва Фарғона водисида ҳам бирнечча оғонилари борлигини сўзлайдилар. Характерлиси шуки, у, руслардан ҳам анча қадрдонлар ортдирган. Дўстларининг кўплари Самарқанддан бўлганликлари учун Самарқандга кўп борар экан. Маткарим ўзининг зийраклиги, мардлиги, сахийлиги, дўстларига меҳрибонлиги блан кўп кишиларнинг ра'батини қозонган, меҳнат кишиларини севган, меҳнаткашлар кучидан фойдаланучиларни, эзучиларни хо бой бўлсин, хо амалдор бўлсин, миллатига қаромай, ҳаммасини ёмон кўрган. Ўзининг тогаси Аҳмад мингбошига ҳам муносабати тескари экан. Бунинг учун Маткаримнинг онаси кўп койиса ҳам, у ўз фикридан қайтмаган. Рус қадрдонлари-

нинг та'сири блан бўлса керак, Маткаримнинг сиёсий онги ўз замонидаги дәҳқонлардан ажралиб турган. Ботирлиги, полвонлиги душманга нисбатан ғазаби бойларни, амалдорларни даҳшатга ҳам солган. Бойлар, элликбошилар, мингбошилар Маткаримдан қўрқканлар. Унга бетлаб келаолмаганлар. Фозил шоирнинг „Маткаримполвон“ достони мана шу ажойиб шахснинг кечирмишларидан айrim ҳодисаларни ўз ичига олади. Мен бу достоннинг характерли ерларидан ба'зи бирларини кўрсатиб ўтмақчиман.

Бойлар Маткаримни пул-мол блан аллаб, ўзларига мути' қилиб олмоқчи, тўғри ҳаракатларига ғов солиб, ҳақиқат туйғуларига заҳар қотмоқчи бўладилар. Жонбойда Куюнчи уруғидан Эшматбой Маткаримга йўлиқиб, буни йўлдан уришга тиришади ва айтади:

„Ўзинг эр Йигитсан, юришинг пастди,
Бойларман турмоққа қилгин ҳавасди,
Отанг камбағал, ўтиришинг нокасди,
Исқири камбағал жонинга басди.

Ўзинг хайрон, лекин полвон зўравор,
Камбағалман суҳбат қурмоқ недаркор.
Йигит ҳалқи баланд парвоз бўлмасми?
Ўзидан ғолибман суҳбат қилмасми?!...
Бундай бўлсанг, ҳалқ қилади маломат,
Ўзинг бир режали билгин азамат.
Бу ишингда сенга йўқдир манфаат...
Мен биламан ажаб жўраларинг бор
Ўз ҳисобин топмай юрган баччағар,
Улар сенга нима вафо кўрсатар?!

Мазгилимга сени олиб борайин,
Бир уруғмиз, сени ўғил қилайин.
Дун'ё даркор бўлса қўлингга бериб,
Камбағалсан сенга бир от берайин“.

Бу сатрларда бойларнинг камбағалларни одам ўрнида кўрмаганлари, меҳнаткашга хўрлик блан қараганлари, жуда равшан ифодаланган. Маккорлик ва сотқинчиликлари яққол кўрсатилган. Маткарим пул, мол қурбони эмас. Унинг иродаси ҳам мустаҳкам. Бойнинг найрангларига учаколмайди. Қаршисида от устида керилиб турган бойдан заррача тап тортмай жавоб беради: „Бойликка мөгрур бўлиб, қорнинг эгарнинг қошини босиб, отинг блан тўнингни маҳтагани келдингми?... Отут-тўн бериб, сен бизни бой қилма... Сен насиҳат айтиб, бизни йўлга солма, юрар йўлимизни ўаймиз биламиз“ дейди.

Комбағаллар бунда ғаму-кулфатда,
Улар бизнинг блан бирга улфатда.
Сенинг эшигингда қанча хизматкор,
Сен бойсан-да, бу аркони давлатда...

У—қўлингда жафо чеккан камбағал
Ишлатиб, ҳақида мункир баччағар!
Энди сен сўйласанг изза қиласман,
Отингдан оғдариб, ерга ураман,
Ўзинг ўйла, майда-майда қиласман.

Маткарим тилидан айтилган бу сўзлар, бойларнинг давлати меҳнаткашнинг қўл кучи ҳисобига йигилганини, улар меҳнаткашнинг меҳнат ҳақига мункир келиб, эксплуатация блан даврон сурганини билдиради. Киши кучидан фойдаланучиларга қарши қаттиқ ғазаб уйғотади. Полвон „роҳат бўлар бир кун менинг меҳнатим“ деб келажак ёруғ кунларга умид боғлади.

„Маткарим полвон“ достонида жуда ажойиб бир картина бор. Устма-уст солинган хилма-хил солиқлар, бу солиқларни тўлагунча камбағалларнинг хонавайрон бўлиб кетишлари, уларнинг чеккан азоб-уқубатлари, золимга қарши норозиликлари, курашлари бу реаль картинада ўз ифодасини топган. „Жомбойнинг мозори, Маткарим Суяркўр деган жўраси блан икки чўбирни миниб, сарбозордан ўтиб, бозор жойига келаберди. Гузари мингбошихонанинг қошига тушиб қолди. Кўрди: мингбошилар бешта-ўнта одамнинг қўлларини орқасига боғлаб, толга боғлаб қўйибди. Мингбошига қараган одамларнинг қўлида қамчи, тенгсалиб айланиб, „пошшоликнинг ҳақини бермаган киши шундай азоб-уқубат кўради“ деб гапириб турибди“.

Маткаримнинг келаётган хабарини эшитиб, мингбоши ва бошқа амалдорлар, уларнинг йигитлари қочиб кетадилар. Полвон бойлоғлиқ одамлардан савол сўрайди:

„Қандай одам сенга қилди зулмни,
Кенг бозорда ким бойлади қўлингни?...“

деб Маткарим отдан тушиб, бойланганларни озод қиласди. Бечораларнинг ҳолига куйиб кетади. Мингбошиларнинг иши эканига ақли етиб:

„Бойлаган баччағар қаёққа кетибди?
Агар кўрсан, қилар эдим ишини.
Тошман уриб янчар эдим бошини.
Мингбоши-тоғам деб, ҳурмат қилмайман,
Агар кўрсан ўз ҳолига қўймайман.
Сизларга зулмнинг қамчиси ўтди,
Сизларни бойлатди, менга кўп ботди“.

Фарибларнинг арзу-додлари Маткаримнинг эксплоататорларга бўлган нафратини яна ҳам кучайтиради, ғазабини оширади. У чексиз хўрликларга чидалмаган Маткарим, амалдорлардан қаттиқ ўч олишга бел боғлади. Мингбошихонага югуради. Лекин у ерда ҳечким йўқ. Полвон ҳайрон бўлади. Қайтиб чиқиб: „Бу ерда ҳеч жонзод йўқ, сизларни жин бойладими?“—дейди. Бу

вақтда түпланиб турган халқ: „полвон бозор келибди деб әшиитди. Бизга бир ташвиш беради деб, туш-тушига отланиб кетди“ деб жавоб беради. Маткарим тезлик блан отни миниб, „Гүрда бұлса топиб оларман уларни“ деб, маст бұлған нордай күпук сочиб, бу сўзларни айтиб ахтариб кетади:

Фалак менинг баҳоримни хўр этди,
Сипоҳи бачағар қаёққа кетди?
Ҳеч билмайди унинг ўлими етди?
Камбағалга оша ташвиш бериди.
Тогам бұлса, топсам қиласай ишини,
Майдалайин бачағарнининг бошини.
Қашшоқлар сўзига қулоқ солмади,
Қарриганда уларни билмади.

Уларни тополмай бозорга қайтиб келади. Самоварга тушади, меҳнаткаш камбағаллар йигиладилар. Маткарим буларни мардана курашга чақиради:

„Улфатларим ўтган дамни, дам дема,
Камбағалман деб сра ғам ема,
Золим бойлар энди навбати ўтар,
Камбағал йўқсулининг навбати етар.
Иттифоқ бўб бирга бўлинг йигитлар.
Бой экан деб қўрқиб ҳурмат қилманлар.
Амалдорни рая қилиб турманглар!“

Маткарим шу ерда халққа сўзлаган сўзида Самарқандга бора-жagini, у ердан яхшилик сўзлар әшитиб келиб, халққа билдира-жagini билдиради:

„Эрта бориб Самарқандга кираман,
Учар-тўрт кун шаҳар ичинда юраман,
Бир яхшилик сўзлар бордир орада,
Билганим сизларга хабар бераман“.

Полвоннинг бу сўзларини шоир томонидан сун'ий равишда кири-тилган деб бўлмайди. Маткаримнинг шаҳардаги дўстлари, айниқ-са, рус оғайнилари, шубҳасиз унга кўп та'сир этганлар, сиёсий онгининг ўсишига ёрдам берганлар. Жаҳон урушининг бориши, умуман халқ норозилигининг кучайиши ва ҳоказо муҳим сиёсий ва революцион масалалар ҳақида ма'lумот бериб турган бўлишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, албатта. Аҳмад мингбоши ўз уйига Усмон қозини ва бирнеча катта бойларни чақириади. Маткаримга қарши чора кўришни маслаҳатлашидилар. Усмон қозининг маслаҳати блан Маткарим устидан катта жиноятнома ёзиб, Самарқанд ҳокимига жўнатадилар. Айназамонда полвонни маҳфий та'киб этадилар, ҳокимнинг буйруғи блан ўн нафар қуролли солдат полвонни Сиёбда қўлга туширади. Полвон ҳайдади:

ли б борар экан, ўз қилмишларига пушаймон қилмайди. Иродаси кучли, мард йигит ўз йўлида мустаҳкам туради:

Армон блан боғлаб олдинг қўлимни,
Нима қилсанг, золим душман, қил энди!
Хоҳи ёндири, хоҳи куйдири, бўл энди!
Бойласанг ҳам мен қайтмайман тилимдан,
Мен тоймайман юрадиган йўлимдан!

Мард йўлидан тоймайди. Камоқдан қутилгандан кейин ҳам ўзишида давом этади. Ўйнаб келиш бҳонаси блан Хўжандга бора-ди, дўстлари блан учрашади, Фарғона водисида бирнече ерларни айланиб, Андижонда ҳам бирнече кун туриб қайтади. Достонда Маткаримнинг бу сафари етарли дараҷада ёритилмаган. Бунинг асосий сабаби, шундаким, Фозил шоир қаҳрамоннинг Хўжанд ва Фарғона водисидаги саргузаштидан яхши воқиф бўлалмаган. Шунга қарамасдан айтиш мумкинки, Маткаримнинг Хўжанд ва Фарғона сафари тасодифий, ёки кўнгил очиш саёҳати ҳам эмас. Маткаримнинг Хўжандда дўстлари борлигини, достоннинг кўрсатишича, у, дўстларига борганилигини (аммо дўстларининг қаттиқ ҳаракатларини яхши билмаса ҳам) 1916 йил миллий озодлик қўзғолони Ўзбекистонда даставвал Хўжандда аланга олганини назарга олсак масала анча ойдинлашади. Яна шуниси муҳимки, Маткарим бу сафаридан анча ма'навий куч блан қайтади. Лекин у, ораударига эришаолмайди. Эксплоататорлардан қонли ўч олишга мұяссар бўлалмайди. Уни доим та'қиб остига олган синфи душманлар, кечаси уйига қайтиб келаётганда, уни отиб ўлдирадилар.

Мен „Маткаримполвон“ достони устида атайн кўп тўхтадим. Чунки тарихчиларимиз ҳали бунга э'тибор берганлари йўқ. Балки кўплари билмайдилар ҳам. Халқимизнинг озодлик курашларини, революцион ҳаракатларини ўрганишда Маткаримполвон ва упинг ҳаракатларини яхшироқ ўрганишнинг аҳамияти каттадир. Бу, зулмга қарши курашнинг, синфи курашнинг озодлик ҳаракатининг айрим, лекин актив кўринишидир. Межнаткаш ҳалқ ичидан чиққан, ҳалқ блан бирга яшаган, ҳалқ шоирлари халқнинг дарду-аламларига, қайғу-ҳасратларига шерик бўлганлар. Халқнинг синфи курашларида актив роль ўйнаганлар.

Узбек ҳалқ достончилари 1916 йил миллий озодлик қўзғолонига актив қатнашдилар. Улар бу қўзғолонда соз блан сўзни душманни енгишга қаратдилар. Шуни яхши биламизки, Жиззах, Зомин, Фориш, Фаллаорол, Булунғур, Коракишлоқ ва бошқа районларда Райимбахши (Рахим шоир), Фозил шоир, Хўжаназарбахши, Пўлкон шоир, Мелашбахши ва бошқалар миллий озодлик ҳаракатларига бағишлиб қўшиқлар тўқидилар. Бирнече ҳалқ шоирлари қўзғолончи ҳалқ блан бирга юриб, уларни бадий сўз кучи блан мардона курашга, ғалабага чақирдилар, қўзғолончи-

ларга далда бердилар, мадад ва зафар тилайдилар. Яна шуниси характерлики, Бөгдодли донгдор халқ шоири Раҳимбулбул қўзғолончиларнинг олдидаги байроқ кўтариб борган. Булардан жазо отрядларининг чангалига тушиб қолган Ҳўжаназарбахши халқ ҳаракати йўлида қурбон бўлган, уни отиб ўлдирганлар.

1916 йил озодлик қўзғолони ҳақидаги фольклор асарларнинг ёнг йириги Фозил Йўлдош ўғлиниң Жиззах қўзғолони достонидир. Фозил шоирнинг бу асари бирданнга майдонга келмаган, албатта. Автор, аввал қўзғолон ҳақида айрим қўшиқлар тўқиб юрган. Воқиа ва фактлар ўсаборган сари унинг қўшиқлари ҳам кўпаяборган. Шу орада доим Жиззахга қатнаб, элда қўшиқ айтиб юрган Фойзил шоир, Жиззах уездидаги миллий озодлик ҳаракатини ўзига мумкин бўлганича яхши ўрганиб олган. Тобора ишлайбориб, буюк Октябрь социалистик революциясининг ғалабалари блан мукаммал бир достонга айлантирилган. Фозил шоир бу асарини биринчи жаҳон урушидан бошлайди. Халқ учун даҳшатли бу урушда подшоларни, капиталистларни, каттабойларни қаттиқ қоралайди. У айтади:

Бул ётган мулкнинг устида,
Подшолар итдай талашиб...
Ўнгу-сўлни олиб туман,
Бир-бирига бермай омон.
Қон қуюлган ёмон замон,
Ўлаётган ишли-декон.
Подшоларнинг иши ёмон...
Извогар ўртади бойлар.
Буларда раҳим бўлмайди,
Урушга борган камбағал,
Сра ҳам омон келмайди...
Меҳнаткаш боши ганг бўлди,
Зулмдан ҳамма қон бўлди.
Қайғу-ғам, кулфатга тўлди...
Раҳм қилмас қўз ёшига
У тоб бермас зулм ишига
Кетман бериб ўр қоздириди
Қарри-қартанг чол кишига.

Урушнинг ҳамма оғирлиқлари, кулфат ва азоблари халқ бошига келганлигини уқдиради. Уруш харажатлари халқ устига юкланганини, бунинг натижасида халқ хонавайрон бўлиб зулм устига зулм ортганини та'кидлайди.

Ўз ҳолига қўймай халқни,
Қайта-қайта чиқим солди...
Урушда бўлган харажат
Қандай топиб берсин элат.
Топмаганга қилас мунда
Амалдор катта сиёсат...
Ҳамма бўлиб қолди ҳайрон,
Нечавнинг ватани вайрон.

Саросимада қолған халқ, подшонинг ўлимини тилайди. Урушда одам етишмай, Туркистондан мардикор талаб қилганини айтади. Шу муқаддимадаң кейин мардикор беришга халқнинг норозилиги, Жиззах шаҳри ва Жиззах уездидаги меҳнаткашларнинг өзучиларга қарши ҳаракатлари, маҳаллий мансабдорлар, чор ҳукуматининг амалдорларига қилинган ҳужумлар, ҳоким, пристов, мингбоши ва бошқаларнинг ўлдирилиши, маҳкамаларига ўт қўйилиши, темирйулларнинг бузилиши, телеграф симларининг узилиши тасвирланади. Шоир халқнинг бу ҳаракатларига ижобий баҳо беради, уни маҳтайди. Шуниси муҳимки, шоир бу ҳаракатда кескин синфий курашни кўради ва буни анча усталик блан яққол курсатади. Шоир маҳаллий амалдорларнинг фаразитлигини шундай характерлайди: „Бир мингбошининг 40-50 ча эллик бошиси бўлади. Улар ҳар қишлоқдан келиб минг бошининг қабатида турибди. Булар қишлоқ балоҳурлари, қишлоқнинг кемириб егучилар, оз чиқимни кўпайтириб олучилар, меҳнаткашлардан ҳақ ундириб, ўзларига ўзлари эга бўлиб егучилар“.

Меҳнаткаш халқнинг аҳвол руҳиясини кўрсатадиган яна бир мисол келтирайин. „Ким талаб қилса борсин, бормаган киши 600 сўмдан пул берсин“ дейди. Одамлар 600 ни кўрмак тугул, бирорнинг санаётганига ҳам кўзи тушган эмас.. Бизга ўхшаган камбағални тўпнинг оғзига бойлаб берур экан, бу нима деган гап?! Бой, ўзига тўқ кишилар чиқимдан қолса, камбағалларнинг меҳнат қилиб, қайта-қайта чиқим бериб юргани озми?! Зиёд давлат бермай, бизни худо қисган экан. „Йиқилгани тениб ўт“ деб, подшо ҳам меҳнаткашни қирап экан. Бойларнинг қўйи-моли кўп. „Менга атаб қўй сўйди“ деб худонинг ҳам димоги бойдан чоғ бўлар экан. „Унинг давлати катта“ деб подшо ҳам бойни ҳурмат қилар экан,—деб элда ҳар йиғинда бирнечча сўзлар гапирилаётir“. Халқ подшога одам бермасликка қарор қиласди.

„Элликбоши гапни билинг муҳтасар,
Хоҳи куйдир, хоҳи ёндири баччагар!...
Ўзим ўлмай, кейин қайтиб турмайман,
Зулм блан Россиянгга бормайман,
Бола-чақам етим-есир қилмайман!“

Бу кескин э’тироzlар революцион бир тус олади. Подшонинг йўқ қилиш талабларигача кўтарилади:

Душман бизни қизил гулдай сўлдирди,
Халқни шунча қайғу-ғамга тўлдирди.
Бундай подшо мамлакатдан йўқ бўлсин!

Курамизки, шоир халқ ўртасидаги демократик фикрларни, революцион туйғиларни қўзғолончиларнинг умумий ғоялари сифатида жам’лайди ва уларни достончилик традицияларида баланд бир руҳ блан беради.

Эпик достонларда ботирларнинг душманга қарши сафарларини

юксак пафос блан куйлаб келган Фозил шоир, қўзғолончи халқ-нинг чека-чекадан тўпланиб, Жиззах қараб юришларини ҳам яхши тасвир этабилган.

„Одам келди ўнгу-сўлдан,
Бари қайтмас юрган йўлдан.
Илгарида юрган одам
Мавлон, барига бош бўлган.
Мазгил жойи чибор элга,
Қарамайди ўнгу-сўлга.
Чиқиб қолди энди белга...
Одам чиқиб ҳарбир элдан
Оз бўлса, йўлда кўп бўлган...
От чопилиб баланд-пастга,
Қўшилишиб ёру-дўстга
Бир-бирига бўлиб меҳрибон
Бош бўлгандир сатта полвон,
Заргар элдан Одам келган.
Подшосини душман билиб,
Деҳқон бари йўлга кириб
Ҳасангўбанинг элидан
Шерқул турибди бош бўлиб.
Бирнечанинг ақли шошиб,
Бир-бирига довушлашиб,
Ҳаяллама бўлҳо дейишиб,
Сою-қирда чақиришиб,
Шуйтуб одам жўнаётир,
Ботирлар илгари тушиб,
Ҳамма отланган шер бўлган,
Бирнечаси эшак минган.
Таёқни тақимга олган,
Пиёдалай неча одам.
Кўйинини тошга тўлдирган...

Ҳар тарафдан одам энган,
Бирнечалар байтал минган.
Бир хилида таёқ ҳам йўқ.
Бу ҳам бир таваккал қилган...
Жиззах шундай тутабётир,
Бош бўлган ҳар ерда ботир.
Депсинишиб келаётир.

Достон халқнинг озодлик ҳаракатида Жиззахли Мухторхон эшоннинг ролини салбий равишда кўрсатади. Бунга шоир ҳақидир. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Жиззах экспедицияси (шу йил июнь ойида) тўплаган материаллари шоирнинг Мухторхон эшонга қарашини тасдиқ этадилар. Жиззах қўзғолонининг дастлабки кунида халқ Мулла Хидр мингбошининг ўлдирмоқчи бўлганда, Мухторхон эшоннинг ўғиллари уни ўлимга бермайдилар. Мингбоши Мухторхон эшоннинг ҳимоясида омон қолади.

Достоннинг кўрсатишича халқнинг подшога қарши ис'ёнлари аланга олган пайтда, Мухторхон эшон халқни бу ҳаракатдан қайтишга чақиради, уларни жаҳаннам азоби блан қўрқитишга тиришади.

„Ҳам муридим, мамлакатим,
Бор менинг пирлик ҳурматим,
Сизларга ма'lум қувватим.
Пирнинг сўзин ёлғон билма,
Пирдан қайтиб муртад бўлма.
Оқпоштога сен тиғ тортиб,
Осюю-гуноҳкор бўлма.
Бу ишингда кўпдур хатонг,
Билсанг, подшо улуғ отанг,
Подшони сен душман билма,
Нодоннинг гапига кирма.
Сен имонингни бой берма,
Маҳшар кундаги сўроқда,
Қиёмат кун осий бўлма...
Бизлар раҳбарлик қиласмиз,
Бир тартибга келтирамиз...“

деб алдамоқчи бўлади. Лекин меҳнаткаш халқ эшоннинг бу найрангларига алданмайди. У, ўз иродасида мустаҳкам туради. Қўзғолончиларнинг бошлиқларидан бири Мухторхон эшонга дадил жавоб беради:

„Эшоним деб кўп югурдик,
Наэру-ниёзни кўп бердик...
Биласанми турган халқни,
Шунча халқа жабр ўтди.
У, зулмни кўрган вақтда
Сен айтмадинг насиҳатни...
Сенинг блан бўлмам бирга,
Қайтиб кетгин келган йўлга.
Қанча одамга бош бўлганмиз
Подшо блан ғаш бўлганмиз.
Бир-биримиэга дўст бўлганмиз,
Шўйтиб йиғилиб келганмиз.
Хозир бу халқ пирни билмас,
Эшоним деб ра'я қиласмас,
Кет энди қолма йўлингдан“.

Ўтмушнинг ботирлик достонларида подшоларга, катта руҳоний-ларга қарши, ботир тилидан кескин сўзлар куйлаб келган Фозил шоир, Мухторхон эшонга меҳрибон бўлиб қололмас эди.

Достонда, жазо отрядларининг ёвузиликлари, Жиззах шаҳри ва қишлоқларни вайрон қилганликлари, қишлоқларга ёнпасига ўт қўйиб, хароб этилганлиги, халқнинг молу-мулклари, талон-торож

этилганлиги ҳажм әтибори блан катта ўрин тутади. Жазо отрядлари қўзғолончи халқ ва уларнинг хотин, бола-чақаларини вахшиёна қийнаб чексиз азоб берганлари, отиб үлдирилганларни, ўтга ёққанлари айтилади. Золимларнинг бу ҳаракатларида маҳаллий амалдорлар, мингбошилар ва бошқалар улар блан бирга бўлиб золимларга ёрдам берадилар. Қирилишлардан бағри қон бўлган халқ ўртасида яратилган айрим қўшиқлар ҳам бу қайғули фожиаларни сўзлайдилар:

„Эшик олди ўйилди,
Жиззах халқи сўйилди.
Ота-онанг меҳрибон,
Икки кўзи ўйилди“.

(Бу йилги экспедиция материалларидан).

Мана шу воқиалардан, фожиалардан кейин мардикор олиниши, мардикорларнинг Россияга жўнатилиши, мардикорларнинг чеккан азоблари, тортган аламлари тасвиранади. Мардикорлар урушнинг тезроқ тамом бўлишини тилайдилар, она ватанларини соғинадилар.

„Килган меҳнатимиз бизларга туҳмат,
Бунда юриб, бўлсак биз ғамдан озод,
Кўнглимизда жилва қилиб кўринар,
Эсимизга олсак ул юрган злат.
Шу кундан ҳам бўламизми биз озод...
Бўлса бир кун яна бизларга роҳат,
Шу ғамдан қутилиб кетсан саломат“.

деб ёруғ кунларни умид қиласидилар.

„Кетармиз деб ҳеч кўнгилга келмайди,
Золим подшо сра жавоб бермайди.
Тахт устида турса бу золим подшо
Бизларга сра ҳам жавоб бермайди“.

Мардикорлар чор ҳукуматидан ниҳоят даражада безадилар. Золим подшонинг йўқ бўлишини тилайдилар.

„Дивинско йўл бўлсин,
Қарағайзоринг кул бўлсин.
Йигитларни қийнаган
Николай золим йўқ бўлсин“.

(„Николай қон жаллод“ ашуласидан).

Фозил шоир достонида кўрсатилишича, мардикорлар уруш орқасидаги оғир қора меҳнатларда ишлаб юриб рус меҳнаткашлари блан бирга бўлиб, улардан кўп янгиликлар эшитадилар. Подшони йўқотишга қаттиқ ҳаракат борлигини биладилар. Бу революцион ҳаракатнинг бошида большевиклар партияси раҳбарлик қиласидилар.

эмис, деган ма'лумотлар мардикорларнинг қулогига етади. Мардикорларда қувонч ва ёргу ҳаётга эришишга ишонч кучаяди. Уларда революцион туйғулар кескинлашади. Шуниси ҳарактерлики, Фарғона водисидан кетган мардикорларнинг ашулаларида ҳам худди шу фикр, шу мақсадни кўрамиз:

„Қорда қарагай кесганман,
Ҳеч ҳақимдан кечмайман.
Бизни ишлатган Николайни
Тахтдан оғдармай қўймайман“.

Бу ният бажарилади. Большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида, улуғ рус ҳалқининг революцион кураши Николайни тахтдан афдаради. Мардикорлар озод бўлиб ўз она ватанларига қайтадилар. Достон шу блан тугайди.

1916 йил миллий озодлик қўзғолонига бағишлиланган достонлардан бири марҳум Муҳаммадқул Жомрот ўғлининг „Мардикор“ деган достонидир. Бу достоннинг умумий схемаси Фозил шоир достонига анча яқин турса ҳам, воқиаларнинг бориши, ҳалқ ҳаракатининг моҳияти яхши ёритилмаган. Бу асар ҳам меҳнаткашларнинг золимлардан ва зулмдан озод бўлишларида улуғ Лениннинг йўлбошчилигини қайд этади. Мардикорларни тўплаб, уларга ўз юртларига қайтиш учун жавоб берган военком тилидан шундай дейилади:

„Ҳамманг қайтинг уйларингга саломат,
Ленин ўртоқ қилиб сизларга шафқат.
Туркистон ҳам Россия эл бўлар обод
Николай ўлмаса, баринг юрадинг.
Ленин ўртоқ бош бўлмаса ўлардинг.
Тараадисин қилинг энди кетарнинг
Жафо чеккан ҳаммамиз бўлдик озод“.

Ҳалқнинг 1916 йил миллий озодлик ҳаракатлари, революцион курашларнинг ҳалқ бадиий ижодидаги ни'икоси шу биз айтган асарлар блан чекланмайди. Ёлғиз Жиззах қўзғолонига оид ўнлаб қўшиклар, эшитишимизча яна икки достон бўлган. Броқ буларга ўз вақтида э'tибор бериб тўпланмаган. Кўзғолончиларниг байроқдори Рахимбулбул ва бошқа баҳшиларнинг асарлари бундан бирнече йиллар илгари вафот этган авторлари блан бирга йўқолганлар. Лекин синчилклаб текширилса ҳали ҳам бирқанча фольклор асарларни қўлга киритиш мумкин

1916 йил миллий озодлик қўзғолонига оид фольклор асарлари ни мукаммал тўплаш, уларни марксизм-ленинизм нуқтаний назаридан илмий текшириш, керакли изоҳлар блан нашр этиш илмий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлганидек, ҳалқимизнинг революцион ҳаракатлари хотирасини абадийлаш йўлида энг яхши тадбирлардан биридир.

„ПАХТАЗОР ҚЎШИҚЛАРИ“¹

Ўзбек ёзучилари пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, адабиётимизни улуғвор вазифаларга муносиб даражага кўтариш учун курашга бел боғлашлари керак. Пахта — ҳозирги ўзбек адабиётининг марказий мавзу'ларидан бири. Броқ, ҳозиргача бу мавзу'да катта ва етук асарлар яратилгани йўқ.

Шу йил Ўзбекистон Давлат Нашриёти томонидан чиқарилган „Пахтазор қўшиқлари“ тўплами бошлангич ташаббус бўлди. Аммо унинг мундарижаси, адабиётимизнинг бу бош мавзу'лан нақадар кам ва этиборсиз шуғулланаётганини равшан кўрсатади.

Шоир Шайхзодавинг „Пахтани оқ олтин дейиш бизга эски ан'ана“ деган сатри бир фикрни эсга солади: чиндан ҳам кўп шоирларимиз пахтани оқ олтин деб атаб қўйиш блангина чегараланиш каби эски ан'анадан чиқаолмаётирлар. Улар бу мовзу'ни „Яша пахта“ мотивига алмаштириб, дала ва пахта мадҳиясини ўқиши блан чегараланмоқдалар.

Пахта мавзу'и энди ғоят кенг ма'нода тушинилиши керак. Энди пахта блан даланинг юзаки мадҳиясидан кечиб социалистик деҳқон ҳаётини чуқур таҳлил этучи юксак бадиий асарлар яратиш даври келди. Тўпламдаги очеркларнинг авторлари колхозчи ҳаётидаги гўё кўсак териш блан фўзани ўғитлашдан бошқа нарсани кўрмайдилар. Ўзбекистонда колхозчи асосан пахтакордир. Демак, колхозчи ҳаётининг барча тамонлари пахта мавзу'ига киради. Колхозчининг ҳаёти меҳнат блан узвий боғлиқ. Лекин, уни фақат тинимсиз заҳматкаш қилиб кўрсатиш, колхозчининг коллектив ҳаётдаги шахсий, ма'навий ва роҳат турмуши ҳақида унитиш адабиётда сохталикка олиб боради. Колхозчидаги ички кўнгил бойликларини, чуқур инсонлик фазилатларини, онгидаги ўсишлини, орзу ва интилишларни очиб ташлаш адабиётимизнинг вазифасидир. Ёзучи А. Қаҳҳорнинг шу тўпламда чиққан „Кампирлар сим қоқди“ ҳикоясини мана шу вазифани бажариш йўлида жуда чиройлик намуна деб ҳисоблаш керак. Автор ўзига хос маҳорат блан асл деҳқон ва деҳқонлар раҳбари бўлған раиснинг кишиларга нисбатан эҳтиром ва этиборли бўлиш каби олижаноб фазилатини бир жумлада очиб ташлайди. Сталин номли колхознинг раиси шундай одамки, бошида минг хил

¹ „Пахтазор қўшиқлари“ мас'ул муҳаррирлари Ж. Шарипов, Т. Фаттоҳ. Ўзбекистон Давлат Нашриёти, 1946 й.

ташвиш бўлган, бош қашлагани қўли тегмайдиган вақтда ҳам, масалан бирон кампир кечада кўрган узундан-узоқ тушини айтса, худди бугун туш эшишиб, та'бир айтишдан бошқа иши йўқдай, қулоқ солади". Афсуски; бундай моментлар тўпламда жуда кам.

Илғор колхоз раҳбарларининг ажойиб иш усулини таҳлил қилиш, уларнинг ғалаба „сир“ларини очиб ташлашдек, ёзучирамиз томонидан ҳалигача қаламга олинмаган бир мавзу' ҳам А. Қаҳҳор томонидан ўткир приём блан чертиб ўтилади: „Шундай чўт уриб қарасам, пахта ишига ярайдиган ҳарбир колхозчинг иш соати бир килограмм пахта экан.

„Пахта ишига ярайдиган одам бирон соат ҳам сизларнинг қўлларингиздан келадиган ишга банд бўлмасин“.

А. Қаҳҳор колхоз ҳаётига мутлақо тўғри ва чуқур қарайди. Колхозчилар колхоз ишини мажлислардагина кўриладиган расмий гап деб тушинмайдилар. Колхоз иши колхозчининг чин кўнглидан гаплашадиган шахсий иши бўлиб қолди. Муҳим ма-сала ўртага қўйилганди, мажлис қизимай қолади. Раис нега гапирмайсизлар, деб тургунда Тўхтабуви дейди:

— Энди, ўғлим, дабдурустдан мажлис дединг... Асли шу гапни ўзаро гаплашиб, пишиқтириб олсанг-у, кейин мажлисга солсанг бўларди...

Мажлис ёпиқ э'лон қилингандан кейин Робиябуви ўзидан-ўзи гап бошлади.

Автор бу кампирларда колективчилик руҳи, колективга хурмат ҳисси зўр ækанини пайқаган. Мажлисда гапирилган гап, кўпчиликка берилган ва'да улар учун муқаддас.

Уддабуронлик кампирларнинг фурури. „Қариб қолдингиз, қўлингиздан иш келмас, десангиз уларнинг ори келади“. „Уна-қа нормангни шафтолига тиши ўтадиган там-тамларга бер! Бизнинг нормамиз ҳар қутидан юз килограмм“ деб Тўхтабуви кампирлар кучига ишонмаган раисни қизартиради. Меҳнат баробарига семиз қўй олиб тинчлана бериш кампирларга эп эмас. Уларнинг жонбозлигини севимли халқ билсин, уларга шу қиммат. Бу мукофот уларнинг меҳнатига чиндан арзиди. Шунинг учун шаҳарга сим қоқиш керак.

А. Қаҳҳор ҳикояси колхозчини кетмои тутган ҳолдагина кўрсатишдан четланиб, унинг ички ҳаёти, кайфияти, кўнгил фазилатлари бойлигига чуқур киришиш, улуғвор ҳимматли ва меҳнатсевар колхозчи образини яратишда катта муваффақият қозонган асадир. Уруш даврида, пахта учун курашнинг кескин, оғир дамларидаги колхозчининг руҳида, онгида кўп ўзгаришлар бўлди. Унинг иродаси буюк синовдан ўтди. Энди дала манзараси ва оқ пахтанинг гўзаллиги ҳақида юзаки гапиришдан кўра, колхоз меҳнати қаҳрамонининг образини-киши образини яратиш жуда зарур бўлиб қолди. Колхоз кишисининг мукаммал образини яратиша Ойбекнинг „Раиса“ ше'рида катта муваффақият бор. Раиса фидокор меҳнаткаш, шу блан бирга, „Чолу-кампирларга қиздай меҳрибон“ ҳам, дарғазаб ҳам бўлаолади. Қўлига соат тақмайдиган бу содда хотин катта рўзгорни бошқаради. Бу кичик

шे'рда колхоз кишиси ўзининг барча фазилатлари, бахти ва баҳтсизликлари, кураши ва иродаси, йигиси ва кулгиси, умиди ва ғалабаси блан мукаммал бир образда жам бўлиб, равшан ифодасини топган.

Колхозчи ўзига аталган китобда ўз қиёфасини кўргиси келади. Броқ, тўпламда Раисадай ҳаққоний образлар кам. Мирмуҳсиннинг яратган пахтакор образида меҳнат блан яшнаган ҳаётнинг лазатларидан завқланишга бироз истак ҳам йўқ. Тинимсиз меҳнатга ҳадеб интилаберадиган бу одам турмушдаги жонли кишига ўхшамайди. У сохта ва ишончсиз. Пахтакорда ҳам, меҳнат қилиш иштиёқи блан бирга, кўнглида бир дун'ё тилак, ҳавас, ҳаёт завқи, онгода ҳаётий ўйлар, мақсадлар бор. Колхозчининг бой ички дун'ёсини, дар'ёдай кўнглидаги қимматбаҳо инсоний хислатларни очиб ташлайдиган ше'рлар яратишимиз керак.

Ҳамид Фулом улуғ чаман ҳақида гапириб туриб, бирдан далаға чиқади. Унлаги меҳнатни, ше'р ўқиб кетаётубгина юзаки кузатади. Шоир ўша меҳнат жараёнига борганда ичкарироқ кирса, ўша ажойиб меҳнат ҳаётига чуқурроқ разм солганда эди анча дуруст бўлар эди.

Тўпламдаги асарларниң ярмидан кўпида тонгдан ишга чиқсан теримчини ва тонгдаги дала манзарасини курасиз. Бу ҳол ба'зи ёзучиларимизнинг колхоз ҳаётининг ич-ичига кириб эмас, бирбирининг асарини ўқибгина ёзаётганини, шу йўсинда колхоз мавзу'ида ёзилган асарларнинг бир сийقا формага тушиб бораётганини кўрсатади.

Мирмуҳсиннинг бир ше'рида бир жувоннинг аzonда пахтазорга келиб, жўякларда „йўргалагани“ тасвирланади. Чунки ўқучи уни ўқигандан сўнг, ҳечнарса олаолмай афсусланади.

Ш. Са'дулланинг „Зумрад“ пьесасини ҳам анча нуқсонлари бор. Унда на драматик ҳолат, на фикрга илинарлик мундарижа бор. Бир-бирларини лақаб блангина чақирадиган одамларнинг ҳаммаси негадир ортиқча сергап. Назар олов ўзи юз килограммга етказмай терадиган оддий теримчию, ёрининг бешюз килограмм тераолмаганидан хафа бўлади. Бу эса асарнинг конфликтida асосий ўрин тутучи моментлардан бири қилиб олинган. Бошқалар ҳам Зумраднинг меҳнатидан ғайратланиб, терим сур'атини теззатиш ўрнига, Зумраднинг мажбурият бажаришини кузатиш блан вақт ўтказдилар. Асарнинг ечилишида бир телеграмма муҳим роль ўйнайди. „Пахта теришда стахановча ишлаган Зумрадхон А'замова, Ватан урушининг иштирокчиси, орденли, стахановчи теримчи Назар Омонов Тошкентда чақирилган республика илғор колхозчиларининг қурултойига меҳмон қилиб (?) чақирилсин“. Аввал қурултой вакилига бундай телеграмма келмайди. Келса ҳам, бундай мантиқсиз ёзилмайди.

Шоирларимиздан ба'зилари халқ қўшиқларига тақлид қилиб ашуналар ёзишга уринганлар. Колхоз ҳаётига бағищланган тўпламларда бу ташабbus жуда яхши. Мирмуҳсин фольклорнинг энг яхши хусусиятларидан фойдаланиб ширин қўшиқ яратган („Анорхоннинг қўшиғи“). Лекин Ўткур Рашидининг уриниши му-

ваффақиятсиз чиққан. Халқ бундай ма'носиз гапларни құшиқ қилиб айтмайды. Авторга ёққан бұлса керак, қуйидаги түртликини иккі бор тақрорлаб „Колхозчи құшиғи“ деб тасвия этади:

Раис ака құл беринг,
Яна этак мұл беринг,
Бу йил сизга ва'дам шу
Қани энди йұл беринг.

Күп үртоқларнинг ше'рида кичкина құнт қилиш блан тузалиб кетадиган камчилікклар бор. Колхоз оммасига асар тақдим этгандың айниңса үқуцига катта ҳурмат блан қараң зарур. Масалан, түпламда шундай хом сатрлар бор:

„Дасталарин тутдирар кетмөн“

„Бу ўлкада терим боради“

(Рамз),

„Лекин ой күкда қалқир ҳамон“ деген сатры устида яна өзгина ўйласа, „Ой“ сүзини учинчи ўринга олиш кераклигини пайқар ва шу блан вазн тузалған бұлар эди.

Сталинча янги бешійилликнинг бириңчи йили паҳтачиликда кескин ўзгариш ясаяжак. Колхоздаги улуғвор яратучи меңнат ва унинг қаҳрамоңлари, уларнинг ҳаётидаги барча ранг-бараңг лавҳалар адабиётимизда ўзининг ҳаққоний ифодасиви топиши керак.

Асқад Мұхтар

„ЖАМБУЛ ЎЛАНЛАРИ“

Қардош қозоқ халқининг улуғ оқини-шири Жамбул Жа боевнинг туғилған кунига юз йил тұлиши мұносабаты блан Үзбекистон Давлат Нашриеті томонидан „Жамбул ўланлари“ тұплами босилиб чиқди.¹

Қозоқ халқининг күйчиси, оқини ва содиқ фарзанди Жамбул күп миллатты совет ватанида отоқли, таниқли бадий сұз усталидан әди. У, меңнаткаш халқининг ичидан чиққан, халқдан мадад, илхом олган ва халқ учун ижод этгап әди. Үнинг деярлик бир асрга тенг умри меңнаткаш халқига садоқат блан үтди. Шунинг учун ҳам Жамбул ижоди халқлар орасыда, шу жумладан үзбек халқининг ўртасыда шұхрат топди. Үнинг асарларининг республикамизда қайта-қайта нашр этилиши бунга далилдір.

Жамбул буюк Октябрь социалистик революциясыдан аввал қашшоқ, чорасиз халқининг, қозоқ овулларидаги камбағал табакаларнинг үқубатли серташибиш ва аччиқ ҳаётларини ғамғинлик блан күйиб-пишиб, ҳаққонийлик блан ўртаниб күйлади:

Күрган куним — ўлим, қон,
Эл хор әди, дала-тор;
Топмас әди қаттиқ нон
Сабр блан ютардим
Күздан оққан ёшимни
Халқим блан күтардим
Умрнинг зил тошини.

(„Эл саломи“).

Шоир Жамбул ўзининг ше'рий мавзу'ини кундан-кун көнгайтираборған әди. Үнинг ше'рлари чуқур социал мазмун блан бойир, әзилған халқни озодлікка, яхши ҳаётга чақириучи жарчи сифатида борған сари күчлироқ яғрап әди. Ҳаётдаги аччиқ ҳақиқатлар, овул беклари, чорвадор бойлари ва чор ҳокимларининг қозоқ халқига нисбатан ўтказған зулм-ситамлари халқ шорири Жамбулнинг ижодида социал масалаларни, курашта, озодлікка интилиш кайфиятларини күчайтириди. Шоир, бу кайфият, бу истакларни, шубҳасиэ, халқининг юрагидан үқиб олды. Чор ҳукумати 1916 йилда қозоқ халқидан ҳам мардикор олиш ҳақида маш'ум фармон чиқаради. Бу эса тутоқкан меңнаткаш омманынг

¹ „Жамбул ўланлари“ Ўздавнашр. Тошкент 1946 йил. Тиражи—5000, редактори — Миртемир.

ғазабини аланталатади. Норози халқнинг қонли тұқинишларга, золимларга қарши курашга оёқлантириди. Жамбул ҳам бу сиёсий ғалаённинг күйчеси сифатида дұмбира блан майдонға отилади.

„Беш уйдан бир йигит!“ деб,
Бўлислар юрар чопқилаб.
Ясавуллар уй тинтар,
Қиличлари ярқираб.
Бундай кўрган кун қурсин,
Япроқ каби қалтираб!
Нафасларинг бўғилар
Юракларинг ҳансирараб...
Кенг дун'ёдан не фойда,
Юрсанг ғамда бошинг ҳам?
Жонинг инграр дард, ғамда
Тополмайсан бир ҳамдам.

(„Подшо амри“ ше'ри, 1916 йил).

Халқпарвар, талантли, ўткур тилли, заккий шоир 70 йилдан ортиқ умрини халқнинг азоб-үқубати, ғами-ташвиши ва яхши ҳаёт учун кураши, қилган орзусини күйлаб ўтди. Шунинг учун ҳам Жамбул ижодида интим лирикадан кўра чуқур ижтимоий масадаларни кўйлаш кўпроқ эканини кўрамиз.

Жамбул совет ҳокимияти барпо бўлгандан сўнггина, социалистик жамият даври бошлангачгина ғамгин куйларни тантанали, бахт, севги тароналари блан олмаштириди. Шоирда ижод қилиш темпераменти қайта жўш уради. Революция ғалабалари унинг кекса томирларига, юрагига қайтадан куч-қувват, шижаот бағишлилаган эди. У бу даврдан бошлаб ғолиб меҳнаткаш халқнинг шужумладан ҳур қозоқ ғелининг бахт күйчисига айланади. Даставвал, ғалаба ва оламшумул бахт, порлоқ истиқбол келтиручи халқ доҳийлари, Қизил Армия, халқлар дўстлиги ва янги замоннинг қизиқтиручий воқиаларини ўз ижодига мавзу' қилиб олди. Янги мавзу'лар унинг ҳаёт чироғи эди. Шунинг учун оқин умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам мароқ блан кўйлади. Бу буюк Сталин даври, инсонга эркинлик келтиргани, миллий тенглик бағишлилагани учун ҳам, оқинга қадрли туйилади. Чунки оқин ўтмиш хон, бек, чор подшоларининг ҳеч қайсиси ҳам зулмда бир-биридан қолишмаганигина ўз кўзи блан кўрган эди:

Козоқ қозоқ бўлгани,
Кўрдинг неча хонларни.
Ўтказдик-ку бошлардан
Оғир-азоб зангарни,
Қўқон бийлаб бир кезда,
Яйловлардан мол олди,
Күшбеги, хон қутириб
Бўй етмаган қиз олди,

Киз олмади, жон олди
Яйловни шунда босди чанг,
Тиниқ күллар чайқалди
Уша ўтган замондан
Армон бұлар на қолди?

(„Менинг ватаним“)

„Менинг ватаним“ (Миртемир таржимаси) ше'рида озод халқ-лар ватани ва унинг устози Сталин ҳақида күйлар экан, бу куннинг Ленини-дохийи Сталинга халқнинг миннатдорчилегини билдириш учун сўз гавҳарини ахтаради:

Дўмбирани олганда,
Кўйлар тўқиб чалганда,
Сталинга тенг топмай,
Жамбул тўқтаб қолади,
Янги ойдай дер эдим,
Тунда бору, кундуз йўқ,
Ёнган қуёш дер эдим,
Кундуз бору-тунда йўқ.
Темир қозиқ дер эдим,
Унда тил ҳам, ун ҳам йўқ.
Энг ёриғим Сталин,
Тунда ҳам бор, ва кундуз бор
Унга ҳар вақт баробар.

Улуғ оқиннинг „Ленин мақбараси“ (F. Гулом таржимаси) ше'-ри ҳам foявий, ҳам бадиий жиҳатдан юксак асарларидан бири ҳисобланади. Оқин бу ше'рида „Ленин ҳамиша тирик“ деган фикрни бадиий равишда усталик блан ифола этади. Совет халқ-ларининг, севимли доҳилари — Ленин ва Стalinнинг иши тантана қилганини куйлади. Оқин Ленин мақбарасида дәҳийнинг ўлмас сиймосига тикилиб шундай дейди:

Ҳар битта сўзингнинг баҳоси юксак,
Қизгин чўлда оққути булоқ сувидай.
Донолар-доноси қуёшдай равшан,
Куррамиз исиди қалбингдан-кундай.

Шоир совет халқига, ёш наслларга хитоб қилиб „халқни сўнг дамгача севаолишини, яашни Лениндан ўрганинг“ дейди. Совет ҳалқини янгидан-янги ғалабалар учун, Ленин-Сталин иши учун, коммунизм ғаллабаси учун курашга чақиради:

Ленин дўст деб қиммат қўйған кишига
Ленин буродар деб севган кишига,
Ҳисни ва фикрни йигабилингиз
Кучни, иродани берабилингиз,
Бу эр Сталин деб дун'ёда номдор,
Бу эрда Лениннинг даҳоси яшар.

Тұпламдаги „Клим ботир“, „Сталин конституциясыға“, „Қириб ташлансиян“, „Омонгелди түйига“ ва „Алла“ шे'рлари ҳар жи-
ҳатдан етук, завқли ва қаётбахш ше'рлардир.

Кекса оқин улуғ ватан уруши даврида ватанимиз бошига тушған жиддий хавфни жуда зийраклик блан күради ва душманнинг қириб ташлашга, ватанни ҳимоя қилишга, ғалабага чақи-
ручи овози янада қаттиқроқ янграйди. Үнинг дүмбірасыда қозоқ ботирларининг ҳарб-зарблари, душман блан курашдаги қаҳра-
монаңылдарлар қайта күйланади. Қызил Армия сафида немис-фашист-
ларга қарши мәрдона жаңг қилаётган қозоқ йигитлари — Қызил Армия жангчиларига кетма-кет ше'рді мактублар юбориб, улар-
ни қат'иятникка, душманни шафқатсиз савашга, ғалабага чорлайди.
Ватанларвар, мәрд оқин ўз ғұли Алгадайни улуғ Ватан уруши
фронтита жұнатиш олдеда шундай оталик васиятini беради:

Омон-әсон бұл, болам!
Эриш шараф ва шонға
Чекилмагил бир қадам!
Станғга шұхрат берган
Әл қадрини бил, болам!

Үнинг „Фронтта хат“, „Үғлимта хат“ (М. Еобоев тәржимаси)
деган ше'рләри ҳам душманни төр-мор әтишга, совет халқивининг
баҳт-саодатини ҳимоя қилишга, улуғ ғалабага чақиручи нидо-
лардир. Тұпламдаги бу ше'рларни ўқыр экансиз, Жамбулнинг
турмушда бой тажрибага әга булған, ватанпағварлық ҳисларининг
янгроқ садосини эшитамиз.

Жамбул қозоқ халқининг шу жумладан бутун совет халқининг
севимли шоири. У ўз ше'рларыда совет Иттифоқидаги ҳамма
халқларнинг ҳисси, иродаси, кураши ва баҳтиви күйлади. У,
совет халқининг әрки, ватанга бұлған севгиси, Ленин-Сталин
ишига садоқатини тиңмай күйлади. Үнинг асари Совет Итти-
фоқида кенг тарқалғандыр. Жамбул ше'рларини Ўзбекистонда
қайта-қайта нашр қији иниши ҳам ўзбек халқининг улуғ оқинга
бұлған муҳаббатининг ишонидир.

A. Салижон.

СОВЕТ КИНЕМАТОГРАФИЯСИННИГ БҮЮК АСАРИ

„ҚАСАМ“

Совет кинематографияси янги катта мұваффақиятта әришди. Совет Иттифоқидаги кино-театрларнинг экранларига чиқарылған „Қасам“ фильмі бенихоя зёр хурсандчилік блан күтиб олинди. Сталин мұкофоти лауреатлари П. Павленко ва М. Чиаурели томонидан ёзилиб, режиссёр М. Чиаурели постановка қылган бу кучли ғоявий ҳам бадий асар үзининг чуқур мазмуни, мураккаб воқиаси, ҳаммадан ҳам, совет халқларига әнг яқын ва жонажон бўлган мавзу'и блан юракларимизни ҳаяжонлантириди.

„Қасам“ фильмида қўйидаги воқиа ҳикоя қилинган:

Сталинградда Петровлар оиласи яшаб туради. Бу ишчи оила куттимаганда мудҳиш хабар әшигади. Қулоқларни тугатишига сафарбар қилинган ҳақиқий большевик, ленинчи, оиласининг бошлиғи Петровни қулоқлар отиб ташлайдилар. Петровнинг қизи қаҳратон қиши күнларининг бирида шу совуқ хабарни ва шу блан бирга, отасининг Ленинга ёзган мактубини олиб келади. Отани кўмадилар. Она — Варвара Михайловна Петрова эрининг васиятини бажариш — муҳим мактуб солинган конвертни шахсан Лениннинг ўзига топшириш учун Москвага йўл олади.

Бу мактуб партия ва совет ҳокимияти учун жуда катта аҳамиятта эга эканини, шу мактуб Ленинга текса, душман жосулари фош килинажаги ва қулоқлар группаси тугатилажагини Варвара Михайловна яхши билади.

Варвара Михайловна Кремльга боради. Броқ Ленинни у ердан тополмайди. Шундан кейин Ленин бетоб бўлиб ётган ерга — Горкага йўл олади. Йўлда унга бир мунча ҳамроҳлар қўшилади. Грузин Георгий, украин Баклан, ўзбек Юсуф Турғунбаев ва бошқа кўп қардош халқларнинг вакиллари ҳам Ленинни кўрмак, ундан маслаҳат олмақ учун Горкага борадилар.

Куттимаганда, қайгули, оғир оҳанглар таралади. Рұссали табиат бу оҳанглар қучогида мудрайди. Мотам музикаси тобора кучлироқ әшигилади. Кўчадан ўтган машинанинг шофери Варвара Михайловна ва унинг ҳамроҳларига Ленин вафот этганини айтади.. Совет кишилари Лениннинг ўлганига ишонмайдилар, улар Ленин каби кишилар ўлмаслигини биладилар. Улар қалин ёққан қорни топтаб, Горкага қараб бораверадилар.

Горкадаги уй мунг қучогида. Қора хошияли байроқни шамол эсмоқда. Ленин қўёшидан баҳраманд бўлиб, озодликка чиқкан

одамлар буюк устоз блан видо'лашадилар. Улар айрилиқ ғами-
ни чекиб йиглайдилар...

Ленин тобути қўйилган уйдан партия ва ҳукумат раҳбарлари
чиқадилар. Лениннинг сафдошлари ва шогирдлари, партияниңг
Ленинча йўли учун умр бўйи курашиб келган раҳбарларни биз
дарҳол таниймиз.

Уйдан оғир қайғуга чўмиб ўртоқ Сталин чиқади. Бу зўр
мусибат башариятнинг бошига тушган бу катта жудолик ўнинг
чехрасида мужассамлашган. У, қор босиб ётган паркдан юриб
келиб, оғочлар тагидаги танҳо скамейкага яқинлашади. Ўртоқ
Сталин улуғ Ленин блан доим шу скамейкада бирга ўтириар
ҳам социалистик Ватаннинг, совет халқларининг баҳт-саодати
ҳақида ўйлар эди.

Энди Ленин йўқ... Бу оғир мусибат ўртоқ Стalinнинг кўз-
ларидаги ғуссада ўз ифодасини топган. Stalin скамейкага узоқ
қараб туролмайди, юзини ўгиради ва йиглайди... у блан бирга
Варвара Михайловна ҳам, Георгий ҳам, Баклан ҳам, Юсуф ҳам
йиглайдилар.

Шундан кейин, Stalinни биз Кремль ҳавлисида кўрамиз.
Зинада унга газета мухбири яқинлашади. Мухбир ўртоқ Stalin-
дан Ленин вафотига некролог сўрайли.

— Некролог берилмайди, — деб жавоб қайтаради ўртоқ Stalin,
— Лениндек кишилар ўлмайдилар. Ленин ҳаёт ва бизнинг
орамизда мангубашариятни сўрайли.

Stalin ўз кабинетига киради, иш столи ёнига ўтиради. Келажак ҳақидаги фикрлар, ўйлар унга йўлдош бўлади. Унинг
кўз олдида Leninнинг халқ олдида, минбарда сўзлиётган пайти
гавдаланади. Lenin образи буюк дохининг кўз олдидан бир
лаҳзага ҳам нари кетмайди, шунда ўртоқ Stalin қўлига қалам
олади. Одпоқ қоғозга Leninнинг расмини чизади, тасвирлайди. .

Ўша оғир мусибат кунларида бутун мамлакат башариятнинг
севимли доҳиси Lenin блан видо'лашади. Халқ Қизил Майдонга
тўпланади. Горкада Lenin блан хайрлашган Varvara Mihaylovna,
украин, грузин, ўзбек ва бошқа халқларнинг вакиллари ҳам
шу ерга келадилар. Партия ва ҳукумат вакиллари Кремль дар-
боэасидан чиқиб, халқ тўпланган ерга келадилар. Шу ерда ўр-
тоқ Stalin буюк Lenin ишига садоқатини изҳор қилиб, бутун
халқ номидан қасам ичади...

„Қасам“ фильми ўртоқ Stalinнинг мана шу улуғвор қасами-
га ҳам шу қасамнинг йигирма йил давомида изчиллик блан
амалга оширилишига бағишлиланган.

„Қасам“ фильми шунинг учун ҳам катта муваффақият қозон-
дики, унда совет давлатининг босиб ўтган тарихий йўли; совет
халқининг шонли кураш ва фидокорона меҳнат йўли совет
кишиларининг куч ҳам құдрат манба лари ҳаққоний равишда,
чинакам бадий манзаларда тўғри кўрсатиб берилган.

Биз „Милтиқли киши“, „Ленин Октябрьда“, „Ленин 1918-нчи
йилда“ — деган энг яхши фильмларни кўриб қувонганимиз.
Бу фильмларда ҳам ўртоқ Stalin иштирок этган. Аммо „Қасам“

фильмида биз буюк Сталинни бир неча күринишлардагина әмас, балки картиининг бошидан охиригача күрамиз. „Қасам“ — совет халқини ғалабадан-ғалабага етаклад борган дохий ва саркарда, Генералиссимус Сталин тұғырсыда яратылған буюк фильмдир.

„Қасам“ фильм мининг авторлари ўз олдиларига оғир ва шарафли вазифани құйғанлар ҳам бу вазифани катта мұваффәқият блан бажарғанлар. Улар партия ва ҳукуматимизнинг буюк йүлини — халқнинг бағыт-саодат йүлини юксак бадий савиядада күрсатып береділар. Шунинг учун ҳам бу янги фильм совет кишиларнинг юрагига яқин ва жонажондид.

Фильмда йигирма йилдан ортиқ бир давр ичиде бўлиб ўтган воқиалар бирин-кетин, изчиллик блан күрсатилади. Йигирма йиллик буюк тарихимизни бир фильмда күрсатып бериш албатта жуда оғир вазифа эди. Бу улуғ жанг ва кураш йилларини „Қасам“ фильмида бутун тұлалығи блан күрдик. Ленин вафотидан то улуғ Ватан уруши ғалабамиз блан яқунланған күнларгача бўлған давр, Сталин даврининг бутун мазмуни мазкур фильмда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

„Қасам“ фильмидаги вәқиалар, күринишлар совет тамошабинлари ўз бошидан кечирған унитилмас воқиэлардир.

1924 йилда, Қизил Майдонда, ўртоқ Сталин қасам'ёд қылган пайтдаги күриниш юракларни ҳаяжонга солади, улуғ ишимизга ишонч, яна юксалишимиз учун илҳом бағишлиади.

Бу ерда Сталин блан бирга бугун халқ — рус Варвара Михайлова, грузин Георгий, ўзбек Юсуф ҳам қасам'ёд қиласди. Улар улуғ Лениннинг васиятларини орышмай амалга оширишга онд ичадилар. Шундан кейин, экранда Сталин беш йилликлари, мамлакатни индустрялаш ва колективлаш жараённи, совет давлатининг мустаҳкамлаш, Қизил Армиянинг құдратини ошириш, халқ турмушининг фаровонлиги ҳақидаги Сталинчағамхурлиқ — булар ҳаммаси кўз олдимиздан ўтади.

Биз буюк совет Иттилоқида — халқларнинг биродарона оиласида юз берган ўзгаришларнинг, чөр Россияси даврида мазлум, қашшоқ бўлған халқларнинг турмушки ва маданияти бениҳоя яшнаётганини күрамиз.

Ниҳоят, фильмда Ватан уруши, халқимизнинг бу урушда күрсатган мардлиги ва фидокорлиги, фашизмга қарши оғир жанглар, Сталинград жангы ва буюк ғалабамиз күрсатилади. Биз буларнинг ҳаммасини күрамиз ҳамда Сталин генийсининг енгилмас ҳаётін күчига, бу даҳо бизларни бундан кейин ҳам зўр янги ғалабаларга бошлаб боражагига ишонамиз.

Фильмда тарихий воқиалар чуқур баданий ҳаққоният блан күрсатилади. Варвара Михайлова — тарихий шахс әмас. Лекин у барча совет хотинлари, оналарининг реаль, мужассам образидир. Шу она, Қизил Майдонда, ўртоқ Сталин қасам'ёд қилаётгандай пайтда, уни Ленин ишини давом қылдыручи йўлбошчи деб билади ҳам Ленин номига ёзилған мактубни Сталинга топширади. Бутун халқ Сталин букуннинг Ленини эканини яхши билади.

С. Гианцинто娃 Варвара Михайлова образини жуда яхши

яратган. Биз Варвара Михайловна сиймосида барча доно оналаримизни кўрамиз. Ўз оиласининг ташвишлари ва юртнинг андешалари блан яшайди. Шу меҳрибон она учун унинг партияйи бурчи, большевистик иши биринчи ўринда туради. Варвара Михайловна ватан олдиаги бурчини бажаришга ўзининг ва балаларининг ҳәётини боғишлади. Бу садоқатли она ўз тақдирини юрт тақдиди блан чамбар-част боғлаган. Варвара Михайловна фильмнинг аввалида, ўртасида ҳам охирида Кремльда пайдо бўлар экан, томошабин буни тарихий зарурият деб билади. Петрова барча оналар номидан гапиради, у оналик меҳрини ватан севгиси блан қўшиб юборган хотиндир.

Варвара Михайловна ўз ишини ёмон бажаручи, давлат ишига беларво катта ўғлини танқид қилади, уни қайта тарбиялайди ва социализм иши учун курашчи қилиб еткизади.

Петрованинг ўртоқ Сталин блан учрашув картиналари айниқса самимий ва ҳаяжонлидир. У, барча оналар номидан гапириб, ўртоқ Сталиндан уруш бўлмасмикин? — деб сўрайди.

— Бўладиганга ўхшаб турибди... Урушсиз ўтолмайдиганга ўхшаб турибмиз, — деб жавоб беради ўртоқ Сталин.

Бу ҳаққоний сўзлар Варвара Михайловнани ҳаяжонлантиради, уни эўр ташвишга солади.

— Бўладиган бўлса, биз ҳаёт вақтимиизда бўлгани яхши, Иосиф Виссарионович, — дейди у. — Болаларимизга евгилроқ бўлади.

Сталин ролини ижро этган М. Геловани ва Варвара Михайловна ролини ижро этган С. Гиацинтыова бу ажайиб саҳнани катта маҳорат блан ижро этдилар. Улар Ленин-Сталин партиясининг улуғ ғояларидан илҳомланган ҳолда ўйнадилар. Бу ва шунга ўхшаган кўп жиддий кўринишлар масала айrim шахсларнинг тақдиди устида эмас, балки бутун халқнинг, катта юртнинг тақдиди устида бараётганини сезидириб туради. Биз оддий она блан буюк даҳий ўртасида бўлган суҳбатдан Сталин блан бутун халқнинг гаплашаётганини тушинамиз.

Фильмда бундай мазмунли ва жуда яхши ижро этилган саҳналар кўп, асосий рольларни ижро этган артистлар одамларнинг гражданлик ва ватанпарварлик кайфиятини жуда тўғри очиб бераолганлар. Шунинг учун ҳам „Қасам“ фильмни шу қадар катта ҳаётий кучга эгадир.

Бу катта фильмнинг марказида ўртоқ Сталиннинг образи туради. Тамошобин Сталин пайдо бўлган саҳналарни ҳаяжон блан кўради. Унинг қалбида севимли доҳига бўлган муҳаббат, жонажон она-ватанга садоқат ҳисси жўш уради.

Совет даврининг турли босқичларида ўртоқ Сталин гапирган ҳаётбахш гаплар фильмда жуда ўринли берилган. Сталиннинг нутқлари ва докладлари, унинг меҳнаткашлар блан қилган сұхбатлари, кундалик кўрсатмалари мамлакатимиз халқларининг бундан кейинги яшнаши учун, ғалабалардан-ғалабаларга бориши учун, энг яхши қўлланмадир. Фильм авторлари, бу нарсани реаль равища, катта маҳорат блан кўрсатиб бераолганлар.

Доҳининг халқ блан мустаҳкам алоқасини биз экранда муттасил кўриб борамиз. Кремль ҳавлисида, биринчи трактор ёнидаги вақиға, мамлакатни индустрялашга тиш-тирноғи блан қарши турган душманлар адресига Сталиннинг айтган кинояли сўзлари мамлакатимизни саноатлашган қудратли давлатга айланаж агидан далолат беради.

Ўртоқ Сталин Волга бўйига — Сталинградга трактор заводи қурилишига келади, қаттиқ жанглар блан озод қилинган бу мұқаддас шаҳарда буюк гигант тиклашга бош бўлади.

Ўртоқ Сталин чет эл матбуотининг муҳбири блан учрашган картина ҳам жуда ҳаяжонли. Бу ерда ўртоқ Сталин муҳбирининг саволларига ўтли киноя блан жавоб беради. Тамошобин доҳининг халқ кучига ва садоқатига бўлган буюк ишончини яққол кўради.

Мана бу ҳамма қўринишларда артист М. Геловани ўртоқ Сталиннинг образини ҳақиқий сан'ат ва маҳорат блан яратиб берсаолган.

„Қасам“ фильмида жуда кўп воқиалар ва жуда кўп иштирок этучилар бор. Бу жиҳатдан „Қасам“ жуда мураккаб асар ҳисобланади. Режиссер М. Чиаурели мана шу мураккаб саҳналар, оммавий қўринишларни муваффақият блан постановка қилаолган.

Фильмда турли қардош халқларнинг вакиллари ягона бир оиласнинг дўст фарзандлари сифатида яхши кўрсатилган.

Ўзбек халқи ўз фарзанди Юсуф Турғунбоевни фильмда кўриб у блан фахрланади.

Турғунбаев (артист А. Исматов) Горкага — Лениннинг олдига боради. У, Лениннинг вафотидан қаттиқ қайғиради, Москва Қизил Майдонида Сталин блан бирга қасам'ёд қиласди.

Юсуф Турғунбоев ўзбек халқи номидан гапириб, Ўзбекистон пахтачилиги учун сув кераклигини, сувни кўпайтириш учун эса каналлар қазиш лозимлигини ўртоқ Сталинга айтади.

Ўртоқ Сталин ўзбек халқининг илтимосини қондиради. Экранда катта Фарғона каналининг очилиш манзараси кўрсатилади.

Улуғ Ватан уруши бошланган кунлар, ўзбек халқининг фарзанди Турғунбоев, қўлига қурол олиб фронтга боради ва немис-фашист босқинчиларга қарши мардларча курашади.

Совет халқлари орзиқиб кутган буюк ғалаба кунлари келади. Ўртоқ Сталин ғолибларни Кремльда қабул қиласди. Биз Юсуфни шу ерда кўрамиз.

Мана шу қўринишларнинг ҳаммасида артист А. Исматов маҳорат блан ўйнайди. У, совет кинематографиясининг әнг яхши сан'аткорлари блан бир қаторда, ўзига юклangan мас'улиятли рольни муваффақият блан бажарди.

„Қасам“ фильмида халқлар дўстлиги ғояси олға сурилган. Бу ғоя турли миллат фарзандлари сиймосида ёрқин ифодаланади. Ўзбек халқининг вакили ҳам ўзининг қаҳрамонлиги ва ҳалол миҳнати блан социализм қуриш учун курашган халқларнинг вакиллари сафида ишонч блан олға боради.

„Қасам“ фильмида душман вакиллари ўткур сатира остига олиниб кўрсатилади. Совет тузимининг ҳаётий кучи, партиямизнинг яшовчанғояси троцкичи-бухаринчи тўдаларни, душман агентларини маҳв этиб юборади. Шунингдек, чет эллардаги фашист груҳлар ҳам адолат қиличи блан чопиб ташланади. Бу жиҳатдан, урушдан илгариги франциянинг ташқи ишлар министри Боннэning типи характерлидир. Боннэning жиркенч кирди-корлари, ҳийла-найранглари картинада омонсиз равишда очиб ташланган.

Фильм совет халқининг фашистлар Германияса устидан буюк ғалабаси блан тамомланади. Халқимиз бу улуғ ғалабани тантана қиласи ва янги фидокорона меҳнатга бел берглайди. „Қасам“ фильмининг кўрган томошобин янги Сталинча бешйиллик планда кўрсатилган отамшумул вазифаларни бажариш учун илҳомланади.

Чинакам халқ асари бўлган жанговар „Қасам“ фильмининг яратилиши, барча биродар халқларнинг, шунингдек ўзбек халқининг ҳам кино сан'ати олдига янги катта вазифаларни қўяди.

Тошкент бадиий фильмлар киностудияси ҳозирги замоня мавзу'ида ҳануздагача бирорта картина, ғоявий-сиёсий ва тарбиявий жиҳатдан шу куннинг талабларига жавоб беролучи фильм яратгани йўқ. Сценариячиларимиз, режиссёrlаримиз энг муҳим замонавий мавзу'ларни унитиб қўйиб нуқул тарихий мавзу'лар ва афсоналар устида бош қатирмоқдалар.

Биз тарихий фильмларнинг ҳам катта аҳамиятга эга эканини э'тироф қиласимиз. Лекин шу блан бирга бадиий кино ходимлари олдига кўпроқ ҳозирги замон мавзу'лари устида ишлаш вазифасини қўямиз.

„Қасам“ фильмининг яратилиши кино сан'атимиз замонавий энг оғир ва мураккаб мавзу'лар устида иш олиб бориш ва халқни ҳаяжонлантиручи кучли бадиий асарлар яратиш даражасига кўтарилганини исботлади. Ўзбек киносининг А. Исматов, Пирмуҳамедов, О. Жалилов, Ҳамраев каби артистлари энг жиддий ва энг кучли образлар яратолажакларини бирнечча марта исбот қилдилар.

Ўзбек халқининг совет тузуми даврида қилган катта ишлари, сув ва нур учун, пахтачиликни юксалтириш соҳасида олиб борган кураши, янги сталинча бешйиллик план вазифаларини бажариш бобидаги жонбозлиги катта-катта замонавий бадиий фильмлар яратиш учун лойиқ мавзу'лар бўлаолади.

„Қасам“ фильмининг жуда катта муваффақияти ўзбек кино ходимларини янги ижодий ғайратларга илҳомлантириши керак.

ХАМИД ФУЛСОМ.

АСҚАД МУХТОР

ТАШВИШ

Драматург:

Қайси бир даврни олсам экан?... Ҳим...
 Бир теша тегмаган аср қолмалти.
 Ўнбеш... ўн тўрт... ўн уч... ҳа, топдим:
 Ўнинчи асрни ҳеч ким олмапти!

Театр директори:

Тож блан тахт учун зарга бизлар бой,
 Янги асар қўйсак — уч йиллик запас!
 Эҳтиёт чораси — яна ўнта ёй,
 Ўнбештacha қалқон буютирсан бас.

Тамошобин:

Бир медаль олмаган қадимги Тоҳир
 Ҳар куни саҳнани қилмаса канда,
 Бизнинг қўш орденли Эшмат ҳам, ахир
 Саҳнага чиқарса, араир эканда?

Наҳот замонларни кўролган одам
 Ёнида Эшматни кўзга илмаса!
 Одам ото блан момо Ҳавво ҳам
 Ҳали саҳнамизга кириб келмаса...

А Д А Б И Й Х А Ё Т

Ўзбекистон совет ёзучилари Союзининг Самарқанд облость бўлими 9-июльда Ҳамид Олимжон номли облость муздрам театрининг ёзлик биносида қардош қозоқ халқининг улкан оқини Жамбул Жаба евнинг 100 йиллик юбилейи мунасабати блан адабий кечада ўтказди.

Ке чага, шаҳар корхоналарининг ишчилари, партия ва совет ташки лотларининг хизматчилари, олий уқув юртларининг ўқитучи ва ўқ училаридан 800 дан ортиқ киши қатнашди.

Жамбулниң ҳаёті ва ижоди ҳоқида шоир Сайд Назар доклад қилди. Ёзучилар ва облость театрининг артистлари Жамбул шे'рлари ни ўқиб бердилар.

Ке ча охирида облость давлат театри катта концерт берди.

* * *

Шу йил август ойининг 19-да Тошкентда, Муқимий номли театрининг ёзик биносида отоқли ёзучимиз Ойбекнинг Сталин муроффотининг лауреати деган улуғ увонга сазовор бўлиши муносабати блан унинг ижодига боғишлиган адабий кечада бўлиб ўтди. Театр биноси халқ блан тўлди. Бунда партия, ҳукумат вакиллари, фан ва сан'ат арбоблари, ишчилар колхозчилар, интелигенция бор эди. Кечани очган ЎзССР Министрлари Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Иzzат Султонов, ўзининг кириш сўзида, бу ҳодиса шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимизнинг катта ютуғи, зўр тантанаси эканини ва ўзбек совет адабиётини яратишида ва уни ўстришда талантли ёзучи Ойбекнинг ролини айтиб ўтди.

Шоир ва адаб Ойбекнинг адабий фаолияти ҳақида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице призиденти ўртоқ Саримсоқов доклад қилди.

Ўртоқ Саримсоқов ўзининг мазмунли докладида Ойбек ижодининг бошлангич йилларидан тортиб, то ҳозирги даврига қадар кенг, муфассал тўхтаб ўтди.

„— Ойбек, — деди докладчи — талантли шоир сифатида ўзининг „Ўч“, „Дилбар давр қизи“, „Бахтигул ва Соғиндик“, „Жўра коғир“ каби поэмалари, яна бирқанча ажойиб ше'рий тўпламлари блан ўзбек совет поэзияси хазинасига катта улиш қушган уста шоирлардан биридир...“

„Ўзбек совет прозаси, деди ўртоқ Саримсоқов, — ўзбек совет поэзиясига нисбатан анча орқада эди. Сан'аткор ёзучи Ойбек, бу қолоқликка барҳам беришига бел боғлади. У, қисқа муддатда икки роман яратди: 1939 йилда „Қутлуқ қон“, 1941 йилда „Навоий“ романларини бостириб, улуг Ватан уруши темасида „Қуёш қораймас“ номли романини тутатаётир“.

Сўнгра, докладчи, ўзбек совет прозасини иттифоқ — адабиёти майдонига чиқазган устоз адабининг баланд шуҳратига сабаб бўлган ва уни Сталин мукофати лауреати каби улур уявонга мусассар қилган „Навоий“ романини кенг равишда таҳлил қилиб, юксак баҳо бериб ўтди.

Докладдан кейин, ЎзССР Мариф Министрлигидан ўртоқ Ҳ. Турсунов, Радио Комитетидан шоир Туроб Тўла, республика Ҳалқ Кутубхонасидан ўртоқ Усмонов, ЎзССР Рассомлари Союзидан Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ Сами' Абдуллаев, ЎзССР ҳалқ артисти Сора Эшонтураева ва бошқалар табрик нутқларини сўзладилар. Сталин мукофотининг лауреати шоир Faфур Fулом ва шоир Шайхзода ўзларининг Ойбекга боғишлиланган ше'рларини ўқиб бердилар.

Табрик нутқларига ва Иттифоқимизнинг узоқ шаҳарларидан олинган табрик телеграммаларга жавобан самимий ташаккур билдириб, Ойбек шундай деди:

„Менинг ижод соҳасида унча ҳам катта бўлмаган ишимни жонажон доҳимиз Сталин тақдирлади. Мен бундан чексиз миннат - дорман. Ленин-Сталин қуёшининг нурлари остида оламшумул ғалабаларга эришаётган қаҳрамон ҳалқимдан менинг қаламим кўп нарсалар қарэдор эканини жуда чуқур ҳис қиласман. Мен буни виждан блан ва яна зўр маҳорат блан ўтаяжакман“.

Кечанинг иккичи бўлимида пойтахтимизнинг машҳур сан'аткорларининг иштироки блан катта концерт берилди.

МУНДАРИЖА

„Звезда“ ва „Ленинград“ журнал- лари ҳақида ўртоқ Жданов доклади	3
Тошкент шаҳар ёзучиларининг йиғилиши	27
<i>M. Воҳобов</i> — Узбек совет ада- бийтининг большевистик гоявийлиги учун	33
<i>Абдулла Каҳҳор</i> — Кўччинор 45	
<i>Ҳамид Олимжон</i> — Россия	55
<i>Шайхзода</i> — Жамбул	57
Келгуси Корақалпоғистонга 58	
 <i>Аҳмад Боюонжон</i> — аму бўйида	64
<i>Жамбул</i> — Сталин, куйим сен учун 65	
Чин юракдан	67
Яна кўнди баҳт куши	68
<i>Ma'uf Ҳаким</i> — Ота (ҳикоя)	70
<i>Мирмуҳсин</i> — Колхоз мажлисида 79	
Пиллачи биби	80
Пода ўтлар тоғ этагида	81
 <i>M. Бобоев</i> — Кетманчи Қўмриҳон ҳақида кўшиқлар	82
<i>Ра'но Узоқова</i> — Зафарнинг ҳукми 83	

<i>Туроб Тўла</i> — Бир дона яхши гул 89	
Ажойиб табияти йигит	91

Сан'ат ва драматурги

<i>B. Шекспир</i> — Р	ва муълевиза 93
<i>C. Круковская</i> — Акаука рассо- лар	113

Танқид ва библиография

<i>С. Саримсоқов</i> —Отокли ёзучимиз	121
<i>Ғулом Карим</i> —Ҳамид Олимжон	129
<i>Э. Дилмуҳамедов</i> ва <i>P. Косивце</i> . Жамбул	142
—Ходи Зариф — 1916 йил миллый озодлик кўзғолсанининг ўзбек фольклорида акс этиши ;	145
<i>Асқад Мухтор</i> — „Пахтазор кў- шиқлари“	167
<i>A. Олимжон</i> — Жамбул ўлан- лари	171
<i>Ҳамид Ғулом</i> — Қасам	175
<i>Асқад Мухтор</i> — Ташвиш	181
Адабий ҳаёт	182

РЕДКОЛЛЕГИЯ: Оғбек (мас'ул муҳаррир), Ғафур Ғулом, Яшин, Уа-
ғун, Абдулла Каҳҳор, Шайхзода, Ж. Шарифий, М. Ашрафий, Сами¹
Абдуллаев. *Мас'ул секретарь: Ҳаҷрет Ҳаким.*

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“ № 7 — 8

Орган Союза Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кызыл Узбекистан“
Ташкент — 1946

„Шарқ Юлдузи“ редакциясишниң адреси:
Тошкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. телефон 33-881.

Босишга руҳсат этилди 2/XI-46 й. да. Р 07575. Көғоз формати 60x92/16. Босма листи 11,5
Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 3000. Изд. 211. Бадсси 10 сўм.

Тошкент, „Кызыл Узбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмахоаси. Заказ 584.



ТУЗАТИШ

Журналнинг 7-8 сонларида ўртоқ Ждановнинг „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақиғаги босилган докладида хатолар кетган, шунни қўйидагича тузатилиб ўқилсин:

12-ячи бет, пастдан 7-инчи сатр;
Бутун дунёда энг инқилобий бўлган ва бутун дунёда ҳаммадан олдинда бораётган совет адабиётининг гарбнинг бефазилат, доираси тор, суюқ ва bemaza буржуа адабиётига бундай кўнгил қўйиб, унинг олдида тиз чўкмоғи ша'нимизга муносиб ишми?

23-инчи бет, юқоридан 26-ячи сатр;
Бас, аҳвол бундай бўлгач совет адабиётининг вазифаси шуки, маданиятимизга, социализмга ҳужум қиласаётганларга зарба бериш блан бирга бу ифлос түхмат ва бўхтонларга қарши дадил ва мардонавор ҳаракит қилиб, фасод боғлаб ириб-чириб кетаётган буржуазия маданиятининг бутун маразларини очиб . шламоғи ва унинг устига ҳужум қилмоғи керак.

23-инчи бет, пастдан 2-инчи сатр;

Илғор совет маданиятининг намояндаси бўлган бизларга, биз совет ватанпарварларига, бундай павт буржуазия маданияти олдида бўйин эгмоқ ёки ўзимизни унга шогирд қилиб қўймоқ бизнинг ша'нимизга ярашадиган ишми?!

РЕДАКЦИЯ.